



АФСУН

НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАН
ЎЗУВЧИЛАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

84(0)
A 88



АФСУН



Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

У-2922/5



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2021

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(0)

А – 89

Афсун: Нобель мукофотига сазовор бўлган ёзувчиларнинг ҳикоялари. Тўпловчилар Жабборов Р. ва бошқ.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 272 б.

ISBN 978-9943-20-789-9

Мазкур тўплам турли йилларда адабиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритган бир қатор ёзувчиларнинг ҳикояларидан таркиб топган. Ушбу ҳикоялар жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинган ва миллионлаб ўқувчилар қалбидан жой эгаллаган.

Ушбу асарларда инсон руҳияти, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги муросасиз кураш, миллийлик ва умуминсонийлик, тарихийлик ва замонавийлик сингари тушунчалар ўртасидаги боғлиқлик ўзига хос тарзда ифодалаб берилган.

Китоб кенг китобхон оммасига мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларда адабиётга рағбат ва қизиқишни кучайтиришга, юксак эътирофга сазовор бўлган асарлар билан яқиндан таништиришга хизмат қилади.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(0)

Тўпловчилар:

Рустам ЖАББОРОВ,
Наргиза АСАДОВА

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан
нашрга тавсия этилган*

ISBN 978-9943-20-789-9

© «Афсун: Нобель мукофотига сазовор бўлган ёзувчиларнинг ҳикоялари». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

ЮКСАК ЭЪТИРОФГА МОЛИК АСАРЛАР

Нобель мукофоти Ер юзидаги энг нуфузли халқаро мукофотлардан бири бўлиб, ҳар йили илм-фанда инқилобий кашфиётларга қўл урган, маданият ва жамият ривожига улкан ҳисса қўшган инсонларга берилади.

Мукофот номи ва тарихи бевосита швед кимёгари ва муҳандиси Альфред Нобель билан боғлиқ. 1833 йилда Стокхольмда таваллуд топган Нобель ўз фаолияти давомида бир қатор кашфиётларга ҳам қўл урган. У 355 дан ортиқ ихтироси, жумладан, динамитни кашф этгани боис умри давомида каттагина бойлик тўплаган.

Ўз кашфиёти минглаб инсонларнинг ўлимига сабаб бўлишини умрининг сўнгида англаб етган Нобель бор сармоясини физика, кимё, тиббиёт, адабиёт, тинчликни сақлаш сингари йўналишларда катта ютуқларга эришган илм-фан, маданият ва сиёсат арбобларига йиллик мукофот тарзида беришни васият қилади. Унинг васиятига кўра, ушбу мукофотни беришда номзодларнинг ирқи, миллати, диний ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, энг муносибларга бериш белгиланган эди.

Мазкур васият Нобель ўлиmidан сўнг 1897 йил 26 апрель куни расман кучга киради.

Кейинчалик машҳур ихтирочининг васиятидан келиб чиқиб, турли йўналишлар бўйича Нобель қўмиталари ташкил этилади. Қўмиталар аъзола-

ри томонидан ҳар бир йўналиш бўйича голиблар аниқланиб, мукофотларни уларга турли илмий ва маданий муассасаларда тантанали равишда топшириш анъанаси йўлга қўйилди.

Жумладан, адабиёт бўйича Нобель мукофоти 1901 йилдан бошлаб ҳар йили Швеция академияси томонидан ўз эгаларига топшириб келинади. Ушбу мукофот биринчи бўлиб француз адиби ва публицисти Рене Франсуа Арман Прюдомга «Адабиёт соҳасидаги кўзга кўринарли ютуқлари, жумладан, асарларидаги юксак идеализм, бадий мукаммаллик, шунингдек, истеъдод ва руҳиятнинг ғайриоддий уйғунлиги учун» топширилган эди.

2020 йилга қадар дунёнинг турли мамлакатларидан 117 нафар адиб Адабиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритган. Улардан 16 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Қайд этиш жоизки, турли сабабларга кўра ўтган 120 йилга яқин вақт давомида фақат саккиз маротаба (1914, 1918, 1935, 1940–1943, 2018 йилларда) мукофот топширилмаган. Тўрт маротаба (1904, 1917, 1966, 1974 йилларда) мукофот икки нафар муаллиф ўртасида тенг тақсимланган.

Нобель тарихида адабиёт бўйича ушбу мукофотни қўлга киритган бошқа соҳа вакиллари ҳам бўлган. Улар орасида буюк британиялик сиёсат арбоби Уинстон Черчилль, немис тарихчиси Теодор Моммзен, америкалик мусиқачи Боб Дилан ҳам бор.

Муаллифларнинг 76 нафарини носирлар, 41 нафарини эса шоирлар ташкил қилади. Нобель мукофотининг энг ёш совриндори инглиз адиби Редьярд Киплинг бўлиб, у мукофотни қўлга киритганида 42 ёшда эди. Энг кекса ёшли лауреат эса 88 ёшда бу поғонани забт этган яна бир инглиз адибаси Дорис Лессинг бўлди.

Нобель жамғармаси низомига кўра, ушбу мукофотга номзодлар турли илмий ва адабий муассасалар, академиялар, институтлар вакиллари, адабиёт бўйича профессорлар, илгари шу мукофотни қўлга киритган адиблар, муаллифлик уюшмалари томонидан илгари сурилиши мумкин. Адабиёт бўйича Нобель қўмитасига топширилган аризалар Швеция академияси томонидан кўриб чиқилади ва ғолиб аниқланади.

Ўтган йиллар давомида Адабиёт бўйича Нобель мукофоти қўмитаси фаолиятига нисбатан бир қатор танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилган. Жумладан, мукофот, асосан, Америка ва Европа адабиёти вакиллари, хусусан, Скандинавия мамлакатлари (Норвегия, Швеция, Дания)га берилаётгани бошқа ҳудудлардаги зиёлиларнинг норозилигини ҳам уйғотган. Бу эса ўз навбатида, ўзига хос тарих ва анъаналарга эга бўлган Осиё ва Африка адабиёти Ғарбда етарлича шуҳрат қозонмагани билан изоҳланади.

Шунингдек, жаҳон адабиётида юксак мавқега эга Лев Толстой, Томас Вулф, Анна Ахматова, Карель Чапек, Харуки Мураками, Хорхе Луис Борхес, Чингиз Айтматов сингари етук шоир ва ёзувчилар номзоди турли сабабларга кўра Нобель қўмитаси томонидан рад этилган ёки тан олинмаган.

Ҳар бир ғолибга ушбу мукофот адибнинг муайян асари учун ёхуд унинг асарларида илгари сурилган умуминсонийлик, тенглик, эркинлик ғоялари, руҳий кечинмаларнинг ўзига хос инъикоси, воқеликни акс эттиришдаги янгича ёндашувлар, бадиийлик ва услуб уйғунлиги ва бошқа ўзига хос жиҳатлари учун тақдим этилади.

Айни пайтга қадар Нобель мукофотини қўлга киритган адибларнинг кўплаб асарлари турли даврларда ўзбек тилига таржима қилинган. Хусусан,

Габриэль Гарсиа Маркес, Пабло Неруда, Нажиб Махфуз, Михаил Шолохов, Орхан Памук сингари адиблари асарлари ўзбек тилига бир неча маротаба чоп этилган.

Мазкур тўплам ҳам айна пайтга қадар ўзбек таржимонлари томонидан ўгирилган асарлар орасидан танлаб олинди. Таржимонлар орасида атоқли устоз адиблардан тортиб, бадиий таржима маҳоратини эндигина эгаллай бошлаган ёш ижодкорлар ҳам бор. Шу боис таржималарнинг бадиий савияси бир-биридан бир мунча фарқланиши мумкин. Мазкур тўпламни тузиш, ҳикояларни саралаш асносида таржима ва аслиятдаги мутаносиблик, мазмун ва моҳиятни сақлаган ҳолда таҳрир ва қисқартиришларга ҳам йўл қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Муҳтарам ўқувчилардан Нобель мукофоти айнан тўпламдан жой олган ҳикоялар туфайли уларнинг муаллифларига берилган, деган хулосага бормасликни сўрардик. Ушбу тўпламдаги ҳикояларни адиблар мукофотни қўлга киритишдан аввал ҳам, кейин ҳам ёзган ёки адиблар бошқа асарлари учун ушбу мукофотга лойиқ қўрилган бўлишлари мумкин.

Муҳими, муаллифнинг ҳар бир асарида унинг истеъдоди, кучи, имкониятлари бўй кўрсатади. Ҳикоя қачон ёзилгани ва қандай эътирофга сазовор бўлганидан қатъи назар у ўз яратувчисининг ижодий меҳнати маҳсули саналади. Муаллифнинг иқтидори ва услуби ҳақида муайян тасаввур уйғотади. Қолаверса, адиб ҳар бир асарини ўз фарзандидек кўради, бирини бошқасидан устун қўймайди. Келгусида бу туркумни давом эттиришни, Нобель мукофотини олган ҳар бир адибнинг алоҳида тўпламларини таржима қилиш ва чоп этишни мақсад қилганмиз.

Бу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад эса ўзбек китобхонлари, барча адабиёт мухлисларини Нобель

мукофотига сазовор адиблар ижоди, уларнинг маҳорати ва имкониятлари билан яқиндан таништириб бориш эди. Зотан, вақти келиб, ўзбек адабиёти вакиллари орасидан ҳам ана шундай улуғвор эътирофга лойиқ адиблар етишиб чиқиши учун ушбу чуққини аввалроқ забт этган адиблар босиб ўтган йўлга, уларнинг бой ва сермазмун ижодига холисона назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди.

*Рустам ЖАББОРОВ,
Наргиза АСАДОВА,*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари

ГЕНРИХ СЕНКЕВИЧ
(1846 – 1916)
ПОЛЬША

Поляк адиби Генрих Иосифович Сенкевич 1846 йил 8 март куни Поляшанинг Подляшье губерниясига қарашли Воля-Окшейска шаҳарчасида туғилган. Бир қатор тарихий романлар муаллифи сифатида ном чиқарган. 1896 йилдан умрининг охирига қадар Санкт-Петербургдаги Императорлик фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган. Генрих Сенкевич Поляшада асарлари энг кўп босилган адиблардан бири саналади. 1944 – 2004 йилларида адибнинг асарлари салкам 36 миллион нусхада босилган. 1905 йилда Адабиёт бўйича Нобель мукофотини қўлга киритган. Генрих Иосифович Сенкевич 1916 йил 15 ноябрь куни вафот этган.

ФАРИШТА

Каликстовани кўмиб бўлгач, Деришкурово шаҳарчасида жаноза маросими бўлди, жаноза маросимидан кейин эса оятларни ниҳоясига етказиб қўйиш учун яна бир нечта кампир костёлда¹ қолди. Кун қиёмга келган, соат тўртлар чамаси эди, аммо қишда бу пайтда шом қоронғиси тушиб қоларди. Шунинг учун костёл ичи ҳам зим-зиё эди. Ҳаддан ташқари катта меҳроб зулмат қаърига фарқ бўлган, Биби Марям суврати ёнида ҳамон икки шам милтиллаб ёниб турар, уларнинг заиф алангаси олтин эшикчаларни ҳамда эшикчалар устидаги йўғон-йўғон михлар билан чормих қилинган хочдаги Халоскорнинг оёқларини ғира-шира ёритарди. Бу михларнинг қалпоқчалари меҳробда дум-думалоқ ялтироқ нуқтадай кўзга ташланарди. Қолган шамлар яқинда ўчирилган, улар устида тутуннинг ингичка торлари эшилиб, ҳавони ибодатхонага хос мум ҳиди билан тўлдирган эди.

Меҳроб пойида бир чол билан бола ивирсир эди. Бири ер супурар, иккинчиси гиламни зинапоядан йиғиштириб оларди. Кампирлар қироатдан тўхтаганда чолнинг болакайни жаҳл билан пичирлаб сўкаётгани ва қор ўтириб қолган деразаларга чумчуқлар келиб урилаётгани қулоққа чалинар, жониворлар совуқ ва очлик азобидан ўзларини қаерга уришни билмаётганди, чоғи.

¹ Костёл – церков, ибодатхона (поляк).

Аёллар китобчалари билан эшик олдидаги ўриндиқда ўтиришарди. Бир нечта мойчироқни ҳисобга олмаганда, у ер ҳам янада қоронғироқ эди, ўқишга осон бўлсин деб, мойчироқларни ёқиб қўйишганди. Бир мойчироқнинг алангаси дўзах ўти ва шайтонлар тасвири туширилган гуноҳкорларни, олдинда турган ўриндиққа маҳкамлаб қўйилган туғни анча дуруст ёритиб турарди. Бошқа туғларда эса бирор нарсани на ўқиб, на англаб бўларди.

Ўриндиқларда ўтирган хотинларни китоб ўқишга эмас, уйқули товушлар билан оятларни мингирлаб такрорлашга эди, деса бўлар, улар биргина байтни замзама қилар эдилар:

*Келганида ўшал Охират куни
Ўзинг қўлла, Тангрим, биздайин қулни...*

Костёлда ҳукм сурган нимқоронғилик, харрақлар узра осилиб турган туғлар, кампирларнинг малла юзлари, шамларнинг ўчай-ўчай деган алангалари – булар бари кўнгилни ғуссага тўлдириб, ҳатто ваҳимага соларди. Мунг ила хомуш ўқиладиган дуолар тева-рак-атрофга жуда-жуда мос тушган эди.

Аҳён-аҳёнда аёллар қироатдан тўхташарди; улардан бири харрақдан турарди-да, титроқ овозда дерди: «Биби Марям, бокирам, қувна». Қолганлар унинг изидан жўр бўларди: «Тангри сенга ёр бўлсин...» Ўша куни Каликстовани дафн этганлари боис улар «Биби Марям»дан кейин қўшимча қилар эди: «Фалаклар Парвардигорисан ва мангулик маскани эгасисан, илоҳо, марҳума қулингдан мангу марҳаматингни дариг тутмагайсан».

Каликстованинг қизалоғи Марися кампирлардан бири ёнида харрақда ўтирарди. Бу вақтда

онасининг қабри устига енгил қор зарралари келиб қўнмоқда, бироқ қизалоқ энди ўнга кирган бўлиб, афтидан, у на бошига тушган мусибатни, на бундай пайтдаги алам-изтиробларни ақлига сиғдира оларди. Унинг лўппи юзи ва катта-катта мовий кўзлари болаларча беғам боқар, ҳатто бироз қувноқ ҳам эди. Бу кўзларда одатдаги қизиқишдан бошқа ҳеч нарса сезилмасди. Оғзини очганча у дўзах оловида куяётган гуноҳкорлар тасвири ишланган тугга диққат билан қараб турарди, кейин нигоҳини костёл тўрига олди, кейин чумчуқлар келиб урилаётган деразага қаради.

Унинг кўзлари ўша-ўша бефарқ боқарди. Бу орада кампирлар уйқули товушларда ўнинчи бор минғирлашга тушишган эди:

Келганида ўшал Охират кун...

Қизалоқ орқасидан иккита сичқон думидек қилиб ўрилган малла сочини бармоғига айлантириб ўйнарди. У, ҳойнаҳой, зерикаётган эди. Бир пайт унинг эътиборини ер супуриб юрган чол тортди. Чол костёл ўртасига чиқди-да, шифтдан осилиб турган тугунли арқонни силкий бошлади. У марҳума Каликстова ҳурматига қўнғироқ чаларди, аммо бунини у мутлақо ўзича, эҳтимолки, бошқа бир нарсани ўйлаб қилаётганди.

Ушбу қўнғироқ овози яна кечки ибодат тугаганини билдирарди. Тангридан ўзларига осон ўлим юборишини тилаб айтилган муножотларни сўнгги марта такрорлаб, кампирлар костёлдан чиқиб, бозорга йўл олишди. Улардан бири Марисянинг қўлидан ушлаб олди.

– Куликова, – сўради ундан бошқа аёл, – қизалоқни нима қилмоқчисиз энди?

– Нима қилардим? Пochтага юборишган Войтек Маргула Лешинецга қайтиб кетяпти, ўша олиб кетади-да. Бошқа уни қаёққа юборай?

– Лешинецда қиз нима қилади?

– Э-эй, дугона! Бу ерда нима қилса, шуни қилади-да. Қаердан келган бўлса, ўша ерга боради. Кўриб турибсан-ку, қўрғонда ҳам етимларга бошпана беришяпти, одамлар уйларида тунагани қўйишяпти.

Шу тариқа суҳбатлашганча улар бозор майдонидан юриб ўтиб, қовоқхонага боришди. Атрофга қоронғилик чўқмоқда эди. Қишнинг сокин об-ҳавоси ҳукм сураб, осмонни булут қоплаган, ҳаво нам, димоққа эриган қор ҳиди уриларди. Томлардан чак-чак этиб томчи томади, майдонни ифлос қор шилтаси ва похол қоплаган. Уйчалари чўкиб, тўкилиб тушгудек бўлиб ётган шаҳарча ҳам худди костёлдагидек бефайз, мунгли эди. Яккам-дукам деразаларда чироқ милтиллайди, кундузги чопа-чоплар тинган, фақат қовоқхонада шарманканинг инграган овози, меҳмонларни чорлагани эшитилади. Қовоқхонада жон асари кўринмасди. Кампирлар қовоқхонага киришди, арақ ичишди. Куликова ва Марисяга ярим қадахдан манзират қилишди:

– Ма, ютиб ол. Энди етимчасан, энди бошингни силагувчи ҳеч киминг йўқ.

«Етимча» сўзи дугоналарга Каликстованинг ўлимини эслатиб юборди.

– Сизнинг соғлифингиз учун, Куликова! Қолдирмай ичинг! – деди Капустинская. – Э-эй, қоқиндиқлар-а! Шундоқ оғзини очди-ю, жон берди-қўйди, осонгина кетди. Ксендз¹ истиффор айтгани келди, у бўлса аллақачон қотиб бўлибди.

¹ Ксендз – католик дини руҳонийси (поляк).

Куликова унга жавобан деди:

– Мен анча олдин айтгандим-а, хириллаб нафас оляпти, деб. Тунов куни якшанбада олдимга келганди, ўшанда унга айтдим: «Ҳой Каликстова, бепарво бўлманг, Марисяни қўргонга бериб юборсангизлар, яхши бўларди», деб. У эса: «Дунёда шундан бошқа ҳеч кимим йўқ, уни ҳеч кимга бермайман», деди. Шундай деяпти-да, кўзларидан дувиллаб ёш тукиляпти, адои тамом бўлгани шундоқ кўриниб турибди. Кейин идорага, аминнинг олдига борибди, қоғозларини тўғрилагани. Бу қоғозлар тўрт злотий ва олти грошга¹ тушибди унга. «Қизим учун кетса-кетибди», дейди. Э-эй қоқиндиқлар! Ўшанда ўзи кўзларининг пахтаси чиқиб кетаётувди, ўлганидан кейин бутунлай юмилмай қолди. Уларни юммоқчи бўлиб роса уриндик, қани энди юмилса. Одамлар, ўлганида ҳам қизидан кўзини узолмади, дейишди.

– Келинлар, шунинг қайғусига бир стакандан ичайлик!

Шарманка ҳамон ғийқиллагани-ғийқиллаган эди. Кекса дугоналар ширакайф бўлиб қолишганди. Куликова нуқул шикоят оҳангида: «Шўрлик қизим, шўрлик қиз», – деб такрорларди. Капустинская эса ўзининг марҳум эрини эслаб кетди:

– Жон бериши қийин бўлди, эргинамнинг, хирр-хирр қилиб, хирр-хирр қилиб, хирр-хирр қилиб... – Битта гапни қайтарарди у сўзларни чўзиб-чўзиб, сўнг эса шу сўзларни беихтиёр шарманка оҳангига солиб айта кетди, салдан кейин икки қўлини бе-лига қўйиб, қўшиқ қилиб кўйлай бошлади:

*Хирр-хирр қилиб, хирр-хирр қилиб,
Хирр-хирр қилиб ўлди бегим!*

¹ Злотий, грош – Польша пул бирликлари, бир злотий 100 грошга тенг.

Бир вақт Капустинская ҳўнграб йиғлаб юборди, шарманкага олти грошни итқитди ва яна арақ ичди. Куликованинг ҳам кўнгли бузилиб кетди, аммо у қайғусини Марисяга тўкди:

– Онангни гўрга тиқишаётганда пан ксендз айтган гапларни эсингдан чиқарма, етимча: сени пиришта сақлайди... – Шу жойда у бирдан жимиб қолди ва атрофга ҳайратли қараб қўйиб, кутилмаганда қатъий оҳангда қўшиб қўйди:

– Пиришта дедимми, демак, пиришта!

Ҳеч ким уни масхара қилмади. Мўлтайган, нодон кўзчаларини пирпиратиб Марися ночор Куликовага тикди, кампир эса вайсаб кетди:

– Сен етимчасан, инс-жинслар сенга яқин йўламайди. Етимни пиришта сақлайди. Пиришта меҳрибон. Мана сенга ўн грош. Яёв бўлса ҳам Лешинецга бор, барибир адашиб қолмайсан: у сени олиб бориб қўяди.

Капустинская куйлай кетди:

*Қанотлари остида асрагай абад,
Келтирма шак унинг меҳрига минбаъд.*

– Жим! – қичқирди Куликова ва яна Марисяга юзланди: – Айт-чи, нодон қиз, ким сақлайди сени?

– Пиришта, – ингичка овозда жавоб берди қизалоқ.

– Етимчагинам, етти кулчагинам, мусичаи безаволгинам! Пиришта қанотлари билан сақлайди сени, – бутунлай кўнгли эриб кетиб, ғудранди Куликова ва кайфли, аммо самимий эҳтирос билан қизалоқни кўкрагига босди.

Қизалоқ йиғлаб юборди. Шу аснода унинг унча фаҳмли бўлмаган мияси ва мурғак кўнглида эҳтимол, қандайдир фаросат учқунлари йилтиллай бошлаганди.

Қовоқхона эгаси пештахта ортида донг қотиб ухларди, шамлар эса эрийвериб, замбуруғларга ўхшаб қолган, шарманкачи чалишдан тўхтаган, кўз олдида рўй берган манзарага маҳдиё бўлиб қолганди.

Қовоқхонага жимлик чўкди, аммо шу пайт эшик ортидан туёқларнинг лойга урилган овози чалинди ва кимдир:

– Дррр! – деди қичқириб.

Қўлида ёниқ фонус тутган Войтек Маргула кириб келди. У фонусни полга қўйиб, исиниб олиш учун қўллари билан чапак чала бошлади, кейин эса қовоқхона эгасига қараб қичқирди:

– Бир стакан қуй!

– Маргула, Худо хайрингни берсин, – деди Куликова, – қизчани Лешинецга олиб кет!

– Бир оғиз сўзингиз, хонимча, – жавоб берди Маргула ва хотинларга тикилиб қараб, сўз қотди: – Оббо, улфатчилик зўр бўлганга ўхшайди-ку, а?

– Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан, – уришиб берди уни Куликова.

– Қизчани сақлаб қол дедимми сенга, демак, сақлаб қол. Етим қолди у. Уни ким сақлашини биласанми ўзи, пайтавақулоқ?!

Бироқ Войтек жавоб беришни ўзига эп билмади: бу нарсалар уни қизиқтирмаслиги шундоқ ҳам маълум эди, унинг дарди хаёли бошқа ёқда, яъни бир стакан арақда эди.

– Сизларга... – деб гап бошлаган эди-ю, аммо гапини тугатолмади, чунки шу паллада арақни оғзига отиб улгурган эди, афти бужмайди, тупурди ва стаканни қўйиб, норози оҳангда деди: – Бу арақ эмас, сув-ку. Бошқа шишадан қуй-чи!

Қовоқхона эгаси бошқа шишадан қуйди. Войтек уни ҳам сипқорди ва афти баттар бужмайди:

– Ўткироғидан топсанг-чи, барака топгур!

Маргула ҳам кампирларнинг ҳолига тушиши аниқ бўла бошлаганди. Бироқ шу ўринда бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керак: худди шу кунларда Деришкурово боёни бир журнал учун «Заминдорнинг мусалласни насияга улгуржи сотиб олиш ҳуқуқи – ижтимоий тузум негизи» деган мавзуда муфассал ва мукаммал рисола ёзмоқда эди. Шундай қилиб, ўзи билмаган ҳолда Войтек ижтимоий устқурмаларнинг мустаҳкамланишига ҳамкорлик қилмоқда эди, боз устига, бу майхона гарчи шаҳарда яшаса-да, боёнга қарар эди.

Қаторасига беш марта ўз ҳиссасини қўшиб, Войтек ўз-ўзидан равшанки, пилиги ўчиб қолган фонусни унутди, аммо Марисяни унутмади. Уйқу-сираган қизалоқни қўлидан ушлаб, у деди:

– Қани, чиллашир, кетдик!

Кампирлар бурчақда пинакка кетган бўлиб, ҳеч ким Марися билан хайрлашмади. Начора, дунёнинг ишлари шунақа экан-да: она Деришкурово-даги қабристонда ётиб қолаверди, қизи эса қайдасан Лешинец, деб жўнаворди.

Улар ташқарига чиқиб, чанага жойлашишди; Маргула: «Чў-ў!» – деб қичқирди ва отлар қўзғалди. Аввалига чананинг кўча лойларида юриши қийин бўлди, бироқ кўп ўтмаёқ отлар уларни кенг ва оппоқ далаларга олиб чиқди. Чана қордан енгил сирпаниб борар, сирғалган чана оёқларидан эшитилар-эшитилмас гичирлаган овоз қулоққа чалинарди. Фақат ўқтин-ўқтин от пишқириб қўяр ҳамда аллақер олисларда ит ҳурар эди.

Улар шу тахлит анча йўл босишди. Войтек минғиллаганча хиргойи қилар эди: «Не ваъда қилгандинг, ҳой, бекорхўжа...» Бироқ салдан кейин у жимиб қолди ва мудрай бошлади. Чана гоҳ ўнг, гоҳ сўл томонга чайқаларди. Войтек туш кўрди: гўё Лешинецда хатлар солинган сумкани йўқотиб

қўйгани учун бошлаб бўйнига туширишганмиш, уйқу аралаш у дам-бадам: «Сизларними, ҳали!..» деб гудраниб қўярди. Марися ухламади, у совқотган эди. Кўзларини катта-катта очганча дам-бадам Маргуланинг қоп-қора гавдаси тўсиб қолаётган оппоқ далаларни томоша қиларди. Томоша қиларди-да, «Ойижоним ўлиб қолди», – деб ўйларди. Шунда унинг хаёлида кўзлари олайиб кетган онасининг оппоқ озғин чеҳраси намоён бўларди. У жонидан яхши кўрган ойижониси энди Лешинецда йўқлигини ва бошқа ҳеч қачон у ерда бўлмаслигини ғира-шира англай бошлаганди. Ахир, уни ерга қандай кўмишганини ўз кўзи билан кўрган эди. Булар барчасини эслаб, Марися қайғудан йиғлаб юборар ҳам эди, аммо унинг оёқлари музлаб кетганди ва у совқотганидан йиғлаб юборди. Нафсиламрини айтганда, ҳаво у қадар совуқ эмасди, аммо намгарчилик кучли эди – ўзи эрувгарчилик бошланганда доим шунақа бўлади.

Войтек, ҳеч бўлмаганда, қовоқхонада ўзи учун иссиқни яхшигина ғамлаб олганди. Деришкурволик боён жуда топиб айтганди: «Қишда арақ исилади, у эркаклар ичимлиги бўлгани учун эса ягона овунчоқ, бинобарин, йирик заминдорларнинг бу эрмакни халқ ичига олиб кириш ҳуқуқидан батамом маҳрум қилиб, уларни ичкиликка таъсир кўрсатиш имконидан ҳам жудо этадилар». Бу гал Войтекнинг қовоқхонада шунақанги «бити тўкилди»ки, дунёни сув босса, тўпифига чиқмайди.

Ўрмонга етгач, бу ернинг йўли бошқа жойлардагидан анча яхши бўлишига қарамай, отлар қоқилиб кетганида, кейин эса чанани йўл чеккасидаги ариққа ағдариб юборганида ҳам Войтекнинг парвосига келмади. Тўғри, у уйғонди, аммо нима бўлганини фаҳмлай олмади.

Марися уни турткилай бошлади:

- Амаки!
- Нимага чийиллайсан?
- Афдарилиб кетдик.

Бироқ Войтек тўнғиллаб: «Стаканда арақ бор, дейсанми?» – деди-да, яна қаттиқ уйқуга кетди.

Ғужанак бўлиб олган қизалоқ чана ёнига келиб чўнқайди. Бироқ кўп ўтмай, унинг юзи бутунлай музлаб қолди ва у яна ухлаётган кишини турткилади:

- Амаки!
- Жавоб бўлмади.

– Амаки, уйга боргим келяпти! – деди Марися ва бирпас туриб, қўшиб қўйди: – Амаки, мен яёв кетаман!

Шундай деди-да, қизалоқ йўлга тушди. Унга Ле-шинецгача жуда яқин қолгандек туйилганди. Йўл таниш эди, у ҳар якшанбада онаси билан костёлга шу йўлдан юриб борар эди. Лекин бутун у ёлғиз бормоқда эди. Эрувгарчилик бўлишига қарамай, ўрмонда қор қалин эди. Лекин тун сутдай ёруғ эди. Қор йилтилар, сукунатда булутлар оқариб кўри-нарди, шу ёғдулар туфайли йўл худди кундуздагидек эди. Нигоҳини қоп-қоронғи ўрмон ичига қадаб, Марися узоқдаги дарахтларнинг ҳаракатсиз таналарини аниқ-тиниқ фарқлар, оппоқ қорда улар кўзга янада яққолроқ ташланарди. Ердан то дарахт учигача ёпишган қорларни ҳам кўрар эди. Ўрмонни қандайдир сирли осудалик чулғаб олганди, шу нарса қизалоққа далда бўлмоқда эди. Қалин муз қатлами боғлаган бутоқлардан томчилар томар, шох ва шохчаларга урилиб, оҳиста шитирлаганча майдаланиб кетарди. Бу заиф шитирлашни ҳисобга олмаса, ўрмон сув қуйгандек жимжит эди. Гунглик, овлоқлик, сукунат ва қор, чор-атроф қор.

Шамол тинган. Қор қўнган шохлар қилт этмайди. Ҳамма нарса қиш уйқуси қўйнида. Гўё ер юзига

ёзилган оппоқ дастурхон, хомуш, қор сепилган ўрмон ва осмондаги оқиш булутлар – барча-барчаси бир яхлит ўлик оқликка қоришиб кетган. Эрувгарчиликда ўзи шунақа бўлади. Худди кичкинагина нуқтадай, мана шу гунг паҳлавонлар орасида ҳаракат қилаётган ягона тирик мавжудот Марися эди. Ёқимли, меҳрибон ўрмон! Томаётган мана бу сув эмас, балки етимча устига тўкилаётган кўз ёшларидир? Осмон барабар дарахтлар, аммо миттигина қизалоқни қандай авайлаяпти. Ғариб, заиф қизалоқ тунда ёп-ёлғиз қор қоплаган ўрмондан юриб бормоқда, ўзига ишонгани шунчаликки, ҳеч нарсани писанд қилмаяпти! Сутдай оппоқ тун гўё уни қўриқлаётгандай. Бунда қандайдир инсон ақли бовар қилмайдиган бир сеҳрли нарса бордирки, увовдеккина ҳимоясиз хилқат бу қадар қудратли кучга инонаётир. Шундайин, бутун борлиқ ўзини Яратганнинг иродасига топширади. Қизалоқ узоқ юрди ва охири бутунлай ҳолдан тойди. Катта-катта оғир этиклари унинг юришига халақит бермоқда эди, этиклар дам сайин жажжи оёқчаларидан ечилиб кетмоқда эди. Бу қўпол этикларни қор орасидан суғуриб олишнинг ўзи бўладими. Бунинг устига, унинг қўллари ҳам банд: олдинга тик узатилган бирида у Куликова ҳадя қилган тангачани маҳкам қисиб ушлаб олганди. Қизалоқ уни қорга тушириб юборишдан қўрқаётганди. Баъзан қизалоқ овозини баралла қўйиб йиғлашга тушарди, аммо йиғлаганимни биров эшитиб қолмадимикан, дегандек ўша заҳоти жим бўларди. Бўлмаса-чи, унинг йиғлаганини ўрмон эшитиб турарди. Томчи қандайдир бир хил оҳангда ва шикоятмуз шилдирарди. Балки қизалоқнинг овозини яна кимдир эшитиб қолгандир? Марися юришини тобора секинлаштира бошлади. Тағин адашиб қолмадимикан у? Нега адашади? Йўл энди оқ тасмадай

узоққа ингичкалашиб борар, қоп-қора дарахтларнинг икки девори оралиғида чувалиб ётарди. Қизалоқни уйқу боса бошлади.

У йўлдан четга чиқди-да, бир дарахт тагига бориб ўтирди. Кўзлари юмилиб кетмоқда эди. Шунда бир мўъжиза рўй берди, гўё ойижониси қабрдан чиқиб, оппоқ текисликдан унга томон югуриб келаётганмиш. Бироқ атрофда зог учмасди. Қизалоқ кимнингдир албатта келишидан умидвор эди. Ким келади? Фаришта. Ахир, кекса Куликова уни «пиришта» асрайди, деб айтмаганмиди? Марися ҳатто унинг қанақалигини биларди. Уларнинг уйида қанотлари бор ва қўлида гул тутган фаришта чизилган бир суврат бўлгувчи эди. Ўша, албатта, келади. Томчилар кучлироқ чакиллаб тома бошлади. Бу, ҳойнаҳой, фаришта қанотлари билан шохларга тегиб кетганидан бўлса керак. Жим! Кимдир бу ёққа келяпти, ғовак қор қандай шитирлагани эшитиляпти, қадамлар эҳтиёткорлик билан, аммо бетоқат яқинлашиб келарди. Марися ишонч билан уйқули кўзларини очади.

Бу нима? Кулранг, қулоқлари диккайган, пона-симон бош қизалоққа тикилиб турарди. Қўрқинчли, жирканч бир махлуқнинг боши...

РЕДЬЯРД КИПЛИНГ
(1865 – 1936)
БУЮК БРИТАНИЯ

Ёзувчи Редьярд Жозеф Киплинг 1965 йил 30 декабрда Бомбей шаҳрида тугилган. Унинг «Маҳкама қўшиқлари» шеърий тўплами, «Тог ҳикоялари» ва «Уч солдат» новеллалари, «Нур сўнди», «Ким», «Казарма қўшиқлари», «Етти денгиз», «Беш миллат» шеърий тўпламлари ва романлари ўқувчиларга таниш.

Ёзувчининг, айниқса, болалар адабиётига қўшган ҳиссаси катта. Унинг «Довюррак денгиз сайёҳлари», «Шунчаки эртаклар», Маугли саргузаштларига бағишланган «Жунгли китоби», «Рикки-Тикки-Тави», «Маугли» китоблари жаҳонда кенг тарқалган. Адиб ана шундай жаҳоншумул асарлари сабаб 1907 йил Нобель мукофоти соҳиби бўлган. Ёзувчи 1936 йил Лондон шаҳрида вафот этган.

ТОҒ ҚИЗИ

У тоғлик эр-хотин Соно ва Жаделарнинг қизи эди. Бир йили деҳқончиликда уларнинг омади келмади, Котгар¹ яқинида Сатле водийсида экилган оз миқдордаги экинларни ҳам айиқлар пайҳон қилиб кетишди.

Тоғлик эр-хотинлар бундай талафотни ўз худоларининг марҳаматсизлигига йўйишдими, бошқа сабабданми ўша йили қишда улар масиҳийлик динини қабул қилишди ва қизларини Котгарга, насронийлар қишлоғига чўқинтиргани олиб боришди. Котгар роҳиби қизга насронийча Элизабет исмини берди. Қабиладагилар эса қизни Лисбет дея талаффуз этиб чақира бошладилар.

Кўп ўтмай, Котгар водийсига вабо тарқалди. Машъум ўлат Соно ва Жаделарни олиб кетди. Қизча эса руҳонийнинг қарамоғида қолди. Котгар роҳибининг аёли уни ўзига хизматкор, жория қилиб олганди. Лисбет руҳоний хонадонида шу тариқа улғая бошлади.

Ўз қабиласининг маъбудалари қизни аввалдан сийлашганмиди ёхуд насронийлик унинг чиройини очдими, у ҳақиқий соҳибжамол бўлиб бораётганди. У ҳар куни сайр қилгани чиқар, шунчаки атрофнинг гўзаллигидан баҳра олиш учун элик мил чамаси йўл босарди. Унинг юзларидек жози-

¹ Котгар – Ҳиндистон шимолида, Химачал-Прадеш штатидаги қадимий шаҳар.

бадор чехрани одатда фақат сувратларда, камдан-кам ҳолларда ҳаётда учратиш мумкин эди. Қизнинг бутун вужуди фил суягидек оппоқ рангда эди. У ўз қабиладоларига қараганда анча баланд бўйли, кўзлари эса ҳайратланарли даражада чиройли эди. Агар сиз уни тоғ қўйнида танҳо учратиб қолсангиз маъбуда Диананинг ўзи ов қилгани чиқибдимикин, деган ҳаёлга борардингиз.

Лисбет насронийлик эътиқодига осонгина кўникди. У бошқа қизларга ўхшаб улғайиб, эсини танигач, ўз динига ўтиб кетмади. Қабиладолари шунинг учун ҳам уни жуда ёмон кўришарди.

Бу пайтда роҳибнинг хотини қиз билан қандай муомала қилишини билмай қолганди. Ахир, бундай хушсурат, бокира фариштага идиш-товоқ ювишни буюришга ким ҳам ботина оларди? Шунинг учун ҳам Лисбет роҳибнинг болалари билан эмин-эркин ўйнаб юрар, якшанбалик мактабга қатнар, уйда қанақа китоб бўлмасин, барчасини қизиқиш билан ўқиб чиқарди. Роҳибнинг хотини қизни Симлага юбориб, унга муносиброқ иш топиб бериш ҳақида кўп гапирарди. Лисбет ўзига бошқа жой қидиришни ҳаёлига ҳам келтирмасди. У Котгардан кетишни умуман истамасди.

Бир сафар Котгарга сайёҳлар келишди. Улар бу томонларга камдан-кам ташриф буюришарди. Лисбет эса улар мени Симлага ёки шунга ўхшаган нотаниш томонларга олиб кетиб қолишади, деб ўйлаган, шу боис хонасидан ташқари чиқишга ҳам кўрқиб қолганди.

Ўшанда у ўн етти ёш бўсағасида эди. Кунларнинг бирида сайр қилгани тоққа жунади. Қиз ярим мил пиёда юриб ортига фойтунда қайтадиган инглиз хонимларига ўхшамасди, албатта.

У ўзининг «қисқагина» саёҳати давомида Котгар атрофини тўлиқ айланиб чиқар, 20 – 30 мил атро-

фида йўл босар, ҳатто Наркундагача бориб келарди. Нафаси оғзига тиқилиб, юкнинг оғирлигидан бурни ерга теккудек ҳолатда уйига кириб келганида роҳибнинг хотини меҳмонхонада ухлаб ётарди. Қиз елкасидаги «юк»ни диван устига қўяркан, очиқчасига гап бошлади:

– Бу менинг эрим. Мен уни Багига борадиган йўлдан топиб олдим. У қоядан қулаб тушганга ўхшайди. Биз уни даволаймиз. У тузалиб кетса, роҳиб бизни никоҳлаб қўяди.

Шу пайтга қадар Лисбетни бундай вазиятда кўрмаган роҳибнинг хотини бирдан даҳшатга тушди. Бироқ ҳозир биринчи навбатда диван устида беҳуш ётган йигит ҳақида ўйлаш лозим эди. Бошидан жароҳат олган ёшгина инглиз йигити ҳамон диван устида ҳушсиз ётар, билинар-билинмас нафас оларди, холос.

Уни тўшакка ётқизишди. Тиб илмидан оз-моз хабардор роҳиб йигитнинг ярасига малҳам қўйиб боғлади. Лисбет эса эшик олдида ҳар қандай топшириққа шай бўлиб турарди. Қиз роҳибга ҳам ўз қарорини билдирди. Роҳиб ҳам, хотини ҳам қизни намоёйишкорона андишасизликда айблашди. Уни инсофга чақирмоқчи бўлишди. Лисбет эса уларни жимгина тинглаб, бояги гапини такрорлади. У тушунмасди: ахир, қандай қилиб кўнглингдэгидек йигитни учратганингда ҳам у ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай юраверишинг мумкин? Шу сабабли у аҳдида қатъий туриб олди. Йигит оёққа тургач, у билан турмуш қуради.

Қиз йигитнинг оёққа туриши, уйланадиган даражада куч-қувват йиғиши учун ҳар қандай ишга тайёр турарди.

Икки ҳафтада йигитнинг бошидаги жароҳатлар битиб кетди. У бундай меҳрибонлик учун роҳибга, унинг хотинига, ҳаммадан кўпроқ Лисбетга мин-

натдорчилик билдирди. У Шарққа (ўша пайтларда бу томонларга саёҳат қилиш у қадар оммавий тус олмаганди) саёҳат қилиш умидида келганини, у Дера-Дундан тоғларига турли хил гиёҳлар ва капа-лаклар йиғиш учун келганини айтди. Шу сабабли Симлада уни ҳеч ким танимас экан. Унинг фикрича, тоғда баланд қояда ўсган аллақандай гиёҳни узмоқчи бўлиб чиққанда мувозанатни йўқотиб йиқилиб тушибди. У соғайиб кетиши билан Симлага қайтишини айтди. Энди тоғлар уни бошқа ўзига мафтун этмасди.

У қишлоқни тезроқ тарк этишни истар, бироқ ҳали бунинг учун етарлича мадор тўплаёлмаганди. Лисбет эса ҳеч кимнинг гапига қулоқ солишни истамасди. Шунинг учун роҳибнинг хотини Лисбетнинг миясида қанақа бемаза хаёллар чарх ураётганини йигитга айтиб берди. Йигит қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди ва бу шунчаки соддагина Ҳимолай қизининг ўзига ўхшаш содда ва беғубор хаёлоти эканини таъкидлаб ўтди. Унинг айтишича, Ватанида йигитни қаллиғи кутаётганмиш. Шундай бўлса-да, йигит ўзини ўта хушмуомала қилиб кўрсатарди.

У қиз билан суҳбатлашишни, у билан саёҳат қилишни, ширин сўзлар билан эркалаб кўнглини кўтаришни шунчаки кўнгилхушлик деб билар, аслида эса қизни умрбод ташлаб, юртига қайтиш учун куч йиғаетганди. Бу суҳбатлару сайр-саёҳатлар йигит учун ҳеч қандай маъно касб этмас, қиз учун эса катта аҳамиятга эга эди. У севиши мумкин бўлган одамни топганидан бахтиёр сезарди ўзини.

Ёввойи табиат қизнинг ўз ҳиссиётларини бошқара олмаслиги фақат инглизнинг кулгисини қис-татарди. Йигит қайтишга отланганида олам кўзига қоронғи бўлиб кўриниб кетган Лисбет уни Наркундагача кузатиб борди. Қиз йўл-йўлакай йигитдан

қайтиб келишига, ва албатта, унга уйланишга ваъда беришни қайта-қайта илтимос қилди.

– Қўряписизми, у шунақа тентак, тарбиясиз қизки нима деётганини ўзи ҳам билмайди, – деди уларга ҳамроҳлик қилиб бораётган роҳибнинг хотини.

Йигит кета-кетгунча қизнинг нозик белидан оҳиста қучиб борди. Қайтиб келишига ва у билан никоҳдан ўтишига қизни ишонтирди. Улар Наркундага кираверишда айрилдилар. Қиз йиғлаб юборди. Мутианига буриладиган жойда кўздан йўқолгунча инглизнинг ортидан термилиб қолди.

Қиз алам билан кўз ёшларини артди. Улар яна Котгарга киришаётганда Лисбет роҳибнинг хотинига юзланди.

– У қайтиб келади. Кейин менга уйланади. У қариндошларини шу гапдан огоҳ қилиш учун кетди.

Аёл Лисбетни тинчлантирган бўлди:

– Ҳа, у, албатта, қайтади, қизим!

Икки ой ўтар-ўтмас, Лисбет хавотирга туша бошлади. Унга йигитнинг денгиз ортига, Англияга жўнаб кетганини айтишганди. Қиз Англия қаерда жойлашганини билар, бу ҳақда мактаб дарсликларида ўқиганди. Бироқ тоғлар орасида ўсган қиз денгиз нималигини қаердан билсин? Уйда алмисоқдан қолиб кетган дунёнинг сиёсий харитаси бўларди. Қиз кечалари ўша харитадан Англияни қидирар, севгилисининг бармоқ билан босса, кўринмай кетадиган ҳудудда эканини ҳис этиб, аччиқ кўз ёш тукарди. У орадаги масофа, пароходлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, унинг тушунчалари эса ҳақиқатдан анча йироқ эди. Қолаверса, инглиз йигити тоғлик қизга уйланиши учун Котгарга қайтишини хаёлига ҳам келтирмаслигини билмас эди у. Йигит Ассамда капалак қувиб юрганидаёқ қизни унутиб юборганди. У

охир-оқибат Шарқдаги саёҳатлари ҳақида китоб ёзди. Бироқ унда Лисбет тилга ҳам олинмаганди.

Учинчи ой ҳам интиҳосига етгач, Лисбет тез-тез Наркундага қатнайдиغان одат чиқарди. У ҳар гал ўша ерда инглиз йигитнинг айтишини кутиб ўтирарди. Айнан шу одатгина унга таскин берарди. Роҳибнинг хотини қизни илгаригидан шодонроқ кайфиятда кўриб, қизнинг ёввойи эркаликларидан халос бўлаётир, деган хаёлга борди.

Кўп ўтмай, бундай қатновлар ҳам Лисбетга ёрдам бермай қўйди ва у яна аввалги жиззакилигига қайтди. Бекаси ниҳоят бор ҳақиқатни очиқ-ойдин баён этди. Инглиз шунчаки қизни тинчлантириш учун уйланишга ваъда берганини, аслида, бу ишни умуман қилмаслигини, Лисбетнинг «олий ирқ вакилига» турмушга чиқишни орзу қилиши ҳам гуноҳ, уятсизлик эканини ва ниҳоят у ўзи тарафдан бир инглиз қизи билан оила қурганини тушунтирди. Лисбет эса бунинг ақлга зид экани, йигит уни муҳаббатига ишонтиргани, ҳатто бекасининг ўзи ҳам йигитнинг қайтишига ишонтирганини эслатди.

– Наҳотки, сиз ҳам мени алдаган бўлсангиз, – сўради у андуҳ билан.

– Қизим, сени фақат юпатиш учунгина шундай дегандим, холос.

– Демак, ёлғон гапирибсиз-да, – тўлқинланиб кетди қиз, – икковингиз ҳам мени алдабсиз.

Аёл шунчаки, бош ирғаб қўя қолди. Лисбет ҳам анчагина жим турди-да, шахд билан югуриб насронийлар қишлоғидан чиқиб кетди ва кўп ўтмай Ҳимолай аёлларининг кийимида, иркитга ботган ҳолда кириб келди. У тоғлик аёлларга хос тарзда бир томонга туширилган кокиллари қора ип билан боғлаб олганди. Фақатгина бурнига булоқа тақмаган эди, холос.

– Мен яна ўз эътиқодимга, халқим ёнига қайтаман, – деди у. – Энди Лисбет йўқ. Фақат қария Жаде ва қишлоқи Сононинг қизи қолди, холос. Сиз инглизлар ҳаммангиз ёлғончисиз! Сизларни кўргани кўзим йўқ.

Роҳибнинг хотини эс-ҳушини бир жойга тўплаб олганида Лисбет аллақачон унинг ҳузуридан ғойиб бўлганди. У айтганини қилди: яна ўз қабиладошлари, ўз аجدодларининг маъбудалари қошига қайтди, масиҳийлар қишлоғига бошқа қадам қўймади.

У ўз халқини чин қалбдан севарди, унинг ана шу муҳаббати алдоқчи инглизга бўлган ёввойи интилишларидан устун чиқди. У тез орада бир пайтлар қизни роса савалаган ўтинчи йигитга турмушга чиқди ва қариб-чиригунча бахтиёр ҳаёт кечирди.



РАБИНДРАНАТ ТАГОР
(1861 – 1941)
ҲИНДИСТОН

Ҳинд шоири ва ёзувчиси, жамоат ар-
боби Рабиндранат Тагор 1861 йил 7 май
куни Калкутта шаҳрида дунёга келади.
Илк шеърий тўплами «Оқшом қўшиқла-
ри» номи билан чоп этилган. Адибнинг
«Табиат интиқоми», «Тонгги қўшиқлар»,
«Сураатлар ва қўшиқлар», «Бибҳа соҳили»,
«Донишманд ража», «Брахма Самаж» каби
бир қанча пьеса, тарихий романларида
зулм ва адолатсизлик қораланган. «Хо-
тира», «Фарзанд», «Паром», «Гора» романи,
«Қасос» драмаси, «Почта», «Консерватизм
қалъаси» пьесаларида эса Ҳиндистондаги
барча миллат вакиллари, табақа ва
диний мазҳаб кишиларни озодлик учун
курашга, бу курашда ягона иттифоққа
бирлашишга даъват этган. Тагор ижоди
ҳозирги ҳинд ва бенгал адабий тилининг
шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Та-
горнинг «Ҳалокат» романи асосида тай-
ёрланган «Ганг дарёсининг қизи» драма-
си ёзувчини янада машҳурликка олиб
чиққан. Тагор 1913 йилда халқаро Но-
бель мукофотига лойиқ топилган. Ёзув-
чи 1941 йилда вафот этган.

Ҳинд тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси

АКА ВА УКА

Катта овсин бу гал ҳам шундай гапларни «ки-йиб» кетдики, бечора Росмани ер ёрилмади, ерга кирмади. Унинг ҳар бир сўзи юрагига наштардай ботиб, заҳардай куйдирди.

Овсинининг ҳамма иддаолари, аслида, қайниси Радҳамукундга – Росманининг эрига аталган эди. Бироқ кечки овқатини еб бўлгач, нон чайнаб, сигарета буруқситиб ўтирган Радҳамукунд пинагини ҳам бузмасди. Келинойисининг гапларини ўнг қулоғи билан эшитиб, чап қулоғидан чиқариб юборарди. У сигаретасини эринмай, охиригача чекди-да, одатдаги вақт келиши билан ётоққа кириб кетди.

«Тавба, одамзод ҳам шунақа тепса-тебранмас бўладими?!»

Энди Росманиники тутиб кетди: ҳар куни эрининг оёқ-белларини меҳр билан уқалаб қўядиган хотин бугун зарда билан мунчоқ-билагузукларини ечди-да, каравотнинг бир четида омонат чўзилганча, терс қараб, пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

Радҳамукунд эътибор бермади, парқуни бошига буркаб, ухлашга ҳаракат қилди. Лекин хотинининг йиғиси кучайса кучаярдик, тўхтай демасди. Ахири Радҳамукунд мулойимлик билан:

– Эртанги ишлар жуда зарур, барвақт туриш керак, ухламасак бўлмайди, – деди.

Тўлиб турган Росмани эрининг гапидан сўнг ўкириб юборди.

– Тинчликми? Нима бўлди ўзи? – сўради Радҳамукунд гўё ҳеч нарсадан беҳабардек.

Росмани йиғи аралаш деди:

– Эшитдингиз-ку!

– Ҳа, эшитдим, – босиқлик билан жавоб берди эр. – Нафсиламрини айтганда, келинойимнинг гапларида жон бор. Ё акамнинг қарамоғида яшаётганимиз нотўғрими? Устингдаги кийим-бошларни, зар-зеварларни отамдан қолган меросга олиб берганим йўқ-ку! Едириб-ичириб, кийинтириб турган одам бир-икки оғиз қаттиқ-қуруқ гап қилса, уни ҳам шу еб-ичган, кийган қаторида кўриш керак.

– Бунақа еб-ичиш, кийинишдан нима чиқди?

– Кунимиз ўтиб турибди-ку...

– Ўлганим яхши!..

– Ўлиш қочмайди, унгача уйқуни ўйласанг-чи, ҳар қалай, дам оласан, – деди-да, Радҳамукунд ўз насиҳатига ўзи амал қилишга киришди.

Радҳамукунд билан Шашибҳушан иккови бир қориндан талашиб тушган эмас. Улар на ота, на она томонидан чатишган – етти ёт бегона эдилар. Аслида, «тутинган ака-ука», дейиш тўғрироқ. Аммо меҳр-оқибатга келганда ҳақиқий ака-укадан нимаси кам? Катта овсин Бражсундарийга худди шу нарса ёқмасди. Ахир, эр жонивор ўз хотинидан кўра келинига кўпроқ ён босиб тургандан кейин нима қилиш керак?! Қаранг, Шашибҳушан уйга бирон буюм олиб келса, хотинига эмас, албатта, келинига илинади. Бу ҳам етмагандай, кўпинча ўз хотинининг гаплари бир тийин бўлиб қолаверди-да, Радҳамукунднинг маслаҳатлари масалани ҳал қилади. Шашибҳушан кенг феъли, ўта очиққўл эканлиги учун рўзғорга оид ҳамма вази-

фалар Радҳамукунднинг зиммасига тушганди. Буни катта овсин бошқача тушунарди: Радҳамукунд акасига зимдан чоҳ қазияпти, деган гумонга борарди. Аммо буни тасдиқлайдиган бирон далил топилмагани сари қайнисига ғарази баттар ошарди. Шубҳалар зарбига дош беролмай, оғзидан заҳарли сўзлар ўқтин-ўқтин отилиб чиқишининг боиси ҳам шунда эди...

Шу куни Радҳамукунд амаллаб тонг оттирди-да, ғамгин қиёфада Шашибҳушаннинг қошига борди. Акаси ҳайрон бўлиб сўради:

– Радҳе, нега кайфиятинг паст, тобинг қочмади-ми, мабодо?

Радҳамукунд ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди:

– Ака, энди бизнинг бу ерда туришимиз қийин бўлиб қолди...

У гап орасида янгасининг кеча кечқурунги қилиқларини қистириб ўтди.

Шашибҳушан кулиб юборди:

– Бор-йўқ гап шуми? Э, суф-е, сенга! Хотинларнинг кимлигини билмайсанми ҳали? Сен билан биз қаёқда-ю, улар қаёқда? Оғзига келганини гапираверади-да. Шунгаям кўч-кўронингни кўтариб қочмоқчимисан? Бунақа гаплардан мени беҳабар, деб ўйлайсанми? Нима, шунга ҳовли-жойимни ташлаб чиқиб кетайми?

Радҳамукунд хомуш қиёфада жавоб қайтарди:

– Хотинларнинг гапини кўтаролмасам, эркак бўлиб дунёга келганимнинг маъноси нима, ака? Фақат сизнинг ширин турмушингизга аччиқ орамасин, дейман-да...

– Сен кетсанг, турмушимиз чучук бўлиб қолади, деб ўйлайсанми? – укасига тикилди Шашибҳушан.

Шу билан суҳбат узилди. Бироқ Радҳамукунднинг юрак дарди заррача енгиллашмади. Катта

овсиннинг хархашаси тобора авж олаверди. Арзимаган нарсаларни баҳона қилиб қайнисига кўз очирмасди. Унинг ўринсиз таъналари Росманининг қалбига ўқдай санчилар, шунда ҳам бечора йигит ҳеч нарса эшитмаётгандай, сигарета чекиб ётаверарди. Хотинининг йиғламсираган қиёфасига кўзи тушган заҳоти эса кўзларини юмиб оларди-да, ёлғондакам хуррак отишга тушарди. Бироқ унинг юзига диққат билан разм солган одам Радҳамукунднинг тобора бардоши тугаб бораётганини пайқаши қийин эмасди...

Шашибхушан билан Радҳамукунд ёшликдан бирга ўсиб-улғайишди. Иккаласи эрталаб апил-тапил нонушта қилиб мактабга жўнашарди. Баъзан пандит жийнинг кўзини шамғалат қилиб, дарсдан қочиб қолишар ва деҳқон болалари билан турли-туман ўйинлар ўйнаб юришарди. Ҳатто кечалари битта тўшақда ухлардилар...

«Ўша пайтларда Бражсундарий қаерда-ю Росмани қаерда юрганикин? Чамбарчас умрларни наҳот айириб ташлаш мумкин бўлса?! Ака-укачилик, бирининг ҳисобига бири кун кўриши учун ўйлаб чиқарилган қандайдир найранг, деган гумонга боришнинг ўзиёқ ўтакетган пасткашлик-ку! Бу аҳволга яна қанча чидаш мумкин?» Радҳамукунднинг боши қотганди...

Шу орада ака-ука бошларига оғир мусибат тушди.

Ўша даврларда инглиз ҳукумати томонидан солинган ер солиғи муддатида тўланмаса, айбдорнинг мулки кимошди савдосига қўйиб юборилар эди.

Тўсатдан Шашибхушаннинг яккаю ягона ота-мерос мулки худди шундай важ билан мусодара этилгани ҳақида хунук хабар келди.

– Ҳаммасига мен айбдорман, – деди кутилмаганда Радҳамукунд.

– Нега энди, сен пулни ўз қўлинг билан юборгансан, йўлда ўғрилар ҳужум қилган бўлиши мумкин, – уни юпатди акаси. Аслида ҳам айбдорни қидириб ўтиришдан фойда йўқ, бундан бу ёғига тирикчилик ғамини ўйлаш лозим эди. Шашибҳушанда на маълумот, на тайинли ҳунар борки, қайсидир ишнинг бошини тутса. У тубсиз жарликка қулаб кетаётгандек ҳис этарди ўзини.

Миясига келган бирдан-бир тадбир – хотинининг зар-зеварларини гаровга қўйиш бўлди. Шу аснода Радҳамукунд унинг олдига бир халта пул қўйиб, акасини бу йўлдан қайтариб қолди...

Дунёнинг ишларига тан бермай илож йўқ. Дориламон кунларда рўзгорни айлариб юборишга бекалар қанчалик ҳаракат қилган бўлсалар, бошга мушибат тушганда ажралиб кетмаслик учун шу қадар уринар эдилар. Айни пайтда иккала ака-укадан қайси бирига кўпроқ суяниш мумкинлигини улар дарров пайқадилар. Радҳамукундга қойил қолмай илож йўқ эди.

Радҳамукунд рўзгорни тебратиш учун олдиндан эҳтиёт чоралар кўриб қўярди. У ўша пайтларда анча сердаромад ҳисобланган мухторлик ишининг бошидан тутди. Уканинг чапдастлиги қўл келиб, назарга тушди. Бора-бора у музофотдаги манаман деган заминдор бойларнинг жиловини қўлга олди...

Бу воқеалардан кейин Росмани ўзгара бошлади. Чунки Бразсундарий билан Шашибҳушан энди Радҳамукунднинг боқимандасига айланиб қолганди. Росмани авваллари уларнинг бу ҳолини юзига солмай юрди. Кейинроқ эса... жувон оғзи ботирлик қилиб қўйди-ю, қилмиши учун минг пушаймон еди. Гап шундаки, Росманининг овсинига қилган миннати Радҳамукунднинг қулоғига ет-

ган эди. Радҳамукунд хотинини тун бўйи шундай «тузладики», эртасигаёқ кичик овсин оғзига тамба уриб, катта овсинга тайёр чўри бўлди-қолди. Чамаси, Радҳамукунд хотинини дарҳол отасиникига жунатиб юбормоқчи бўлган. Буни англаб қолган Бражсундарий қайнисини алдаб-сулдаб, катта қийинчиликлар билан эр-хотинни яраштириб қўйди. Шундан кейин ҳам кўнгли тинчимай:

– Келин бу даргоҳга яқинда келган, сиз билан бизларнинг эт-тирноқдай эканлигимизни у бечора қаёқдан билсин? Энди, бир ёшлигига борди-борди-да, қизгина. Шу гал кечира қолинг! – деди қайнисига ялиниб.

Радҳамукунд рўзгор харажатлари учун пулни ҳамиша келинойисига берарди. Росмани ўзи учун керакли харажатларга пулни ҳамон овсинидан оларди. Хуллас, хонадонда катта овсиннинг мавқеи олдингидай, балки ундан ҳам яхши эди. Бунга яна бир сабаб – у ҳам кейинги пайтларда кичик овсинига кўпроқ ён босаётгани бўлса керак... Ҳамма ишлар аввалгидан ҳам яхши йўлга тушиб олганди.

Шу бахтиёр дамларда уларнинг осмонига яна булут ўрлади. Шашибхушаннинг чехрасида доим илиқ табассум жилва қилиб турса-да, қандайдир сирли дард уни ич-ичидан кемириб бормоқда эди. Кундан-кун силласи қуриётган акасидаги ўзгаришни сезган Радҳамукунднинг ороми қочди. Баъзан тунлари уйғониб қолган Росмани эрининг чуқур-чуқур хўрсиниб, безовталаниб, тинмай у ёнидан бу ёнига ағдарилаётганини кўрарди. Гоҳо Радҳамукунд акасининг олдига бориб, кўнглини кўтармоқчи бўлар:

– Ака, сира ташвиш тортманг! Отамерос мулкингизни мен сизга қайтариб олиб бераман. Нима

қилиб бўлса ҳам, албатта, олиб бераман, бунга яқин қолди, – деб қўярди.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай, Шашибҳушаннинг мулкини кимошди савдосида сотиб олган кишининг заминдорликда уқувсиз эканлиги маълум бўлди. У мулкдан фойда кўриш у ёқда турсин, топган-тутганини ҳам йўқота бошлабди. Охири шўрлик савдогар, ҳаммасидан қўлини ювиб, қўлтиғига урди-да, ўша мулкни Радҳамукундга сувтекинга сотиб юборди. Айтишга-ку, икки оғиз гап, бироқ мулк эгасига қайтгунча оз эмас, нақ ўн йил вақт ўтиб кетди. Шундоқ ҳам ўн йил бурун Шашибҳушан йигитлик билан кексаликнинг қоқ ўртасида турарди. Бу йиллар ўтиб кетгач эса ажабтовур мўйсафидга айланиб бўлганди. Отамерос мулкнинг яна қайта қўлга кирганидан у негадир суюнмасди. Фуқаро севинчининг эса чегараси йўқ. Кўпчилик: «Шашибҳушан бу хурсандчиликка бир эримаса бўлмайди», деб туриб олди. Ака укасига маслаҳат солди:

– Хўш, сен нима дейсан?

– Албатта, эрийсиз? Шундай қувончли дамда хушчақчақлик қилмай бўладими? – деди.

Қишлоқ аҳли қачонлардан бери тузукроқ зиёфатга ҳам, тўйга ҳам ёлчимай келарди. Зиёфатда каттаю кичик жамулжам бўлди. Камбағалнинг бир тўйгани – чала бойигани қабилида йўл тутганлар уй-уйларига тарқалишди. Бунинг устига, шу воқеадан кейин тўрт кун босим қўш ҳайдалиб, емак-ичмакнинг ҳам тайини бўлмади. Оқибатда оғир меҳнат Шашибҳушанни зўриқтириб қўйди. У кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Бемор алаҳсирар, дам-бадам иситмаси кўтарилиб, безгак тутарди. Табиб чақирдилар.

– Қаттиқ дардга йўлиқибди, – деди у бош чайқаб.

Ярим тундан оққанда хонада ака ва ука ёлғиз қолдилар.

Радҳамукунд негадир сукут сақлаб, жим ўтирарди. У мук тушган қўйи каравотнинг бурчагидаги чойшаб чеккасини иккала қўли билан текислай бошлади. Шашибхушаннинг эса нафас олиши тобора оғирлашмоқда эди.

Радҳамукунд каравотнинг қўйи томонига ўтиб ўтирди-да, беморнинг оёқларини меҳр билан уқалай туриб, деди:

– Акажон, мендан жуда катта гуноҳ ўтган, бугун шуни сизга айтаман. Айтмасам, юрагимда бир умр армон бўлиб қолади...

Шашибхушан индамади. Радҳамукунд ора-чора чуқур ҳўрсиниб давом этди:

– Ака, бу гапларни айтишга тилим ҳам бормаяпти. Мен ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Агар дунёда мени тушунадиган бирон зот топилгудек бўлса, у – сиз. Болалигимиздан икковимизнинг ўй-фикримиз ҳам, орзу-умидларимиз ҳам бир хил эди, фақат афтимиз фарқ қиларди, холос. Яна бир фарқ шуки, сиз бой, мен бўлсам камбағал эдим. Қарасам, шу важдан сиз билан менинг орам бузиладиган. Охири бахайр бўлсин деб, шу фарқни йўқотишга жазм қилдим. Ака, ер солиғига берган пулларингизни менинг ўзим ўғирлаб, мулкингизни атайдан мусодара қилдиргандим...

Шашибхушаннинг юзида ўзгариш бўлмади: ҳайрат ё таажжубдан ном-нишон ҳам йўқ эди. У синиқ жилмайиб қўйди ва мулоим оҳангда хириллаганча деди:

– Ука, нима қилган бўлсанг, тўғри қилгансан. Ўша ўйлаган ниятинг рўёбга чиқди-ку! Кейин барибир мени қанотинг остига олдинг-ку!..

У сал тин олгач, яна синиқ жилмайди, икки томчи ёш юзлари оша думалаб кетди.

– Кечиринг мени, ака, кечиринг! – деди Радхамукунд акасининг оёқларига бош уриб.

Шашибхушан «бери кел» дегандай ишора қилди-да, укасининг қўлидан тутиб деди:

– Мен сенга айтсам, ҳамма гапдан хабарим бор эди. Сен билан тил бириктирган одам келиб, менга бу сирни ошкор қилганди. Ўшандаёқ сени кечирганман.

Радхамукунд хижолатдан чўғдай ётган юзини иккала қўли билан тўсиб йиғлай бошлади. Сал ўтгач, ўзини қўлга олиб деди:

– Акажон, агар кечирган бўлсангиз, мулкингизга ҳам ўзингиз эгалик қилинг. Бир оғиз гапингиз, йўқ деманг, ака...

Аммо Шашибхушан тилдан қолган эди. У Радхамукунднинг юзига тикилиб қараганча ўнг қўлини ҳорғин кўтариб туширди. Бу билан нима демоқчи – билиш қийин эди. Шуниси ҳам борки, ака ишорасини ука тушунган бўлса, эҳтимол.



КНУТ ХАМСУН
(1859–1952)
НОРВЕГИЯ

Норвег адабиётининг энг машҳур вакили Кнут Хамсун 1859 йил 4 августда тугилган. Адиб ижодини шеърятдан бошлаган. Бироқ 1890 йилда у ёзган «Очлик» романи адибга фақат Норвегияда эмас, ундан ташқарида ҳам катта шуҳрат олиб келган. Хамсуннинг ижодида «Пан», «Виктория», «Мистериялар», «Тентак», «Август», «Халқа туташади», «Ўт босган сўқмоқлар» каби асарлари уни ўқувчиларнинг севимли адиблари сафига қўшади. «Ер мевалари» ёзувчи ижодий фаолиятининг энг юқори чўққиси бўлиб, айнан шу асари учун у 1920 йилда Нобель мукофотига лойиқ кўрилган. Ёзувчи 1952 йил оламдан кўз юмган.

ЗАКХЕЙ

Сахро қўйнида теран сукунат ҳукмрон.

Бир неча мил масофада на уй, на дов-дарахт бор. Фақат олислардан лалми буғдойзорлар, яшил ўтлоқлар сал-пал кўзга ташланади. Яна узоқдан ўт ўраётган одамлар ва отлар пашшадек бўлиб кўринади. Фақат атрофдан чигирткаларнинг чириллаши эшитилади, холос. Баъзан шамол ҳув тепаликлардан ўрим машиналарнинг шовқинини қулоққа келтириб уради.

Бу Биллиборининг фермаси. У олис Фарбда, ташқи оламдан узилиб қолган ягона ферма, ундан саҳродаги энг яқин шаҳаргача бир неча кун пиёда йўл босишга тўғри келади.

Узоқдан ферманинг уйлари бепоён буғдойзорлардан бош чиқариб турган муъжаз чўққиларни ёдга солади.

Қишда фермада ҳеч зоғ қолмайди, бироқ баҳордан то октябрнинг охириг кунларига қадар буғдойзорда етмиш чоғли киши иш бидан машғул бўлади. Уч киши ошхонада: ошпаз ва унинг икки ёрдамчиси. Отхонада эса отлардан ташқари йигирмата эшак бор, холос. Биллибори фермасида биттаям аёл зотини учратмайсиз.

Қуёш фаренгейт бўйича 102 даражада¹ қиздиради. Осмон ва ер жазирамадан қовжирайди, қилт этган шабада йўқ. Қуёш қизиб турган тандирнинг ўзгинаси.

¹ Фаренгейт – АҚШда ҳарорат ўлчов бирлиги, немис олими Габриэль Фаренгейт шарафига номланган. Фаренгейт бўйича 102 даража Цельсий шкаласи бўйича тахминан 37 даражага тенг.

Атрофдаги уйлар ҳам жимжит. Фақат ошхона вазифасини ўтовчи эски, усти ёпиқ бостирмадан доимий юмушларга киришиб кетган ошпаз ва ёрдамчиларининг гўнғир-гўнғири қулоққа чалинади. Улар ўчоққа хас-хашак ёқишган, мўридан чиқаётган тутун аралаш учқунлар осмонга ўрлайди.

Овқат пишиши билан уни катта рух қозонларда арава билан ҳовлига олиб тушишади. Кейин араваларни эшакларга қўшиб, овқатни буғдойзорга олиб боришади. Ҳарбийларга ўхшаб кетадиган, семиз, оқсоч ирланд ошпаз ярим-яланғоч ҳолатда қўли-қўлига тегмай ишлайди. Унинг юзи тўтиқушни эслатгани учун ҳамма уни «Полли» деб чақиради.

Ошпаз илгари жанубдаги портлардан бирида аскарликни ўтаган. У адабиётга қизиқади, ўқишни билади. Шунинг у ўзи билан қўшиқлар тўплами ва қайсидир газетанинг эски сонини ўзи билан олиб келган. Бу бойлигини у ҳеч кимга раво кўрмайди, фақат бўш вақтида қўлга олиш учун уни ошхонада, ўз жавонида сақлайди. Ошпаз баъзида мутолаага чандон берилади.

Унинг бир шўринг қурғур ҳамюрти бор. Оти Закхей. Аллақачон кўздан қолган бўлса-да, бир куни шу газеталар унинг қўлига тушиб қолди. Закхейга оддий китобни тавсия қилиш бефойда, унинг хира кўзлари саҳифалардаги майда ҳарфларни илғашдан ожиз. У фақат ошпазнинг газетасида, йирик ҳарфларда босилган эълонларни ўқишга қизиқади.

Бироқ ошпаз буни кўриши билан Закхейнинг қўлидан газетани юлиб олди. Шунда бу икки кимсанинг орасида жуда кескин ва кулгили баҳс бошланди.

Ошпаз Закхейни «қораялоқ ит» деб атади. У Закхейнинг тумшуғи тагида бармоқларини

шақирлатиб «ўзи умрингда бирорта аскарни кўрганмисан, ҳарбий истеҳкомлар қанақа қурилишини биласанми?» деб сўради. Билмайди-да! Унда ҳаддини билсин! Ҳа, ҳаддидан ошмасин! Ўзи бир ойда қанча пул ишлайди? Балки Вашингтонда шахсий уйи ҳам бордир? Ё сигири болалабдими?

Закхей унинг таъналарига ҳеч қандай жавоб қайтармади. Фақат тушликда овқатни чала пиширишию пудинг хамиридан пашша чиқишини эслатди, холос.

– Ма, ол, шу савил газетанг билан қўшмозор бўл! – деди «чирт» этказиб тупураркан.

Закхей – ҳалол одам. Газетани ўқиган бўлсаям, уни еб қўймади, бус-бутун қайтарди.

– Э кўп ёнимда ўралашма, нега полга тупурасан?

Закхейнинг хира кўзлари худди пўлат соққалардек кўз косасида гилдирайди. Ўша кундан бошлаб, ҳамюртлар орасидан ола мушук ўтди.

Овқат юкланган аравалар буғдойзорга йўл олади. Ҳар бир аравада йигирма беш кишилик овқат бор. Одамлар аравани кўришлари билан югуришади. Овқатдан қуруқ қолмаслик учун кўпчилик ўзини эшак-араваларга отади.

Ўн дақиқада ҳеч нарса қолмайди. Назоратчи эгардан тушмай, яна ҳамма ишга қайтишга ундайди. Эшак-аравалар эса фермага қайтади.

Мана, ёрдамчилари идиш-товоқларни ювиб бўлгунча ошпаз уйнинг соясидида мингинчи бор ўзи билан жанубдаги қалъадан олиб келган эски китобчасидаги қўшиқларини замзама қилади. Айни шу дамда Полли яна ўзини аскардек ҳис қилади.

II

Кечга яқин, ғира-ширада буғдойзордан пичан ортилган еттита арава секин ферма томон йўрға-

лайди. Ишчиларнинг кўпчилиги кечликни ейишдан аввал ҳовлида ювиниб олишади. Баъзилари сочларини ҳам тараб олишади.

Улар орасида турли миллат ва ирқ вакиллари, ёшларнио кексаларни, европалик ва америкаликларни, озми-кўпми, омадлюю омадсизларни, ҳатто дайдиларни ҳам учратиш мумкин. Сал ўзига тўқроқлари шимининг орқа чўнтагига револьвер ҳам қистириб олган.

Одатда кечки овқат жуда тез ейилади. Дастурхон бошида ҳеч ким оғиз очмайди. Чунки ишчиларнинг аксарияти овқат пайти уларга кўз-қулоқ бўлиб турадиган назоратчидан қўрқади. Овқат еб бўлиниши билан ҳамма ухлагани тарқалади.

Бироқ Закхей бугун қўйлагини ювмоқчи бўлди. Қўйлак тердан қотиб кетган, кундузлари қуёш тиғида баданга тарашадек ботиб, ғашни келтиради.

Кеча қоронғи эди. Ҳамма ухлаётган катта бос-тирма остида фақат хуррак ва алаҳсираш овозлари эшитиларди.

Закхей бир қанча сув идишлар илинган ошхона девори томон юрди. Идишлардаги сувни ошпаз ёмғирли кунларда йиғиб қўйганди. Биллиборида сув жуда танқис неъмат. Бундан ташқари, сув ўта қаттиқ, оҳактошга бой бўлгани учун унда ювилган кир тез тоза бўлади.

Закхей сув идишлардан бирини олди ва қўйлагини ечиб, ювишга киришди. Тун сокин ва совуқ эди, эти жунжикди, бироқ кийимни барибир ювиш керак эди. У бироз тетиклашиш учун ҳуштак чала бошлади.

Бирдан ошпаз ошхонага кириб келди. Унинг қўлидаги чироқнинг кенг ёғдуси Закхейнинг юзини ёритиб ўтди.

У чироқни зинанинг устига қўйиб, тўғри Закхейнинг олдига келди:

– Сенга ким сув берди?
– Ўзим олдим, – деди Закхей.
– Сув меники, – бақирди Полли. – Ифлос қулвачча, сувдан фойдаланишга ким ҳуқуқ берди сенга?
Закхей эътироз билдирмади, фақат яна пундингдан чиққан пашшани эслатди, холос.

Уларнинг шовқин-сурони бостирмада ухлаётганларни ҳам уйғотиб юборди. Ўрниларидан туриб, икки жанжалкашнинг атрофини ўраб олишди ва можарони қизиқиш билан кузата бошлашди.

– Манави чўчқани қаранглар, сувимни ишлаптибди, шуям инсофданми?

– Ол, сувингни, – дея сув идишни илгари сурди Закхей. – Энди менга кераги йўқ.

Ошпаз муштини дўлайтириб сўради:

– Манавини кўряпсанми?

– Ҳа, нима бу? – деди Закхей.

– Ҳозир кўрасан.

– Нима қиласан?

Бирдан кучли зарба эшитилди. Кейин жавоб зарбалари... Томошабинлар тўполонни ҳаяжон ва қизиқиш билан кузатишар, олқишлашарди.

Закхей ҳужумларга ортиқ дош беролмади.

Кичик жуссали, шабқур ирланд ҳар қанча ғазаб отига минса-да, унинг калтабақай қўли ошпазнинг адабини беришга ожизлик қиларди. Ниҳоят у ён тарафга гандираклаб бир неча қадам юрди ва ағанаб тушди.

Ошпаз атрофдагиларга юзланди:

– Қулатдим. Баттар бўлсин! Аскарнинг кучи шунақа бўлади.

– У ўлди, шекилли, – деди кимдир. Ошпаз елка қисди.

– Ўлса ўлар, – деди бефарқлик билан.

У айни дамда оломон ўртасида ўзини қанчалик буюк, голиб ва қудратли ҳис этарди. У бошини

кўтариб, ўзини янада улуғвор кўрсатиш учун шоирона ташбеҳлар излашга тушди:

– Уни шайтони лаиннинг инон-ихтиёрига топширгум! Ётаверсин! Нима, у америкалик Даниел Венбстермидики, келиб менга пудинг қандай пиширилишини ўргатса? Менга-я? Кимсан генераллар учун таом пиширган ошпазга-я?

Ҳамма Поллини олқишларди.

Шу пайт Закхей яна оёққа қалқди ва худди олдингидек журъат ва далда билан қичқирди:

– Қани, мард бўлсанг майдонга туш, қуёнюрак!

Оломон жунбишга келди, аммо ошпаз ҳамдард табассум билан сўз қотди:

– Бемаънилик! Бу билан олишдим нима-ю, манави чироқ билан олишдим нима!

У чироқни кўтарганча ғолибона қадамлар билан ошхонани тарк этди. Воқеа жойига зулмат чўккач, томошабинлар ҳам ётоққа йўл олишди.

Закхей кўйлагини қўлга олиб, яхшилаб сикди ва эгнига кийиб олди. Кейин бошқаларнинг ортидан лўкиллаганча ўз тўшаги томон кетди.

III

Эртаси куни Закхей буғдойзор ўртасида ўзининг ўрим машинасига ёғ суриш билан овора эди. Бугун қуёш тафти анча юқори бўлгани учунми, унинг кўзойнаги тер томчилари билан тўлган эди.

Бирданига от нимадандир ҳурқдими, бирор ҳашарот чакдими, олдинга тортиб кетди. Закхей дод солганча сакраб ўрнидан турди. Бироздан сўнг у буғдойзор ўртасида чап қўлини ҳавода силкитиб, у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Ундан сал нарида буғдой ўраётган ишчи отини тўхтатиб ундан сўради:

– Нима бўлди?

– Бир дақиқа тўхта, – ўтинди Закхей.

Ишчи тўхтаганида Закхей унга қон чакиллаб томаётган қўлини кўрсатди.

– Машинанинг ўроғи бармоғимни юлиб кетди. Кўзим яхши кўрмайди. Бармоғимни қидиришиб юбор.

Шериги ўтлоққа учиб тушган кесик бармоқни осонгина топди. Бармоқлар худди аллақачон жони чиққан митти жасадни эслатарди.

Закхей бармоқни кўзига яқинлаштирди:

– Ҳа, бу менинг панжам. Илтимос, бирпас шошма!

Закхей кўйлагини ечиб, ундан икки парчасини йиртиб олди. Бир парчасига бармоқни ўраб, чўнтагига солди. Иккинчиси ярадор қўлини боғлади. Кейин шеригига миннатдорчилик билдириб, яна машинага ўтирди.

У кечгача тишини тишига босди. Назоратчи ҳодисадан хабар топгач, уни қаттиқ койиди ва фермага жўнатди.

Қайтганидан сўнг Закхейнинг биринчи қилган иши кесилган бармоғини жойлаш бўлди. Спирт йўқ эди. Шу сабабли шишачага машина ёғини қуйиб, ичига бармоғини жойлади ва қопқоқни маҳкам буради. Шишани эса ёғоч каравот ва сомон тўлдирилган тўшагининг орасига яширди.

У бир ҳафтада ҳам тўшакдан турмади. Қўлидаги кучли оғриқ ҳаракатланишга имкон бермасди. Кейин бу оғриқ бошига ҳам ўтди ва уни безгак тута бошлади. Шундан сўнг ўзининг нораво қисматига аччиқ кўз ёш тўкди. У ҳатто бундан бир неча йил аввал – оёғи остида мина портлаб, кўзларини жароҳатлаганда ҳам бунақа умидсизликка тушмаганди.

Ўлганнинг устига чиқиб тепгандек ошпаз Полли ҳам унинг устидан бошлаб кулиш учун овқатни ўзи олиб келар ва тегажовлик қиларди. Гарчи икки

рақиб ўртасида даҳанаки жанг уч кун давом этган бўлса-да, ҳар гал Закхей тортишув сўнгида деворга ўтирилиб, тишларини ғижирлатар, ўзини бу баҳайбат кимса олдида қанчалик заиф эканидан ич-ичидан эзиларди.

Азобли кунлар ниҳоятда имиллаб ўтмоқда эди. Закхей сал ўзига келиб олгач, эшикни очиб, очиқ осмон ва бепоён саҳрони кузатиб ўтирадиган бўлди. У кўпинча бугдойзор тарафдан келаётган ўрим машиналари шовқинига қулоқ солар, хаёлан олисларда қолиб кетган отлари билан гаплашарди.

Айёр ва қитмир Полли шунда ҳам уни ҳам ўз ҳолига қўймасди. У югуриб келиб, эшикни ёпар, «ташқарида шабада эсяпти, совуқда шамоллаб қоласан», деб масхараомуз илжаярди. Закхей ўзини аранг қўлга олиб, қаватма-қават тахланган чорпоялар оралаб ўз каравотига судралиб чиқар, рақибини майиб қилиш илинжида қўлига илинган этик ёки ўтирғични рақибига ирғитарди. Аммо фалокат шунда эдики, Закхей бурнидан нарёғини кўролмас, бинобарин, у отган нарсалар ҳеч қачон нишонга тегмасди.

Еттинчи кун у ошхонада тушлик қилишини билдирди. Ошпаз эса бунга изн бермади. Шу тариқа Закхей яна ўз каравотида овқатланди. У ҳар галгидек зерикканча каравотида тамадди қилди.

Айни дамда ошхонада ҳеч ким йўқлигини у яхши биларди. Ошпаз ва ёрдамчилари ўримчиларга тушлик олиб кетишганди. Боя масхараомуз қўшиқ хиргойи қилганча чиқиб кетишганини унинг ўзи кўрганди. Закхей чорпоядан тушиб, ошхонага йўрғалади. Ошпазнинг китоб ва газетаси аввалги жойида турарди. У газетани сиқимлаб, тўшагига қайтди. Кейин кўзойнагини артганча қизиқарли эълонлар саҳифасини ҳижжалашга тутинди.

Соатлар бир-бирини қувар, вақт шиддат билан еларди. Ниҳоят, Закхей қайтиб келаётган аравалар товушини, ошпазнинг йўл-йўлакай идиш-товоқларни ювиш тўғрисида шогирдларига кўрсатма бераётганини эшитди.

Закхей ҳозир ошпаз кела солиб, кутубхонасига ўзини уриши ва ўша газетасини қўлга олишини яхши биларди. Закхей ўша заҳоти газетани сомонли тўшаги орасига тикди. Полли бу газетани кўз қорачиғидек асрарди.

Бир дақиқа ўтди. Чорпоя томон оғир қадам товушлари яқинлашиб келарди. Закхей эса қайсар нигоҳларини шифтдан узмай ётарди.

– Бу қанақаси? Қани менинг газетам? – сўради у хонанинг ўртасида тўхтаб.

– Мен қаердан билай? – тўнғиллади Закхей.

– Уни сен олгансан, – пичирлади ошпаз унга яқинлашиб. Закхей бошини оҳиста кўтарди:

– Мен ҳеч қанақа газетани билмайман, бор йўқол! – деди жаҳл билан.

Ошпаз беморга ташланди ва тўшак остига қаради. Кейин адёлни тинтиб кўрдим. Чиндан ҳам газета йўқ эди.

– Уни сен олгансан, – деди ошпаз ўжарлик билан. Кейин ётоқдан чиқиб кетаркан, яна ортига ўтирилди:

– Сен олгансан-ку, тўғрими? Бошқа ким тегарди унга?

Закхей ич-ичидан мириқиб кулди:

– Ҳа, мен олдим. Олдим, кейин... керакли жойга ишлатвордим, ярамас чўчка!

Шу онда ошпазнинг тўтиқушни эслатувчи юзи қип-қизил тус олди. Унинг қиёфасида ўта шафқатсиз бир ифода акс этарди.

У Закхейга қараб, пишқирди:

– Яхши, яхши! Ҳали кўраминиз!

IV

Эртаси куни момоқалдироқ гумбурлаб, челақдан қуйгандек ёмғир ёғди. Ошпазнинг сув идишлари ҳам сувга тўлиб тошди.

Шу куни кўпчилик ишчилар уйда қолишди. Баъзилари дон солинадиган қопларни ямашга ўтиришди, яна кимдир иш қуроallarини кўздан кечириш, ўроқ ва пичоқларни чархлаш билан овора эдилар.

Тушлик пайти Закхей ҳам бошқалар қатори дастурхонда овқатланиш учун чорпоядан тушди. Бироқ остонада пайдо бўлган Полли унга овқатни шу ерга олиб келишини айтди. Закхей эътироз билдирди, қўли тузалиб қолгани, безгак ҳам чекингани, энди бемалол бошқалар билан бирга овқатланишини айтди

Ошпаз агар ошхонага чиқадиган бўлса, Закхейга овқат бермаслигини айтди. Кейин қўлида турган темир идишни Закхейнинг каравоти четига қўйди.

– Бугунча мана шунга қаноат қилиб турасан!

Закхей тақдирга тан берганча каравотига қайтди. Унинг шу овқатни тановул қилишдан бошқа иложи қолмаганди.

– Бугун яна қанақа бемаза овқат пиширди экан бу ярамас? – дея ғудранди у темир идишни кавлаштираркан.

– Жўжа гўшти, – деди ошпаз. У ортига буриларкан, кўзида нимадир порлагандек бўлди.

– Жўжамиш, – минғирлади Закхей. Ва шабқўр кўзлари билан овқатига синчиклаб тикилди. – Бу қанақа жўжа бўлди? Нега алдайсан?

Овқат бир икки бўлак гўшт ва соусдан иборат эди. У ноилож гўштнинг бир бўлагини оғзига сол-

ди. У чайнаётган луқманинг нима эканини даставвал билолмади. Луқма қаттиқ гушт қопланган ингичка суякдан иборат эди. У гушtdан жиндек татиб кўргач, афтини бужмайтирди ва ҳалиги луқмани қўлига олиб, кўзларига яқинлаштирди.

– Бунақа суякни анави итнинг ўзи ғажисин! – дея гуштни ёруғга солиб кўриш учун эшик тарафга одимлади. У луқмани айлантириб кўргач, бирданига каравоти тарафга югурди. Бармоғи солиб қўйилган шишани излади. Шиша йўқолганди.

Закхей ошхонага отилиб кирди. Унинг ранги ўликникидай оқариб кетганди. Остонада туриб бақирди:

– Э, Полли, қани айт, бу нима? Бу менинг бармоғим эмасми?

Закхей гушт парчасини ҳаммага намоишкорона кўрсатаркан, Полли стол ортида ўтирганча хахлаб куларди.

Закхей гушт парчасини баландроқ кўтарди:

– Полли, мана, бу менинг тирноғим-ку? Ахир, бу менинг бармоғим, нима, билмайди деб ўйлаганмидинг?

Овқатланаётган ишчилар бир Закхейга, бир унга масхараомуз тикилаётган Поллига қарашарди.

– Нима бўлди? – сўради ўтирганлардан бири.

– Бу менинг бармоғим, – дерди Закхей бўғилиб. – Мен уни овқатнинг ичидан топдим. У менга ўзимнинг бармоғимни пишириб берибди. Мана тирноғиям бор.

Бутун стол атрофидагилар гуриллаб кулиб юборишди. Атрофда ғала-ғовур аралаш қаҳқаҳа тухтамасди.

– Нима бўпти? У сенинг бармоғингни пишириб, ўзингга едирдими? Ҳа, ҳа, аллақачон бир четини узиб ебсан-ку?

– Кўзим яхши кўрмайди, – йиғламсиради Закхей.
– Мен билмовдим... Хаёлимгаям келмаганди.

Кейин у ортига бурилиб чиқиб кетди. Назоратчи амаллаб ғала-ғовурни тинчитди ва ошпазга юзланди:

– Полли, сен унинг бармоғи қолган гўштларга қўшиб пиширдингми?

– Йўқ, – деди Полли. – Жинни бўлибманми? Нима деб уйлаяпсиз? Мен уни алоҳида идишда қайнатганман!

Пиширилган бармоқ воқеаси куни билан ишчиларнинг хушчақчақ суҳбати мавзусига айланди. Ҳамма Закхейнинг устидан кулар, мазах қилар, уни телбага чиқаришар, ошпаз эса ўзининг бу ғалабасидан сархуш эди.

Закхей эса йўқолиб қолди.

У буғдойзор томон кетганди. Ёмғир ҳамон тўхтамаганди. Қочишга жой йўқ. Закхей эса ҳамон илгарилаб борарди. Унинг ярадор қўли боғланган, Закхей имкон борича уни ёмғирдан пана қилишга уринарди. Ўзи эса жиққа ивиганди. У ҳамон илгарилаб борарди.

Қоронғи туша бошлаганда у тўхтади. Чақмоқнинг ёруғида соатига қаради ва келган йўли билан ортига қайтди. У буғдойзор оралаб, оғир, ўйчан қадамлар билан кетиб борарди. Соат саккизларда у фермага кириб келди.

Атроф зим-зиё эди. Ошхонада ишчилар кечки овқат учун тўпланишганди. Улар орасидан ошпазнинг кўтаринки, шодон овози бот-бот эшитилиб туради.

Кейин у отхона томон юрди, хавфсиз жойга ўрнашиб олгач, қоронғиликка диққат билан тикилди. Ҳатто чигирткалар ҳам доимий қўшиғини тўхтатган, борлиққа сукунат чўккан, фақат аҳён-аҳёнда

ёмғир томчилари бу жимликни бузар, олислардан чақнаган яшин ёғдуси заррин буғдойзорларни сийпалаб ўтарди.

Ишчиларнинг овозидан тамаддини тугатиб, ётоққа қайтишаётганини англаш мумкин эди. Улар ёмғирда ивимаслик учун тезроқ қадам босишар ва инжиқ об-ҳавони сўкишарди. Закхей яна бир соат овоз чиқармай турди ва ошхонага йўл олди.

Ошхона ёп-ёруғ эди, кимдир хотиржам кириб келганини кўрди.

– Хайрли тун, – деди Закхей.

Ошпаз ажабланиб, унга тикилди ва тилга кирди:

– Бугун сенга овқат йўқ!

– Майли, – деди Закхей. – Унақада менга бир бўлак совун бер, Полли! Кеча кийимимни яхшилаб юлмаган эканман.

– Фақат менинг сувимда ювмайсан.

– Сенинг сувингда юваман. Мана шу идиш сеникими?

– Яхшиси, бас қил!

– Совун берасанми? – сўради Закхей.

– Совун бераман, – бақирди Полли. – Лекин бу ердан йўқоласан!

Закхей чиқиб кетди. У деворга осиглиқ сув идишлардан бирини олиб, уни айнан ошхона дераза олдига қўйди. Кейин қўлини тиқиб сувни шалоплата бошлади. Шу заҳоти ошпаз ҳовлига чиқиб келди.

– Нима қиляпсан? – сўради у Закхейнинг тепасига бориб.

– Ҳеч нарса! Кийимимни ювяпман!

– Менинг сувимдами?

– Ҳа!

Ошпаз сувнинг ўзиники эканига ишонч ҳосил қилиш учун бошини сув идиш томонга эгди. Шунда Закхей яраланган қўлининг боғлови орасида револьверни олиб, ошпазнинг чаккасига тиради ва тепкини босди...

V

Закхей қоқ ярим тунда ётиш учун бостирмага кирганида шерикларидан бир-иккитаси уйғониб кетди ва шу пайтгача ҳовлида нима қилганини сўрашди.

– Ҳеч нарса, – деди Закхей. – Шунчаки... Поллини отиб ўлдирдим.

Шериклар ётган жойларидан туриб, каравот четига тисарилишди:

– Сен уни ростдан отдингми?

– Ҳа.

– Жин урсин! Шу етмай турувди. Қаеридан отдинг?

– Калласидан! Чаккасига тираб тепкини босдим, нариги чаккасидан чиқиб кетди.

– Ол-а! Ўлигини нима қилдинг?

– Буғдойзорнинг ғарбий томонида, қўлига газетасини ҳам тутқазиб қўйдим.

– Йўғ-е, ростдан шунақа қилдингми?

Шериклари ниҳоятда жойларига ётишди. Бир дақиқа ўтиб, кимдир сўради:

– У дарров ўлдимми?

– Ҳа, – деди Закхей, – дарров десаям бўлади. Ўқ бош чаноғини тешиб ўтди.

– Ҳа, ўқнинг нишонга теккани шу, – деди шерикларидан бири. – Ўқ мияни тешиб ўтса, ўша заҳоти ўлади одам.

Бутун бостирмага жимлик чўкди. Ҳамма ухлаганди.

Назоратчи кўп ўтмай, ошпазнинг ёрдамчиларидан бирини унинг ўрнига тайинлади. Шогирд баҳордан бери анча нарсани ўрганиб, қўли келишиб қолганди. Бугун у устозининг ўрнини эгаллади. У Поллининг ўлимидан жуда хурсанд эди. Ахир, энди у бош ошпаз-да!

То ўрим тугагунча ҳаммаси бир маромда кечди. Поллини ҳам энди ҳеч ким эсламай қўйди. Шўрликнинг жасади буғдойзорнинг аллақайси пучмоғида кўмилганди. Начора, бўлар иш бўлди!

Октябрь келиши билан ишчилар хайрлашув зиёфатини ташкил қилиш ва кейин ҳар томонга тарқалиш мақсадида Биллиборидан энг яқин шаҳарчага жўнаб кетишди. Айни дамда улар бир-бири билан апоқ-чапоқ бўлиб қолишганди. Улар бир-бирини қучоқлаб, хайр-хўш қилишарди.

– Сен қаерга борасан, Закхей? – сўради кимдир.

– Сал узоқроққа, Ғарбга! – деди Закхей. – Балки Вайомингга борарман? Қишда яна ўрмонга бораман, дарахт кесишга!

– Ҳа, унда яна кўришарканмиз, омон бўл, Закхей! Оқ йўл!

Шериклар янкилар ўлкасининг турфа хил бепоян манзиллари бўйлаб тарқалишди. Закхей Вайомингга йўл олди.

Сахро эса аввалгидек чексиз уммон мисол чайқаларди. Унинг тепасида октябрь қуёши ўзининг игнадек ўткир нурларини аямай сочарди...

ТОМАС МАНН
(1875–1955)
ГЕРМАНИЯ

Германиялик ёзувчи, романнавис
Пауль Томас Манн 1875 йили Любек-
да туғилган. Гимназияда ўқиб юрган
кезлариёқ Томас «Баҳорги момақалди-
роқ» деб номланган адабий-фалсафий
журналга асос солган. Унинг биринчи
ҳикоялар тўплами 1898 йили «Кички-
на хўжайин Фридеманн» номи билан
чоп этилган. Унинг «Тонио Крегер»,
«Тристан», «Қирол ҳазратлари», «Вене-
цияда ўлим», «Сехрли тоғ», «Марио ва
сехргар», «Доктор Фаустус», «Маҳбуб»,
«Қора оққуш», «Авантюрист Феликс
Крулнинг эътирофи» каби кўплаб ро-
ман ва қиссалари адабиёт муҳибла-
рининг меҳрини қозонган. 1929 йили
Томас Манн Нобель мукофотини қўл-
га киритади. Ёзувчи 1955 йилда ва-
фот этган.

КЎНГИЛ ҚОЛСА, ЁМОН БЎЛАРКАН

Гапнинг рости, манови жанобнинг ғалати гапларидан бутунлай довдираб қолгандим ва ҳозир ҳам уларни худди ўшандек тарзда такрорлаб беролмасам керак, деб қўрқаман, негаки ўша оқшом бошқалар ҳам ундан худди менга ўхшаб ғоят мутаассир бўлган эдилар. Бунга балки мутлақо нотаниш одамнинг фаройиб, ҳайрон қолдирадиган даражадаги самимияти сабаб бўлгандир, эҳтимол...

Ўша нотаниш кимсани биринчи марта бундан икки ойча муқаддам Сан Марко майдонида учратгандим. Кенг майдон бўйлаб айланиб юрган одамлар камчил, мовий осмон сари бўй чўзиб турган, заррин нақшлар билан безатилган ҳашаматли, ажойиб бино олдидаги байроқлар денгиз тарафдан эсаётган енгил шабадада ажиб ҳилпирарди; бош дарвоза яқинида бир қизалоқ ҳар томондан ёпирилиб келаётган каптарларнинг улкан ғаласига маккажўхори дони сепмоқда эди. Беқиёс, гўзал манзара...

Шунда мен уни учратиб қолдим. Ҳозир ушбу сатрларни ёзаётганда ҳам уни кўз ўнгимда аниқ-тиниқ тасаввур қилмоқдаман. Ўрта бўйли бу одам тез юрар, юрганда ҳам ҳассасини икки қўли билан орқада тутганича букчайиб қадам ташларди. Бошида қора тусдаги хунук шляпа, эгнида эса очранг ёзги пальто, қорамтир йўл-йўл шим кий-

волган. Негадир мен уни англиз бўлса керак, деб ўйловдим. Ёши ўттизларда, балки элликка ҳам боргандир. Юзи силлиқ тарашланган, бурни бироз катта, кулранг кўзлари ҳорғин боқар, лабларида ҳамиша қандайдир англаб бўлмайдиган, ғалати табассум ўйнарди. Аҳён-аҳёнда қошларини бир чимирволиб, ён-верига синовчан назар ташлайди, сўнг яна ерга қараб, ўзига ўзи бир нималар деб гапирган кўйи бошини сарак-сарак қилганича кулимсираб қўярди. Шу алфозда у майдон бўйлаб уз-зукун у ёқдан бу ёққа бориб келарди.

Ўша кундан бошлаб уни энди ҳар куни кузата бошладим, чунки унинг хоҳ ҳаво очиқ бўлсин, хоҳ булут бўлсин, тушдан олдинми ё кейинми, барибир кун бўйи кенг майдон бўйлаб ўттиз ё эллик маротаба у ёқдан бу ёққа ёлғиз ўзи худди ўшандек ғалати хатти-ҳаракатлар билан одимлаб бориб келишдан бошқа ҳеч қандай юмуши йўқ ҳисоби эди. Юқорида айтганимдек, ўша оқшом аллақандай ҳарбий хор концерт бераётган эди. Камина «Флориан» қаҳвахонасининг кенг майдон узра ўрнатилган мўъжазгина столларидан бирининг ёнида ўтирардим. Концерт тугаб, томошабинлар оқими тарқала бошлагач, нотаниш киши ҳар доимгидек паришонхотир кулимсираганича ёнимдаги бўш ўринлардан бирига келиб ўтирди. Вақт ўтган сайин теварак-атрофдаги ғала-ғовур ҳам тиниб, ҳадемай барча столлар бўшаб қолди. У ер-бу ерда онда-сонда одамлар кўриниб қолар, энди майдон бўйлаб улуғвор осойишталик ҳукм сулар, осмон тўла юлдузлар чарақлар, гўзал Сан Марко узра яримта ой балқиб турарди. Мен нотаниш қўшнимга орқа ўтирганимча газета ўқирдим, ниҳоят, унга томон ўгирилишга мажбур бўлдим, чунки шу пайтгача ундан на бирон сас

эшитилган, на бирор ҳаракат сезилган, энди эса у тўсатдан гапира бошлаган эди.

– Венецияга биринчи марта келишингизми дейман, мсье? – сўради у, французчани бироз бузиб гапираркан; мен унга инглиз тилида жавоб қайтармоқчи эдим, у кутилмаганда соф олмон тилида аста, хириллаган бўғиқ овоз билан, товушини тиниқлаштириш учунми, тез-тез томоқ қириб йўталган кўйи сўзида давом этди: – Буларнинг ҳаммасини илк бор кўриб тургандирсиз, ҳойнаҳой? Барчаси сиз кутганингиздек эканми, ишқилиб? Балким ундан ҳам зиёдароқдир, эҳтимол? Эҳ!.. Бу қадар гўзал деб ўйламаган бўлсангиз керак-а? Тўғрими? Сизни бахтиёр ҳисоблаб, ҳавас қилишлари учунгина шундай деётган бўлмасангиз керак? Эҳ!..

У ўриндиққа бемалол суяниб олди-да, кўзларини тез-тез пирпиратиб, менга диққат билан тикилди. Унинг ҳозирги юз ифодасида аллақандай мубҳамлик зуҳур эди. Орага узоқ сукунат чўкди, ушбу ғалати суҳбатни қандай давом эттиришни ҳам билолмай, ўрнимдан турмоқчи бўлгандим, у шошиб мен томон энгашиб, сўз қотди:

– Кўнгил қолиши нима эканлигини биласизми, афандим? – қатъий оҳангда, секин сўради у ва ҳассасига қўллари билан таяниб олди. – Чакана муваффақиятсизлик, омадсизлик эмас, балки чинакам, кенг маънодаги кўнгил қолиши, барча нарсалардан, бутун ҳаётдан кўнгил совишини айтяпман. Албатта, буни сиз билмасангиз керак. Аммо шу туйғу каминани ёшлигимдан бери мудом таъқиб этиб келади, у мени ниҳоят, ёлғиз, сўққабош, бебахт ва бироз ғалати ҳам қилиб қўйган, буни инкор этолмайман. Сиз мени тушуна олармидингиз, афандим? Лекин сиздан илтимос қилгудек бўлсам, мен учун икки дақиқа вақт ажра-

тиб, гапларимни тинглай оларсиз, деб ўйлайман. Чунки гап очилдими, энди уни айтмасам бўлмас... Аввало шуни айтишим керакки, камина кичкинагина бир шаҳарчада, пастор оиласида туғилиб, ўсганман. Унинг файзга тула ҳужраларида эскича урфдаги, уламоларгагина хос жушқин, таъсирли некбинлик ҳамда яхши ва ёмон, савоб ва гуноҳ ҳақидаги дабдабали панд-насиҳатлардан иборат ўзига хос, ғайриоддий муҳит ҳукм сурарди. Камина бундайин баландпарвоз гапларни тинглашга сира-сира тоқат қилолмасдим, чунки назаримда, азоб-уқубатларимга айнан улар айбдордек туйилаверарди. Ҳаёт мен учун шунчаки қуруқ сафсатадангина иборат эди, холос, негаки насиҳатлар каминада фавқулодда ва аҳамиятсиз тасаввур ва тушунчалар уйғотар, мен эса улардан ҳеч нимани англай олмас эдим.

Шу тариқа мен одамлардан илоҳий эзгулик ёки ақл бовар қилмас разолат, ҳаётдан эса мафтункор гўзаллик ё қабоҳат кутиб яшардим. Каминани уларнинг барчасига – бепоён борлиққа, қандай бўлишидан қатъи назар, бўлғуси саргузашт воқеаларга, фавқулодда бахт-омад ҳамда сўз билан таърифлаб бўлмайдиган, кутилмаган даҳшатли изтиробларга бўлган теран, ваҳимали ҳирс ва ҳавас чулғаб олган эди.

Ҳаётимдаги илк кўнгил қолиши нечоғли қайғули бўлганлиги ҳамон эсимда, афандим. Эътибор берсангиз, у бирон-бир гўзал орзу-умиднинг саробга айланиши билан эмас, балки ҳаётимга илк мусибатнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлган эди. Ўшанда ёшгина бола эдим. Бир куни кечаси қандайдир шовқиндан уйғониб кетдим; уйимизга ўт тушган эди. Оловнинг сирли, маккор тиллари чор-атрофни чулғаб олиб, то хонам эшигигача етиб бораёзган, бутун қават ва зина ҳам аланга ичида

қолганди. Буни пайқаганим ҳамоноқ пастга югурдим ва жон ҳолатда «Ёняпти! Ёняпти!» деб қичқи-ра бошладим. Бу сўзлар ҳамон қулоқларим остида фавқулодда тиниқ жаранглайди. Ўшанда гарчи эс-ҳушим, онгим ҳали етилмаган бўлса-да, ҳар ҳолда ниманидир ҳис этганим мудом эсимда. Англа-шимча, бу ёнғин эди; мана ҳозир ҳам уни аниқ-ти-ниқ кўз олдимга келтиряпман! Охири нима бўлди дейсизми? Э, ҳали бу ҳаммаси эмас...

Ёлғиз Худога аён, бу ҳазилакам фалокат эмас-ди. Бутун бошли уй батамом ёниб кул бўлган, оила-миз фавқулодда хавф-хатардан бир амаллаб жон сақлаб қолган, ўзим эса қўп жойим куйиб, жиддий жароҳат олгандим. Шу ўринда, ўшандаги болалар-ча тасаввурим билан бўлажак воқеа-ҳодисалар-дан ўзиб кетиб, туғилиб ўсган уйимнинг ёнғинда куйиб, кул бўлишини илгаридан сезган эдим, де-сам нотўғри бўлар эди. Аммо шунга аминманки, ботинимда аллақандай ноаниқ шуур, гира-шира тасаввур яшаган ва аллақандай даҳшатли бир ҳо-дисани олдиндан англаб, пайқашимга туртки бер-ган эдики, бунга қиёсан бутун борлиқ менга ожиз кўриниб кетганди. Ёнғин умримдаги биринчи мудҳиш воқеа бўлган, оқибатда ҳаётимдаги ҳай-ратланарли ва ажойиб орзу-умидлардан ҳам кўн-гим қолган эди.

Қўрқманг, сизга барча умидсизликларимни бир-ма-бир батафсил ҳикоя қилмоқчи эмасман. Мен фақат бир нарсани айтмоқчиман, яъни ҳаётимда-ги улкан орзу-умидларимни ўзимнинг бебахт иштиёқ-интилишларим билан, қолаверса, минглаб китоблардаги шоирларнинг асарларидаги қуруқ сафсаталар билан бир умрга аллалаб келган экан-ман. Эҳ, шу десангиз, мен уларни, ана ўша шо-ирман деганларни ёмон кўриб қолдим денг. Улар-га қолса, ўзларининг баландпарвоз сўзлари билан

тўрт томонга жар солишса, иложи бўлса, ана ўша сўзларини Везувий узра қад кўтарган кедр дарахти билан ёнма-ён ва ҳатто само гумбазига ҳам муҳрлаб қўйишса, ҳар қандай дабдабали сўзнинг, аслида, ёлгон-яшиқ ёхуд киноя-пичингдан иборат эканлигини ҳис этмаслигим мумкинми, ахир?

Эҳ, кўнгли завқ-шавққа тўла ўша шоирларнинг нафмасини қаранг. Нима эмиш, гўё тилимиз камбағал эмиш, э, йўқ, уларнинг ўзлари камбағал, афандим! Фикри ожизимча, ҳаётдаги муҳтожлик ва етишмовчиликлар билан солиштирганда, аслида, тилимиз бой, ниҳоятда бой. Азоб-изтиробларга келсак, уларнинг ҳам ўз сарҳадлари бор: ожизликнинг жисмоний, калтафаҳмлиқнинг эса руҳий сарҳади мавжуд – бахт ва омад бобида ҳам худди шундай! Инсоннинг ўз фикрини баён қилиш эҳтиёжи сабаб товушлар дунёга келган ва улар восита-сида ана ўша сарҳадлар оша ёлгонлар тўқилиб келинган. Нима, бунга мен айборми? Ёки бўлмаса, аслида йўқ ҳодисалар ҳақида тасаввур уйғотаётган маълум сўзлар таъсирида фақат менинг эсим оғиб қолаётганмикан?..

Мен ана шундай иштиёқ-ла ўзимнинг улкан тасаввур-тушунчаларимга мос саргузаштларга тўлиб-тошган катта ҳаётга қадам қўйдим. Худо шоҳид, афсуски, ўзим кутган таассуротлардан баҳра олиш менга насиб этмаган экан! Камина дунёнинг кўкларга кўтариб мақталган жойларини ҳам бориб кўрдим, инсоният энг дабдабали сўзлар билан айланиб-ўргиладиган санъат асарларидан баҳраманд бўлиш учун узоқ вақт дарбадар кездим; ниҳоят, улар билан юзма-юз турарканман, ўзимга ўзим шундай дедим: нақадар гўзал. Бироқ бундан-да гўзалроқ нарсалар йўқмикан? Бори шумикан? Камина «воқелик», «ҳақиқат» деган сўзларни тушунолмайман; бу билан ҳамма гапни айтиб бўлдим, чоғи.

Қачонлардир, аниқ вақти эсимда йўқ, дунёнинг қай бир гўшасида, тоғ устида, торгина чуқур дара тепасида турардим. Қоя деворлари тик ва яланғоч эди, ҳув пастда эса тошдан тошга урилиб, пишқириб оқаётган сувнинг шовуллаши эшитиларди. Пастга қараб туриб, ўзимча ўйладим: ҳозир қулаб тушсам, нима бўлади? Ўзимга жавобим ҳам тайёр эди: мабодо шу ҳодиса рўй бергудек бўлса, йиқи-лаётиб ўз-ўзимга шундай деган бўлардим: «Ниҳоят, пастга қулаяпсан, билсанг, мана шу ҳақиқат!» Хўш, ҳақиқат дегани нима ўзи?..

Кўрган-кечирганларим бироз ҳангома қилишга етади, десам ишонасизми? Бундан кўп йиллар муқаддам бир қизни севардим, у шундай бир гўзал хилқат эдики, уни жон деб ўз ҳимоямга олган бўлардим; бироқ қиз мени севмасди, бунинг эса ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ, мен бўлмасам, бошқаси... Бироқ мен учун бундан баттар кўргилик бўлиши мумкинмиди? Лаззат ўрнига аччиқ мусибат келтирган ушбу воқеадан ҳам кўра оғирроқ азоб бормиди менга?.. Шундан сўнг қанчадан-қанча тунларни мижжа қоқмай, бедор ўтказдим, алаҳхусус, бир ўй мудом миямда чарх урарди: зўр мусибат дегани мана шу! Ниҳоят, уни бошдан кечиряпман! Хўш, мусибат дегани нима ўзи?..

Энди сизга ҳаётимдаги бахту омад ҳақида ҳам гапириб беришим шартмикан? Инчунин, бошимга бахт қуши қўнган пайтлар ҳам бўлган, лекин денг, бахт-иқболдан ҳам қўнглим қолган... Ҳожати йўқ; чунки мен сизга айтмоқчи бўлганим мисоллар қўнглимни қолдирган, ҳафсаламни пир қилган, умидсизликка чулганган ўша ҳаётнинг ўртамиёна, зерикарли ва бемаъни кечганини сизга барибир тушунтириб беролмайман.

«Ярим маъбуд дея мақталган Инсон – ким ўзи у?» деб ёзган эди ёш Вертер бир замонлар. Нима,

ўзига ниҳоятда зарур кучлардан ҳам маҳрумми у? Модомики, қувончдан энтиккан ё изтиробга чўмган экан, уни буларнинг ҳеч бири тўхтатиб қолмайди, бепоён чексизлик қаърида йўқ бўлишга талпингани учун ҳам унинг хира, туссиз онги қай-талайверади.

Денгизни илк бор кўрган кунимни тез-тез эслайман. Денгиз улкан, бепоён. Уни соҳилдан туриб кузатарканман, ўзимни озод, эркин ҳис этардим, чунки унинг адоғида уфқ ястаниб ётарди. Нега энди айнан уфқ? Ахир, мен ҳаётдан чексизлик кутган эдим-ку... Балки, менинг назаримдаги уфқ бошқа бировларникига қараганда торроқдир? Камина воқелик, ҳақиқат деган нарсаларни тушуна олмаслигимни айтиб ўтган эдим. Балки ақлим ошиб-тошиб кетаётгани учун шундай бўлаётгандир? Ёки буларни тушуниб улгурмаётганмиканман? Эҳтимол, хулоса қилишга шошаётгандирман, ким билади? Ё бахт-иқбол ва дарду изтиробларнинг фақат энг қуйи даражаларинигина, энг низик ҳолатларинигина англармиканман?

Йўқ, бундай деб ўйламайман; одамларга ҳам ишоналмайман, ҳаёт билан юзма-юз туриб, шoirларнинг баландпарвоз сўзларига қўшиладиган камчил кишиларагина ишонаман, холос. Ахир, бу қўрқоқлик ва алдовнинг ўзгинаси-ку! Ҳа, айтгандай, эътибор берганмисиз, афандим, яна шундай бир тоифа одамлар ҳам борки, улар шунақанги мақтанчоқ ва бошқаларнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромига, зимдан ҳавас қилишларига шу қадар ўч бўлишадики, ўзларини энг зўр бахт-омадга эришган қилиб кўрсатадилар-у, бироқ кўрган-кечирган азоб-уқубатлари ҳақида лом-мим демайдилар...

Қоронғи ҳам тушиб қолди, энди гапларимни унчалик эшитгингиз ҳам келмаётгандир; шунинг учун сўзни мухтасар қилиб, бир нарсага иқрор бўлмоқчи-

ман, яъни мен ўзим ҳам бир пайтлар ўзимни ўзимга ва бошқаларга бахтиёр қилиб кўрсатмоқ учун... ана шунақанги одамларга қўшилиб... ёлғон сўзлашга уринганим рост... Бироқ анча йил бўлди, шуҳрат-парастлигим барҳам топиб, ундан қутулганман, ана шундан берисига камина ёлғиз, бебахт ва бироз ғалати ҳам бўлиб қолганман, буни инкор этмайман. Энди эса... тунлари юлдуз тўла осмонни кузатиб, хаёл суриш севимли машғулотимга айланган; чунки бу дунёга, бу ҳаётга қўл силтаб, ундан воз кечиб қўяқолишнинг энг яхши йўли ҳам шу эмасми, ахир?

Шу билан бирга, ўзимнинг улуғвор тасаввур-тутунчаларимни зиғирча бўлса-да, ҳамон асраб қолиш ҳақида, уларгагина хос бўлган ҳақиқатни умидсизликнинг ҳеч бир азоб-уқубатисиз намоён қила оладиган озод, эркин ҳаёт ҳақида, ҳеч қандай уфққа эга бўлмаган умр ҳақида орзу қилаётганимни кечиримли ҳол деб ўйлайман, шундай эмасми?.. Камина мудом шу ҳақда орзу қилиб, ўлимни кутиб яшамоқдаман.

Эҳ, мен уни, ўлимни, ана шу охирги кўнгил қолишини ҳам ҳозирданоқ шундай бир аниқ тасаввур қиламанки!.. Ахир, шуми ўлим дегани ҳали? Сўнгги дамда ўз-ўзимга шундай дейишим турган гап: мана, ниҳоят, унга ҳам етиб келдим! Хўш, ўлим дегани нима, ўзи?..

Майдонга ҳам кечки аёз тушиб қолди, афандим; буни сезиб турибман, ҳе-ҳе! Энди сиз билан хайрлашсам девдим. Adieu¹, афандим...

¹ Adieu – Хайр (франц.)

ИВАН БУНИН
(1870 – 1953)
РОССИЯ

Атоқли рус ёзувчиси, шоири ва академиги Иван Бунин 1870 йилнинг 22 октябрида Россиянинг Воронеж шаҳрида дворян оиласида туғилган. Илк шеърий китоби «Шеърлар», «Митиннинг муҳаббати», «Қуёш зарби», «Корнет Елагин иши», «Арсеньев ҳаёти» асарлари ва «Қоронғи хиёбонлар» ҳикоялар туркуми машҳур. Адабиётшунослар Иван Бунинни рус мумтоз адабиётининг сўнгги вакили сифатида баҳолайдилар. Ёзувчи рус адиблари ичида биринчи бўлиб 1933 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган. Адиб 1953 йил 8 ноябрда Парижда вафот этган.

Рус тилидан
Рустам ЖАББОРОВ таржимаси

«МАДРИД»

Кечкурун у ой нурида Тверь булвари¹ бўйлаб бораркан, унга қараб келаётган қизни кўрди. Қиз сайрга чиққандек бемалол қадам босар, енгилроқ кийинган, қўлларини кичикрок муфта ичида беркитиб олган, думалоқ қорақўл телпагини бир томонга қийшайтириб кийганча ниманидир хиргойи қилиб келарди. Яқинлашиб, тўхтаб қолди:

– Сиз менга вақт ажратишни хоҳлайсизми?

У қизнинг кичкина бурнига, кенг ёноқларига, тунда порлаб турган кўзларига, ёқимли табассумига назар солди.

– Нега «йўқ» дейишим керак? Жоним билан.

– Қанча берасиз?

– Кўнгилхушлик учун бир рубль, тўғноғичинг учун яна бир рубль.

У ўйлаб қолди.

– Сиз узоқда турасизми? Узоқ бўлмаса, бораман. Сиздан кейин ҳам ишлашим керак.

– Уйим икки қадам. Мана, Бульвардаги «Мадрид» меҳмонхонасида.

– Ҳа, биламан! Мен у ерда беш марта бўлганман. Бир қиморбоз мени ўша ерга олиб борган. Яҳудий, аммо жуда меҳрибон эди.

– Мен ҳам меҳрибонман.

¹ Тверь булвари – Москванинг Марказий маъмурий округида жойлашган энг қадимий хиёбони.

– Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Сиз ёқимтой экансиз, менга дарҳол ёқдингиз...

– Унда кетдик.

Йўлда ҳамма қизга суқланиб қарарди. «Ниҳоят-да ширин қиз!» ўйлади у қизга яширинча тикилиб.

– Бир ўзинг яшайсанми? – сўради ерга қараб бораркан.

– Мен ёлғиз эмасман, биз ҳар доим учаламиз – мен, Мур ва Анеля бирга юрардик. Бирга турамиз. Фақат бугун шанба, уларни приказчиклар олиб кетишди. Мени хоҳлашмади. Уларга тўлароқ қизлар ёқади. Худди Анеля сингари. У ҳам озгин, лекин баланд бўйли, қўпол қиз. Ичади, лўлиларга ўхшаб эҳтиросли қўшиқ айтади. У билан Мур эркаклардан нафратланишади, улар бир-бирларини севиб қолишларидан қўрқишади, улар эр ва хотиндек яшайдилар...

– Демак, Мур... Ҳа, отинг нима эди? Фақат ёлғон гапирма, ичингдан тўқима!

– Мен Нинаман.

– Яна алдадинг!

– Хўп, фақат сизга айтаман: Поля.

– Бунақа сайрга биринчи чиқишинг бўлса керак?

– Йўқ, анчадан бери, баҳордан бери. Нима учун ҳамма нарсани сўрайверасиз? Яхшиси, менга сигарет беринг. Сизда яхши нарсалар кўп бўлиши керак, қаранг, қандай ажойиб плаш ва шапка кияркансиз!

– Бераман, уйга борайлик. Совуқда чекиш зарарли.

– Майли, лекин биз совуқда ҳам чекаверамиз. Анеляга зарарли, деса бўлади. У силга чалинган. Нега соқолингиз олинган? Анавиям қиртишлаб юрарди.

– Ўша қиморбозни айтяпсанми? Фақат ўшани эслаб қолибсан-да?

– Ҳа, кўп эслайман. Уям силга чалинган эди. Ўлардек чекарди. Кўзлари ёниб турарди, юзлари, кўкраклари осилиб тушганди.

– Бармоқлари тукли, қўрқинчлимиди?

– Вой, сизам уни биласизми?

– Э, мен қаердан биламан?

– Кейин у Киевга кетди. Мен уни Брянск вокзалига кузатиб чиқдим. Тўғри, унга боришимни айтмагандим. Борганимда поезд қўзғалган экан. Вагонлар орқасидан югурдим. У мени вагон ойнасидан кўриб қўлини силкиб қолди. Албатта, қайтиб келишини, Киев мураббосидан олиб келишини айтди.

– Лекин қайтиб келмади.

– Уни қўлга олишган бўлса керак.

– Унинг қиморбозлигини сен қаердан билдинг?

– Ўзи айтди. Портвейн ичволиб, «э мен бир қиморбоз бўлсам, ўғридай гап, нима ҳам қилардим. Бўрини оёғи боқади-да!» деганди. Нима, сиз актёрмисиз?

– Шунақароқ, мана келдик.

Кириш эшиги олдида будкача тепасида кичкина чироқ ёниб турди. Девордаги тахтада хоналарнинг калитлари илинганди. У ўз калитини олганида қиз шивирлади:

– Нега калитни ташлаб кетасиз? Ўғирлаб кетишмайдими?

У овозига қувноқ тус беришга уринди:

– Ўғирлашса, нақ Сибирга равона бўлишади. Асалим, мунча чиройлисан?

Қизнинг юзи қизаринди:

– Устимдан кулманг, юринг, Худо ҳаққи, бунақа кеч юрганимни билиб қолишса, жазолашади-ку?

– Қўрқма, сени каравот тагига яшириб қўяман. Нечига кирдинг? Ўн саккизгами?

– Қойил! Ҳамма нарсани биласиз-а? Ҳа, ўн саккиздаман!

Айланма зинадан гилам пойандоз бўйлаб юқорига чиқишди. Кейин тор, ғира-шира ёритилган коридорга қайрилишди. У эшикка калит солиб бораркан, қиз оёқ учида эшик рақамига кўз ташлади.

– Бешинчими! У ўн бешинчи хонада турарди. Учинчи қаватда...

– Агар яна бир марта ўша ҳақида гапирсанг, ўлдираман.

Қизнинг лаблари табассумга монанд чўччайди. Кейин ёп-ёруғ хонанинг йўлагига кирди. Кейин қоракўл ёқали пальтосини ечди.

– Чироқни ўчирмайсизми?

– Ҳечқиси йўқ. Рўмолчанг қани?

– Нимага эди?

– Қизариб кетибсан. Бурнинг музлаб қолибди.

Қиз дарҳол муфтасидан рўмолча чиқариб бурнини артди. У эса қизнинг ёноғидан аста ўпиб, елкаларини силади. Қиз телпагини ечди. Кейин сочини бир силтаб орқага олди-да, ботинкасини ечишга тутинди. Пойабзал ҳадеганда ечилмасди. Куч билан оёғидан суғуриб олганида ўзи ҳам қалқиб йиқилаёзди.

Унинг елкасидан маҳкам ушлаб олди ва кулиб юборди:

– Учиб кетишимга салгина қолди.

У қизнинг қора кўйлаги устидаги пальтосини қозикқа осиб, ўзини ичкарига бошлади ва диванга тортди:

– Ўтир, оёғингни бер.

– Йўғ-е, ўзим...

– Ўтир, дедим.

– Вой, секинроқ, чулким оёғимга маҳкам ёпишиб турибди.

– Жим тур!

У қизнинг очиқ тиззаларидан эҳтирос билан ўпди ва юзлари қизариб қаддини ростлади.

– Тезроқ бўл, чидолмайман...

– Нимага... чидолмайсиз? – сўради қиз ундан ҳали маъсумлик тарк этмаган кўзларини узмай.

– Жинни, ортиқ кутишга тоқатим йўқ деяпман. Тушундингми?

– Ечинайми?

– Йўқ, кийин!

У қайрилиб, дераза олдига келди ва ошиғич сигарет тутатди. Икки қават дераза ортида пастда фонарлар ғира-шира нур таратарди. Бир дақиқа ўтиб, қиз уни чақирди.

– Мен ётаверайми?

У чироқни ўчирди. Дарҳол ечиниб қизнинг ёнига, адёл орасига кирди. Қиз титраганча унинг пинжига кирди. Бахтиёр товушда кулиб юборди:

– Фақат илтимос, томоғимдан ўпмаанг! Соқолингиз суқилса, қитиғим келади. Кейин бутун уйни бошимга кўтариб кулвораман!

...Бир соат ўтиб, у қаттиқ ухлаб қолди. Қизнинг ёнида ётаркан, у кўчанинг олачалпоқ ёруғига қоришган қоронғиликка хаёлчан тикилди. Бу қанақаси бўлди? У эрталаб қаерга бораркин? Қаёққа? Қайсидир фоҳишалар билан кирхонанинг тепасидаги уйда тураркан. Улар билан бирга ҳар оқшом арзимас бир икки рубль учун «ов»га чиқади. Ҳали бола-ку, фикрлари ҳам беғубор! Тентак! Эртага у кетадиган бўлса мен ҳам «уйни бошимга кўтарсам-а»?

– Поля, – шивирлади у қизнинг қайноқ елкаларини сийпалаб.

Қиз қўрқиб кўзларини очди.

– Оҳ, тақсирим! Кечиринг, ухлаб қолибман. Мен ҳозир, ҳозир...

– Нима ҳозир?

– Ҳозир кийинаман-у, кетаман!

– Йўқ, ундан кўра тур, овқатланамиз. Эрталаб-гача сени қўйиб юбормайман.

– Ростданми? Полиция келса-чи?

– Ишинг бўлмасин. Менда анави қиморбозинг-нинг портвейнидан кўра яхшироқ мадера бор.

– Э, нега ўшани гапираверасиз?

У бирданига чироқни ёқди. Қиз уялиб юзини ёстиққа буркаб олди. У қизнинг устидаги адёлни итқитиб юборди ва унинг иягидан ўпа бошлади.

Қиз эса қиқирлаб, оёқларни типирчилатди.

– Э, қитиқламанг!

У рафчадан қоғоз халтачада олма ва Қрим мадерасини олиб келди. Қўлювгичнинг остида турган иккита стаканни стол устига келтириб қўйди. Кейин қизга юзланди:

– Мана бунини ол, ичмасанг, ўлдираман.

Қиз қарсиллатиб олмани тишлади. Ортидан мадерани ҳўплаб, гапга тушди:

– Сиз нима деб ўйлайсиз? Балки ростдан ҳам кимдир мени ўлдирар? Ишимиз шунақа. Ким билан қаерга боришингни аввалдан билмайсан. У, эҳтимол, мастдир, ўғридир, телбадир. Эҳтимол, бўғиб ўлдирар, балки сўйиб ташлар. Хонанингиз мунча иссиқ. Яланғоч ўтирса ҳам одам совқотмас экан. Бунинг оти мадерами? Зўр экан. Портвейн ёмон, ундан пукакнинг таъми келади.

– Ҳар доим ҳаммас.

– Йўуқ, бир шишасини икки рублга оласан, лекин ҳеч қанақа кайф бермайди.

– Кел, яна қўйиб бераман. Уриштирамиз, ичамиз ва ўпишамиз. Охиригача, о-хи-ри-га-ча!

Қиз стаканни бўшатиб, сархушлик билан ҳансираб, йўталиб, кула-кула, унинг кўкрагига бошини қўйди. У қизнинг бошини кўтариб, унинг нам, қимтилган лабларидан ўпди.

- Мени ҳам кузатгани вокзалга чиқасанми?
- Қизнинг ҳайратдан оғзи очилди:
- Сиз ҳам кетасизми? Қачон? Қаерга?
- Петербургга. Лекин ҳалимас.
- Худога шукр-е, энди мен фақат сизникига келаман. Истайсизми?
- Истайман. Фақат меникига!
- Ҳар қанча кўп пул беришса ҳам бормайман.
- Тўғри қиласан. Энди ухла!
- Мен ҳозир, бир дақиқага...
- Ана, тумбочкада...
- Мен ҳалиги, афтимдан уяляпман, оловни бир пастга ўчириб турасизми?
- Ҳа, бўлди, энди ётамиз. Соат уч бўлди.
- Қиз тўшак ичида яна унга маҳкам ёпишиб олди.
- У эса оҳиста гап бошлади:
- Эрталаб мен билан бирга нонушта қиласанми?
- Қиз илқис бошини кўтарди:
- Айтганча, мен бир марта «Терема»га боргандим. Ғалаба дарвозаси томонда. Нархи жуда ҳам арзон. Шунақа кўп овқат беришадики, еб туга-толмайсан.
- Қаерга боришимизни ҳозирча билмадим. Кейин сен уйингга қайтасан, яна анави фоҳиша дугоналаринг сени ўлдириб кетишди, деб ўйлаб юришмасин. Кундузи ишларим кўп. Кечқурун еттида яна шу ерга кел. Патрикеевда овқатланамиз. У ер сенга ёқиб қолади. Оркестр, балалайкачилар!
- Кейин «Эльдорадо»га кирамиз, тўғрими? У ерда ҳозир зўр кино кетяпти. «Ўлик қочоқ» деган.
- Ҳўп, борамиз, энди ухла!
- Ҳозир... йўқ, Мур фоҳиша эмас. У фақат жуда бахтсиз қиз. У бўлмаганида мен тамом бўлардим.
- Қанақасига?
- У отамнинг тоғаваччаси бўлади.
- Ҳўш?

– Отам Сурпухова хомашё станциясида ҳаммол бўлиб ишларди. Устига оғир юк тушиб, кўкраги мажақланиб кетган экан. Онам эса кичкинализимда ўлиб кетган. Мен бир ўзим ёлғиз қолгач, Москвага шу қариндошимизникига келдим. У анчадан бери меҳмонхонада фаррош бўлиб ишламас экан. Унинг манзилини адреслар бюросидан олдим. Кейин мен бир сават майда-чуйда билан Смоленск бозори тарафга бордим. У анчадан бери Анеля билан тураркан, кечқурунлари бульварга чиқишаркан. Мен унинг уйида анча яшадим. Кейин у мени ҳам олиб чиқа бошлади.

– Усиз мен тамом бўлардим, деяпсан-ку?

– Бир ўзим Москвада нима қилардим? Тўғри, у менинг ҳаётимни барбод қилди, лекин шунақа бўлишини истамаяндим. Э, шуни гапирмайлик. Худо хоҳласа, мен ҳам ўз йўлимни топиб кетарман. Балки меҳмонхонада фаррошлик қиларман? Лекин яхшироқ иш топсам, жонимни бериб ишлайман. Чойчақалар ҳам тушиб туради. Кейин бунақа ишларга умуман яқин бормайман. Мана шу ерда «Мадрид»да бўлса ҳам қолиб ишлардим. Зўр бўларди-да!

– Мен ҳам шуни ўйлаяпман! Балки сени бирор тузукроқ ишга жойлаб қўярман!

– Бутун умр дуо қилиб ўтардим.

– Нақадар шоирона сўзлар! Тахайю! А?

– А, нима дедингиз?

– Йўқ, шунчаки алаҳсираяпман! Ухла!

– Ҳўп, ҳозир, битта нарсани ўйлаб олай...

ЛУИЖИ ПИРАНДЕЛЛО
(1867 – 1936)
ИТАЛИЯ

Машҳур итальян ёзувчиси, шоир, драматурги Луижи Пиранделло 1867 йил 28 июнда туғилган. Ёзувчининг «Рим элегиялари» асари таржимаси унга катта шухрат келтирган. «Бегона аёл», «Марҳум Митти Паскал» романлари, «Агар шундай бўлмаса...», «Олти персонаж муаллифни қидиради», «Генрих IV» пьесалари ва ўнлаб новелла тўпламлари Пиранделло ижодининг чўққиси ҳисобланади. Унинг асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган. Адиб 1934 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган. Ёзувчи 1936 йил вафот этган.

Италян тилидан
Рустам ИБРОҲИМОВ таржимаси

ИККИ ЎРТОҚ

Тасодиф ва атрофдаги бутун ўлкаларга ёйилган ҳасад, ғаламислик туйғуси сабаб Жильоне ва Буттиче воқеаси юз бердики, улар ўн бир йилдан буён Ла Газенадаги эски хўжаликни ўзаро шерикликда бошқариб келишаётганди. Бегоналарни-ку қўя туринг, ота-бола ёки ака-укаларнинг ҳам ижара ер устидаги бундай шерикчилиги ҳеч вақт бунчалик узоқ давом этмаган. Бироқ шу ўн бир йиллик ҳамкорлик давомида бу икковлоннинг ўртасида на манфаат юзасидан, на бошқа нарс важдан заррача низо чиққан эмас.

Икковининг ҳам бола-чақаси ферма ҳовлисида, эски хўжайинлар замонида мўл-кўл ҳосил бериб турган ердаги ҳайҳотдай кенг уйларда ёнма-ён ўсиб-улғайди. Ҳар икки уйнинг ҳам ташқи деразаси йўқ эди. Ичкарига фақат ҳовлидаги эшик орқалигина ёруғлик тушар, ҳовлининг ўзи эса каттагина бўлиб, ўртасида ҳовузи бор тош йўлдан иборат эди. Унинг чор тарафини қуёшда товланувчи шиша синиқларидан ясалган қалин тож тасвири туширилиб безалган баланд девор ўраб олганди. Ҳовли тепасидаги осмон гумбазининг ёрқин, оловдай ял-ял ёнгувчи зангори туси кўзни олар даражадаги бу оппоқ девор олдида хира тортиб қолгандек туйиларди. Гарчи ертўладаги қўйлар қўтонни кўпдан бери бўшаб қолган, ўтхона ортидаги

бостирма остида эса сигир ўрнига бор-йўғи икки хачиру бир ҳўтик турган бўлса-да, бу ерларда ҳали ҳам кўҳна ҳамда бой ҳўжаликнинг анча-мунча товуқ ва куркалар, ахта ҳўрозу чўчқа болаларидан тўйинган ҳавоси анқирди.

Офтоб қақратган ерлардан теварак-атрофга бир неча йилдан буён ялангликда сочилиб, қуриб ётган талайгина экин-текиннинг эски ҳидлари пардек таралиб, илиқ гўнг тафти, ғалланинг қуруқ бадбўй исию ўтхонадаги намиққан куйинди похолнинг димоғни ёрувчи бўйи билан қоришиб кетганди... Узоқдаги хирмон томонлардан келаётган ҳўроз қичқириги эса дала сукунاتини бузиб турар, унга ҳовлидаги ҳўрозлар ҳам олдинма-кетин ёки баъзан биргаликда жўровоз бўлиб жавоб қайтарарди. Пашшаларнинг ғувиллаши, ҳўрозлар хонишию дарахтлар шитир-шитири бир зум ҳам тинмас, балки аксинча, мароми одамлар, турмуш юмушларию қорамоллар билан ўлчангувчи одатдан ташқари, у қадар сокин кечмайдиган, омонат эврилишларга қарамай, табиат тароватига тароват қўшарди.

Шу ўн бир йил мобайнида ер ҳам тортган машаққатларига яраша икки шерикни ҳеч бир истисносиз тақдирлаб келди. Ва ҳатто рафиқалари ҳам худди ер билан ҳосилдорлик борасида беллашгандек кетма-кет фарзанд кўришар, ҳар икки эрнинг-да фикри-ёди ўғилли бўлишда эдики, дала ишлари учун улар айнан эркак кучига муҳтожлик сезишарди. Ҳар сафар кўз ёриш чоғида бунақанги нарсаларга ажратиш учун ортиқча вақти бўлмаган эрларини ташвишга қўймаслик, безовта қилмаслик учун хотинларнинг ўзлари бир-бирига меҳрибонлик билан ёрдам беришардики, охири иккаловининг ҳам турмуш ўртоқларига туҳфа этган фарзандлари сони беш нафарга етди. Эрлари эса

тушлик қилгани ё бўлмаса кечки овқат егани қайтиб келишаркан, ўғил фарзанд илинжида дарҳол «Ўғилми?» деб сўрашарди. Аёллар бўлса бунга жавобан бир сўз демай, бош силкиб қўя қолишарди.

Бу икки ўртоқдан Жильоне дегани одатда ҳеч нарса демас, лозим топса, ер эгаси ёки шаҳарлик савдогарлар билан мулоқот чоғи ҳам музокарани шеригининг ўзига қўйиб берарди. Хотиржам, офир-босиқ, қуёшда қорайган, сип-силлиқ кулчаюз бу одам сўл қулоғи солинчагини ушлаган қўйи уларнинг гапини тинглаганча ўйланиб турарди. Сўнг лозим топса, ўзи ҳам икки оғизгина сўз қотиб қўярди ё йўқ. Сочлари патила, тиниб-тинчимас Буттиче эса жонсарақ, қувлик, айёрлик акс этган мовий кўзларидан адоқсиз равишда ёғилиб тургувчи ёниқ бир табассум билан, такаллуфу кўз қисишлар билан ўртоғидаги бу жиддиятни юмшатишга уринар, аммо хўжайин ёки савдогар дамдуз бир одамнинг бефарқ, ҳиссиз кўзларига тикилганча унинг шериги Буттиче бу тариқа хушомадомуз муомаладан нимани кўзлаганини тушунолмас, ҳатто уларнинг бундан андак ғаши ҳам келарди.

Жильоне мисоли чуқур илдиз отган, мустаҳкам бир дарахт эди. Ўз навбатида, Буттиче шу дарахтнинг шохлари бўйлаб париллаб учиб юрган сайроқи қушга ўхшарди. Ўша қушнинг хонишию жонсарақлиги дарахтга маъқулми ё йўқ, буни тушуниб бўлмас, агар биров Жильонедан «Ўзи бунга нима дейсиз?» деб сўраса, бош бармоғини солинчагига, кўрсаткич бармоғини эса қулоқ супрасига теккизган қўйи қулоғига ишора қилардики, бу унинг мени тинглашга чиқарган, гаплашиш бўлса ўртоғимнинг иши, дегани эди.

Уларнинг ўзаро аҳил эканлиги сири ҳеч қачон бир-биридан ўзиб кетишга уринмаслик борасида

келишилган аҳдномада эди. Посёлкадаги бошқа ёшларга ўхшаб Америкага кетиб қолмаслиги учун оталари уларни ҳарбий хизматдан қайтишган заҳотиёқ уйлантириб қўйган кунга қадар Монтаперто ортидаги Галлоттиларнинг олис тепаликларида бирга туғилиб ўсган бу йигитлар бир-бирига ашаддий рақиб эди. Эгачи опа-сингил бўлмиш хотинлари боис ярашиб олган бу кишилар ўртасида бир-бирларига зиён етмаслиги учун оила қурган дақиқаларидан эътиборан эски рақобат ўрнини шунчаки бир мусобақа эгалладики, шу сабаб улар орасида ўзаро яқинлик пайдо бўлди. Ҳар қандай қийинчиликка ҳамisha тайёр тургувчи бу йигитларнинг иккаласи ҳам ўз шеригига мадад беришга ошиқар, бунинг ажру мукофоти эса бир-бирингга муносиб эканлигининг туйишдан келиб чиқувчи мамнуният ҳиссида эди.

Яқинда Буттиченинг хотини олтинчи боласига бошқоронғи бўлган, энди кунлар бу ёғига туғилажак чақалоқни кутиш-ла ўтаётганди. Икки ойча аввал эса Жильоне қиз кўрганди.

Кунлардан бир кун кечқурун ҳовлида иккала аёл мойчироқ ёруғида ўғиллари шўрва ичиб қолдирган одмигина сопол косаларни йиғиштириб олаётган маҳал шу Жильоне бирров нариги аёлни дўппайган қорнига шубҳа аралаш ўғринча назар ташладики, эҳтимол, айнан шу нарсa икки эгиз қисмат ўртасидаги мувозанатга дахл этган бўлиши мумкин.

Ниҳоят, бир куни эрта саҳар ҳали кўкдан шафақ аримасдан аёлни тўлғоқ тутиб қолди. Шунда Буттиче рўпарадаги эшикка қараб чопди. Доя – ошнасининг хотиниям бунга тайёр турган эканми, ўша заҳоти ёрдамга ошиқди. Ана шундан кейингина ҳали юлдузи ўчмаган осмон остида икки оғайни елкаларига чопқиларини қўйганча одатда-

гидай соҳил томон йўлга тушиб, кўзланган манзилга ҳам етиб боришди.

Орадан бир соат ҳам вақт ўтмаган эдики, Жильонега ҳовли тарафдан тўнғичининг овози келаётгандек туйилди. Сал нарида ишлаётган Буттиче ҳам бир зум тўхтаб, «Эшитдингми, чақиришяпти?», деб сўради. Жильоне бунга жавобан «Эшитдим» дедию қўллари кувача қилганча «Ҳе-хе-хе-ҳей» дея қичқирди. Буттиче бўлса қўлидаги кетмонини ташладию қиялик бўйлаб жон ҳолатда югура кетди. Жильоне ҳам унинг ортидан чопаркан, шеригига аранг етишиб борарди.

Улар ҳовлига қайтишганда каттагина ур-сурнинг устидан чиқишди: Буттичеларнинг қия ёпик эшиги ортида болалар ғижим чойшабу дастурхон, юбкаю кўйлак аралаш ҳар турли латта-путта уюмини зўр бериб тортиб, ерда судраганча уймалашиб юришарди. Бу нарсаларни тўзғиган сочларию қонга беланган, қалтироқ қўллари кўзга ташланиб турган Жильоненинг хотини талваса ичида юлқиб-йиртиб ташлаганди.

Бунгача бола туғилганди. Ўғил бола! Аммо она кўп қон йўқотган, йўқотганда ҳам даҳшатли даражада кўп қон йўқотгандики, энди уни сақлаб қолишнинг деярли имкони йўқ эди. Бирон табиб топиб келиш учун дарҳол Фавара қишлоғига қараб «оёқни қўлга олиб» югуриш керак эди. Буттиче афтодаҳол хотинига боқаркан, маҳзун қиёфадан ҳам кўра кўпроқ тажанг алпозда тўхтаб қолди. Жильоне уни ташқарига судраб, қўлида даст кўтарганча хачирга миндириб қўйдию ўртоғининг қўлига жиловни тутқизаркан, ваҳшат-ла «Жўна!» дея бақирди. Бунга жавобан Буттиче жойидан жилмай, бўзарган рафтори-ла «Ўзинг борсанг-чи?» деб сўради. Шунда Жильоне «Бу нима деганинг, Худо ҳаққи, кета қолсанг-чи!» деди ва

хачирни иккала қўли билан ушлаб, шартта орқага тортди-да, ўхшатиб бир тепди...

Уч соатдан кейин Буттиче бир табибни эргаштирган ҳолда қайтиб келди. Ҳовлига қадам қўяр экан, уни кута-кута тилдан қолган, ғамдан чўкиб кетган ўртоғию янгасининг, бола-бақраларнинг ўша сиёқига боқа туриб масала ҳал бўлганини тушунди. Бу нарса унинг онгу шуурида айнан шундай шаклда гавдаланган, у шу ҳолни ўзининг қайтиш саҳнасини олдиндан айнан шундай тасаввур қилганди. Буттиче хўрлигу ўкинч аралаш аччиқ бир ғазабни туяркан, кўзлари телбаларча чақнади. Сўнгра «Турқингизга бир қаранг, нима жин урди сизларни!» деди-да, хачирдан сакраб тушиб, серрайганча уйининг остонасида тўхтаб қолди.

Каравотда эса ранги докадай оқариб, тарашадек қотиб қолган хотини ётар, унинг бу рафтори-дан вужудида бир томчи ҳам қон қолмаган эди гўё. Аёл шунчалар чўзилиб, шунчалар бўзариб кетган эдики, бир боқишда эри уни ҳатто таниёлмадиям. Сўнг Буттиче остона ҳатлаб, жасадга яқин келди-да, унга қарата истехзо аралаш бир оҳангда «Нима қилиб қўйдинг-а?!» деди. Хотинию шифокор билан хонага сассизгина кирган Жильоне ҳамдардлик изҳори сифатида қўлини ўртоғининг елкасига қўйган эди, бироқ вужудида ҳайвоний бир титроқ уйғонган Буттиче талваса ичида «Тегма менга!» дея бўкирди-ю, силтанганча ташқарига отилиб чиқди.

Чиққан заҳоти ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган ўғиллари қуршовига тушиб қолган ота эгилган кўйи уларни бирров бағрига босди-ю, туйқус барини қучоғидан силтаб ташлади-да, «Бу ерда нима қилиб ўтирибсанлар, ҳалиям тирикмисанлар?» дея алжиради. Остонада турган Жильоне бўлса ошнасини юпатаркан, шундай сўз қотди:

– Буларни ўйлаб ташвиш тортма. Энди хотинимнинг олти эмас, нақ ўн икки боласи бор. Кичкинтойингни ҳам у эмизади. Сенгаям ғамхўрлик қилади. Буттиче эса яна жужуқлари томон эгиларкан, пичоқ тиғи мисол ялт этган бир нигоҳ-ла уларга бошдан то оёқ кўз югуртириб чиқди. Қисматнинг бу янглиғ ҳақсиз ҳукми остида қолган ана шу лаҳзада Буттичегга ўртоғи гўё уни ўз марҳамати орқасида ҳўрламоқчидай, эзиб-топтамоқчидай туйилди. Шунда у марҳума билан видолашиб ҳам ўтирмай, бола-чақасини ташлаб, умуман, ҳаммани ташлаб, қишлоқ ёқалаб пастга томон ўқдек отилди. У шу кетганича ўлар даражада яраланган йиртқичга ўхшаб йироқ бир ерга, цератония дарахти ортига бекинди...

Орадан икки кечаю икки кундуз ўтди. Иккинчи кун тун қоронғисида ўртоғининг узоқдан, тепадан келган чақириғи алламаҳалгача эшитилиб турди. Кейин эса бу овоз сўқмоқ йўллар бўйлаб, дарахтлар оралаб тобора ёвуқлашиб келаверди. У ошнасининг қадамини ҳам, шунингдек, ўзга қадам товушларини (Болаларининг одим товуши бўлса керак!) ҳам эшитди. Буттиче дамани ичига ютди-ю, қадамлар сасию кишилар овози узоқлаша бораркан, яширинишга ортиқ чоғланмади. У дарахт япроқлари орасидан кўк юзида муаллақ турган ойни ғира-шира пайқади. Дилига дардидунёсини остин-устун қилар даражада сим-сиёҳлик тушган кўйи шу топда ой ҳам ўзи томон боқиб турганини ранж-аламу таҳлика ичида туйди.

Шунда у қўрғонга қайтишни ўйлаб қолди. Албатта, бу пайтга келиб аёлининг жасади чиқарилган бўлади. Ошнаси эса ўз рафиқаси чақалоққа кўкрак тутганию қолган етимчаларга қандай оналик қилаётганини Буттичегга кўрсатиш пайида юради (Буни меҳр-оқибат, дейдилар). Сўнг ҳар оқ-

шом ҳовлида мойчироқ нури остида шўрва ичиш-
гач, «Соғ бўл, ўртоқ, биз ухлагани кетдик» деган-
ча хотини ва бус-бутун оиласи билан уйига кириб
кетди. Буттиче бўлса онадан айрилган болалари
куршовида кўчада бир ўзи, ёлғиз ўзи қолаверади.
Э, йўқ! Худо ҳаққи, у эски рақибига бундай ҳу-
зур-ҳаловатни асло раво кўрмайди!

Каллаи саҳарлаб Буттиче уйга қайтиб келди-ю,
ўша заҳоти ич-ичига ботиб кетган юзлари, мурда-
никидек кўкарган кўз косаси, жиннинамо кўзлари
бир бўлиб дағал бир алпозда ўғилларини уйғотди.
Каттароқ болаларига буюмларни тўплаб, хачирга
юклашга ёрдамлашишни буюрди.

Бу шовқинни эшитиб, рўпарадаги уйдан чиққан
Жильоне анчагача қараб турди-да, ундан сўради:

– Нима қиялпсан?

Шу пайтда матоларни қалин тугун қилиб боғла-
ётган Буттиче оёққа қалқди. Шеригининг юзига
кўзларини тикканча жавоб қайтарди:

– Мен кетяпман.

– Қаёққа кетмоқчисан? Нима, ақлдан оздингми?

Буттиче индамай, ерга ўтирди-да, тугун ту-
гишда давом этди. Жильоне эса гапиришдан тўх-
тамасди:

– Нима учун, ахир? Биламан, қийналиб кетдинг,
ҳеч ким сенга буни тиламасди ҳам. Лекин қолавер-
са,.. сен ва ўғилларинг бу ерда...

Буттиче қайтиб ўрнидан турди ва бармоғини
лабига босиб деди:

– Жим. Мен кетишим керак.

– Лекин нима сабаб?

– Сабаби йўқ. Кетишим керак, вассалом.

– Шу туриш-а? Ҳисоб-китоб қилмасдан-а?

– Буни-ку қиламиз. Ҳозир эса кетишим керак.

Бор бисотини ўзига тегишли хачир ва эшакка
юклагач, Буттиче шеригига сўз қотди:

– Бориб чақалоқни олиб кел.

Ўз навбатида, Жильоне қўлларини жуфт қилганча деди:

– Наҳотки, шунчалар ақлдан озган бўлсанг? Болангни хотиним эмизипти. Унинг ўлишини истайсанми, нима бало?

– У барибир ўлади. Мен бу ердан кетишим керак.

Ана шунда Жильоне югуриб бориб яқиндаги-на туғилган чақалоқни олиб келди-да, юзини терс бурган ҳолда уни эгасига тутқазди.

– Ушла. Энди эса қорангни ўчир! Қайтиб сени кўришни хоҳламайман!

– Сен-а? – деди заҳархандалик билан Буттиче. – Ҳе, ўргилдим сендан!

У шундай дедию жониворларни олдинга ниқтади ҳамда орқасидан бешов боласини эргаштирган кўйи кенжатойини бағрига босганча йўлга тушдики, бу вақтда ҳали чақалоқнинг тўқ қизил оғизчасида бир томчи сут ялтирар эди.



ҲЕРМАНН ҲЕССЕ
(1877–1962)
ШВЕЙЦАРИЯ

Ҳерманн Ҳессе 1877 йил 2 июлда Кале (Вюрттемберг)да дунёга келган. У XX аср жаҳон адабиётининг улкан намояндаларидан бири бўлиб, адиб энг кўп мутолаа қилинадиган олмон адибларидан саналади. Унинг қатор роман, қисса, ҳикоялари, шеърлари, сиёсий, адабий-танқидий руҳдаги асарлари чоп этилган. «Чўл бўриси», «Маржонлар ўйини», «Демиян» каби китоблари доврўг қозонган. «Ғилдираклар остида» романи, «Нюрнбергга саёҳат» сафарномаси, «Курортдаги киши» қиссаси ва бошқа кўпгина асарлари ҳам машҳур. Адиб 1946 йилда Нобель мукофотига муносиб топилган. 1962 йилда вафот этган.

ФЛЕЙТА ОРЗУСИ

– Ма, ол! – деди отам ва қўлимга кичкина, суякдан ясалган флейта тутқазди.

– Ўзга юртларда куй-қўшиқларинг билан одамларнинг кўнглини чоғлаётганингда қари отангни ёдингдан чиқарма. Сен дунёни озми-кўпми кўрдинг ҳам, ўргандинг ҳам. Мен бу флейтани сен учун ясадим, чунки сен куйлашдан бошқа ҳунарни ўрганмадинг. Доимо куйлашни хоҳлагансан. Агар ёқимли, бетакрор қўшиқлар айтиб кишиларнинг кўнглини хушламасанг, Худо берган қобилият ҳайф сенга!

Менинг севикли отам донишманд инсон бўлиб, муסיқага унчалик тушунмасди. У менинг ҳам изидан боришимни ва флейтани шунчаки кўнгил ёзиш учун чалишимни хоҳларди. Лекин мен унинг таълимотини ўрганмадим. Мен қўшиқ айтишни, флейтада сеҳрли куйлар ижро этишни истардим. Хуллас, флейтамни олдим-да, отамдан оқ фотиҳа сўраб, сафарга отландим.

Мен ўзим туғилиб-ўсган водийнинг улкан тегирмонидан нарёғини билмасдим ва дунё шу тегирмондан бошланган бўлса керак, деб тасаввур қилардим. Бу тегирмон менга жуда ёқарди. Ҳозир эса оламнинг жуда бепоёнлигини кўриб турибман.

Йўл давомида енгимга учишдан чарчаган ари қўнди. Мен уни ўзим билан бирга олдим. Биринчи марта дам олганда хат ташувчини учратдим ва ундан Ватанимга салом йўлладим.

Мен ўрмонлар ва далалар оралаб юрардим. Дарё ҳам илдам оқарди. Бошқа ўлкалар менинг юртимдан деярли фарқ қилмас экан. Йўл-йўлакай дарахтлар, гуллар, буталар билан сўзлашар, улар билан биргаликда куйлардим. Назаримда, улар худди тушунишаётгандек қўшиқларимдан завқ оларди. Шу маҳал ари уйғониб, елкамга ўрмалаб чиқди-да, парвоз қилди. Финғиллаб атрофимда икки марта чарх уриб, ортга, Ватанига томон учиб кетди.

Ўрмонда қўлида сават ушлаган ва сариқ сочли бошига кенг похол қалпоқ кийган қизалоқни учратдим.

– Салом, қаерга боряпсан? – деб сўрадим ундан.

– Ўроқчиларга тушлик олиб боряпман. Ўзинг-чи, қаерга йўл олдинг? – сўради у мендан.

– Мени дунё кезиш учун отам юборди. У менинг флейтадан куй чалиб, одамлар кўнглини хушлашимни хоҳлайди. Лекин мен буни унчалик яхши уддалай олмайман. Аввал ўрганишим керак.

– Шунақами, унда қўлингдан нима иш келади? – сўради қизалоқ.

– Қўшиқ куйлай оламан.

– Қандай қўшиқ?

– Ҳар хил: тонг ва оқшом ҳақида, дарахтлар, гуллар ва ҳайвонлар ҳақида, масалан, ҳозир ўрмонда ўроқчиларга егулик олиб бораётган ёқимтой бир қизалоқ ҳақида қўшиқ хиргойи қила оламан.

– Ростданми? Шундай қила оласанми? Илтимос, куйлайқол!

– Майли, исминг нима?

– Бригитта.

Сўнгра мен бошига похол қалпоқ кийган гўзал Бригитта ҳақида қўшиқ куйлай бошладим. Қўшиқда унинг қўлидаги саватда ўроқчиларга егулик олиб бораётганлигини, чирмовиқларнинг қизни кўришга ошиқиб, боғ панжараларидан бошларини чиқариб унга интилишларини ва атрофдаги манзарани тасвирлаб куйладим. У менга жиддий боқди ва яхши куйлаганимни айтди. Мен яна куйлашда давом этдим ва ҳолдан тойгунимча қўшиқ айтдим. Очиққанимни қизга билдирганимда у менга саватидан бир бурда нон олиб берди. Нонни бир тишлаб, йўлимда давом этмоқчи эдим, лекин у менга юриб овқатланиш яхши эмаслигини айтди. Биз майсалар устида ўтирдик ва мен нонни шошмасдан едим. У эса офтобда қизарган қўллари билан тиззасини ушлаб, мени жимгина кузатиб ўтирарди.

– Мен ҳақимда яна куйлашни хоҳламайсанми? – сўради қизалоқ.

– Сен ҳақингда нималарни билсам, ҳаммасини куйлаб бўлдим, яна нима ҳақида куйлашим мумкин?

– Севгилиси ташлаб кетган қиз изтироблари ҳақида.

– Бу ҳақда куйлолмайман. Отам менга фақат қувноқ қўшиқлар айтишимни тайинлаган. Бунинг устига, ғам, изтироб, қайғу қанақа бўлишини билмайман. Истасанг, сенга бойқуш ёки ниначилар ёхуд капалаклар ҳақида куйлайман.

– Сен муҳаббат ҳақида куйлай олмайсанми?

– Муҳаббат ҳақида? Оҳ, бўлмасам-чи! Бу энг зўр туйғу-ку.

Мен унга қуёш нурининг қизғалдоқларга мафтун бўлиб, қандай боқиши ва қизғалдоқлар унинг

нурида қандай товланишлари, уларнинг қувонч-дан рақсга тушишлари, мода саъванинг нар саъвани интиқдик билан кутаётгани, у келганда эса хуркиб, унга жаҳл қилиши ҳақида ҳамда мовий кўзли қизалоқ ва йигит ҳақида куйлаб бердим. Қушиғимни яна давом эттириб, йигитнинг қизга дил изҳори қилаётганини, қиз эса унга саватчасидан нон олиб бераётганлигини, йигит энди қизалоқдан нон эмас, бўса олишни, унинг кўзларига тикилишни хоҳлаши ҳақида жуда узоқ, қиз кула бошлаб, йигитнинг овозини эшитмай қолгунга ва йигит унинг оғзини лаблари билан ёпмагунга қадар куйлагани ҳақида хиргойи қилиб бердим.

Шунда Бригитта эгилиб, лаблари билан оғзимни ёпди ва кўзларини юмди. Қўнғир кўзларини очганда қорачиқларида камина ва бир жуфт ёввойи гул рақсга тушарди.

– Отам ҳақ экан. Олам жуда гўзал экан! – дедим мен. – Энди сенга саватингни кўтаришга ёрдам беришни хоҳлайман.

Мен унинг саватини қўлидан олдим ва биз йўлда давом этдик. Унинг одимлаши ва менинг қаддам ташлашим, унинг қувончи билан менинг хурсандчилигим бир-бирига ҳамоҳанг эди. Ўрмон эса тоғ ҳақида майин ва ёқимли шивирларди. Умрим давомида ҳеч қачон бундай бахтни туймагандим. Мен жуда бардамлик билан хиргойи қилардим. Овозим бутун борлиққа: водийлару тоғларга, майсазорлару кўкламзорларга, дарёлару буталарга баралла тараларди ва қалб қўримдан чиқаётган нидони ҳикоя қиларди.

Шунда мен чуқур хаёлга чўмдим. Агарда дунёнинг барча қўшиқларини: майсалар ва гуллар, одамлар, булутлар, ўрмонлар ва жониворлар, ўзга юртлардаги денгизу тоғлар, юлдузлар ва ой ҳақи-

да куйлай олсам эди. Қўлимдан келганида эди, ҳар бир янги қўшиқни осмондаги янги юлдуздай те-риб чиқардим.

Шулар ҳақида ўйладим-у, бундан ўзим ҳайратда қолдим. Шу пайтгача бундай ўйлар миямга келма-ган экан. Қаршимда Бригитта турарди. У кетишга ҳозирланиб, саватни қўлимдан олди.

– Энди мен кетишим керак! – деди у. – Ҳув ана-ви далада бизнинг ишчиларимиз тер тўкишмоқда. Сен қаерга борасан? Мен билан бирга қолишни хоҳламайсанми?

– Йўқ, сен билан бирга қололмайман. Мен дунё кезишим керак. Егулик учун раҳмат ва албатта... бўса учун ҳам. Сени унутмайман.

У саватини олишга эгилганда кўзларимиз яна бир-бирига қадалди. Шу он яна унинг лаблари ме-нинг лабларим билан қовушди. Унинг бўсаси шу қадар майин, шу қадар ажойиб эдики, мен бу бахтдан ўзимни буткул йўқотиб қўйдим. Шунда мен ундан ажралишим кераклигини ўйлаб, қай-ғуга ботдим. Бригитта билан видолашиб, йўлимда давом этдим.

Қиз тоғ томон юқорилай бошлади, лекин бироз юриб, қора қайинлар соясида тўхтаб қолди. Ва менга қаради, мен эса унга. Бошимдан қалпоғим-ни олиб унга силкитдим. У ҳам бошини ирғади ва қора қайинлар орасида ғойиб бўлди.

Мен эса зўрға йўлга тушдим. Бир бурилишга ет-гунча хаёл уммонига ғарқ бўлдим.

У ерда бир тегирмон бўлиб, унинг олдидаги дарёда қандайдир қайиқ менга анчадан бери ин-тизор бўлгандек турарди. Қайиқда эшкакчи ўти-рарди. Қалпоғимни эшкакчига силкитганимда у қайиқни мен томон бурди, қайиққа чиқдим ва йўлга тушдик. Мен қайиқнинг ўртасидан, эшкак-

чи эса эшкаклар ортидан жой олди. Қаёққа сузаётганимизни сўраганимда у менга қисик кўкимтир кўзлари билан тикилди.

– Қаерга боришни хоҳлайсан? – сўради бўғиқ овозда. – Дарёнинг қуйи оқими бўйлаб денгизгами ёки катта шаҳарларгами, танла, буларнинг барчаси менга тегишли.

– Сенга тегишли? Нима, сен қиролмисан?

– Балки, – деди у. – Сен шоир бўлсанг керак, шундай бўлса, менга йўл давомида бирор нима куйлаб бер.

Жиддий, юзлари бужмайган бу кимсадан бироз ҳадиксираётгандим. Қайиқ эса дарё бўйлаб шиддат билан товушсиз оқиб борарди. Мен қайиқни учуриб бораётган дарё ҳақида, қуёшнинг чарақлаши ва қирғоқдаги қояларнинг кучли шовқини, тўлқинларнинг сафарини қирғоққа тўқнашиб тугатиши ҳақида куйлардим.

Лекин эшкакчининг юз ифодаси сира ўзгармасди. У худди орзу қилаётгандек бошини сокин тебратди. Ва қўшиғимдан илҳомланиб, худди мендек водийлар оша дарёдаги сафар ҳақида куйлай бошлади. Унинг қўшиғи меникидан ёқимлироқ ва гўзалроқ эди, лекин алланечук ўзгача янграрди.

Дарё унинг куйлашига ҳамоҳанг тарзда қутургандек бўлиб чайқалар, кўприклар остидан дабдаба билан оқиб ўтарди. Унинг тўлқинлари қоя қирғоқларига урилиб-қайтиб, бамисоли ғазаблангандек, нафратлангандек қайиқни сув устида ўйнатарди. Сувда чўкканларнинг узун яшил сув ўтлари орасидаги оппоқ мурдаларини у кулимсирагандек тебратарди.

Буларнинг бари ниҳоятда ғаройиб, жозибадор ва сирли оҳангларга тўла бўлишига қарамай, менга сира ёқмасди. Мен саросимада қолдим ва танг

аҳволимдан тилим калимага келмасди. Бу қари, ажабтовур, ақлли эшкакчи бўғиқ овозда куйлаганда менинг қўшиқларим уники олдида арзимасдек туйилди. Шунда, назаримда, олам, аслида, ажойиб ва нурафшон эмас, балки нурсиз ва ғамгин, бешафқат ва кемтикдек туйилди. Ўрмонлар қувончдан эмас, азоб-уқубатдан шитирларди.

Биз сузавердик. Соялар борган сари чўзилар, ҳар сафар куйлаганимда қўшиқларим кучсизланиб, таъсири камайиб бораётгандек бўларди. Овозим ҳам бўғилаётгандек эди. Лекин у куйлаганда олам янада жумбоқли ва азоб-уқубатли туйилар, мен эса журъатсиз ва қўрқоққа айланардим.

Қалбим безовталанди. Гулларга тўла водийда, Бригитта олдида қолмаганимга афсусландим. Сўнгра қош қораяётганда ўзимни юпатиш мақсадида яна баланд овозда куйлай бошладим. Мен энди қизғиш тус олган шафақда Бригитта ва унинг бўсаси ҳақида куйлардим.

Қоронғи тушди. Мен тил-забондан қолган эдим, эшкакчи эса муҳаббат ва унинг қувончлари, мовий кўзлар, намланган қирмизи лаблар ҳақида куйларди. Бу эса дарё ҳақидаги қўшиқдан-да гўзалроқ ва жозибалироқ эди. Лекин унинг қўшиғида муҳаббат азобли, қўрқинчли ва сир-синоатга тўла, инсон эса ночор ва ғам-ҳасратли эди. Ва улар бир-бирларига ўзаро азоб беришар, бир-бирларини маҳв этишарди.

Буларни эшитиб, ниҳоятда толиқиб, ғам-ғуссага чўмдим. Гўё йиллар давомида ғам-алам оламига саёҳат қилаётгандек эдим. Эшкакчининг қўшиғида қалб азоби ва ғам-андуҳнинг совуқ ва сокин дарёси мадҳ этиларди. Буларнинг бари менинг юрагимга сингиб борарди.

– Ҳаёт мен тасаввур қилганчалик гўзал ва ажойиботларга бой эмас, ўлимдек машъум экан. Сендан ўтинаман, қайғулар қироли, менга ўлим ҳақида қўшиқ айтиб бер! – деб илтижо қилдим бардошим тугаб.

Эшкакчи энди ўлим ҳақида куйлай бошлади. Буниси олдингиларидан-да мукамалроқ қўшиқ эди. Лекин ўлим ҳам унинг учун энг қудратли, энг етук ва таскин берувчи нарсаси эмас эди. Унинг хонишида ўлим – ҳаёт, ҳаёт эса – ўлим эди. Улар ўртасида абадий, даҳшатли, жазавади муҳаббат кураши борарди. Шу курашнинг ўзи ҳаёт мазмуни эди. Бу тўқнашувдан бир тутам нур таралар, айнаи дамда бахт ва гўзалликка раҳна солиш мақсадида соя ҳам ўрларди. Эшкакчининг қўшиғини тингларканман, дамим ичимга тушиб, иродам синиб бўлганди. Унинг мунгли нигоҳида аллақандай рутубатли сокинликни илғаш мумкин эди. Мовий кўзлари ғам-андуҳга тўла ва шу билан бирга, борлиқнинг жамики жозибаси намоён эди уларда. У менга жилмаярди. Мен бутун куч-қувватимни, иродамни жамлаб ундан ўтиниб сўрадим:

– Мени ортга қайтар, бу зулматдан даҳшатга тушяпман. Бригитта ёки отамнинг олдига қайтишни хоҳлайман.

Эшкакчи ўрнидан туриб, зим-зиё тунга боқди. У ёққан чироқ озғин ва ажин босган юзини ёритди.

– Ортга йўл йўқ! – деди у жиддий ва дўстона оҳангда. – Дунёни ўрганиш учун доимо олдинга қараб юришинг керак. Мовий кўзли қиз билан танишганинг, уни севганинг яхшидир, лекин йўлингни давом эттирсанг, дунёнинг бундан-да ажойиб, бундан-да фаройиб мўъжизаларини кўрасан. Мен сенга ўз ўрнимни қолдирмоқчиман, лекин сен доимо ўзинг хоҳлаган йўлдан бор!

Гаплари мени тушкунликка солса-да, у ҳақ эди. Мен ўз Ватанимга қайтишни хоҳлаганимда фақат Бригиттани, уйимни, бошимдан ўтказганларимни, йўқотганларимни ўйлардим. Лекин энди эшкакчи ўрнини эгаллашим керак эди. Ўзи шундай бўлиши ҳам керак!

Индамай ўрнимдан туриб, эшкакчи ўтирган жойга бордим. У ҳам жимгина мен томон яқинлашди ва рўпара келганимизда кўзларимга қаттиқ тикилиб, қўлидаги чироқни менга берди.

Мен эшкакчининг ўрнига ўтдим. Олдимда чироқ милтилаб ёниб турар, шу зайлда сузишда давом этардим. Фақат қаттиқ бир силкинишдан кейин ўзимга келдим. Қайиқда якка-ёлғиз ўтирардим. Эшкакчи аллақачон кетганди. Отам, Бригитта, туғилиб-ўсган юртим, қайиққа тушган кунларим хаёлимда гўё бир лаҳзалик тушдек чарх урарди. Худди доим шу тунги дарёда сузавериб қаригандек, ғам-андухга ботгандек эдим.

Эшкакчини чақириш мумкин эмаслигини тушунгандим. Шу ҳақиқатни англаш ҳисси худди совуқ шамолдек этимни жунжиттирарди.

Кўнглим сезиб турган нарсага ишонч ҳосил қилиш учун сувга энкайдим ва қўлимдаги чироқни ёқдим. Сувнинг аксида эса ориқ юзли, жиддий, кулранг кўзли билимдон қария менга тикилиб турарди. Бу – мен эдим.

Энди ортга йўл йўқ эди. Мен зулмат ичра сузишда давом этдим.

УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР

(1897–1962)

АҚШ

Уильям Катберт Фолкнер 1897 йилнинг 25 сентябрида Американинг Миссисипи штатида дунёга келган. Унинг «Эмили учун гуллар», «Ўша тунги қуёш», «Алвон япроқлар», «Қақроқ сентябрь» каби ҳикоялари, «Бу ўн учлар», «Дангиллама ҳовли», «Пастга туш, Мусо», «Ўғрилар» каби романлари эса ёзувчига машҳурлик нашидаларини олиб келади. Фолкнер 1949 йили Нобель мукофоти билан тақдирланган. Адиб 1962 йил 6 июлда АҚШнинг Байхелия штатида дунёдан кўз юмган.

ҚОРОНҒИ ТУШГАНДА

Энди Жефферсонда душанба ҳафтанинг бошқа кунларидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. Кўчаларга тош ётқизилган, телефон ҳамда электр компаниялари кундан-кунга соя-салқин дарахтлар – эманлар, акаслар, заранглар, қайрағочларни таг-тубидан қирқиб, ўрнига тўлғин, шаффоф, туссиз узум бошлари осилган темир устунлар ўрнатишади; бизда ҳам шаҳар кирхонаси бор, душанба кuni эрталабдан бўёқлари ялтираган автомобиллар шаҳарни айланиб юради; бир ҳафта давомида тўпланиб қолган кир кийим-кечакларга тўлган ҳолда ён-верингдан худди шарпадек ўтади, автомобилларнинг карнайлари жиртак чалиб ғат-ғут қилади, асфальт устида худди ипак мато шариллатиб йиртилаётгандек шиналарнинг шариллаши эшитилади; одатда оқ танлиларнинг кийимларини ювадиган хабаши хотин-қизлар либос-анжомларни автомобилларда ташишади.

Аммо бундан ўн беш йил бурун душанба кuni эрталаблари сокин салқин чанг-чунг кўчалар хабаши аёлларга тўлиб кетарди, улар ўзларининг шол-рўмол танфилган бақувват бошларида катталиги бир той пахтадек келадиган чойшаб тугунларни кўтариб, уларга қўлларини теккизмай оқ танлиларнинг ошхоналари остонасидан то хабашилар

маҳалласидаги ҳужралари олдида ўрнатиш қорайиб кетган қозонгача элтардилар.

Нэнси боши тепасига кир солинган тугунни ўрнатиб, тугуннинг устига қора похол шляпасини жойлаштирар, бу шляпа қишин-ёзин унинг бошидан сира тушмасди. Унинг бўйи баланд, товоқдек сумрайган юзининг ёноқлари бўртиб чиққан, ёноқлари остида юзи чуқурчадай бўлиб турар – жағларида бирталай тишлари етишмасди. Баъзида биз унга кўчада то ўтлоқгача эргашиб борар, бошидаги тугунни чаққон кўтариб боришини томоша қилардик; энг тепага ўрналган шляпаси ҳеч қачон қимир этмас, қийшаймас ва ҳатто жарга тушиб, ундан юқорига чиқаётганда ёки четанлар орасидан ўтаётганда ҳам қимирламасди. У чўкка тушиб туйнукдан судралиб, бошини адл тутиб ўтганларида ҳам тугун бошида маҳкам турар, худди калласи узра ҳаво тўлдирилган пуфак шар сузиб кетаётгандек кўринарди, кейин яна иккала оёғида тик турар ва йўлига кетаверарди.

Гоҳида кир кийимларни олиб кетгани кир ювувчи аёлларнинг эрлари келишарди, лекин Иисус ҳеч қачон Нэнси учун бундай қилмасди, ҳали отамиз уни бизникига киритмай қўйгандан анча илгари, ҳатто Дилси асал бўлиб ётиб қолганида Нэнси унинг ўрнига бизникига келиб кир-чирларни ювиб, ош-овқатга қараганда ҳам ҳеч қачон бундай қилмасди.

Ҳар куни эрталаб Нэнсининг уйига югуриб бориб, уни тезроқ келиб нонушта тайёрлашга чақирардик. Биз жар ёқасида тўхтаб турардик, чунки отамиз бизга Иисус билан гаплашгани ижозат бермасди. Иисус башарасида чуқур тиф изи чандиқ бўлиб қолган чорпахил хабаш эди, биз жар ёқасида туриб Нэнсининг уйига майда тошларни

отар, ниҳоят, у қип-яланғоч ҳолда эшикда кўри-
нарни.

– Бу нима қилиқ, тош отиш! – дерди Нэнси. –
Нима керак сиз шумтакаларга?

– Отам сени дарров келиб нонушта тайёрласин
деди, – бидирларди Кэдди. – Отам нонушта ярим
соатга кечикди, деяпти, сен тез бораркансан.

– Нонуштасиз туролмас экансизлар-да, а! – дер-
ди Нэнси. – Ухлагани қўймайсизлар.

– Нима бало, мастмисан, – дерди Жейсон. – Отам
сени маст деяпти. Сен мастмисан, Нэнси?

– Ким айтди шуни? – дерди Нэнси. – Уйқуни
ҳаром қиласизлар. Нонушта қилмай туролмайсиз-
ларми?

Биз яна бир қанча тошлар отиб, сўнг уйга қай-
тардик. Ниҳоят, Нэнси уйимизга етиб келганда
мен мактабга аллақачон кечиккан бўлардим. Биз
Нэнси қамоққа олингунча буларнинг ҳаммаси
унинг виски ичганидан деб уйлардик. Нэнсини
қамоққа олиб кетишаётганда йўлда уларга жаноб
Стовел дуч келиб қолди – бу киши банкда кассир
ва баптистлар черковининг оқсоқоли бўлиб ишлар-
ди. Нэнси уни кўрган заҳоти лаби лабига тегмай
шақиллай кетди:

– Сиз қачон менга ҳақимни берасиз, жаноб? Қачон
менга пулимни тўлайсиз, жаноб? Меникига уч
марта бордингиз, ҳалиям ҳақимни тўламайсиз...

Жаноб Стовел уни қаттиқ урди, Нэнси ерга
йиқилди, аммо шунда ҳам унинг жағи тинмасди:

– Сиз қачон ҳақимни берасиз, жаноб? Меникига
уч марта бордингиз, мен шу пайтгача...

Шунда жаноб Стовел уни товони билан юзига
қараб тепди, шериф уни нари сурди, Нэнси эса
ерда ағаниб ётганча қуларди. У бошини кўтариб

бурилди-да, қон аралаш тушган тишини тупуриб ташлади, сўнг деди:

– Менга уч марта борди-ю, бир цент ҳам тўламади.

Ўша куни ҳамманинг оғзида Нэнси билан жаноб Стовел бўлди, кечаси эса қамоқхона ёнидан ўтганлар Нэнсининг қўшиқ айтгани ва додлаганини эшитишди. Пастдан унинг дераза панжараларини чангаллаган қўллари кўринарди, қамоқ девори олдида анча одамлар тўпланди. Ҳаммалари унинг бақираётганини томоша қилиб туришарди, назоратчи унинг оғзини юмишга, тинчитишга уринарди. Аммо у оғзини юммас, кечаси билан додлаб бақириб чиқди; тонг қоронғисида назоратчи юқорида нимадир тарақлаб, чийиλλαётгани, деворни тирнаётганини эшитиб қолди: у юқори қаватга чиқиб, Нэнси дераза панжарасига ўзини осганини кўрди. У кейин гап вискида эмас, кокаинда, деб юрди: агар хабабш бурнига тўйиб кокаин тортмаса, ҳеч қачон ўзини ўлдирмайди, деди. У кокаин тортгандан кейин хабабшга ҳам ўхшамай қолади. Назоратчи Нэнсини сиртмоқдан чиқариб, ҳушига келтирди, кейин хумордан чиққунча калтаклади. Нэнси кўйлагини арқон қилиб, ҳаммасини жойига қўйиб ўзини осган экан. Уни қамоққа олиб кетишаётганда эғнида фақат кўйлаги бор экан, қўлини бойлашга бошқа нарса топилмаган, кейин у қўллариини дераза тоқчасидан тортиб ололмаган. Ана шунда назоратчи юқорида бўлаётган шовқинни эшитиб, югуриб чиққан у Нэнси панжарада қип-яланғоч осилиб турганини кўрган.

Дилси бетоб бўлиб қолиб, ўз кулбасида кўрпа-ёстиқ қилиб ётганди, Нэнси бизникига келиб ош-овқат тайёрларди, биз шунда унинг қорни устида фартуги дўмпайиб турганини пайқаганмиз. Бу

Иисусни отамиз бизникига келтирмай қўйганидан илгарироқ бўлганди. Иисус ошхонада плита ёнида ўтирар, унинг қоп-қора юзидаги чандиқ худди кир чизимчага ўхшаб кўринарди. У бизга Нэнсининг қўйлаги тагида тарвузи бор, деди. Ваҳоланки, қиш пайти эди.

– Қишда тарвузни қаердан олдинг? – сўраб қолди Кэдди.

– Мен олганим йўқ, – жавоб берди Иисус. – Бу менинг совғам эмас. Менданми, мендан эмасми, барибир бир кун уни сўйиб ташлайман.

– Нега болалар олдида бундай гапиряпсан? – деди Нэнси. – Нега ишга бормаи ўтирибсан? Нима, жаноб Жейсон сенинг бу ерда ўтириб болалар олдида валдираётганингни эшитсинми?

– Нимани валдираяпти? У нимани валдираяпти, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен оқ танли одамнинг ошхонасига кирмаслигим керак, – деди Иисус. – Менинг ошхонамга эса оқ танли одам кирса бўлаверади. У уйимга кириб келаверади, мен кирма деёлмайман. Оқ одам менинг уйимга кирдими, тамом, энди у менинг уйим эмас. Мен унга кирма деёлмайман, майли, лекин у мени ўз уйимдан ҳайдаб чиқаролмайди. Йўқ, бу унинг қўлидан келмайди. Дилси ҳалиям тузалгани йўқ. Отамиз бизнинг уйимизга Иисус келишини тақиқлаб қўйди. Дилси ҳалигача касал ётарди. Узоқ оғриб ётди. Бир куни кечки овқатдан сўнг кабинетда ўтиргандик.

– Нима, Нэнси ишини тугатдими? – сўраб қолди ойим. – Шу вақтгача аллақачон идиш-товоқни ювиб қўйса бўларди.

– Квентин бориб қарасин, – деди отамиз. – Квентин, бориб қара-чи, Нэнси ишини тугатдими, йўқми? Айт унга, уйига кетаверсин.

Мен ошхонага йўл олдим. Нэнси ишини битирган экан. Идиш-товоқ йиғиштирилган, ўчоқда ўт ўчирилган. Нэнси ўчган плита олдида курсида ўтирган экан. У менга қаради.

– Ойим ишингни қилиб бўлдингми, йўқми, деб сўраяпти, – дедим мен.

– Ҳа, – деди Нэнси; у менга қаради. – Ишимни бўлдим. – У яна менга қаради.

– Нима қилди, Нэнси? – сўрадим. – Сенга нима бўлди?

– Мен қора хотинман, холос, – деди Нэнси. – Лекин бу менинг айбим эмас-ку.

У бошида похол шляпаси билан ўти ўчган плита ёнида ўтирар ва кўзини мендан узмасди. Мен кабинетга қайтиб келдим. Плита ўчгани учун бўлсамикин, ошхона ошхонага ўхшамасди. Ахир, одатда ошхона иссиққина бўлади, ҳамманинг димоғи чоғ, ҳамма нима биландир банд. Ҳозир эса плита ўчган, идиш-товоқ йиғиштириб қўйилган, бунақа пайтда ҳеч ким овқат ейишни ўйламайди.

– Нима, ишини қилиб бўлибдими? – сўради ойим.

– Ҳа, ойи, – дедим.

– Ўзи нима қияпти? – сўради ойим.

– Ҳеч нима. Ўтирибди.

– Бориб қарай-чи, – деди отам.

– У Иисусни кутаётгандир, уйга кузатиб қўяди деб, – деди Кэдди.

– Иисус кетиб бўлган, – дедим.

Нэнси бир куни эрталаб уйқудан кўзимни очсам, ёнимда Иисус йўқ, деб ҳикоя қилиб берганди.

– Мени ташлаб кетди, – деди Нэнси. – Менимча, Мемфисга кетган. Полициядан қочиб юрибди, шекилли.

– Ундан қутулганингга Худога шукр қил, – деди отамиз. – Шояд, ўша ерда қолиб кетса.

– Нэнси қоронғидан қўрқади, – деди Жейсон.

– Сен ҳам қўрқасан, – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Қўрқоқ! – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Кэндейси! – хитоб қилди ойим.

Отам кириб қолди.

– Мен Нэнсини бироз кузатиб қўяман, – деди у.

– У Иисус қайтиб келди деяпти.

– Уни кўрибдими? – сўради ойим.

– Йўқ. Бир хабаш айтибди, уни шаҳарда кўришибди. Мен тез келаман.

– Нэнсини кузатиб келгунингча мен ёлғиз ўтираманми? – деди ойим. – Уни қўриқлайсан-у, мени қўриқламайсанми?

– Мен тез қайтаман, – деди отам. – Ўша хабаш шу ерларда изғиб юрибди, сен болаларни ёлғиз қолдирасанми?

– Мен ҳам бораман, – деди Кэдди. – Майлими, ота?

– Болаларингни бошига урадими у? – деди отам.

– Мен ҳам бораман, – деди Жейсон.

– Жейсон! – деди ойим. Унинг овозига қараганда, отамга гапираётгани аниқ эди. Ўзича шундай демоқчи эди: кун бўйи мени қандай қилиб қаттиқ хафа қилишни ўйлаб юрди, мен барибир билардим у бир нарсани ўйлаб топишини. Мен жимгина ўтирардим, биз отам иккимиз билардикки, агарда ойим мени сезиб қолса, албатта, отамнинг сен ойинг билан қол, деб айтишини хоҳларди. Шунинг учун отам ҳатто менга қарамасди. Мен тўнғич фарзанд эдим. Мен тўққизга, Кэдди еттига, Жейсон бешга киргандик.

– Аҳмоқлик! – деди отам. – Биз тезда қайтиб келамиз.

Нэнси шляпасини кийиб тайёр бўлиб турарди. Биз тор кўчага чиқдик.

– Иисус доим менга яхши муомала қилган, – деди Нэнси. – Икки доллар пул ишлаб топса, доим бир долларини менга берган.

Биз тор кўчадан юриб борардик.

– Фақат тор кўчадан ўтиб олсак, бас, – деди Нэнси, – у ёғига ўзим кетавераман.

Тор кўча доим қоронғи бўларди.

– Барча авлиёлар кунни Жейсон мана бу ерда қўрқувди, – деди Кэдди.

– Ҳечам-да, қўрқмаганман.

– Холаси Рэйчел уни тартибга соломмайдими? – сўради отам.

Рэйчел хола қариб-қартайиб қолган эди. У Нэнсига яқин кулбада турарди. Унинг сочлари оқарган, энди ишламасди, уззукун остонага чиқиб ўтирар, тамаки чекарди. Айтишларича, Иисус унинг ўғли эди. Баъзан у ҳа, шунақа, дерди, баъзан менинг ҳеч кимим эмас, деб бош тортарди.

– Йўқ, сен қўрқдинг, – дерди Кэдди. – Сен Фронидан ҳам баттар қўрқдинг. Хабашдан ҳам баттар.

– Ҳеч ким уни ҳеч нарсга қилолмайди, – дерди Нэнси. – Мен унинг девини уйғотиб юборган эмишман. Энди унинг кўнгли жойига тушмайди, токи...

– Бўпти, майли, – деди отам, – у кетиб қолди-ку. Энди қўрқмасанг ҳам бўлади. Фақат оқ танлилар билан гап-сўзга қолиб юрмасанг бўлди.

– Нега гап-сўзга қоларкан? – сўради Кэдди. – Қанақа оқ танли одамлар?

– У кетмаган, – деди Нэнси. – Юрагим сезиб турибди, у шу ерда. Мана шу тор кўчада. Ҳар бир сўзимизни эшитяпти. Бир жойга беркиниб, пойла-

япти. Мен уни кўрганим йўқ, энди фақат қўлида пичоқ кўтариб келганини кўрсам керак. Пичоқни чизимчага бойлаб елкасига кўйлаги тагидан осиб юради. Кўрсам, ажабланмайман.

– Мен ҳечам кўрққаним йўқ, – деди Жейсон.

– Агар сен ўзингни тутиб юрганингда, ҳеч нарса бўлмас эди, – деди отам. – Аммо энди кеч. У ҳозир Сент-Луисда бўлса керак, ўзига аллақачон бошқа хотин топиб олган, сени эсидан ҳам чиқаргандир.

– Шунақа бўлса агар, – деди Нэнси, – мен бун билмаганим маъқул. Бўлмаса, мен уни шундоқ қўймайман, билдингизми! Қани, уни бир кучоқлаганини кўрай-чи, қўллари чопиб ташлайман! Калласини оламан, ўша хотиннинг қорнини ёраман, мен...

– Жим-м! – деди отам.

– Кимнинг қорнини, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен ҳечам кўрққаним йўқ, – деди Жейсон. – Хоҳлайсанми, мен тор кўчадан бир ўзим ўтаман?

– Қанақасига! – деди Кэдди. – Биз бўлмасак, тирақайлаб қочасан!

II

Дилси ҳалиям касал ётарди ва биз ҳар оқшом Нэнсини уйига кузатиб қўярдик. Ниҳоят, ойимнинг тоқати тоқ бўлди.

– Қачонгача бу шундай давом этади? Мен ҳар куни кечқурун ҳеч ким йўқ уйда бир ўзим қолавераманми, сен кўрқоқ хабаши хотинни кузатиб кетаверасанми?

Нэнсига ошхонада тўшак тўшаб беришди. Бир куни кечаси биз аллақандай товушдан уйғониб кетдик, товуш пиллапоя тагидаги қоронғиликдан келар, дам куйга, дам йиғига ўхшарди. Ойим-

нинг хонаси ёруғ эди, биз отам йўлакка чиққанини эшитдик, кейин у четки зинага ўтди, биз ҳам Кэдди билан йўлакка қараб чопдик. Пол муздек совуқ эди. Оёқларимизнинг бармоқлари совуқдан чангак бўлиб қолди, биз товушларга қулоқ тутиб турдик. Бу товуш куйга ҳам ўхшар, куй ҳам деб бўлмас – хабашларнинг ишларини баъзан англаб етолмайсан киши. Кейин товуш ўчди, отам пиллапоядан пастга тушаётганини эшитдик, биз ҳам зина панжараси олдига келиб тўхтадик. Кейин яна ўша овоз энди зинадан оҳиста эшитила бошлади, биз деворга яқин зина устида Нэнсининг кўзларини кўрдик. Унинг кўзлари худди мушукникидек ёниб турар, худди девор олдида катта мушук яшириниб бизга тикилиб тургандек эди. Биз бир неча зинани босиб пастга тушганимизда у овоз чиқаришни бас қилди ва биз шу ерда то отамиз қўлида тўппонча билан ошхонадан чиқиб келмагунча туравердик. Отам Нэнси билан бирга пастга тушди, кейин улар орқага қайтиб Нэнсининг тўшагини олиб келишди.

Тўшакни биз ётадиган болалар хонасига жойлаштиришди. Ойимнинг хонасида чироқ ўчгандан кейин яна Нэнсининг кўзи йилтирай бошлади.

– Нэнси! – пичирлади Кэдди. – Сен ухлаганинг йўқми, Нэнси?

Нэнси нимадир деб пичирлади, мен яхши эшитмадим. Пичирлаган товуш қоронғида қаердан келаётганлигини билиб бўлмасди, худди номаълум ёқдан ўз-ўзидан чиқаётгандек эди. Нэнси ҳам у ерда йўқдай эди, кўзлари ёниб турганлигининг сабаби шунда эдики, ҳали зинада турганимизда мен жуда диққат билан унга тикилган эдим, шундан улар менинг қорачиқларимда ўрнашиб қолганди, қуёшга тик қараб, сўнг кўзингни юмсанг, ана

шундай бўлади. – Худойим! – хўрсинди Нэнси. – Худойим!

– У ерда Иисусни кўрдингми? – пичирлади Кэдди. – У ошхонага кирмоқчи бўлдимми?

– Худойим, – деди Нэнси. У: «Худоооййимм», – деди, пичирлаш шу билан шам пилигидай ё гугурт алангасидай сўнди.

– Сен бизни кўряпсанми, Нэнси, – шивирлади Кэдди. – Сен ҳам бизнинг кўзларимизни кўряпсанми?

– Мен бир қора хотинман, холос, – деди Нэнси. – Худойим билади, Худойим билади...

– Ошхонада нима бўлди? – шивирлади Кэдди. – Нима, кирмоқчи бўлдимми?

– Худойим билади, Худойим билади, – деди Нэнси. Биз унинг кўзига қараб турардик.

Дилси соғайиб кетди. У қозон-товоққа қарай бошлади.

– Сен яна бирон кун ётсанг бўларди, – деди отамиз.

– Нима кераги бор? – деди Дилси. – Яна бир кун ётсанг, бу ернинг чанги осмонга чиқиб кетади. Қани, бу ерни бўшатишлар-чи, мен бир ошхонани тартибга келтирай.

Кечки таомни ҳам Дилси пиширди. Кечқурун қош қорайганда ошхонага Нэнси келди.

– Қаердан биласан унинг қайтиб келганини? – сўради Дилси. – Сен, ахир, уни кўрганинг йўқ-ку?

– Иисус – қора ялоқ, – деди Жейсон.

– Кўнглим сезяпти, – деди Нэнси, – у жарда яшириниб юрибди, кўнглим сезяпти. – Ҳозир-а? – сўради Дилси.

– Ҳозир у ўша ердами?

– Дилси ҳам қора, – деди Жейсон.

– Бирон нарса еб олсанг бўларди, – деди Дилси.

– Кўнглим тиламаяпти, – деди Нэнси.

– Мен эса қора эмасман, – деди Жейсон.

– Қаҳва ичгин, – деди Дилси. У Нэнсига идишда қаҳва қуйиб берди. – Сенингча, у ҳалиям ўша ердами? Сен қаердан биласан?

– Биламан, – деди Нэнси. – Ўша ерда пойлаб турибди. Шунча вақт у билан бекорга яшаганим йўқ. Мен доим унинг нима қилишини биламан, ўзи билмаганда ҳам мен билиб тураман.

– Қаҳвангни ичиб ол, – деди Дилси.

Нэнси қаҳвани оғзига олиб борди-да, уни пуфлади. Оғзи худди резинкадай чўзилди, қаҳвани пуфлаганда гўё бутун қизиллиги ўчиб кетгандай лаблари оқариб қолди.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон. – Сен қорамисан, Нэнси?

– Мени Худо урган, – деди Нэнси. – Тез кунда мендан ҳеч нима қолмайди. Тез орада қайдан келган бўлсам, ўша ерга кетаман.

III

У қаҳвасини ҳўплай бошлади. Қаҳва идишни икки қўлининг кафтида тутаркан, уни ича туриб, яна ўша товушни чиқаришга тушди.

Товуш қаҳва идишга ўтиб, ичидаги қаҳва чайқаларди ва Нэнсининг қўлига, этагига тўкиларди. Унинг қўзлари биздан узилмасди; у қаҳва идишни кафтлари орасига олиб, иккала қўлини тиззасига тираб, қаҳва тўла идиш оша бизга қараганча ўша товушни чиқарди.

– Нэнсига қара, – деди Жейсон. – Дилси келгани учун Нэнси бизга овқат пиширмапти.

– Жим ўтирсанг-а, – деди Дилси.

Нэнси қаҳва идишни икки қўллаб ушлаб, бизга қараб ҳалиги товушни пуркар, худди бир эмас,

иккита Нэнси борга ўхшарди: бири бизга қарар, иккинчиси товуш чиқарарди.

– Нега жаноб Жейсон телефонда шерифга айтиб қўйишини истамаяпсан? – сўради Дилси. Нэнси қаҳва идишни катта қора қўлларида тутганча жимиб қолди. У қаҳвани лабига олиб бориб ҳўпламоқчи бўлди, лекин қаҳва чайқалиб қўли ва тиззасига тўкилди-ю, у идишни четга қўйди. Жейсон ундан кўзини узмасди.

– Оғзимдан ўтмаяпти, – деди Нэнси. – Ўтмоқчи бўлсам, томоғимга тиқилиб қоляпти.

– Менинг хонамга бор, – деди Дилси. – Фрони жой солиб беради, мен ҳам ҳозир бораман.

– У қандайдир қора-қуралардан кўрқиб ўтирармиди? – деди Нэнси.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон. – Дилси, мен қорамасман, тўғрими?

– Шунақага ўхшайди, – деди Дилси. У Нэнсига қараб қолганди. – Шунақага ўхшайди. Қани, нима қилмоқчисан ўзи?

Нэнси бизга кўз югуртирарди. У қимир этмас, аммо кўзлари худди ҳаммасини кўрмай қолишдан кўрққандек, жуда тез аланг-жалаң қиларди, у бизга қарар, учаламизга бирдан қарарди.

– Сизнинг хонангизда ётиб қолганим эсингиздами? – деди у.

У биз эрта тонгда уйғониб ўйнагани ўтирганимизни ҳикоя қилиб бера бошлади. Биз то отамиз уйқудан тургунча Нэнсининг тўшаги устида ўйнаган эдик, кейин Нэнси пастга тушиб нонушта тайёрлаганди.

– Ойингиздан сўранг, мен бугун ҳам сизлар билан ётиб қолай, – деди Нэнси. – Менга тўшакнинг ҳам кераги йўқ. Биз яна бирга ўйнаймиз.

Кэдди ойимга борди. Жейсон ҳам унга қўшилди.

– Мен қаланғи-қасанғи қоралар уйимизда ётиб қолишларига йўл қўёлмайман, – деди ойимиз.

Жейсон йиғлади. «Агар шундай йиғлайверсанг, уч кунгача ширинлик емайсан», – деди ойимиз. Шунда Жейсон: «Агар Дилси шоколад торт қилиб берса, бошқа йиғламайман», – деди. – Отамиз ҳам шу ерда эди.

– Нега ҳеч нарса қилмай қараб ўтирибсан? – деди ойим. – Полиция нима қилиб юрибди?

– Нега Нэнси Иисусдан қўрқади? – сўради Кэдди. – Ойи, сиз ҳам отамдан қўрқасизми?

– Полициянинг қўлидан нима келади? – эътироз билдирди отам. – Нэнсининг ўзи қўрмаган бўлса, уни қаердан қидириш керак?

– Унинг нимасидан қўрқади?

– Нэнси у шу ерда, мен биламан, дейди. Ҳатто бугун ҳам шу ерда юрганмиш.

– Ахир, биз бекорга солиқ тўламасак керак, – деди ойим, – сен ҳар хил қора-қура хотинларни кузатиб юрасан, мен эса ҳувилаган уйда ёлғиз қоламан, шу ҳам иш бўлдим?

– Мен сени қўйнимга пичоқ яшириб таъқиб қилаётганим йўқ-ку, ахир, – деди отам.

– Дилси шоколад торт қилиб берса, мен йиғламайман, – деди Жейсон.

Ойим бизга чиқишга рухсат берди. Отам, билмадим, Жейсон шоколад торт оладими-йўқми, лекин ҳозироқ бу ердан жўнаб қолмаса, Жейсоннинг бошқа нарса олиши тайин, деб пўписа қилди. Биз ошхонага йўл олдик. Шу ерда Кэдди Нэнсига деди:

– Отам сени уйига борсин деди, эшикни беркитиб ўтирсин, ҳеч ким тегмайди, деди. Сенга ким тегади, Нэнси? Иисусми? У сендан хафа бўлганми?

Нэнси ҳалиям қаҳва идишни тиззалари орасида икки қўллаб тутиб турар, тирсакларини тиззасига тираган эди. У қаҳва идишга кўзини тиккан эди.

– Нима қилиб Иисуснинг жаҳлини чиқардинг? – сўради Кэдди.

Нэнси қаҳва идишни тушириб юборди. Идиш синмади, фақат қаҳва тўкилди, Нэнси эса ҳамон қўлини ҳовуч қилиб турарди, худди қаҳва идиш-ни тутгандай. Шунда у яна оҳиста бояги товуш-ни чиқара бошлади. Куйга ўхшаб-ўхшамайди. Биз унга қараб турардик.

– Бўлди, бас! – деди Дилси. – Етар энди. Мунақа бўшашиш керак эмас. Шу ерда ўтира тур, мен бориб Вершдан илтимос қиламан, сени уйга кузатиб қўяди.

Дилси чиқди. Икки кўзимиз Нэнсида эди. Унинг елкалари силкинарди, аммо энди индамасди. Кўзимизни ундан узмасдик.

– Иисус сени нима қилмоқчи? – сўради Кэдди. – Ахир, у кетган-ку.

Нэнси бизга қаради.

– Мен сизлар билан ётганимда роса хурсанд бўлгандим, а?

– Ҳечам-да, – деди Жейсон. – Мен ҳеч хурсанд бўлмаганман.

– Сен ухлаб қолувдинг, – деди Кэдди.

– Бизга қўшилганинг йўқ.

– Ҳозир меникига борайлик, яна бирга ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Ойим рухсат бермайди, – дедим. – Вақт кеч бўлиб қолди.

– Сиз эса унга айтиб ўтирманг, – деди Нэнси. – Эртага айтасиз. У хафа бўлмайди.

– Ойим рухсат бермайди, – дедим.

– Унга ҳозир айтманг, – деди Нэнси. – Унинг жонига тегманг.

– Ойим борманглар, деган эмас, – деди Кэдди.

– Биз сўрамовдик-ку? – дедим мен.

– Агар ҳозир борсанглар, мен айтиб бераман, – деди Жейсон.

– Биз бирга ўйнаймиз, – деди Нэнси. – Менинг уйимгача борамиз. Ойингизнинг жаҳли чиқмайди. Ахир, мен шунча вақтдан бери сизникида ишлайман. Ойингиз ва отангиз уришмайди.

– Мен бораман, мен қўрқмайман, – деди Кэдди. – Жейсон қўрқади, у ойимга айтиб беради.

– Мен қўрқмайман, – деди Жейсон.

– Йўқ, сен қўрқасан. Ойимга айтиб берасан.

– Айтмайман, – деди Жейсон. – Мен қўрқмайман.

– Жейсон мен боримда қўрқмайди, – деди Нэнси. – Тўғрими, Жейсон?

– Жейсон ойимга айтади, – деди Кэдди.

Тор куча қоронғи эди. Биз орқа эшикдан ўтлоққа чиқдик.

– Агар эшик орқасидан бир нима чиқиб қолса, Жейсон додларди.

– Ҳечам додламасдим! – деди Жейсон.

Биз юриб кетдик. Нэнси баланд овозда гапирарди.

– Нега бундай овозингни баланд қилиб гапиряпсан, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Ким? Менми? – сўради Нэнси. – Қаранг-а, нималар дейишяпти бу Квентин, Кэдди билан Жейсон, гўё мен бақириб гапираётган эмишман.

– Сен худди бу ерда бешинчи бир одам ҳам бордай қилиб гапиряпсан, – деди Кэдди. – Худди отам ҳам биз билан бирга бораётгандай.

– Ким бақириб гапиряпти? Менми, жаноб Жейсон? – деди Нэнси.

– Нэнси укамиз Жейсонни «жаноб» деди, – сўйлади Кэдди.

– Қаранглар, қандай гаплашишяпти бу Кэдди, Квентин, Жейсон, – деди Нэнси.

– Биз ҳечам гаплашаётганимиз йўқ, – деди Кэди. – Сен бир ўзинг гаплашяпсан, худди отам...

– Жим, – деди Нэнси. – Жим, жаноб Жейсон. Нэнси яна Жейсонни «жаноб» деди...

– Жим! – деди Нэнси.

Биз жардан ва четан орасидан ўтарканмиз, у тинимсиз бақириб гапириб борди, у ҳар доим бошида тугун билан шу четан орасидан ўтарди. Ниҳоят, биз уйга келдик. Биз жадал юрдик. У эшикни очди. Уйда лампа чироқ ҳиди анқирди, Нэнсининг ўзидан тарқаётган ҳид эса худди пиликнинг исига ўхшарди, худди янада кучлироқ ис таратиш учун улар бир-бирларини кутиб тургандай эди. Нэнси чироқни ёқди, эшикни ёпди, тамбалади. Шундан сўнг у бақириб гапиришни бас қилди ва бизга қаради.

– Энди нима қиламиз? – деди Кэди.

– Ўзингиз нимани хоҳлайсизлар? – деди Нэнси.

– Ўзинг ўйнаймиз, девдинг.

Нэнсининг уйида нимадир унча яхши эмасди, бу тарқалаётган ҳиддан бўлса керак. Буни ҳатто Жейсон ҳам сезди.

– Мен бу ерда қолишни истамайман, – деди у. – Мен уйга кетаман.

– Майли, бор, кетсанг, кетавер, – деди Кэди.

– Бир ўзим кетмайман, – деди Жейсон.

– Мана, ҳозир биз ўйнаймиз, – деди Нэнси.

– Нима ўйин? – сўради Кэди.

Нэнси эшик олдида турганди. Унинг кўзлари бизда эди, лекин кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётгандек, бўм-бўш эди.

– Сиз нима ўйинни хоҳлайсиз? – сўради Нэнси.

– Бизга эртак айтиб бер, – деди Кэди. – Сен эртак айтишни биласанми?

– Биладан, – деди Нэнси.

– Унда, айт, – деди Кэдди.

Биз Нэнсига қараб турган эдик.

– Сен ҳеч қанақа эртакни билмайсан-ку, – деди Кэдди.

– Йўқ, биламан, – деди Нэнси. – Мана, ҳозир сизларга айтиб бераман.

У бориб ўчоқ олдидаги курсига ўтирди. Ўчоқда ҳали сўнмаган чўғлар бор экан, у чўғларни аланга олдириди. Ўт олдиришга ҳожат бўлмади. Нэнси оловни катталаштирди. Кейин эртак айта бошлади. У шундай сўйлар ва қарардики, худди кўзи ҳам, овози ҳам уники эмас, бошқа бегона бировникидай, ўзи ҳам худди бу ерда эмасдай эди. У қайдадир бошқа бир ерда, гўё ниманидир кутарди. У бу ерда уй ичида эмас, балки қаердадир ташқарида, қоронғилик ичида эди. Унинг овози шу ерда эди, танаси, вужуди шу ерда эди, анов бошида катта шардай тугун билан четан орасидан қилт этмай ўтадиган Нэнси эса ҳавол ҳамда вазнсизга ўхшарди. Шу вазнсиз пуфакдек вужудгина ва фақат шугина шу ерда эди.

...Мана, ниҳоят, қиролича ёмон одам яшириниб турган жар ёқасига етиб келди. У жар ичига тушди-да, шундай деди: «Ишқилиб, мен жардан ўтиб олсам эди...»

– Қандай жар? – сўради Кэдди. – Бизнинг жарга ўхшаганми? У нега жарга тушди?

– Уйга етиб олиш учун, – деди Нэнси. – Уйга етиб олиш учун жарга тушиш керак эди.

– Нима қиларди у уйига бориб? – сўради Кэдди.

IV

Нэнси биздан кўз узмасди. У эртакни тўхтатди. Унинг кўзи бизда эди. Жейсоннинг оёқлари ишто-

ни ичидан чиқиб турарди. У кичкина бўлгани учун калта иштон кийиб юрарди.

– Бу ёмон эртак, – деди у. – Мен уйга кетаман.

– Рост, уйга кетайлик, – деди Кэдди ва полдан турди. – Бизни кутиб қолишгандир, қидиришаётгандир. – У эшикка қараб юрди.

– Йўқ, – деди Нэнси. – Очма.

У ўрнидан сакраб туриб, олдинга чопиб борди. Эшикка, ёғоч тамбага у қўл урмади.

– Нега? – деб сўради Кэдди.

– Юр, яна бирпас чироқ олдида ўтирайлик, – деди Нэнси. – Ўйнаймиз. Кетишга ҳали эрта.

– Биз қололмаймиз, – деди Кэдди. – Мабодо, жуда қизиқ ўйин бўлса, бошқа гап.

У Нэнси билан ўчоқ олдига қайтди.

– Мен уйга кетаман, – деди Жейсон. – Мен ҳаммасини айтиб бераман.

– Мен бошқа бир эртакниям биламан, – деди Нэнси.

У Кэддига қараб турар, лекин кўзлари косасидан чиқиб кетаётганга ўхшарди, чўпни бурун учидан тутиб турмоқчи бўлиб, унга пастдан юқорига қараганда шундай бўлади. Нэнси Кэддига тепадан пастга қараётгандай эди, шундай эса-да кўзлари косасидан чиқиб кетаётгандай кўринарди.

– Эшитгим келмаяпти, – деди Жейсон. – Оёғимни тапиллатаман.

– Бу яхши эртак, – деди Нэнси. – Олдингидан анча яхши.

– Нима ҳақда? – сўради Кэдди.

Нэнси чироқ олдида турарди. У чироқ шишасига қўлини тутди. Чироқ ёруғида қўли узун ва қора бўлиб кўринди.

– Қизиб турган шишани ушладинг, – деди Кэдди. – Қўлинг куймадими?

Нэнси қўлига қаради. Уни секин шишадан олди. У Кэддига қараб турар ва қўлини шундай айлан-тирардики, худди қўли чизимчага осилганга ўхшарди.

– Яхшиси, бошқа бир нарса қилайлик, – деди Кэдди.

– Мен уйга кетаман, – деди Жейсон.

– Менинг жўхорим бор, – деди Нэнси. У Кэддига, кейин менга, кейин Жейсонга, кейин яна Кэддига қаради. – Кел, жўхорини қовурамиз.

– Мен жўхорини яхши кўрмайман, – деди Жейсон. – Мен попукларни яхши кўраман.

Нэнси Жейсонга қаради.

– Сен товани дастасидан ушлаб турасан.

Нэнси ҳалиям қўлини айлантирарди. Қўли узун ва қоп-қора, худди суяги йўқдай эди.

– Майли, – деди Жейсон. – Агар товани ушлаб турадиган бўлсам, мен қоламан. Кэдди товани ушлаб туrolмайди. Агар Кэдди товани ушлаб турса, мен уйга кетаман.

Нэнси оловни кўтарди.

– Қара, Нэнси тўғри оловни ушлаяпти, – деди Кэдди. – Сенга нима бўлди, Нэнси?

– Жўхорим бор, – деди Нэнси. – Озгина бўлса ҳам бор.

У каравот тагидан товани олди. Тованинг дастаси синган эди. Жейсон йиғлаб юборди.

– Ҳеч нарса қилиб бўлмайди, – деди у.

– Барибир уйга кетадиган вақт бўлди, – деди Кэдди. – Квентин, кетдик.

– Тўхтанглар, – деди Нэнси. – Тўхтанглар. Мен уни ҳозир тузатаман. Сен менга ёрдамлашмайсанми?

– Жўхори егим келмай қолди, – деди Кэдди. – Жуда кеч қолдик.

– Унда, сен менга ёрдам қил, Жейсон, – деди Нэнси. – Сен менга ёрдам берасан, тўғрими?

– Йўқ, – деди Жейсон. – Уйга кетаман.

– Керакмас, – деди Нэнси, – керакмас. Қараб тур, мана, менинг нима қилишимни. Мен ҳозир товани тузатаман, кейин Жейсон уни ушлаб туриб жўхорини қовуради.

У бир бўлак сим топди-да, тованинг дастасини маҳкамлади.

– Яхши ушламайди, – деди Кэдди.

– Яхши бўлади, – деди Нэнси. – Мана кўрасан. Энди менга жўхори пўстини арчишга ёрдамлашинглар.

Жўхори ҳам каравот остида экан. Биз уни арчиб, товага сола бошладик. Нэнси эса Жейсонга товани олов устида тутиб туришга кўмаклашди.

– У бодрамаяпти, – деди Жейсон. – Мен уйга кетаман.

– Шошма, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрила бошлайди. Жуда қизиқ бўлади.

Нэнси оловга яқин ўтирарди. Чироқнинг пилиги ҳаддан ортиқ кўп кўтарилган экан, у лопиллаб тутай бошлади.

– Уни пасайтириб қўйсанг бўлмайдимиз? – деб сўрадим.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Нэнси. – Мен кейин қурумини тозалайман. Қара, ҳозир ёрила бошлайди.

– Ёриладиганга ўхшамайди, – деди Кэдди. – Барибир уйга кетишимиз керак. Хавотир олишади.

– Йўқ, – деди Нэнси. – Ҳозир ёрилади. Дилси мен билан бирга кетганингизни айтади. Мен шунча вақт уйингизда ишладим. Мен билан келганингизга хафа бўлишмайди. Шошманг. Ана, ҳозир ёрила бошлайди.

Шу вақт Жейсоннинг кўзига тутун кириб ачиш-тирди-да, у йиғлашга тушди. У товани олов ичига

тушириб юборди. Нэнси латтани ҳўллаб Жейсоннинг юзини артди, у эса йиғидан тўхтамасди.

– Қани, бўлди, – деди Нэнси. – Бўлди қил.

Аммо у бас қилмасди.

Кэдди товани оловдан олди.

– Ҳаммаси куйиб кетибди, – деди у. – Яна жўхори керак, Нэнси.

– Сен ҳаммасини солувдингми? – сўради Нэнси.

– Ҳа, – деди Кэдди.

Нэнси унга қаради. Кейин товани олиб куйган жўхориларни этагига тўкиб, доналарини узун қора бармоқлари билан тера бошлади. Биз кўзимизни ундан узмасдик.

– Бошқа жўхори йўқми? – сўради Кэдди.

– Бор, – деди Нэнси. – Бор. Қара, ҳаммаси куйиб кетмабди. Шунини фақат...

– Уйга кетаман, – деди Жейсон. – Ҳаммасини айтиб бераман.

– Тшш! – деди Кэдди.

Қулоқ солдик. Нэнси бошини эшик томонга бурди, кўзлари чироқнинг қизғиш шуъласи билан тўлди.

– Кимдир келяпти, – деди Кэдди.

Шунда Нэнси ўчоқ олдида ўтириб, узун қўллари икки тиззаси орасига осилтириб оҳистагина яна бояги товушни чиқара бошлади, кейин бутун юзидан тер қуйилиб оқди; тер ёноқларидан оқиб, иягида айланар, ҳар бир томчида ўчоқдаги ўтнинг олов нуқтаси аксланарди.

– У йиғлаётгани йўқ, – дедим.

– Мен йиғлаётганим йўқ, – деди Нэнси (унинг кўзлари юмилганди). – Мен йиғлаётганим йўқ. Ким келаётган экан?

– Билмадим, – деди Кэдди; у эшик олдида бориб ташқарига қаради. – Ана энди уйга кетамиз. Отам келди.

– Ҳаммасини айтиб бераман, – деди Жейсон. – Мен келмоқчи эмасдим, сизлар мажбур қилдингиз.

Нэнсининг юзидан ҳамон томчилар оқарди. У курсида ўтирган кўйи ўгирилди.

– Менга қаранглар, унга айтинглар... Айтинглар, биз ўйнаймиз, деб. Айтсанглар, мен сизларга эрталабгача ўзим қарайман. Илтимос қилинглар, мен сизлар билан борай, тунни сизларникида ўтказай, полда бўлса ҳам ётай. Айтинг, менга тушакнинг ҳам кераги йўқ. Биз ўйнаймиз. Эсингиздами, ўтган сафар роса маза қилганмиз?

– Мен маза қилмаганман, – деди Жейсон. – Мени қаттиқ ушлаб оғритдинг. Сен кўзимга тутун ҳайдадинг.

V

Отам кириб келди. У бизга боқди. Нэнси ўтирган еридан турмади.

– Унга айтинглар, – илтижо қилди у.

– Мен келмоқчи эмасдим, – деди Жейсон, – Кэди эса мени мажбур қилди.

Отам ўчоқ ёнига борди. Нэнси бошини кўтарди.

– Ахир, сен Рэйчел холангнинг олдига бориб, ўша ерда ётиб қолсанг, бўлмайдими? – сўради отам. Нэнси икки кўлини тиззалари орасида осилтириб, унга қараб турарди.

– Ановинг бу ерда эмас, – деди отам. – Мен кўрган бўлардим. Бу ерда ҳеч ким йўқ, тирик жоннинг ўзи кўринмайди.

– У жарда, – деди Нэнси. – Жарга беркинган.

– Бўлмагур гап, – деди отам. У Нэнсига боқди. – У жарда эканлигини қаердан биласан?

– Менга башорат бўлди, – деди Нэнси.

– Қанақа башорат?

– Шунақа. Кирганимда стол устида экан. Чўчқанинг қонига беланган суяк гўшти. Стол устида чироқ ёнида турувди. У ўша ерда. Сиз манови эшикдан чиқишингиз билан мен адойи тамом бўламан.

– Адойи тамом нимаси, Нэнси? – сўради Кэдди.

– Мен чақимчи эмасман, – деди Жейсон.

– Беҳуда гап! – деди отам.

– У ўша ерда, – дерди Нэнси. – Ҳозир ойнадан қараб турибди, сиз кетишингизни кутяпти. Адойи тамом бўламан.

– Беҳуда гап! – деди отам. – Уйни беркит. Биз сени Рэйчел холаникига кузатиб қўямиз.

– Бефойда! – дерди Нэнси. Отамга у бошқа қарамасди, отам унинг узун қора беҳол қўлларига қарарди. – Чўзиб ўтиришдан нима фойда!

– Энди нима қилмоқчисан ўзи? – сўради отам.

– Билмадим, – деди Нэнси. – Нима ҳам қила олардим? Яна биров чўзиш мумкин. Нима фойдаси бор! Афтидан, пешонамга шундай ёзилганга ўхшайди. Ёзилганини оламан.

– Нимани оласан? Сенга нима ёзилган? – сўради Кэдди.

– Булар ҳаммаси беҳуда, – деди отам. – Ҳаммаларингизга ухлайдиган вақт бўлди.

– Мен хоҳламадим, Кэдди мени мажбур қилди, – деди Жейсон.

– Рэйчел холангникига бор, – деди отам.

– Нима фойдаси бор! – деди Нэнси. У ўчоқ олдида тирсакларини тиззасига тираб, узун қўлларини тиззалари орасида осилтириб ўтирарди. – Ҳатто сизнинг ошхонангизда ўтирганимда ҳам жоним омонда эмас. Мабодо, мен сизнинг болаларингиз билан бир хонада ётганимда ҳам, барибир эрталаб мени қонимга беланган ҳолда топган бўлишарди ва ...

– Жим-м! – деди отам. – Эшикни ёп, чироқни учир ва ухлагани ёт.

– Мен қоронғидан қўрқаман, – деди Нэнси. – Мен бу иш қоронғида рўй беришини хоҳламайман.

– Нима, сен чироқни ёқиб тун бўйи ўтириб чиқмоқчимисан? – сўради отам.

Шунда бирдан Нэнси ўчоқ олдида ўтириб, узун қўлларини тиззалари орасида осилтирганча яна ўша товушни чиқара бошлади.

– Эй, қуриб кетмайдими, – деди отам. – Қани, уйга жўнанглар, болалар! Ухлайдиган вақт бўлди.

– Сиз кетишингиз билан мени қуритишади, – деди Нэнси. – Эртага мен ўлган бўламан. Мен тобутимга пул топиб қўйганман, жаноб Лавледига топширганман...

Жаноб Лавледи қора танлилардан суғурта пули йиғиб юрадиган бўйи пастроқ, исқирт бир одам эди, шанба кунлари эрталабдан у барча кулбаларни айланиб чиқар ва одамлар унга ўн беш центдан бадал топширишарди. У хотини билан қўноқхонада турарди. Бир куни эрталаб хотини ўзини ўлдириб қўйди. Уларнинг битта қизчаси бор эди. Хотини ўзини ўлдириб қўйгандан кейин жаноб Лавледи боласини олиб кетиб қолди. Бироз вақтлардан сўнг у қайтиб келди. Шанба кунлари тонг чоғлари биз унинг тор кўчаларда айланиб юрганини кўрардик.

– Абас, – деди отам. – Эртага эртамиан сен ошхонамизга бор.

– Борганча борарман. Борганда нима кўрарман, ёлғиз Худойимга аён.

VI

Биз Нэнсининг уйидан чиқдик; у ҳалиям ўчоқ олдида ўтирарди.

– Эшикни ёп, – деди отам, – тамбани қўй.

Нэнси қимирламади. У бизга боқмади. Биз кетдик, у ўчоқ олдида қолди; эшик ланг очиқ, чироқ ёниб турарди.

– У нима дейди, ота? – сўради Кэдди. – Нима рўй бериши керак?

– Ҳеч нима, – деди отам. Жейсон унинг елкасида ўтирар, шунинг учун ҳаммамиздан баланд кўринарди. Биз жарга тушиб бордик; мен индамай ҳар ёққа аланг-жалаң қарардим. Лекин ой шуъласи соялар билан чаплашган ерларда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

– Агар Иисус бу ерга беркиниб олган бўлса, у бизни кўриб турибди, тўғрими? – деди Кэдди.

– Бу ерда у йўқ, – деди отам. – У аллақачон кетиб қолган.

– Сен мени мажбур қилдинг, – деди Жейсон ўзи ўтирган чўққидан; осмон саҳнида отамнинг иккита боши борга ўхшаб кўринар – бири кичкина, иккинчиси катта эди. Мен эса бормайман, дедим.

Биз сўқмоқдан юриб жардан чиқдик. Бу ердан ҳамон Нэнсининг эшиги ланг очиқ уйи кўриниб турарди, аммо Нэнсининг ўзи кўринмасди, балки ўчоқ олдида эшикни кенг очиб қўйиб ўтиргандир, чунки у кутавериб чарчаганди.

– Мен чарчадим, – деди у биз кетар пайтимиз орқамиздан. – Оҳ, жуда чарчадим. Мен бор-йўғи бир қора хотинман. Бу менинг айбим эмас.

Аммо ҳали унинг товуши эшитилиб турарди, нега деганда, биз нақ жардан чиққаннимизда у яна ўша товушни чиқара бошлади – товуш куйга ўхшаб-ўхшамасди.

– Энди кийимларимизни ким ювиб беради? – деб сурадим мен.

– Мен қора эмасман, – деди Жейсон ўз чуққисида ўтириб, у отамнинг елкасида силкиниб борарди.

– Сен баттарроқсан, – деди Кэдди, – сен чақимчисан. Олдиндан бирон нарса чиқиб қолса, сен қорадан ҳам баттар қўрқардинг.

– Ҳечам-да, – деди Жейсон.

– Сен бўкириб йиғлаб юборардинг, – деди Кэдди.

– Кэдди! – деди отам.

– Ҳечам йиғламасдим, – деди Жейсон.

– Қўрқоқ! – деди Кэдди.

– Кэндейси! – деди отам.



ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ

(1899–1961)

АҚШ

Америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй ҳаёти ва ижоди талатўнларга бой. У 1899 йили АҚШда дунёга келган. Дастлабки ҳикоялар китоби «Бизнинг замонда», «Қуёш чиқади», «Алвидо, қурол!» романларида урушнинг бемислантиқсизликлари, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва муҳаббатнинг ҳар қандай ёвуз кучлардан устунлиги ёрқин ифодаланган. Унинг «Пешиндан кейинги ўлим», «Африканинг яшил тепаликлари», «Фоллибга байроқ берилмайди», «Ўқизнинг шохи», «Френсис Макомбернинг бахти», «Килиманжаро қорлари», «Ўқчилик ва ўқчилик», «Мотам қўнгироғи», «Дарёнинг нарёғида, дарахтлар соясида», «Чол ва денгиз» романлари том маънода адабга ижодий юксалиш олиб келди. Инсонпарварлик гоялари билан сугорилган асарлари учун ёзувчи 1954 йили Нобель мукофотига сазовор бўлган. 1961 йил 62 ёшида вафот этган.

КЎПРИК БЎЙИДАГИ ЧОЛ

Йўл четида ўтирган темир гардишли кўзойнак таққан чолнинг кийимларини қалин чанг босган эди. Юк ташувчи аравалар, автомобиллар, эркаклару аёллар, болалар дарёга ўрнатилган муваққат кўприк орқали нариги қирғоққа шошилишч ўтказилмоқда эди. Хачир қўшилган аравалар қия соҳилга етганда йўлидан оғиб кетар, аскарлар уларни филдираклари кегайдан итариб базўр тўғрилар эди. Юк машиналари тиқилишчдан отилиб чиқиб, тарақа-туруқ қилганча тепаликка ўрмалар ва дарҳол кўздан ғойиб бўларди, тўпиғига-ча тупроққа ботган деҳқонлар эса зўрға судралиб борар, фақат чол қилт этмасди. Унинг қадам ташлашга мажоли қолмаган эди.

Мен кўприкдан ўтишим, нариги соҳилдаги истеҳкомни текшириб кўришим, душман қанчалик сурилганини аниқлашим керак эди. Топшириқни бажариб, яна кўприк оша ортга қайтдим. Энди аравалар ҳам, пиёдалар ҳам анча камайиб қолган, чолнинг ўтириши эса ўша-ўша эди.

– Қаердан келяпсиз, отахон? – деб сўрадим ундан.

– Сан-Карлосдан, – жавоб қилди чол ва жилмайди.

Сан-Карлос унинг она шахри экан. У ҳақида гапириш эса чолга ёқарди. Жилмайданининг боиси – шунда.

– Мен жониворларга қарардим, – деб изоҳ берди у.

– Шунақа денг? – дедим мен гарчанд унинг жавобини тушунмаган бўлсам-да.

– Ҳа, – деди қария. – Шаҳарда якка-ёлғиз ўзим қолган эдим. Жониворларга қарашим керак эди. Сан-Карлосдан ҳаммадан кейин чиқиб кетдим.

У чўпонга ҳам, молбоқарга ҳам ўхшамасди. Мен унинг чангга ботган қорамтир кийимлари, ғубор босган кўкимтир юзи, темир гардишли кўзойнагига қарадим ва сўрадим:

– Қандай жониворларга қарардингиз?

– Ҳар хил, – деди чол ва ачиниш билан бошини чайқади. – Ҳаммасини ташлаб кетишимга тўғри келди.

Африкани ёдимга солган Эбро дарёси этакларига ва кўприкка дам-бадам кўз югуртириб, «муҳораба» деб аталмиш мангу синоатдан далолат берувчи илк шовқинлардан доғда қолмай деб, атрофга сергак қулоқ солар эканман, душман нечоғлик тез пайдо бўлишини тахмин қилар эдим. Чол эса ҳамон ўша ерда ўтирарди.

– Қандай жониворларга қарардингиз? – деб такроран сўрадим.

– Уч хил, – деб жавоб берди у. – Икки эчки, бир мушук, яна тўрт жуфт каптарга.

– Уларни ташлаб кетишингизга тўғри келдими?

– Ҳа. Отишма бошланди. Отишма бошланганидан кейин капитан менга кетинг, деб буйруқ берди.

– Оилангиз борми? – сўрадим якка-ёлғиз аравалар қиялиқдан зинғиллаб пастга тушаётган кўприкнинг нариги томонидан нигоҳимни узмай.

– Йўқ, – деди у. – Шу жониворлардан бошқа яқинларим йўқ. Мушук-ку ўрганган. Албатта, бир кунини кўриб кетади. Лекин қолганларининг ҳоли нима кечади – ақлим етмайди.

– Сиз кимлар томондасиз? – деб сўрадим.

– Ҳеч ким томонда эмасман, – деди у. – Етмиш олтидан ошдим. Ўн икки чақирим йўл юрдим. Бу ёғига энди қадам босишга ҳолим қолмади.

– Бу ер жуда хавфли, бехатарроқ жойга борганингиз маъқул, – дедим мен. – Тартосга борадиган йўлга етиб олсангиз, бас. У ердан юк машиналари кўп ўтади.

– Яна бирпас ўтирай, – деди чол. – Кейин турарман. Ўша юк машиналари қаёққа боради?

– Барселонага, – дедим мен.

– Барселонада ҳеч кимни танимайман, – деди у. – Лекин сиздан жуда миннатдорман. Жудаям миннатдорман.

У менга ҳорғин ва маъюс кўзларини тикди. Сўнг яна дардини ёргиси келди, чамаси:

– Биламан, мушук бир кунини кўриб кетади, – деди. – Хавотир олмасам ҳам бўлади. Лекин қолган жониворларга ачинаман. Сизингча, уларнинг ҳоли нима кечаркин?

– Нима ҳам дердим. Улар ҳам омон қолса керак.

– Ростданми?

– Бўмасам-чи? – дедим аравалар кўринмай қолган нариги соҳилни синчков кузатар эканман.

– Отишма бошланиб қолса, жониворлар қаёққа қочади? Отишма бошланиши билан ҳатто мени ҳам шаҳардан ҳайдаб чиқаришди-ку.

– Каптарларнинг қафасини очиб қўйганмидингиз ўзи? – деб сўрадим.

– Ҳа.

– Унда каптарлар учиб кетади.

– Тўғри айтасиз, учиб кетади, – деди қария. – Лекин қолганлари... Йўқ, яхшиси, қолганларини ўйламаслигим керак.

– Сал ўзингизга келган бўлсангиз, энди тулинг, – деб қистадим чолни. – Юришга ҳаракат қилиб кўлинг.

– Сиздан миннатдорман. – Чол ўрнидан турди, бироқ гандираклаб кетди-ю, яна қалин чанг устига ўтириб қолди.

– Мен жониворларга қарардим, – деб ўзича гудранди чол менга эътибор ҳам бермасдан. – Мен фақат жониворларга қарардим.

Унга ёрдам беришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Пасха байрамининг биринчи куни, фашистлар Эброга бостириб келаётганди. Кун зах, рутубатли, осмон қоп-қора пастқам булутларга тула бўлгани учун душман самолётлари уча олмаётган эди. Самолётларнинг учолмагани, яна мушук зотининг ўз кунини ўзи кўриб кета олиши – пировардида, чолнинг кўнглини тинчитгани шулар бўлди.



ЖАН-ПОЛЬ САРТР
(1905 – 1980)
ФРАНЦИЯ

Франциялик ёзувчи Жан-Поль Шарл Эмар Сартр 1905 йилда Парижда дунёга келган. Унинг «Адабиёт нима?», «Авлиё Жене, масхарабоз ва жафокаш», «Кўнгил айнаш», «Девор», «Озодлик йўллари», «Иблис ва Худо», «Алтона маҳбуслари» каби асарлари адабиёт ихлосмандларига таниш. Сартрнинг ижоди Франция ва бошқа мамлакатларнинг маънавий ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган.

Ёзувчи ўз фалсафий гояларини «Беҳзурлик», «Паишалар», «Ёпиқ эшик ортида», «Кўмилмаган майитлар», «Ифлос қўллар», «Некрасов», «Бодлер», «Авлиё Жене» асарларида илгари сурган. Ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий-танқидий фикрлари эса унинг «Ҳолатлар» деган ажойиб қиссасида ўз аксини топган. 1964 йилда Сартрга адабиётдаги хизматлари учун Нобель мукофоти берилган, бироқ у ушбу мукофотдан воз кечган. Адиб 1980 йилда вафот этган.

МАҲБУС

Бизни саройдай кенг ёп-ёруғ хонага итариб киритиб юборишди. Ёруғдан кўзлар қамашиб кетди, мен кўзларимни юмдим. Бир лаҳзадан сўнг назарим столга, стол ортида аллақандай қоғозларни варақлаб ўтирган фуқаро кийимидаги тўрт кимсага тушди. Бошқа маҳбуслар бир четда тўда бўлиб туришарди. Биз хонани оралаб ўтиб, уларга қўшилдик. Кўпчилигини мен танирдим, қолганлари, афтидан, муҳожирлар эди. Олдда бошлари думалоқ, бир-бирига ўхшаб кетадиган икки нафар малласоч туришарди: французлар бўлса керак, деб ўйладим. Бўйи паканароғи дам-бадам шимини юлқиб қўяди – асабийлашаётир.

Шу алфозда уч соатча турдик, силлам қуриб меровланиб қолдим, бошим ғувиллай бошлади. Бироқ хона иссиқ эди, бир неча кун совуқда қолганимизданми, ҳар қалай, бу ерда жон сақласа бўларди. Соқчилар маҳбусларни битта-битта столнинг олдида олиб келишди. Ўтирган ўша тўрт кимса улардан бирма-бир исм-шарифи ва касбини сўрайди. Бошқа нарса уларни деярли қизиқтирмайди, чамаси, аммо гоҳи-гоҳида: «Ўқ-дори ўғирлаганларга қўшилганмидинг?» ёки «Учинчи кун эрталаб қаерда эдинг, нима қилдинг?» дея савол бериб қўяди. Жавобини эшитиб ҳам ўтирмайди ё ўзларини

эшитмаганга олади, атрофга бепарво қараб қўяди-да, кейин ёзишга тушиб кетади. Томдан байналмилал бригадага хизмат қилганинг рости, деб сўрашади. Бўйин товлашнинг фойдаси йўқ – улар аллақачон Томнинг камзул чўнтагидан хужжатларини олиб қўйишган. Хуандан ҳеч нима сўрашмадям, бироқ у исмини айтган ҳамоно тез-тез бир нималарни ёзишди.

– Ўзларингга маълум, – деди Хуан, – менинг акам Хозе анархиячи. У ҳозир бу ерда йўқ. Мен сиёсат билан шуғулланмаман. Ҳеч қандай партияга аъзо эмасман.

Улар чурқ этмай ёзишарди. Хуан жим туролмади.

– Менинг гуноҳим йўқ. Бошқалар учун жавобгар бўлишни хоҳамаман.

Унинг лаблари титрарди. Соқчи унингни ўчир, деб буюрди ва уни четга олиб чиқди. Менга гал келди.

– Сизнинг исмингиз Пабло Иббизтами?

– Ҳа, – дедим мен.

Кимса қоғозга қараб олиб сўради:

– Рамон Грис қаерга яширинган?

– Билмаман.

– Уни олтинчидан то ўн тўққизинчигача сиз уйингизда яшириб ўтиргансиз.

– Бекор гап.

Улар бир нималарни ёзишди, кейин соқчилар мени хонадан олиб чиқишди. Даҳлизда Том билан Хуан икки қўриқчининг орасида туришарди. Қўриқчилар бизни олдиларига солиб ҳайдаб кетишди. Йўл-йўлакай Том уларнинг биридан сўради:

– Ҳўш, бу ёғи нима бўлади энди?

– Қайси маънода? – сўради соқчи.

– Бу нимади – сўроқми ёки суд?

– Суд.

– Тушунарли. Хўш, энди нима бўларкан?

Қўриқчи рўйхуш бермай жавоб қилди:

– Ҳукмни сизларга камерада эълон қилишади.

Уларнинг камера дегани, аслида, касалхонанинг ертўласи эди. Ертўла гўрдан баттар совуқ, тўрт тарафидан изиллаб изғирин елиб туради. Туни билан тишларимиз шақиллаб чиқади, кундуз кунни ҳам аҳвол зиғирча ўзгаргани йўқ. Бундан олдинги беш кунни мен черков биносининг карцерида ўтказдим.

– Бир кишилик турмахонага ўхшайдиган бу жой ўрта асрдан қолган тошқопнинг ўзгинаси. Ҳибсга олинганлар ҳаддан ташқари кўплигидан уларни тўғри келган кавакка тиқишарди.

Мен ўшанда тош қазноқда ётганимдан афсусланмайман: у ерда, ҳар қалай, совуқ суякни қақшатадиган даражада эмасди, фақат бир ўзим ётардим, ёлғизлик эса силлани қуритади. Ертўлада эса менинг кам деганда, шерикларим бор. Тўғри, Хуан деярли оғзини очмайди: бояқиш, қаттиқ қўрқади, устига-устак ҳали жуда ёш, ниманиям гапирарди. Томнинг, аксинча, жағи тинмайди, испанчага тўн кийдириб гапиради.

Ертўлада курси ва яна тўртта ўриндиқ бор эди. Устимиздан қулфлашгач, келиб ўтирдик ва бир неча дақиқа сукут сақладик. Шундан сўнг Том гап бошлади:

– Тамом, шўримиз қуриди.

– Шундайга ўхшайди, – маъқулладим мен. – Бироқ манов гўдакка тегинишмас, ҳар қалай.

– Акаси жангари бўлса бордир, бироқ у айбдор эмас-ку.

Мен Хуанга қарадим: назаримда, у бизнинг гапимизни эшитмаётган эди.

Том гапини давом эттирди:

– Уларнинг Сарагосадаги ваҳшийликларидан хабаринг борми?

Одамларни тош йўлга қатор қилиб ётқизишарканда, устидан юк машинасини ҳайдаб дазмоллашаркан. Марокашлик бир қочоқ гапириб берди. Бу билан ўқ-дорини иқтисод қилишаркан, дейди.

– Ёқилғини-чи, бензинни ким иқтисод қиларкан?

Том асабимни қўзғади: ахир, бу гапларни валдирашдан нима фойда.

– Зобитлар бўлса бу пайт қўлларини чўнтакка тиқиб, оғизларида сигарета билан йўл четида баҳузур, бориб-келиб юрармиш. Қанийди, шўринг қурғурлар бир зумда жон бериб, қутула қолса. Қаёқда! Соатлаб вой-додлаб ётишармиш. Марокашлик айтади: дастлаб оғриқнинг зўридан товушлари чиқмай қоларкан ҳатто.

– Йўқ, бу ерда ундай қилишмайди, ишончим комил, – дедим мен, – бошқасини билмадим-у, бироқ ўқ-дори етарли.

Ертўлага тўртта тирқишдан ва шифтнинг чап тарафидаги шундоқ осмон кўриниб турадиган думалоқ туйнукдан ёруғ тушиб туради. Олдин бу туйнукдан ертўлага кўмир ташланган. Дарвоқе, туйнукнинг тагида, ерда майда кўмир уюми бор. Афтидан, касалхонани иситиш учун олиб келинган. Уруш бошланиб қолиб, беморларни кўчиришган, кўмир эса жойида қолган. Туйнукни бекитишни, эҳтимол, ёддан чиқариб қўйишган, гоҳи-гоҳида тепадан ёмғир томчилаб турган. Туйқусдан Томнинг жазаваси қўзиди:

– Минг лаънат! – тўнғиллади у. – Аъзойи бада-ним қақшаяпти. Шу етмай турганди ўзи!

У ўрнидан туриб сакрай бошлади. Сакраганида кўйлагининг ёқаси очилиб, оппоқ сержун кўкраги кўриниб кетарди. Кейин энкайиб, қўлларига таянди ва оёқларини тепага кўтариб, қайчи қила бошлади: мен унинг бўлиқ думбалари диркиллаганини кўрдим. Сирасини айтганда, Том миқтидан келган, этли эди. Беихтиёр бу сергўшт момик баданга ўқ ва милтиқ найзалари, худди ёғни кесаётган пичоқдай, осонгина тешиб-ёриб киришини кўз олдимга келтирдим. Агар Тош озғин бўлганида, эҳтимол, на қўл ва на оёғим борлигини сезардим. Ора-сира бир нимами ўғирлатиб қўйгандай атрофга олазарак қарайман, камзулимни излаб тимирскиланаман ва шунда уни қайтариб беришмагани тағин ёдимга тушади. Уларнинг бу қилигидан хафа бўлдим. Бизнинг кийим-кечагимизни шилиб олишди ва беморлар авжи саратонда кийиб юрадиган қалин иштонлар беришди. Том ўрнидан туриб, рўпарамизга келиб ўтириб олди.

– Қалай, баданинг қизидими?

– Йўғ-а, жин урсин. Нафасим тикилиб қолди.

Соат саккизлар атрофида камерага комендант билан икки нафар аскар кириб келди. Комендантнинг қўлида рўйхат бор эди. У қўриқчилардан сўради:

– Буларнинг исм-шарифлари нимаиди?

Қўриқчи жавоб қилди:

– Стейнбок, Иббизта, Мирбал.

Комендант кўзойнагини қўндириб, рўйхатга қаради.

– Стейнбок... Стейнбок... А-ҳа, мана. Сиз отишга ҳукм этилгансиз. Ҳукм эртага эрталаб ижро этилади.

У яна бир бор рўйхатга қаради:

– Анови иккаласи ҳам.

– Мумкинмас, – минғирлади Хуан. – Бу хато.

Комендант унга ажабланиб қаради:

– Исм-шарифинг?

– Хуан Мирбал.

– Ҳаммаси тўғри, отув!

– Ахир, мен ҳеч нима қилганим йўқ-ку, – тирғалди Хуан.

Комендант елкасини қисиб қўйди ва биз томонга бурилди:

– Сизлар баскмисизлар?

– Йўқ.

Комендантнинг кайфи қочди.

– Менга бу ерда учта баск ўтирибди, дейишганди-ку. Нима, менинг уларни қидиришдан бўлак ишим йўқми. Сизларга, албатта, руҳонийнинг кераги йўқдир?

Биз индамадик.

– Ҳозир олдингизга табиб келади, у белгиялик. Эрталабгача бирга бўлади сизлар билан, – деди комендант ва ҳарбийчасига хайр-хўшлашиб чиқиб кетди.

– Хўш, мен нима дегандим, – деди Том. – Олийжаноблик қилишибди.

– Ҳақиқатан, – дедим мен. – Бироқ болани... нега?... Аблаҳлар!

Бу гапни мен адолат туйғусидан келиб чиқиб айтгандим, аслида эса кўнглимда бу йигитчага нисбатан зиғирча меҳр йўқ эди. Унинг юзи сип-силлиқ эди, ўлим ваҳмидан башараси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Уч кун бурун у бошқача, мўртгина бир ўсмир эди – бундай болалар ёқимтой бўлишади, бироқ энди у тукилиб-тугаб бораётган эски харобага ўхшаб қолган, назаримда, тирик қўйиб юборишган тақдирда ҳам умрининг охи-

ригача шундай хароб аҳволда қоларди. Умуман, болакайни аяшгани маъқул эди, бироқ шафқат туйғуси баттар нафратимни қўзғади, боз устига, йигитчани жиним суймасди.

Хуан бошқа оғиз очмади, ранг-рўйи бўздай оқариб кетди: қўллари, юзи кўкарди. Бақрайган шокосадай қўзларини ерга қадаб олди. Том кўнгилчан эди, боланинг қўлидан олиб, раҳмдиллик қилмоқчи бўлди, бироқ у жон-жаҳди билан силтанди, юзи буришиб кетди.

– Тинч қўй уни, – дедим Томга. – Кўрмаяпсанми, ҳозир у портлайди.

Том гапимга истамайроқ қулоқ солди: унинг болакайни эркалагиси келаётганди – бу билан ўз қисматини унутишга уринарди. Иккаласи ҳам менинг ғазабимни алангалатди. Олдинлари мен ўлим ҳақида ҳеч ўйламаганман – бунга сабаб бўлмаган, бироқ энди ўзимни ажал кутиб турганини ўйлашдан бошқа иш қолмаган эди.

– Менга қара, – сўради Том, – сен улардан бирортасини гумдон қилганмисан ҳеч?

Мен гапирмадим. Том августнинг бошидан бери олтитасини қандай отиб ўлдирганини таърифлай кетди. У бошимизга тушиб турган кўргиликни хаёлига келтирмас ва буни истамаётганини ҳам мен жуда аниқ сезиб турардим. Қолаверса, қандай фожиа рўй берганини ўзим ҳам ҳали чуқур англаб етмагандим, бироқ жон таслим қилаётиб азоб чекишимни ўйлардим, чўғдай ўқлар ёмғири баданимни тешиб кетаётганини ҳис қилардим. Аммо бунинг юз беражак фожиага ҳеч қандай боғлиқ жойи йўқ эди. Ҳаяжонланмасам ҳам бўларди: фожианинг моҳиятига етиш учун вақт сероб – олдинда бутун бир оқшом турибди. Том кутилмаганда жимиб қолди. Мен кўз қирим билан қарадим ва

унинг ҳам ранг-рўйи бўзарганини кўрдим. У афто-
дахол қиёфада эди ва миямда: «Ана, бошланяпти!»
деган фикр ярқ этди.

Шом қуйилиб келарди, тирқишлардаги, туйнук-
даги нур хира тортиб қолди. Туйнукдан юлдузлар-
га кўзим тушди: тун совуқ, осмон очиқ эди.

Эшик очилиб, ертўлага икки кўриқчи кирди.
Уларнинг ортидан оқ-сарикдан келган белгияча
ҳарбий кийимда бир киши кирди. У бизлар билан
саломлашиб, шундай деди:

– Мен табибман. Ҳозирги қайғули вазиятда сиз-
лар билан бирга бўламан.

Унинг овози ёқимли, зиёлиларга хос эди. Мен
ундан сўрадим:

– Нима мақсадда?

– Мен сизнинг хизматингиздаман. Кўлимдан ке-
ладиган ҳамма нарсани қилишга тайёрман, шояд,
сўнгги соатларингизни бироз бўлса-да енгилла-
тишга кўмаклашсам.

– Нега атай бизнинг олдимизга келдингиз? Гос-
питалда беморлар кўп-ку.

– Мени шу ерга жўнатишди, – деди у мужмал
жавоб қилиб ва шу нафасдаёқ шошиб қўшиб қўй-
ди: – Чекасизларми? Менда сигарета бор, ҳатто си-
гара ҳам.

У бизга инглиз сигареталарини ва гаванна сига-
раларини узатди, биз рад этдик. Мен унга синчиклаб
қарадим, у бесаранжон бўла бошлади. Шунда унга
айтдим: – Сиз бу ерга раҳм-шафқат кўрсатай деб,
келганингиз йўқ, тўғрими? Сизни танидим. Мени
қўлга олишган куни казарма ҳовлисида кўргандим
сизни. Фалангчилар билан бирга эдингиз.

Мен унга юрагимни буткул тўкиб-солмоқчи
эдим, бироқ ҳайронман, нимадир бунга монелик
қилди: туйқусдан белгиялик мени қизиқтирмай

қўйганди. Авваллари мен бировга ёпишсам, тутган жойимни осонликча қўйиб юбормасдим. Айни чоғда ўз-ўзидан гапиришга иштиёқ йўқолди. Мен елкамни қисиб, кўзларимни олиб қочдим. Бир неча дақиқадан сўнг бошимни кўтардим, белгиялик мени қизиқувчанлик билан кузатаётганини пайқадим. Қўриқчилар ўтириб олишди. Бесўнақай Педро зерикканидан нима қиларини билмайди, ора-сира ухлаб қолмаслик учун бошини силкиб қўяди.

– Чироқ келтирайми? – кутилмаганда сўради Педро.

Белгиялик бош ирғаб розилик билдирди ва мен бу доно ҳам товукмиялардан бўлса керак, деб ўйладим, бироқ барибир у жоҳилга ўхшамасди. Совуқ кўк кўзларига қараб туриб, ҳар қалай, у ақли ноқисларни даволаса ажабмас, деган фикрга бордим. Педро бир зумда керосин чироқ кўтариб келди ва уни ўриндиқнинг четига қўйди. Чироқ хира ёритарди, аммо бу зим-зиё қоронғидан кўра тузукроқ эди. Чунки биз ҳалигача зулматда ўтиргандик. Мен шифтдаги чироқдан тушган ёруғ доирага узоқ тикилдим. Афсунлангандай термилиб қолдим. Туйқусдан ҳаммаси кўздан йўқолди, ёруғ доира сўнди. Мен ҳушимга келиб, гўё елкамдан оғир юк босаётгандай титраб кетдим. Йўқ, бу қўрқув эмас, ўлим ҳақидаги машъум хаёл ҳам эмас. Бу туйғунинг номи йўқ эди. Ёноқларим ловуллаб ёнар, бошим оғриқдан зирқирарди.

Мен совуқдан жунжикдим, шерикларимга қарадим. Том кафтлари билан юзини бекитиб ўтирарди, мен унинг оппоқ семиз ўмганини кўрдим. Кичкина Хуаннинг аҳволи баттар ёмонлашган эди: унинг оғзи ярми очик, бурун катаклари пирпирарди. Белгиялик унинг ёнига борди ва елкасига қў-

лини қўйди: афтидан, у болакайга далда бермоқчи эди, бироқ унинг кўзлари ҳамон совуқ боқарди. Хуан қилт этмади. Белгиялик унинг билагини учта бармоғи орасига олиб сиқиб ушлади, умидсизлиги юзидан билиниб турса-да, у бироз ортга, менга орқасини ўгирмоқчи бўлиб тисланди. Мен бўйимни чўзиб қараб, унинг чўнтагидан соатни олганини ва қўлини қўйиб юбормай, соатга тикилиб турганини кўрдим. Кейин у орқароққа четланди, Хуаннинг қўли шалвираб тушди. Белгиялик деворга суянди, бироз туриб нимадир ёдига тушгандай шошилиб ён дафтарчасини чиқарди-да ёза бошлади. «Қанжиқ! – дедим ичимда қоним қайнаб. – Менинг томирларимниям бир ушлаб кўрсин-чи, башарасини бузиб ташлайман!» У менга яқинлашмади, бироқ бошимни кўтарганимда кўзларим кўзига тушди. Мен тик қараб туравердим. Қандайдир синиқ овоз билан у менга деди:

– Сезмаяпсизми, бу ер совуқ?

Ҳақиқатан ҳам у совқотаётганди: юзи кўкариб кетган.

– Йўқ, мен совқотаётганим йўқ, – дедим.

Бироқ у мендан совуқ нигоҳини узмади. Шу лаҳзада мен гап нимадалигини пайқадим. Қўлим билан юзимни силадим: юзимни чиппа тер босган эди. Яхлаб ётган бу ертўлада қишнинг қаҳратон палласида, тагин тўрт томондан изғирин изиллаб турган бир пайтда вужудимдан тер қуйилиб оқарди. Сочларимни ушлаб кўрдим: жиққа ҳўл. Эгнимдаги қўлагимни сиқса бўларди, у баданимга ёпишиб кетганди. Қарийб бир соатдан бери мени тер босаётган экан, мен эса буни сезмабман. Ҳайвон – белгиялик буни кўриб турган. У юзимдан реза-реза тер томчилаётганини кузатган ва мана, кўрқувнинг аломати, ўлим даҳшатининг оқибати,

деб ўйлаган бўлиши мумкин. У ўзини баркамол инсондай ҳис этган ва озод одам қатори шунчаки совқотаётганидан ғурурланган. Ўрнимдан туриб унинг тумшуғига мушт туширгим келди. Бироқ ўрнимдан турган дамда вужудимни чулғаган номус ва ғазаб туйғуси қаёққадир йўқолди, мен буткул ҳафсаласизлик билан ўриндиққа чўкдим. Чўнтагимдан дастрўмолни олиб бўйнимни артиб, шу билан қаноатланган бўлдим. Энди сочларимдан тер оқаётганини сездим, бу ёқимсиз ҳол эди. Шундан сўнг артинмай қўя қолдим: дастрўмолча жикқа ҳўл бўлиб қолган, тер эса қуйилиб келарди. Орқаларимга оққан тердан шимим ўриндиққа ёпишиб қолди.

Шунда туйқусдан кичкина Хуан гапириб қолди:

– Сиз табибмисиз?

– Ҳа, – деди белгиялик.

– Айтинг-чи... бу... ўшанда қаттиқ оғрийдими... узоқ давом этадими?

– Қайси бу... ўшанда... Йўқ, жуда тез ўтиб кетади, – деди белгиялик меҳрибон оҳангда. Қўринишидан у пул тўлаган беморни тинчлантираётган шифокорга ўхшарди.

– Мен эшитган эдимки... менга айтишганди... баъзан... биринчи марта отишганда... чиқмайди деб.

Белгиялик бош чайқади:

– Агарда биринчи марта отганда ўқлар дарҳол ўлдирадиган аъзоларга тегмаса, шундай бўлади.

– Унда милтиқларни яна ўқлашиб, қайта мўлжалга олишадими? – У овозини бироз пасайтириб, хириллаган товушда қўшиб қўйди: – Бунинг учун вақт керак-да, а?

Хуанни жисмоний оғриқнинг азоби қўрқувга соларди: унинг ёшида бу табиий, албатта.

Мен эса бу ҳақда ўйламасдим, баданимдан қу-йилаётган тер ҳам оғриқ азобидан қўрққаным-дан эмас. Мен ўрнимдан туриб кўмир уюми то-мон юрдим. Том сесканди ва менга қаҳрланиб қаради: оёғимдаги бошмоқларимнинг гичирлаши унинг гашини келтирди. Наҳотки менинг юзим ҳам шундай оқариб кетган бўлса, деб ўйладим. Осмон чиройли эди, мен ўтирган бурчакка ёруғ тушмасди. Бироқ энди ҳаммаси бошқача: бурун черковнинг карцсерида ўтирганимда хоҳлаган пайтда осмоннинг бир парчасини кўра олар-дим ва бу ҳар сафар хаёлимда турли хотиралар-ни уйғотарди. Тонг маҳали, осмон ёрқин занго-ри ва тубсиз бўлиб кўринган чоғлар Атлантика қирғоқларидаги чўмиладиган жойларни тасаввур қилардим. Чошгоҳда, қуёш тик тепага келган-да Севилья қаҳвахонаси хотирамда жонланар, у ерда мен мансанил ҳўплаб, анчоус ва зайтун ме-валаридан тамадди қилган эдим. Тушдан сўнг устимга кўланка тушганди, улкан стадионнинг тенг ярмини қоплаган қуюқ соя кўз олдимга ке-лар, одатда майдоннинг қолган ярмини қуёш нури чулғаб ётарди; шу зайл – кафтдек осмон парча-сига термилиб, ернигина кўришга маҳкумлигим менга алам қиларди. Бироқ ҳозир мен осмонга лоқайд қарардим: осмон парчаси хотирамни мут-лақо безовта қилмасди. Бу ҳолат ўзимга маъқул туйиларди. Жойимга қайтиб, Томнинг ёнига ке-либ ўтирдим. Жим ўтирдик.

Бироздан сўнг у синиқ овозда гапира бошлади. У гапирмай туrolмасди: товушини чиқариб га-пиргандагина ўзининг тириклигига ишонч ҳосил қиларди. Афтидан, тескари қараб ўтирган бўл-са-да, менга гапирди, чоғи. У менинг башарамга қарашга чўчирди, юзимни тер босган, рангу қу-

тим ўчган, тупроқдай: энди биз бир-биримизга жуда ўхшардик, биримиз бошқамизни ойнадагидай аниқ акс эттирардик. У белгияликка – тирик одамга қаради.

– Буни тушунишга сенинг қурбинг етадими? – сўради у. – Меники етмайди.

Мен ҳам синиқ овозда гапира бошладим ва унга ўхшаб белгияликка қарадим.

– Нимани айтяпсан?

– Ҳадемай бошимизга тушадиган кўргиликни. Ҳечам ақлимга сиғдиrolмаяпман – нима бўларкан.

Мен Томдан ғалати ҳид анқиётганини сездим. Афтидан, ҳидларни одатдагидан кўра ўткирроқ сеза бошлагандим. Унга заҳарханда қилдим:

– Куюнма, ҳадемай тушуниб оласан.

Бироқ у ўша зайлда давом этди:

– Йўқ, бу ақлга сиғмайди. Мен охиригача туриб беришни хоҳлайман, бироқ мен... жуда бўлмаганда билишим керак... Демак, шундай... бироздан кейин бизни ҳовлига олиб чиқишади. Бу ифлослар рўпарамизда саф тортишади. Сенингча, улар нечта бўлиши мумкин?

– Билмайман, бешта бўлар, балки саккизта. Бундан кўпмас.

– Майли, саккизта бўла қолсин. Уларга: «Нишонга олинг!» деб қичқиради. Мен ўзимга ўқталган саккизта милтиқни кўриб турибман. Деворга суняймоқчи бўламан, кифтимни деворга тирайман, жон-жаҳдим билан қапишиб олишга уринаман, худди тушда босинқирагандай девор мени итаради. Буларнинг барини мен кўз олдимга келтиряпман. Билсайдинг, қанчалар аниқ тасаввур қилаётганимни!

– Биламан, – дедим. – Мен ҳам сенчалик тасаввур қила оламан.

– Ҳар қалай, жуда қаттиқ оғриси керак. Ахир, улар башарамизнинг абжағини чиқариб ташлаш учун тўғри кўзимизга, оғзимизга отишади, – унинг овози аламли тус олди. – Мен танамдаги яраларни ҳис этипман, бир соатдан бери бошим, бўйним зирқираб оғрияпти. Бу одатдаги оғриқ эмас, ундан баттар: бу эрта тонгда мен ҳис этадиган оғриқ. Хўш, ундан кейин нима бўлади?

Томнинг нима демоқчи бўлаётганини жуда яхши англаб турардим, бироқ унинг буни пайқаб қолишини истамасдим. Аъзойи баданимда у айтаётган оғриқни ҳис этдим, оғриқ майда яра-чақалардай, чандиқдай бутун танамга ёйилган эди. Мен бунга кўниколмадим, бироқ Томга ўхшаб жиддий аҳамият ҳам бериб ўтирмадим.

– Ундан кейинми? – қаҳрим кўзиб сўрадим. – Ундан кейин сени қурт-қумурсқалар ейди.

Бу гапларимдан сўнг у ўзига ўзи гапира бошлади, бироқ белгияликдан кўзини узмади. Белгияликнинг гўё қулоғи том битган, ҳеч нимани эшитмаётганга ўхшарди. Унинг бу ердалиги сабабини мен тушунардим: бизнинг ўй-хаёлларимиз белгияликни қизиқтирмасди, у бизнинг ҳали ҳаёт барқуриб турган, бироқ ўлим талвасасига тушган танамизни назорат қилиш учун келганди.

– Худди тушингда босинқирагандай, – давом этди Том. – Бир нимани ўйламоқчи бўласан, хаёлинг ҳам жойида, фикрлай бошлайсан, яна бир дақиқадан сўнг тубига етадигандайсан, бироқ кейин ҳаммаси қаёққадир ғойиб бўлади, йўқолади. Ўзимга ўзим: «Кейин-чи? Кейин ҳеч нима қолмайди», дейман. Бироқ бунинг нималигини мен тушунмайман. Гоҳо шундай туйиладики, мен қарийб ҳаммасига тушуниб етдим... бироқ шу лаҳзада бари барбод бўлади, оғриқ, ўқлар... мил-

тиқларнинг қаторасига отаётгани кўз олдимга келади. Мен материалистман, қасам ичишим мумкин, менга ишон, ақлим жойида, бироқ ҳушимни сира йиғиб ололмаяпман. Кўзимга ўзимнинг жонсиз жасадим кўриняпти, бу унча қийин эмас, аммо кўриб турган – менман, мурдага қараб турган кўзлар ҳам – менинг кўзларим. Энди ўзимни ҳеч нимани кўрмаётганимга, эшитмаётганимга ишонтирмоқчи бўляпман, ҳаёт эса давом этаверади. Бироқ бизлар бемалол фикрлаш учун яратилмаганмиз. Биласанми, бир неча оқшом киприк қоқмай тонгларни оттирганман, ниманидир кутганман. Бироқ эрта тонгда бизни кутаётган кўргилик, Пабло, буткул бошқа нарса. У орқадан келаётир, унга қарши туришнинг ҳеч бир иложи йўқ. – Ўчир, – дедим мен унга. – Балки олдингга руҳонийни чақириш керакдир?

У жим бўлди... Орадан бироз ўтгач, Том менинг қўлимдан ушлаб, четга термилиб турган қўйи деди:

– Пабло, мен ўзимдан ўзим сўрайман... ҳар дақиқада ўзимдан сўрайман: наҳотки биз изсиз йўқ бўлиб кетсак?

Мен қўлимни тортиб олдим ва унинг юзига қараб:

– Оёғингнинг остига қарасанг-чи, чўчқа, – дедим.

Унинг оёқлари тагида қўлмак пайдо бўлган, иштонидан томчилар томчилаб турарди.

– Бу нима? – дея минғирлади у ҳушини йўқотиб.

– Иштонингни ҳўллаб қўйибсан, – дедим мен.

– Ёлғон! – қичқирди у. – Ёлғон! Мен ҳеч нимани сезмаяпман.

Юзида мунофиқона ҳамдардлик билан белгиялик бизга яқинлашди.

– Ўзингизни ёмон ҳис этияпсизми?

Том жавоб қилмади. Белгиялик чурқ этмай кўлмакка қараб турарди.

– Билмайман нега бундай бўлганини.

Томнинг овози қаҳрли тус олди.

– Бироқ мен қўрқмайман. Қасам ичиб айтаман, қўрқмайман!

Белгиялик гапирмади. Том ўрнидан туриб, чоптиргани бурчакка қараб кетди. Қайтиб келиб, тугмаларини қадаб, яна курсига чўкди ва шундан сўнг қайта оғзини очмади. Белгиялик ўзининг ёзув-чизувларига киришди.

Бир маҳал туйқусдан белгияликнинг миясига ғалати фикр келди, шекилли:

– Дўстларим, – деди у. – Мен ўзимга шундай бир вазифани олмоқчиман, агар ҳарбий маҳкама қарши бўлмаса, албатта. Сизга ўзингиз қадрлайдиган одамларга бир неча сўз айтиш учун имкон бермоқчиман...

Том минғиллади:

– Менинг ҳеч кимим йўқ.

Мен индамадим. Том бир дақиқа кутиб турди-да, кейин қизиқсиниб сўради:

– Сен Кончага бирор гап айтиб қолишни истамайсанми?

– Йўқ.

Бундай гапларга бардошим етмасди. Бироқ ўзимдан бошқа ҳеч кимни айбдор ҳам қилолмасдим: мен кеча Томга, айтмаслигим керак эди-ю, аммо Конча ҳақида гапиргандим. Мен Конча билан бир йил турдим. Кеча у билан беш дақиқа учрашиш учун қўлимни чопиб ташлашларигаям рози эдим. Томга Конча ҳақда гапирганимнинг сабаби ҳам шу: бу туйғуни тиядиган куч менда йўқ эди. Ҳозир эса уни ҳатто қучоқлашга ҳам хоҳишим йўқ: мен ўзимнинг танамдан жирканардим, чунки ба-

даним туссиз – кулранг, шилимшиқ бўлиб қолган. Ўлимим ҳақида эшитиб Конча йиғлайди, бир неча ой ҳаётдан безиб юради. Мен барибир ўлишим керак бўлган одамман. Унинг чиройли, майин кўзларини эсладим: у менга қараганида вужудимга нимадир қуюларди. Бироқ энди бундай бўлмайди, тамом: энди қарагани билан нигоҳи менгача етиб келмайди. Мен ёлғизман энди.

Белгиялик чўнтагидан соатини чиқариб қаради: – Уч ярим, – деди у.

Қанжиқ, атай айтди буни! Том ўтирган жойида қалқиб тушди – биз алаҳсиб вақтнинг ўтаётганини унутган эдик, тун қора пардаси билан бизни чалғитган эди, мен оқшом қачондан бошланганини эслай олмадим.

Кичкина Хуан товуш чиқара бошлади. У қўлларини сермаб, қичқирди:

– Мен ўлишни хоҳламайман, ўлишни хоҳламайман!

У қўлларини олдинга чўзганча ертўлани айланиб югурди ва юзтубан йиқилиб ётган жойида фарёд чека бошлади. Том хира тортиб қолган кўзлари билан унга қаради: Хуанни юпатишга унинг хоҳиши йўқлиги шундоқ сезилиб турарди. Бунинг ҳожати ҳам йўқ: болакай биздан кўра кўпроқ шовқин солаётган бўлса-да, бироқ биз чекаётган ғам-алам уникидан кам эмас эди. У худди жон талвасасига тушган беморга ўхшарди. Биз эса ундан-да баттар аҳволда эдик.

У йиғларди, мен унинг ўзига ачинаётганини кўриб турардим, бироқ бу дамда у ўлим ҳақида ўйламасди. Мен ҳам йиғлаб юборай дедим, ўзимнинг уволигимдан кўнглим бузилди. Бироқ шу пайт бошқа бир ҳолат юз берди: мен болакайга қарадим, унинг силкинаётган озғин елкаларига

кўзим тушди ва юрагимда гайриинсоний туйғу бош кутарди – мен на ўзимга ва бошқа бировга шафқат қилмайдиган ҳолатда эдим. Ўзимга ўзим: сен мардларча ўлишинг керак, дедим.

Том ўрнидан қўзғалди, у шифтдаги туйнукнинг шундоқ тагида, ёришиб келаётган осмонга қараб турарди. Мен эса ичимда: мардларча ўлиш керак, мардларча, дея таъкидлар, бошқа ҳеч нимани ўйламасдим. Бироқ белгиялик соатни эслатганидан бери вақтнинг тез ўтаётганини ҳис этдим. Том гапирганда ҳали қоронғи эди:

– Эшитяпсанми? – деди у.

– Ҳа.

Ҳовлидан оёқ товушлари эшитилди.

– Бало борми уларга қоронғида сандирақлаб! Ахир, бизларни қоронғида чиқариб отишмаса керак-ку.

Бир дақиқадан сўнг жимлик чўкди. Мен Томга:

– Ёришяпти, – дедим.

Педро жунжикиб ўрнидан турди ва орқасига ўгирилиб:

– Итдай совқотдим, – деди.

Ертўлани ғира-шира ёруғлик қоплади. Қулоғимизга узоқдан ўқ товушлари эшитилди.

– Бошланяпти, – дедим Томга. – Чамамда, улар бунни орқа тарафдаги ҳовлида қилишяпти.

Том белгияликдан сигарет сўради. Мен ўзимни тийдим: чекиш ҳам, ичиш ҳам кўнгилга сиғмасди. Шу дақиқадан бошлаб улар тинимсиз отишди.

– Тушундингми? – деди Том.

У яна нимадир демоқчи бўлди, бироқ айтмади, эшикка қаради. Эшик очилиб, тўрт нафар аскар билан лейтенант кириб келди. Том қўлидаги сигаретни тушириб юборди.

– Стейнбок?

Том жавоб бермади. Педро у ўтирган тарафга имо қилди.

– Хуан Мирбал?

– Ана у, курсида ўтирган.

– Турилсин! – бақирди лейтенант.

Хуан қилт этмади. Икки аскар уни қўлтиғидан олиб, турғазиб қўйди. Бироқ қўйиб юборишлари билан Хуан қулаб тушди. Аскарлар саросималаниб қолишди.

– Бундайларни энди кўраётганим йўқ, – деди лейтенант. – Кўтариб боришга тўғри келади, ҳечқиси йўқ, ҳаммаси рисоладагидай бўлади.

У бурилиб Томга буюрди:

– Чиқ!

Том икки нафар аскар қуршовида ташқарига чиқди. Қолган икки аскар Хуанни қўлтиғидан олиб уларнинг ортидан чиқишди. Хуаннинг ҳуши ўзида эди, кўзлари шокосадай, ёноқларидан кўз ёшлари оқиб турарди. Мен эшикка қараб қадам ташлагандим, лейтенант тўхтатди:

– Иббизта сизмисиз?

– Ҳа.

– Кутишингизга тўғри келади. Бироздан сўнг келишади сиз учун.

Шундай деб у ҳам чиқди. Унинг ортидан белгиялик ва икки соқчи чиқишди. Бир ўзим қолдим. Нималар бўлаётганини тушунолмасдим, менга қолса, улар ҳаммасини тезроқ ҳал қилиб қўя қолишгани тузук эди. Милтиқнинг қарсиллаган товуши эшитилиб турар, оралиқдаги танаффус жуда қисқа эди. Уввос солиб бақиргим, сочларимни юлгим келарди. Бироқ тишимни тишимга босиб, қўлларимни чўнтақларимга тикдим: бардош қилиш керак. Бир соатдан кейин мени олиб чиқиш учун келишди ва биринчи қаватдаги кичкина хонага бошлаб

боришди, бу ердан сигарет ҳиди анқир, хона ичи дим, нафасим бўғилиб қолаёзди. Хонада икки нафар зобит оромкурсиларда ястаниб, чекиб ўтиришарди, тиззаларида ёйилган қоғозлар бор эди.

– Сенинг исм-шарифинг Иббизтами?

– Ҳа.

– Рамон Грис қаерга яширинган?

– Билмайман.

Мени сўроқ қилаётгани семиз, пакана зобит эди. Унинг кўзлари ойнак тагидан менга қаттиқ тикилиб турарди.

– Яқинроқ кел, – деди у.

Мен яқинроқ бордим. У ўрнидан турди ва менга кўзини тешиб юборгудай қадаб, шунақа қарадики, бу қараши билан мени гўё дўзах азобига гирифтор қилмоқчидай эди. Кейин у қўлимни қайира бошлади. Бу билан менга азоб бермоқчи эмас, балки шунчаки кўнглини ёзмоқчи: ўзининг ҳукмдорлардан эканини ҳис этгиси келарди. У юзини юзимга яқин олиб келди, димоғимга оғзидан анқиётган сассиқ ҳид урилди. Бу бир дақиқача давом этди ва мен ўзимни кулгидан зўрға тийиб қолдим. Ҳадемай ўладиган одамни чўчитиш учун бу кифоя қилмасди, унинг кўрсатган ҳунари анчайин ночор ҳаракат эди. Кейин у кўкрагимдан итариб юборди ва бориб жойига ўтирди.

– Ё сен отиласан ёки у. Агар унинг қаердалигини айтсанг, тирик қоласан.

Бу кимсалар ҳам бўйинларидаги бўйинбоғу оёқларида ялтироқ этиклари билан бир куни ажалга рўпара келишлари аниқ. Тўғри, мендан кейин, бироқ орадан кўп ўтмай шундай бўлади. Улар қўлларидаги қоғозларга ёзилган аллақандай исмларга белги қўяр, одамлар ортидан тозидай қувар, уларни тутиб қамар ёки отиб ташларди. Испаниянинг

келажаги ва бошқа кўп нарсалар ҳақида уларнинг ўзларининг қарашлари бор эди. Аҳмоқона фаоликлари, елиб-югуришлари эса менинг ғашимни келтирарди ва кулгили туйиларди: ақлдан озган бу телбанома нусхаларнинг ўрнида бўлишни ҳечам хоҳламасдим.

Пакана бақалоқ мендан кўзини узмасди, бот-бот этигининг қўнжига қамчи билан уриб қўярди. Бу қилиғи билан ўзининг йиртқич ҳайвончалик бераҳм эканини бошқаларга уқтириб қўймоқчи бўларди.

– Ҳўш, тушундингми?

– Гриснинг ҳозир қаердалигини билмайман, – жавоб қилдим мен, – эҳтимол, Мадриддадир.

Бошқа бир зобит керишиб қўлини кўтарди. Бу эринчоқ ҳаракат ҳам ҳисоб-китобли эди.

Мен уларнинг зимдан тайёрлашган ўйинларини жуда яхши сезиб турардим ва бундай ўйинлардан ҳузурланадиганларнинг борлигидан ҳайратга тушардим. – Ўйлаб кўришинг учун чорак соат муҳлат берамиз, – деди у, – ечинадиган хонага олиб чиқинглар уни, ўн беш дақиқадан кейин олиб кининглар. Агар тихирлик қилса, жойида отиб ташланглар.

Бу қанжиқлар нима қилишаётганини яхши билишарди: тун бўйи мени куттиришди, кейин ертўлада бир соат ёлғиз сақлашди, Ҳуан билан Томни отиб ташлагунча кутдим, энди эса мени ечинадиган хонага қамаб қўйишмоқчи. Улар бу ўйинни кеча ўйлаб топишган. Асаби дош беролмайди, си-нади, деб ўйлашган. Бироқ улар янглишади. Демак, улар мени Грис яширинган жойни билади, деб ишонишаётир. Грис шаҳардан тўрт километр наридаги амакиваччасининг уйига яширинган. Уни сотиб қўймаслигимга ишончим комил, фақат

кийноққа солиб азоблашмаса бўлгани (афтидан, улар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган). Булар бари менга кундай равшан, қолаверса, мен ҳаммасидан совиб бўлдим. Бироқ айна дамда мен нега ўзимни бундай тутаётганимни билгим келарди: нега мен бошқача бўлолмаяпман, деб ўйладим. Нега итдай ўлиб кетишим керак, нима учун энди Рамон Грисни сотмаслигим керак? Хўш, нега? Ахир, мен Рамонни ҳурмат қилмай қўйдим-ку. Унга ҳурматим, биродарлик туйғуларим ўша оқшом барҳам топган эди-ку: Кончага муҳаббатим яшашга иштиёқим – бари ўша оқшом тугаб битди-ку! Тўғри, шунгача мен Грисни доим қадрлаб келганман, у мард одам эди. Не бўлса-да унинг учун қурбон бўлишни бўйнимга олган эдим: унинг ҳаёти мен учун ўзимникидан азизроқ эди, аслида, ҳар қандай ҳаётнинг, тирикликнинг сариқ чақалик қадри йўқ. Ахир, одамни деворга тираб қўйиб юз-кўзига ўқ ёғдиришса, отиб ўлдиришса – бу мен бўламанми ё Роман Грисми ёки бошқа бировми – тирикликда маъни қолмайди: ҳаммаси аҳамиятини буткул йўқотди. Аммо мен ҳозир тирикман, Роман Грисни сотиб жонимни сақлаб қолсам бўлади, бироқ буни қилмаяпман. Эшакларча қайсарлигим ўзимга қизиқ туйиларди. «Шу қадар аҳмоқ бўламанми?», деб ўйладим. Бу ўйдан ҳатто кайфиятим озроқ кўтарилди ҳам. Кейин улар мени ўша тор хонага бошлаб боришди. Оёқларимнинг орасидан каламуш югуриб ўтди, буям менга қизиқ туйилди. Мен соқчилардан бирига ўтирилиб:

– Қара, каламуш, – дедим.

Соқчи жавоб қилмади. Унинг башараси тунд, чамамда, бўлаётган воқеаларни у ўта жиддий қабул қилаётган эди. Хахолаб кулгим келди, ўзимни тутдим: агар бир кулишга тушсам, ўзимни тўхта-

толмайман, деб қўқдим. Соқчининг мўйлови бор эди. Мен унга:

– Мўйловингни қириб ташла, тентак, – дедим.

Тирик одамнинг бетини тук босгани менга кулгили туйилди. Соқчи ҳафсаласизлик билан кетимга бир тепди, мен жим бўлдим.

– Ҳўш, – деди бақалоқ. – Ўйлаб кўрдингми?

Мен унга камёб ҳашаротга қарагандай сохта қизиқувчанлик билан қарадим ва:

– Ҳа, мен унинг қаердалигини биламан, – дедим.

– Грис қабристонга яширинган. Бирор лаҳаднинг ичида ёки қоровулнинг уйчасида бўлиши керак.

Кел, охирида буларни бир лақиллатай, дедим-да. Ҳовлиқиб милтиқларини кўтариб бақириб-чақиришларини, тўрт тарафга чопқилашларини кўриб маза қилгим келди. Чиндан ҳам улар ўтирган жойларидан учиб туришди.

– Кетдик! Молис, лейтенант Лопесдан ўн беш киши олинг!

– Агар алдамаётган бўлсанг, – деди бақалоқ, – мен ваъдамда тураман. Бироқ бизни лақиллатган бўлсанг, билиб қўй, соғ қолмайсан.

У чиқиб кетди. Мен соқчилар қуршовида ўтирган жойимда қолдим. Ора-сира кулиб қўяман: уларнинг қабристонда изғишиб, тўрт тарафга аланглаб чопқиллаб юришгани кўз олдимдан ўтади. Ҳар қалай жуда ақлли иш қилдим, деб ўйладим. Қабр тошларини кўтариб, лаҳадларнинг ичига қараб овораю сарсон бўлишаётганини тасаввур қилиб ҳузурландим. Орадан бир ярим соатча вақт ўтди, бақалоқ қайтиб келди. Энди мени отиб ташлашга буйруқ берса керак, деб ўйладим. Қолганлар, афтидан, қабристонда қолишганди. Бироқ зобит менга тикилиб қаради. Башарасидан аҳмоқ бўлганини англатадиган аломатлар сезилмади.

– Уни катта ҳовлига олиб чиқинглар, ўша жойдагиларга қўшинглар, – деди у. – Жангдан сўнг унинг тақдирини трибуна ҳал қилади.

Мен унинг гапларини яхши англолмадим. Ундан сўрадим:

– Нима, мени отишмайдими?

– Умуман олганда, ҳозир отишмайди. Қолаверса, бу энди менинг вазифамга кирмайди.

Нима бўлаётганига ақлим етмасди.

– Нега энди? – дедим ҳайрон бўлиб.

У гапирмади, елкаларини учирди, холос. Аскарлар мени олиб чиқиб кетишди. Катта ҳовлида юз чоқли маҳбус: қариялар, болалар тўдалашиб туришарди. Нима бўлаётганига ақлим етмай, ҳовли ўртасидаги гулзор атрофида санқий бошладим. Чошгоҳда бизни ошхонага олиб киришди. Икки-уч киши мен билан гаплашмоқчи бўлди. Афтидан, бизлар таниш эдик, бироқ мен орага гап қўшмадим: қаерданман, нималар бўляпти-тушунолмаётгандим. Кечқурун ҳовлига яна бир тўда маҳбусларни ҳайдаб киритишди. Улар орасида новвой Гарсиани танидим. У мени кўриб кичқирди:

– Омадинг бор сенинг. Тирик кўраман деб ўйламагандим.

– Улар мени отувга ҳукм қилишди, – дедим мен, – кейин бу фикрдан қайтишди. Нега бундай қилишди, билмайман.

– Мени соат иккида ушлашди, – деди Гарсиа.

– Нима учун?

Гарсиа сиёсат билан шуғулланмасди.

– Ҳеч тушунолмайман, – деди Гарсиа, – улар ўзларига ўхшаб фикр юритмайдиганларнинг ҳаммасини тутишяпти.

У овозини пасайтириб:

– Грисни қўлга туширишди, – деди.

Мен сесканиб кетдим.

– Қачон?

– Бугун эрталаб. Ўзи аҳмоқлик қилди-да. Чоршанба куни жаҳл устида укаси билан уришиб қолиб, унинг уйидан чиқиб кетди. Яширинишга ёрдам берадиган сонмингта эди, бироқ у ҳеч кимга зиёним тегмасин, деди, чамаси. Менга: «Иббизтанинг уйига яширинсам бўларди, бироқ уни ҳибсга олишибди, қабристонга бекинаман», – деди.

– Қабристонга?!

– Ҳа. Аҳмоқлик қилди. Бугун эрталаб улар қабристонни босишди. У қоровулнинг уйчасида экан, ўраб олишди. Грис қаршилиқ кўрсатишга уринди, бироқ улар Грисни отиб ўлдиришди.

– Қабристонда-я?!

Кўз олдим қоронғилашиб юзтубан йиқилдим. Овозим борича шунақа қаҳ-қаҳ уриб тўхтовсиз кулардимки, кўзларимдан ёш тирқирарди.



МИХАИЛ ШОЛОХОВ
(1905 – 1984)
РОССИЯ

Рус ёзувчиси, академик, Меҳнат қаҳрамони Михаил Шолохов 1905 йилда тугилган. Адибнинг «Тирранча», «Чўпон», «Хундор душман», «Очилган қўриқ», «Тинч Дон», «Улар Ватан учун жанг қилдилар», «Инсон тақдири» каби кўплаб ҳикоя ва романларида уруш даҳшатларини бошидан кечирган кишининг бой ва гўзал руҳий олами катта маҳорат билан ифодаланган. Шолохов ижоди қардош халқлар, шу жумладан, ўзбек адабиётида реалистик тасвир методининг қарор топишига сезиларли таъсир кўрсатган. Шолоховнинг роман ва ҳикоялари асосида кўплаб театр ва кино асарлари яратилган. Шолоховнинг қарийб барча асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Ана шундай асарлари учун ёзувчи 1965 йили Нобель мукофоти соҳибига айланган. У 1984 йилда вафот этган.

ХОЛ

Столда куйган ўқ-дори анқиб турган патрон гилзаси, қўй сўнгаги, дала харитаси, маълумот, от терисининг иси уриб қолган нақшдор юган, бир бўлак нон. Буларнинг ҳаммаси столда, деворнинг захидан моғор босган, чопилган харракда елкасини дераза рахига тираганча эскадрон командири Николай Кошевой ўтирибди. Уюшган, карахт бармоқларига қалам тутган. Столда ёзиб қўйилган аллақачонги плакатлар ёнида – чала тўлдирилган анкета. Дағал қоғозга қисқагина сўзлар ёзилган: Кошевой Николай. Эскадрон командири. Экинчи. РКСМ¹ аъзоси.

«Ёши» деган катакка эран-қаран қилиб «18» деб ёзилган.

Николка ёшига қараганда яғриндор кўринади. Атрофини ажин қоплаган кўзлари ва чолларга хос букчайган елкаси уни кексанамо кўрсатарди.

– Ёш бола-я, болакай, кўк қўғанинг ўзи, – дейишади ҳазиллашиб эскадрондагилар, – аммо деярли талафот кўрмасдан иккита босмачи тўдасини тугата оладиган, эскадронни ярим йил мобайнида ҳар қандай кекса командирдан қолишмасдан жанглару олишувларга бошлаб борадиган бошқа бир одамни топиб кўр-чи!

¹ РКСМ – Россия коммунист ёшлар иттифоқи. 1918–1926 йилларда фаолият кўрсатган ёш коммунистлар ҳаракати. Кейинчалик 1991 йилгача «Бутуниттифоқ ленинчи коммунист ёшлар иттифоқи» деб аталган.

Николка ўн саккиз ёшдалигидан ийманади. Ҳа-миша «ёши» деган ёқимсиз катак қаршисига келган-да қаламининг юриши секинлашиб, имиллаб қолади, Николканинг ёноқлари ўкинчдан қизғиш тортади. Николканинг отаси казак, отасига кўра у ҳам казак. Беш-олти ёшларида отаси уни ҳарбий отига мин-дирганини худди алоқ-чалоқ тушдай эслайди.

– Ёлидан ушла, ўғлим! – деб қичқирарди отаси, онаси эса ошхона эшигидан Николкага жилмай-иб турар, отнинг дўнг сиртига қапишган жажжи оёқларига ва юган тутган отасига тикилар эди.

Бу аллақачонлар бўлган. Николканинг отаси гер-ман урушида, худди сув ютгандек бедарак кетди. Николкадан отасига отга ишқибозлик, беҳад дов-юраклик, чап оёғининг юқорисида худди отаси-дагига ўхшаш каптар тухумидек хол мерос қолди. Ўн беш ёшигача хизматкорликда саргардон кез-ди, кейин эса узун шинел сўраб олиб, станицадан ўтаётган қизил полк билан бирга Врангелга қарши курашга жўнади. Шу бу йил ёзда Николка Донда ҳарбий комиссар билан чўмилаётган эди. Комис-сар Николканинг букчайган, қуёшдан қорайган елкасига қоқа-қоқа, контузияланган бошини қий-шайтирганча дудуқланиб шундай деди:

– Сен ҳалиги... ҳалиги... Сен бахт... бахтли экан-сан! Ҳа, бахтли экансан! Хол – бахтнинг нишонаси эмиш.

Николка садаф тишларини кўрсатиб тиржай-ди-да, сувга шўнғиди. Сувдан туриб пишқирган кўйи:

– Бекор айтибсан, довдир! – деб қичқирди. – Ғудакликда етим, умрим бўйи хизматкорликдан қаддимни ростламаган бўлсам-у, бу киши бахтли-сан, деб ўтирса!

Шундай дедию Донни қучиб турган сариқ қум-лоқ томон сузиб кетди.

II

Николка истиқомат қилаётган уй Дон устидаги учирим ёқасида жойлашган. Деразаларидан ям-яшил, ёйиқ Дон бўйлари, қорамтир сув кўри-ниб туради. Бўрон эсган кечалари учирим таги-да тўлқинлар шалоппайди, дарчалар энтиккандек ҳасрат чекади. Николканинг назарида, сув пол тирқишларидан ўғринча сизиб кираётгандек, тў-лиқиб, уйни силкитаётгандек туйилади.

У бошқа квартирага кўчмоқчи эди-ю, нияти-ни амалга оширмай, кузгача шу ерда қоладиган бўлди. Аёзли тонгда мўрт сукунатни нағалбанд этигининг жаранги билан чил-чил синдирганча Николка бўсағага чиқиб келди. Олчазор боғчага тушди-да, шабнамдан гирёнзада, оқаринқираган ўланга ястанди. Оғилдан уй бекасининг сигирни тек туришга ундаётгани, йўғон овозли бузоқнинг қистов билан мўраётгани, тизиллаб тушаётган сут-нинг пақир четига жаранглаб урилаётгани эшити-лар эди.

Ҳовлида ён эшик гижирлади, ит акиллади. Вывод командирининг:

– Командир уйдами? – деган овози эшитилди. Николка тирсакларига таянганча қадини кўтарди.
– Мен бу ёқдаман! Хўш, яна нима бўлди?

Станицадан чопар келди. Айтишича, Сал окру-гидан босқинчилар кириб келганмиш, Грушин-ский совхозини босганмиш.

– Бошлаб кел уни бу ёққа.

Чопар қора терга ботган отини отхонага етакла-ди. От ҳовлининг ўртасида олдинги оёқлари билан мункиб тушди, кейин ёнбошига қулади-да, ўқтин-ўқтин, калта-калта хирилаганича, нафаси тиқи-либ, дарғазаб вовуллаётган занжирбанд итга суна-ётган кўзлари билан тикилган кўйи ўлиб қолди.

Чунки чопар олиб келган пакетда учта хоч белгиси бор эди. Чопар уни қирқ чақирим йўлдан отга дам бермай олиб келган эди.

Николка раиснинг ундан эскадрон билан мадад бергани етиб кел, деб илтимос қилганини ўқиғач, меҳмонхонага кириб қиличини тақаркан, тинкаси қуриб ўйлади: «Бирор ёққа ўқишга кетсам бўларди, бу ёқда эса банда... Ҳарбий комиссар изза қилади, бирорта сўзингни тўғри ёзолмайсан, ахир, эскадрон командири бўлсанг, деб... Унинг устига, банда босганини айт... Яна қон тўкилади, бунақа турмуш тинка-мадоримни қуритди... Ҳаммаси меъдамга тегди...»

Йўл-йўлакай карабинини ўқлаганча бўсафага чиқди. Хаёли теп-текис, катта кўчаларда чопиб кетаётган отлардек учқур эди. Шуларни ўйларди: «Шаҳарга кетсам бўларди... Ўқисам бўларди...»

Ўлиб қолган от ёнидан отхона томон ўтиб бораркан, унинг чанг босган бурун катакларидан сизиб чиқиб, қора тасмадек чизилган қонни кўриб, юзини терс ўгирди.

III

Ўнқир-чўнқир ёзлик йўл бўйлаб, шамол ялаган арава излари бўйлаб гажимдор, бўзранг баргизуб, қалин ҳурпайган шўра ва тахож тарвақайлаб ётибди. Бу – бир вақтлар хирмонжойларга пичан ташиб борилган ўша ёзлик йўл, ғарамлар дашт бўйлаб қаҳрабо қатраларидек сочилиб ётибди, серқатнов йўл эса телеграф симёғочлари тагидаги дўнглик узра ястанган. Симёғоч соя жарлар орқали кузнинг хира тортган оқиш бағри томон шитоб билан интилади, симёғочлар ёнидан ўтган ялтироқ йўл бўйлаб эса атаман эллик чоғли совет ҳокимиятидан норози Дон ва Кубан казакларидан иборат

босқинчилар тўдасини бошлаб кетмоқда. Улар худди қўй сурувига дориган бўридек уч кеча-кундуздан буён йўл бўйлаб ёки йўлсиз қўриқ оша қочиб бормоқда, орқадан эса уларни қоралаганча Николка Кошевойнинг бўлинмаси келмоқда.

Бандадагилар кўпни кўрган, пихини ёрган ҳарбийлардан бўлсалар-да, ҳар қалай атаман оғир ўйга ботади, узангига оёқ тираганча даштни кўзлари билан пайпаслайди, Доннинг нариги томонига чўзилиб кетган ўрмоннинг мовий ҳошиясигача неча чақиримлигини чамалайди.

Улар шу тариқа бўридек қочишади, Николка Кошевойнинг эскадрони эса уларнинг изидан қувади.

Ёзнинг очиқ-ёруғ кунлари, шаффоф осмон остидаги Дон даштларида қалин буғдой бошоқлари кумушдек жаранглаб тебранади. Ўрим олдида сархил-сара буғдой бошоғининг мурти ўн етти яшар йигитчанинг мўйловидек қора тортган, жавдар эса одам бўйи ўсган бўлади.

Серсоқол деҳқонлар дарахтзорлар яқинидаги қумлоқ тепалардаги қумоқ пайкалларга жавдар экадилар. У яхши битмайди, қадим-қадимдан бир десятинадан ўттиз чоракка етар-етмас ҳосил беради, жавдарни шунинг учун экишадики, ундан қиз боланинг кўз ёшидек тиниқ самогон тортишади: негаки азрўйи азалдан шу таомил бор, бобою бобокалонлар ҳам ичиб келишган. Дон области казаклари қўшинининг туғросида арақли бочка устида яланғоч ўтирган маст казак тасвири акс эттирилганлиги, бежиз бўлмаса керак. Хуторлару станицалар куз кунлари қуюқ ва ўткир ҳамр бўлиб гупуради, қизғиш тол четанлар узра тепаси қизил папоқлар мастона чайқалади.

Ана шунга кўра атаман ҳам бирор кун ҳушёр бўлмайди, шу сабабдан барча аравакашлару пу-

лемётчилар рессорли тачанкаларда кайфдан қийшайишиб ўтирадилар.

Атаман қадрдон қўраларини етти йил мобайнида кўрмади. Герман асирлиги, кейин Врангел, қуёш тифидан эриб турган Истанбул, тикан симли лагер, мумланган, шўр қанотли турк фелюгаси, Кубанинг попилтириқли қамишзорлари ва ниҳоят – банда.

Агар елкаси оша орқасига ўтирилиб қараса, атаманнинг кечирган турмуши – ана шу. Атаманнинг юраги жазирама ёз кунлари даштдаги чалчиқлар бўйида ҳукизларнинг айри туёқларидан тушган излар қотганидек тош қотди. Тушуниб бўлмайдиган ғалати бир алам ичини кемиради, мушакларини ўқчиқдан тириштиради, атаман пайқаб турадики, уни унута олмайди, бу дардга ҳеч қандай самогон билан бас кела олмайди. Шунинг учун ҳушёр тортмай кунига ичадики, Дон даштларидаги ташна бағри қуёш остида ағдарилиб ётган ғалла хушбўй ва тотли гулламоқда, қорамағиз юзли жалмеркалар хуторлару станицаларда шундай самогон тортмоқдаларки, шарқираб турган чашма сувидан ажратиб бўлмайди.

IV

Тонготарда дастлабки аёз бошланди. Нилуфарнинг сербарг япроқларига нукра туклар сочилди, кичкина тегирмон тошида эса эрталаб Лукич слюдага ўхшаган ранг-баранг, юпқа-юпқа муз парчаларини кўрди.

Эрталабданоқ Аукичнинг тоби қочиб қолди: белига санчиқ кирди, симиллаган оёқлари оғирлашиб ердан уза олмасди. Эти сўнгаларидан ажралиб кетаётгандек бемаъни гавдасини аранг кўтарганча тегирмон бўйлаб оёқларини судраб бо-

сарди. Тариқ жувоздан бир гала сичқон лип этиб чиққанча уриб кетди; ёшланган нам кўзлари билан юқорига тикилди: шифт тагидаги кўндоқдан туриб каптар ишчанлик билан жадал бидир-бидирлаганча хониш қилмоқда эди. Бобо бамисоли қумоқ тупроқдан ясалгандек бурун катаклари билан моғор босган талх сув исини, жавдар уни ҳидини димоғига тортди, сувнинг хунук ютоққанча устунларни ялаб-юлқаётганини тинглаб турди-да, пахмоқ соқолиниғижимлаб ўйга толди.

Бобо асалари кувалари турган жойда дам олиш учун ястанди. Пўстинини устига қийғоч ташлаганча уйқута кетди, оғзи нимочиқ, увизидан сизган илиқ, ёпишқоқ сўлаги соқолига илашган. Оқшом қоронғиси бобонинг уйини тамоман чулғаб олди, тегирмон сутранг туман увадалари орасида қолди...

Ўйғонганида ўрмондан икки отлиқ чиқиб келмоқда эди. Улардан бири асалари кувалари орасида юрган бобога қичқирди:

– Бу ёққа кел, бобо!

Лукич шубҳаланиб қараганча туриб қолди. У нотинч йиллар орасида ем билан унни сўрамай-нетмай тортиб оладиган мана бундай қурама одамларни жуда кўп учратган, уларнинг ҳаммасини баб-баробар, ёппасига қаттиқ ёмон кўрар эди.

– Тезроқ юрсанг-чи, галварс чол!

Лукич ўйиб ясалган кувалар орасидан ўтиб борди, туси кетган лабларини оҳиста қимирлатганича, сассиз чапиллатди, меҳмонларга қийғос қараганча берироқда туриб қолди.

– Биз қизилларданмиз, бобожон... сен биздан кўрқма, – деди хирқираб атаман беозоргина. – Биз бандани қувиб юрибмиз, ўзимизникилардан қолиб кетдик... Балки кўргандирсан, кеча шу ердан бўлинма ўтган эди?

– Аллақандай одамлар ўтган эди.

– Улар қаёққа қараб кетишди, бобо?
– Ким билсин жин урганларни!
– Тегирмонингда улардан битта-яримтаси қолмаганмиди?

– Йўқ, – деди Лукич қисқагина ва орқасига ўтирилди.

– Шошма, қария, – атаман эгардан сакраб тушди, мастлигидан маймоқ оёқларида туролмай қалқиб кетди, оғзидан самогон ҳиди бурқиганча шундай деди, – биз коммунистларни йўқотамиз, бобо... Ҳа шундай... Бизнинг кимлигимизнинг сенга ҳеч бир дахли йўқ! – Қоқилиб кетиб, юганини қўлидан тушириб юборди. – Сенга дахлдор жойи шуки, етмиш отга ем тайёрлаб берасан, унингни чиқармайсан... Ҳозирнинг ўзида!.. Тушундингми? ғалланг қаерда?

– Йўқ, – деди Лукич атрофига аланглаганича.

– Бу омборда нима бор?

– Бало-баттар, лаш-луш... ғалла йўқ!

– Қани, юр-чи!

Чолнинг ёқасидан тутди-да, қийшайиб ерга қапишиб ётган омбор томонга тиззаси билан судраганча олиб кетди. Эшикни ланг очди. Халталарда буғдой билан арпа бор эди.

– Бу ғалла бўлмай нима, қари аблаҳ?

– Ғалла, валинеъматим... Булар супуринди... Мен буларни бир йил мобайнида битталаб йиққан бўлсам-у... сен отларга едириб увол қилмоқчисан...

– Нима, бизнинг отларимиз очидан тиришиб ўлсинми? Хўш, бу нима қилганинг – қизилларнинг тарафини олаётибсанми, ўзингга ўлим тилаётибсанми?

– Раҳминг келсин, меҳрибонгинам? Сенга нима гуноҳ қилдим? – Лукич бошидан шапкасини юлқиб олди-да, шартта тиз чўкиб, атаманнинг сержун қўлига ёпишганча ўпа кетди...

– Айт, қизилларни ёқтирасанми?

– Кечир, жафокашгинам!.. Беҳуда гапирган бўлсам, айбимдан ўт. Вой, кечир, қийнама мени, – деб ўкирарди чол, атаманнинг оёқларини қучганча.

– Қизилларга тарафдормаслигингга қасам ич... Чўқинма, тупроқ ошала!

Бобо кафтларидаги тупроққа ёш тўкканча тиш-оғзида айлантириб кавшанди.

– Хўш, энди ишондим. Ўрнингдан тур, қария!

Атаман оёқлари увишиб қолган чолнинг туролмаётганини кўриб кулди. Етиб келган отлиқлар хомпалардан арпа билан буғдойни ташиб чиқиб, отларнинг оёқлари остига сепдилар, олтинранг донларни ҳовли юзига тўкиб-сочдилар.

V

Туман, намхуш қоронғилик қўйнидаги тонг...

Лукич соқчининг олдидан ўтиб, йўлдан эмас, ўрмондаги ўзигагина маълум бўлган сўқмоқдан пилдираганча, жарлиқлар оша, тонг олдидаги тетик мудроқликда сергакланган ўрмон оша хутор томон жўнади.

Елтегирмонга етиб бориб, ғовли йўлдан тор кўчага бурилмоқчи эди, кўз ўнгида дафъатан отлиқларнинг ғира-шира шарпаси пайдо бўлди.

– Ким у келаётган? – деган ташвишли хитоб эшитилди жимжитлик қўйнида.

– Менман... – Лукич чайналиб, ўзи эса бус-бутун бўшашиб, аъзойи-бадани титрай бошлади.

– Кимсан ўзинг? Нима, рухсатноманг борми? Нима қилиб изғиб юрибсан?

– Тегирмончиман... шу ерда сув тегирмонда ишлайман. Хуторга зарур иш билан кетаётган эдим.

– Қанақа зарур иш экан у? Қани, командирнинг олдига юр-чи! Олдинга туш! – деб қичқирди биттаси от билан бостириб келаркан.

Отнинг буғли лаблари бўйнига тегаетганини сезган Лукич оқсоқлаганча хутор томон йўл олди.

Майдондаги черепица ёпилган уй олдида тўхтадилар. Кузатувчи инқиллаганча эгардан тушди-да, қиличини шалоплатган кўйи бўсағага кўтарилди.

– Орқамдан юр!..

Деразалардан чироқ ёруғи кўриниб турибди. Кириб боришди.

Лукич тамаки тутунидан аксириб юборди, шоша-пиша шапкасини олди-да, тўрдаги бурчакка қараб чўқинди.

– Мана бу чолни ушлаб келдик. Хуторга кетаётган экан.

Николка пару пат ёпишган пахмоқ бошини столдан кўтариб, уйқусираганча, аммо жиддий сўради:

– Қаёққа кетаётган эдинг?

Лукич олдинга бир қадам ташлаб, шодлигидан қалқиб кетди.

– Жонгинам, ўзимизники экансизлар, мен бўлсам яна ўша ғаддорлар, деб ўйлабман... Ўтакам ёрилганидан сўрашга ҳам ботинолмабман... Мен тегирмончиман. Митроханинг ўрмонидан ўтаётганларингда меникига тушган эдинглар, мен сенга сут қуйиб берган эдим, қўзигинам... Ё эсингдан чиқдимми?

– Ҳўш, нима демоқчисан?

– Айтадиган гапим шуки, ўргилай: кеча қоронғи тушиши билан меникига ўша бандадагилар бостириб келишди, бор дон-дунимни отларига пок-покиза едириб юборишди!.. Мени хўрлашди... Каттаси: жонингдан умидинг бўлса, олдимизда қасам ич, деди, тупроқ ошалаттирди.

– Улар ҳозир қаерда?

– Ўша ерда-да. Бир талай арақ олиб келишган экан, симиришяпти иблислар. Менинг меҳмонхонамда, мен сиз – шафқатпаноҳимга хабар бергани югуриб келдим, ҳеч бўлмаса сиз уларнинг таъзири-ни бериб қўярсиз.

– Айт, отни эгарлашсин! – дея бобога жилмайганча харракдан сапчиб турди Николка ва ҳорғинлик билан шинелининг енгини тортди.

VI

Тонг отиб боряпти.

Уйқусиз кечаларда заҳил торган Николка пулемётли двуколка томон чопиб келди.

– Атакага киришишимиз билан ўнг қанотига қараб шиғиллат. Биз уларнинг қанотини синдиришимиз керак!

Шундай деди-да, ёйилиб бораётган эскадрон томон от қўйди.

Йўлдаги бир тўп мажмағил эманлардан ўтгач, отликлар кўринди – улар тўртта-тўрттадан саф тортишган, ораликларида тачанкалар кетмоқда эди.

– Елдилинглар! – деб қичқирди Николка ва орқасидан туёқларнинг кучайганини сезиб, айғирига қамчи босди.

Даҳанада жон ҳолатда пулемёт тариллади, бояги, йўдагилар худди машқ вақтларидегидек дарҳол ҳалқа бўлиб ёйилишди.

* * *

Айқаш-уйқаш ёғочлар орасидан тепаликка тўнғизтароқ ёпишган бўри югуриб чиқди. Бошини олдинга чўзганча ғингшиди. Яқин орада тарс-турсуқлар отилмоқда, турли оҳангда увиллаган товушлар пайваст тебраниб янграмоқда эди.

«Тақ!» этиб қайрағочзорга келиб тушарди ўқ товуши, тепаликнинг нарёғидаги қаердадир, шудгордан нарида пайваст бидирлаган акс садо эшитилади: «туқ!»

Яна ўқтин-ўқтин тақ-туқ-тақ! Тепалик орқасидан жавоб келарди: туқ-туқ-туқ!

Бўри турди-турди-да, эран-қаран, лапанглаганча жарликдаги сарғайиб қолган, ўриб олинмаган қўғазорга қараб йўналди...

– Бўшашма!.. Тачанкаларни ташламанглар!.. Чакалакка... Чакалакка, дейман онангни эмгурлар! – деб қичқирарди атаман, узангига оёқ тираб турганча. Тачанкалар атрофида эса ҳовлиқиб қолган аравакашлар билан пулемётчилар ён қайишларини кесмоқда, пулемётдан узлуксиз ўт очиляётгани туфайли узилиб кетган ҳалқадагилар тирақайлаб қочишга киришган эдилар.

Атаман отини бурди, унга томон қанот ёзгандек, қиличини ўйнатиб бир киши от чоптириб келмоқда эди. Кўкрагидан чайқалаётган дурбиндан, буркасидан атаман от чоптириб келаётган оддий қизил аскар эмаслигин пайқади-да, тизгинни тортди. Узоқдан ёш йигитнинг ғазабдан буришган мўйлабсиз юзини, шамолдан юмиляётган кўзларини кўрди. Атаманнинг тагидаги от ўйноқларди, ўзи эса камарига илиниб қолган маузерини юлқилаб тортаркан, шундай деб қичқирди:

– Итвачча гўдак!... Ўйнатавер, ўйнатавер, ўйнатишни мендан кўрасан ҳали!...

Атаман яқинлашиб келаётган қора буркага қараб ўқ узди. От саккиз саржинча чопиб келиб, қулаб тушди, буркасини ирғитиб ташлаган Николка эса ўқ уза-уза, югурганча атаман томон тобора яқинлашиб келмоқда эди...

Чакалакнинг орқасидан кимдир ваҳшиёна чин-қириб юборди-да, овози ўчиб қолди. Қуёш юзини булут босди, даштга, йўлга куз ва шамоллар дастидан яланғочланган ўрмонга сузиб борувчи соялар тўшалди.

«Нодон, гўдак, ҳовлиқма, шунинг учун ҳам бу ерда ажалга дучор бўлади», деб ўйларди атаман, шошқинлик билан, ниҳоят йигитнинг обоймасидаги ўқлари тамом бўлгач, тизгинини бўшатди-да, калхат бўлиб отилди.

Эгардан оғанча қиличини силтади, зарбдан йигитнинг гавдаси шилқ этиб бўшашганини бир лаҳза ҳис этди, кейин жасад сирғалганча ерга аста қулаб тушди. Атаман сакраб тушиб марҳумнинг дурбинини юлқиб олди, унинг увишиб титраётган оёқларига қаради, атрофига аланглади-да, ўликнинг хром этигини ечиб олиш учун чўнқайиб ўтирди. Қирсиллаётган тиззасига оёғини тираганча этикнинг бир пойини чаққонлик билан ечиб олди. Иккинчисининг ичида пайпоқ йиғилиб қолганми, ечилмасди. Ҳазаби ошиб сўкинганча этикни пайпоғи билан қўша суғуриб олди-да, оёғининг тўпикдан юқорироғидаги каптар тухумидек келадиган холга кўзи тушди. Йигитни уйғотиб юборишдан қўрқаётгандек унинг совиб келаётган бошини аста-секин юзини юқорига қилганча ўнглаб қўйди, қўли оғзидан лахта-лахта бўлиб чиқаётган қонга беланди, тикилиб қаради-да, шундан кейингина унинг ўхшовсизроқ елкаларини ноқулай қучганча, бўғиқ овоз билан шундай деди:

– Ўғлим!.. Николушка!.. Жоним!.. Жигарбандим...
Унниқиб бораркан, қичқирди:

– Ақалли бир оғиз сўз айтсанг-чи! Нима бўлди ўзи-я?

Сўнаётган кўзларига қараганча ўзини ерга ташлади; қон қуйилган қовоқларини очиб қарар-

кан, ихтиёрсиз, мажолсиз жасадини силкитарди... Николка эса бениҳоя зўр ва муҳим нарсаси ҳақида сўзлаб юборишдан қўрқаётгандек мўматалоқ тилининг учини фарчча тишлаб олган эди.

Атаман ўғлининг совиб бораётган қўлларини бағрига босиб ўпди-да, тер инган маузерининг пулат милини тишлари билан тишлаб, оғзига ўқ узди...

* * *

Кечқурун чакалакнинг нарёида отлиқлар кўри-ниб, шамол ғала-ғовур товушларни, отларнинг пишқиришлари ва узангиларининг жаранглашини олиб келаркан, атаманнинг бошидан ўлимтиксўр калхат истар-истамас учиб кетди. Учиб кетди-да, кузнинг хира, бўзрайган осмонида ғойиб бўлди.



ЯСУНАРИ КАВАБАТА
(1899–1972)
ЯПОНИЯ

Япон миллати ифтихори, япон санъат академияси аъзоси Кавабата Ясунари 1899 йил Осака шаҳрида дунёга келади. Биринчи асари «Идзунлик ўйинчи»да болалик хотиралари лирик тарзда ҳикоя қилинган. Кавабатанинг ўзига хос бадиий услуби шоирона ҳис-туйғулардан иборат «Қорли ўлка», «Минг қанотли турна», «Тоглар ноласи», «Уйқудаги нозанинлар», «Эски пойтахт» каби қисса ва романлари ички лиризм билан суғорилган. Адиб 1968 йил Нобель мукофоти соҳиби бўлган. Ясунари Кавабата 1972 йилда бу оламдан кўз юмган.

АЁЛ ТУШЛАРИ

Кухара ўттиз олти ёшида тўсатдан уйланадиган бўлиб қолди.

Кухара уйланиш деса, кўнгли сушт кетадиган бўйдоқлардан эмасди, шунинг учун оила қуришга аҳд қилгач, эл қатори келинникига совчи юборди. Шу жиҳатдан олганда-ку унинг уйланиши гап-сўз қилиб ўтиришга арзимасди. Бироқ ошна-оғайни, таниш-билишлари бундан хабар топгач, лолу ҳайрон бўлиб қолди. Бунга озми-кўпми келиннинг бе-назир ҳусну малоҳати ҳам сабаб бўлганди.

Келинни кўриб, оғзи очилиб қолган оғайниларидан айримлари, очиғи, эртароқ уйланиб қўйганига афсусланди. Нимасини айтасан, болапақир ичидан пишган экан, дея ич-ичларида унга ҳавас қилишди ва ҳаммаларининг Кухарага муомаласи кескин ўзгарди. Ҳамманинг оғзида дув-дув гап: келин жуда бадавлат экан, энди Кухаранинг ишлари юришиб кетса, ажаб эмас. Баъзилар Кухара хусусий касалхона қуради деса, бошқалари, йўқ, у таълим-тарбия соҳасида астойдил шуғулланмоқчи, дея тахмин қилишарди. Нима бўлган тақдирда ҳам уйланиш шарофати билан Кухаранинг бирдан муътабар шахсга айлангани ғалати эди.

Тиббиёт билим юртининг тиш касалликлари бўлимини тугатгач, Кухара тиббиёт институтига

ассистент бўлиб жойлашганди. Шу тариқа у шифокорлар даврасида таниш-билиш орттирмоқчи, кейин илм олиб, алоҳида амалиёт билан шуғулланмоқчи эди. Бироқ диссертация ёқлагандан кейин ҳам у тажрибахонада қолди; амалий фаолиятдан ҳам, янги иш бошлаш ниятидан ҳам воз кечиб, кутилмаганда патология бўйича тадқиқот олиб боришга аҳд қилди. Агар буларнинг барига шу чоққача бўйдоқ юргани қўшилса, таниш-билишлари уни нима сабабдан бир қайнови ичидаги одамга чиқариб қўйганларини тушуниш мумкин. Тиббиёт билим юртида орттирган ёр-дўстлари ўзларини хориқулудда истеъдодли, истиқболи юксак аллома деб сезишди ва одамга ўхшаб тузукроқ муомала қилишни ҳам унутиб юборишди, пировардида, аста-секин ундан узоқлаша бошладилар.

Нима сабабдан айнан уйлангач, кўпчилик эътиборига сазовор бўлганига Кухаранинг ўзи ҳам ажабланарди. Қизиги шундаки, бир замонлар юз ўгириб кетган эски дўстлари ҳам унга бутунлай бошқача муомала қила бошлашди. У қаллиғи Харуко билан сайр қилиб юрганида ҳатто бегоналар ҳам уларга ҳавас билан қарар, шундай чоғларда Кухара нима учун кутилмаганда бунчалар муътабар инсонга айланиб қолганидан ҳайрон бўлиб, уларнинг нигоҳида акс этган алланечук эҳтиром туйғуларидан мутаассир бўларди. Уйланиш туйфайли ҳаётида ажабтовур, умидбахш ўзгаришлар юз беражagini ҳам билмас эди-ю, аммо Харуко ҳусну малоҳатли бўлибгина қолмай, қадами қутлуғ қиз эканини кўнгли сезарди. Алоҳа у ўзича Харукога ҳеч қачон озор бермаслик керак, деган қарорга келди.

Кухаранинг улфатлари Харукодек гўзал қиз нега шу пайтгача турмушга чиқмаган экан, дея

хайрон бўлишарди. У кўринишидан йигирмаларга чиққанга ўхшаса-да, ёши йигирма еттини ҳатлаб ўтганди.

– Дунёда ҳалиям бунақа бебаҳо гуллар бор экан-у, билмай юрган эканмиз, биз ҳам бахтимизни синаб кўрсак бўларкан, – дея ич-ичидан ҳавас қилганини яширмоқчи бўлиб, жўралари ҳазил қилишарди. Кухара эса ўзини эшитмаганга олиб, жилмайиб қўярди. Унинг қиёфаси бахт кулиб боқадиган замонлар келишини сабр-тоқат билан кутаётган саодатманд кишини эслатарди. У Харуконинг бунчалар кеч турмушга чиққанининг сабабини ҳеч кимга айтмади.

Ўша кезлари Кухара совчилар билан орасида бўлиб ўтган ғалати бир суҳбатни тез-тез эсларди.

– Уни ўзига айтмай, қизкўрарга бир неча бор олиб чиқишган экан, – дея ҳикоя қилиб берган эди совчилардан бири. – Ҳар сафар учрашувга чиққан куёв ёқтириб кетар-у, қиз томон унамас экан.

Ота-онаси Харуконинг эрга тегмаслик қарори қатъийлиги ва усталик билан уюштирилаётган қиз кўришлардан фойда йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, охир-оқибат куёв ахтаришдан воз кечишган ва кейинги ўн йил мобайнида унинг олдида бу мавзуда гапиришни ҳам лозим топишмас эканлар.

– Аммо сизга келганда, жаноб Кухара, кутилмаганда ҳаммаси ўзгариб кетди, – деган эди совчи.

Улар гўё театрда тасодифан учрашиб қолишди, Кухарани қизга институт касалхонасида даволанаётган онасини алоҳида муолажа қилган шифокор сифатида таништиришган эди. Қисқаси, худди илгари бир неча бор ўтказилган қизкўрар бу сафар ҳам бинойидек уюштирилган эди. Лекин бу гал Харуко икки оёғини бир этикка тикиб олмади, унаштиришларига қаршилиқ билдирмади.

Бамисоли узоқ давом этган тун охирлаб, тонг отаётгандек ота-онасининг қувончдан бошлари осмонга етди.

Харуко, Кухарага айтадиган зарур гапларим бор эди, дея совчилардан айттириб юборди.

Гап ўзининг ҳажрида куйиб оламдан ўтган йигит ҳақида экан.

Совчи эшитганларини ҳазил аралаш Кухарага сўзлаб берди:

– Умуман олганда, қизнинг ишқида ёна-ёна тоқати тугаган йигит енгилтаклик қилиб ўз бошига етган, шекилли.

Кухара ҳангу манг бўлиб қолди: наҳотки шу сабабли Харукодек ҳар жиҳатдан бенуқсон қиз ёшлигини хазон қилган бўлса?

Нафсиламрини айтганда, у қизнинг фидойилигига қойил қолган, айнан шу иқрор унга уйланиш ниятини мустаҳкам ва барқарор қилган эди. Ҳолбуки, унгача Харукога совчи қўйган бошқа йигитлар ҳам қиз ҳақида худди шундай фикрда бўлишган экан.

– Кечирасиз, агар шундай деб ўйласангиз, у ҳолда... – совчи таъзим қилди, – буларнинг ҳаммаси ўтган гаплар. Бунда қизнинг заррача гуноҳи йўқ. У ҳатто сал бўлмаса тарки дунё қилиб, монастирга кетмоқчи бўлган экан...

Шундай бўлса ҳам Кухара ўша йигит ҳақида Харуконинг ўзидан эшитгиси келди. Бир тўхтама келиш учун эмас, йўқ, у ич-ичида аллақачон уйланишга қарор қилиб қўйган, қолаверса, бўлажак рафиқасининг ўтмиши ҳақида сўраш ўзи тенгги йигитларга муносиб иш эмаслигини биларди. Шунчаки, бунақанги ажойиб қизни ўзи ҳақида гапириб беришга мажбур қилишини олдиндан кўз олдига келтириб, ҳузур қила бошлаган эди.

II

Харуконинг ота-онаси тўйгача қизларига Кухара билан учрашиб туришга рухсат беришди. Аслида айтиш мумкинки, йигирма етти ёшли қизларининг куёв билан учрашиб туришга рози бўлганини кўриб, ота-онанинг шодликдан бошлари кўкка етганди.

Зеро, улар, Худо кўрсатмасин, Кухаранинг совчилари айниб кетса, Харуко бахти очилмай қариқизлигича ўтираверади, деган хавотирда ҳаммасига чидашга тайёр эдилар.

Кухарага келсак, бошиданоқ қизнинг иффатли, ҳаёли экани уни мафтун этган ва у анави ғамгин саргузаштни айтиб беришни Харукодан сўрашга сира ботинолмас эди.

– Совчилар шу чоққача нега турмушга чиқишдан бош тортиб келганингиз ҳақида гапириб беришди, – дея гап бошлади бир куни у.

Харуко бош қимирлатди ва худди бу мавзуда гап очилишини анчадан бери кутаётгандек дарҳол жиддийлашди.

Қизнинг рухсорида шундай ёқимли ифодалар балқидики, Кухара дафъатан тутилиб қолди ва ўзи истамаган ҳолда гапни бутунлай бошқа томонга буриб юборди.

– Шундай экан, нега аҳдингиздан қайтиб мен билан учрашишга рози бўлдингиз?

Бу ноҳўя савол эди.

– Ўзим ҳам билмайман. Балки шифокор бўлганингиз учундир.

– Шифокор бўлганим учун?!

Харуконинг соддадиллик билан берган жавобини эшитган Кухара довдираб қолди. Дафъатан, балки мени лақиллатаётгандир, деб ўйлайди у.

– Чиндан ҳам шифокорга турмушга чиқсангиз ёмон бўлмайди, – деди бироздан сўнг. – Бир мутахассис сифатида шуни айтишим мумкин, сизнинг эрга тегишдан безиллаганингиз ўта таъсирчанлигингиздан бўлса керак. Аммо хотиржам бўлинг, булар ўтиб, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Харуко унинг ҳазилини тушунмади, шекилли, хаёлга толди.

Кухара ташвишга тушди: у восвос ёки савдойи эмасмикин, ишқилиб?!

Ўз жонига қасд қилган йигитнинг тақдири Харуконинг қалбида унутилмас армон бўлиб қолган, дея тахмин қилди Кухара.

Қиз ўша йигит ҳақида бор гапни очиқ-ойдин айтиб бериши учун Кухара бир йўлини қилиши керак эди, ана шунда у қизнинг юрагига бир дунё таскин ва тасалли бахш эта олар ҳамда дардига малҳам топарди.

– Кухара, сизга бутунлай ишонаман, кейинчалик ҳам турмушимизга шубҳа-гумонлар раҳна солмаслигини истайман, холос, – деб бир неча бор такрорлади.

– Кўнглингизда сизни қийнаётган неки армон бўлса, айтинг, енгил тортасиз, мен сизга ёрдам бераман, – деди у.

– Хўп. – Харуко маъқуллаб бош ирғади. – Ўзим ҳам сизга ҳаммасини айтиб бермоқчи бўлиб юргандим. Кейин нима қилсангиз, ихтиёрингиз...

– Қўрқманг, менинг қарорим қатъий. Мен сизга ҳамдард бўлишни истаяпман, холос.

– Тушуниб турибман, лекин... – Харуко яна ўйга толди, кейин ўзига тикилиб турган Кухарага кўзи тушиб, лоладек қизариб кетди ва бошини қуйи солганча деди:

– Ноз қияпти, деб ўйламанг, мен аввал сиздан ўз ўтмишингиз ҳақида гапириб берсангиз, деб сўрамоқчийдим.

– Мендан?! Аввал?.. – Кухара довдираб қолди.

Харуко бош қимирлатди. Унинг бармоқлари билинар-билинемас титрарди.

– Ҳўп, нимани айтиб беришим керак?

– Наҳотки ҳаётингизда арзигулик бирон нима юз бермаган бўлса?! – дея ажабланиб сўради Харуко. – Тўғри, тушунаман, сизнинг ҳурматингизга сазовор бўлиш учун, аслида, аввал мен бошимдан ўтганларни айтиб беришим керак эди. Лекин сиз туриб аввал мен гапириб беришим ғалати туйиларкан.

– Менга ишонаверинг, ростдан ҳам гапиришга арзимаёди, – деди Кухара ва ўша заҳоти Харуко гапларига ишонмаётганини фаҳмлади.

Очиғи, бу иқрори ғалати ва ишониш қийин эканини ўзиям сезди.

– Ишонинг, яширадиган гапим йўқ, – дея такрорлади у ва яна ҳам ноқулайроқ аҳволга тушди.

– Агар сиз истамасангиз, жаноб Кухара, мен ҳам ўзим ҳақимда гапириб беролмайман. Сиз мени жуда ноқулай аҳволга солиб қўйдингиз. Нима десам экан, худди мени хижолат чекишга мажбур қилаётганга ўхшайсиз. – Кухаранинг назарида, ногаҳон Харуко қалбининг аллақандай даричалари ўзи учун ёпилгандек бўлди.

Ўша куни уларнинг гаплари ичларида қолиб кетди.

Очиғини айтганда, Харуко ҳақ: тўрт мучаси саломат, бўйдоқ йигитнинг ўттиз олти ёшгача бирон-та аёлга илакишмаганига ишониш қийин. Харуко шу маънода Кухарани кечиришга ҳам тайёр эди. Чунки унинг ҳам ҳаётида ўзини деб, жонига қасд

қилган йигит бўлган-ку! Эҳтимол, шунча пайт уйланмай юрган Кухаранинг қалбида ҳам қандайдир битмас жароҳати бордир? Модомики бир ёстиққа бош қўйишар экан, буларни яширишдан нима фойда?! Харуко ўзича шундай деб ўйлар эди.

Балки у бир-бирига тасалли бера оладиган, бир-бирини кечирадиган муштарак тақдирларнинг қовушиши учунгина эрга тегишга рози бўлгандир?!

«Харуко ҳаммасини айтиб беради, мен эса унга ҳеч нима айтмайман», дея хаёл қилган Кухара чакки ўйлаган эди.

Кухарани беғубор, покдомон йигитлардан деб бўлмасди, аммо модомики гап оила қуриш ҳақида экан, у ишонч билан ташлаб кетиб, сўнг қийналган ёки пушаймон бўлган биронта аёлни учратмаганман, дея бемалол айтиши мумкин эди.

Бунинг сабаби табиатан аёлларни ёқтирмаслиги ва уларга ишонмаслиги эмасди. Балки шу чоққача кўнгли сув ичадиган қизни учратмаган эди.

Вақти-соатида уйланмагач, оила қуришдан, умуман, аёл зотидан совиб кетгандир?! Юракда бу нарсаларнинг ўрни келмагандир? Эҳтимол, шу сабабли у сўққабош юришни афзал кўриб, охир-оқибат илмга берилгандир? Балки мана шу феълени яхши билган таниш-билишларига унинг уйланиши фавқулудда ҳодиса бўлиб кўрингандир?!

Бўйдоқлигида Кухара эмин-эркин юрарди. Илгари аёллардан омади чопмаган бўлса, энди Харукони учратгач, унга бахт кулиб боққан эди. Шунга қарамай, Харуконинг илтимоси уни эсанкиратиб қўйди ва шу боис у ўз ўтмиши ҳақида ўйлаб кўришга қарор қилди.

Тўғриси, кўнглида яширадиган сир-асрори йўқлигидан у ўзича ғурурланиб ҳам қўйди. Лекин,

ажабо, шундай экан, нега қизга буни очик айтишга ботинолмади? «Демак, мен софдил, самимий инсон эмас эканман», деган андишада дилига гашлик чўкди.

Балки у ёмон яшагандир? Ундай бўлса, Харуко ишонмай тўғри қилган бўлиб чиқади. Кухара шуни кўнглидан ўтказиб, ўзича кулиб қўйди. Шунга ҳам ота гури қозихонами? Харуко биринчи бўлиб ўтмишдаги гуноҳларини бўйнига олишни шарт қилиб қўйган экан, Кухара ҳам иложи бори-ча ишонарли бир ишқ можаросини ўйлаб топишга аҳд қилди.

III

У ўзи таниган барча аёлларни – ёшлигидаги дўстларидан тортиб то ҳамширалару касалхонада ўзи даволаган бемор хотинларгача бирма-бир хотиридан ўтказиб, Харукога айтиб бериш учун фавқулодда ишқий саргузашт ўйлаб топишга киришди.

Бу жуда бачкана ва куракда турмайдиган бир машғулот эди. У ўша аёллар билан қаллиғи Харукони хаёлан таққослаб кўрар, уларнинг ҳаммаси файзсиз-фариштасиз туйиларди. Лекин барибир Харуконинг қулфи дилини очадиган бир жўяли воқеа ўйлаб тополмади.

Харуконинг ўз жонига қасд қилган йигит ҳақидаги ҳикояси эса – қиз ҳаммасини Кухарага айтиб берди – ҳар ҳолда одатий, ҳатто айтишга арзимас воқеа экан.

Ўша йигит Харукодан икки ёш катта бўлиб, унинг тоғаваччаси экан, Харуко билан йигит ёшлиқдан бирга ўсишган экан. Кейинчалик йигит-

нинг отасини Токиодан анча олисдаги қишлоққа ишлагани юборишгач, ёшлар хат ёзиб туришган экан. Таътил пайтларида йигит билан Харуко ёзда чўмилгани денгизга боришар, қишда эса чанғи учгани тоққа чиқишар, бирга бўлишган чоғларида ўзларини ниҳоятда бахтиёр сезишар экан. Ўрта мактабни тугатиш арафасида йигитнинг мактублари тобора ишқий тус ола борибди. Сўнгра у коллежга ўқишга киргач, Токиога кўчиб келиб, Харуколарникида яшай бошлабди.

Улар ҳар куни кўришиб туришар экан. Кўп ўтмай, йигит унга муҳаббат изҳор этган. Харуко қариндошлигини рўкач қилиб, рад жавобини берган. Ўша йили қишда йигит чанғи учгани бир ўзи тоққа жўнаган ва бўрон пайтида тоғдан йиқилган. Унинг жонини сақлаб қолишибди. Бироқ кўк-рак қафаси лат егани учун узоқ вақт касалхонада ётибди.

Кўп ўтмай, йигит Харукога видолашув мактубини ёзиб, ўзини ўзи ўлдирган экан. Ўша мактубнинг айрим лавҳалари ўз вақтида рўзномада ҳам эълон қилинган экан. Агар у касалхонада қазо қилганда, бу ҳақда овоза қилишмас экан, бироқ йигит ўзини денгизга ташлаган, касалхона маъмурияти жавобгарликдан қочиш ниятида унинг ўлими олдидан ёзган мактубини таҳририятга юборган. Шу тариқа йигит гўё ишқ дардига чидаёлмай ўзини-ўзи ўлдирди, деган гап тарқалган.

– Ўша пайтда неча ёшга чиққан эдингиз, Харуко? – деб сўради Кухара қизнинг ҳикоясини тинглаб бўлгач.

Бу севги достони шунчалар жўн ва оддий эдики, аввалига унинг ишонгиси ҳам келмади. Бунга ўхшаган воқеалар ҳақида рўзномада бир неча бор ўқиган эди.

Аммо ҳар қандай ишқий саргузашт ҳам ўзгалар тилидан эшитганда озми-кўпми бачкана бўлиб туйилса, ажаб эмас.

Зеро, хуноби ошаётган Кухара назарида, Харуконинг эрга тегишдан қатъий бош тортишларига фақатгина кутилмаган, фожиавий ҳодиса сабаб бўлиши мумкиндек эди.

Қиз боланинг қалбини вайрон қилишга бир неча сатр ҳам кифоя.

Лоп этиб аланга олган фидойи муҳаббатдан фарқли ўлароқ тоғаваччаси билан ўрталаридаги муносабат Харуконинг қалбида гўзал хотира сифатидагина қолган ва бу узоқ вақтдан буён унинг хаёлини тарк этмай келаётган эди.

– Харуко, ўша йигитда кўнглингиз борми? – дея сўради Кухара.

Харуко бош қимирлатди.

– Ҳозир ўйласам, яхши кўрган эканман... Аммо у пайтларда жуда ёш эдик.

– Ўша ҳалокатдан кейин ота-оналарингиз юз-кўрмас бўлиб кетишмадими?

– Тоғам билан келинойим мени бирон нимада айблайдиган одамлар эмас.

– Шунинг учун унга садоқатли бўлиб қолмоқчи бўлганмисиз?

– Садоқатли, дейсизми?.. Эҳтимол...

Аммо Харуко очиқ айтиши мумкин бўлган гапларнинг ҳаммаси шулардангина иборат эмасди.

Тоғаваччаси ўз жонига қасд қилганда Харуко ўн тўққиз ёшда эди, орадан икки йил ўтгач, уйларига совчи келди. Харуко розилик билдирди, бироқ тўй тадориғини келишиб олишгандан кейин икки кун ўтар-ўтмас бўлғуси куёвнинг ота-онаси ўзини ўлдирган йигит ҳақида хабар топди-ю, тўй бузилди.

Бу воқеа Харукога тоғаваччасининг ўлиmidан ҳам ёмонроқ таъсир қилди: у куёв Катакирини астойдил севиб қолганга ўхшарди.

Харуко пешонамга эр ёзилмаган экан, дея ўшандаёқ бор умидини узган эди.

Тўғрисини айтганда, Харуконинг биринчи муҳаббати тоғаваччаси эмас, Катакири эди. Катакирига бўлган мана шу муҳаббати кейинчалик ҳалок бўлган қариндошининг хотираси билан қоришиб кетган эди.

Харуко кейинги унаштиришлар ҳам худди шундай тугайди, дея қўрқарди. Тўғри, ўша пайтда у Катакирига турмушга чиқишига ишончини бутунлай йўқотган эди, куёвнинг ота-онаси тўйни бузишгандан кейин ҳам улар пинҳона – атиги бир марта учрашган, Катакири ота-онасини кўндиришга ваъда берган эди.

Харуко Катакири билан боғлиқ воқеаларни Кухарадан яширмоқчи эмасди, фақат Кухара ўтмиши ҳақида яна бирон нима сўраб қолсагина, айтиб бермоқчи эди.

Бироқ, сиёқига қараганда, тоғаваччаси ҳақида айтиб берганларидан Кухара қаноат ҳосил қилган ва бошқаси қизиқтирмаётганга ўхшарди, шунинг учун Харуко Катакирини эслашни лозим кўрмади.

Дарҳақиқат, Катакири ҳақида гапириш унинг учун ҳам оғир, ҳам аламли эди: Кухара Харукога совчи қўйганда Катакири аллақачон оила қўрган ва бундан хабар топган Харуко ўзини таҳқирлангандек сезарди.

IV

Кухара билан Харуко турмуш қўришди. Тўй сафарининг иккинчи куни мусофирхонага жой-

лашганларида Харуконинг тушига ўз жонига қасд қилган тоғаваччаси кирди.

Уларнинг қишлоқдаги уйидами ёки ўзларининг уйидами – Харуко аниқ билолмади. У хонага кирганда тоғаваччаси эшикка орқа қилиб ўтирарди. Кутилмаганда ўгирилиб қаради-ю, Харуко қотиб қолди. У дафъатан яланғоч эканини сезиб қолганди... Харуко ўзининг овозидан чўчиб уйғониб кетди.

Унинг юзи номусдан ловуллаб ёнарди.

Харуко титраб-қақшаб Кухаранинг тунги кимоноси енгидан ушлаб олди.

Тушида марҳум тоғаваччасини кўргани ҳақидаги ҳаёлдан даҳшатга тушди.

– Мени кечир... – дея шивирлади у ва бутун вужуди титраб, эрининг пинжига суқилди.

Ўша кечаси Харуко эрга тегиб, марҳум тоғаваччасининг руҳига хиёнат қилгандек узоқ ўйга толди. Бундан ташқари, назарида, кўрган туши жуда-жуда бехосият эди.

Бироқ вақт ўтиб, элас-элас ёдида қолган тоғаваччаси билан Катакирининг қиёфалари бора-бора унутилиб кетди. Харуконинг қалбида куртак ёзган муҳаббат гуллари кечикиб бўлса ҳам барқ уриб очилди ва бу гулларнинг таровати энди Кухарага тегишли эди.

– Бизга ўхшаб вақти-соатини сабр-тоқат билан кутиб турмуш қурганларни Худонинг ўзи қўллайди, – дер эди баъзан Кухара.

Шундай лаҳзаларда Харуко ўтмишни эсламасликка ҳаракат қиларди.

Харуко гул-гул очилиб, Кухаранинг орзу-ҳавасларини тинглар ва оиласига бахт тилагани-тилаган эди.

Кунларнинг бирида Кухара беғараз оҳангда сўраб қолди:

– Тоғаваччанг ўлими олдидан ёзган мактубининг баъзи ерлари жуда ғалати-я, аҳамият бердингми?

– Бўлиши мумкин, сиз бекорга гапирмайсиз, – деди Харуко хотиржам.

– Ростдан-да. Гап шундаки, у ётган касалхонада бир ўртоғимнинг таниши ишлайди. Мен тоғаваччангнинг ўлими сабабларини суриштирдим. Маълум бўлишича, унинг асаблари тамом ишдан чиқиб, қандайдир восвос, телбанамо бўлиб қолган экан. Мен унинг касаллик варақасини ҳам кўрдим. Шулардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, у сен туфайли ўзини ўзи ўлдирмаган. У шунчаки соғайишига кўзи етмаган – унинг ўпкаси тамом бўлган экан. Ўлганнинг устига тепган дегандек, руҳий хасталикка ҳам чалингач, буни кўтаролмаган. Иродаси шунақа бўш экан. Унинг ўлимида сенинг мутлақо айбинг йўқ.

– Буларни қачон била қолдингиз?

– Анча бўлди.

– Ярамас, нега шу чоққача индамай келдингиз? – деди Харуко гинахонлик билан. Кўнглидан эса буни илгарироқ билганимда, балки Катакири билан тўйимиз бузилмасмиди, деган ўй кечди.

Бу фикр Харукога шунчалик таъсир қилдики, бояқиш довдираб қолганини яшириш учун сеникқинаб кулимсиради.

– Лекин шуни эсдан чиқармаслик керак, ўша телбанинг шарофати билан биз турмуш қурдик, – деди фаросатсизларча Кухара.

– Шуни айтинг-а!

– Сен бўлсанг, Харуко, ўзингни ўзинг қийнаб юрибсан. Бир гап айтайми, бунинг учун сендан янаям хурсандман.

Ўшандан буён Харуко жувонмарг бўлган тоғаваччасини тез-тез эслайдиган одат чиқарди. Шундай дамларда кўз олдига ёз фаслидаги мовий денгиз ҳамда қор босган тоғлар келарди.

Лекин афсуслар бўлсинким, унга ато этилган неъмат – ўзгаларга бахт келтириш иқтидори сусайиб борарди.



ДОРИС ЛЕССИНГ
(1919–2013)
БУЮК БРИТАНИЯ

Адиба Дорис Лессинг 1919 йилда Эронда тугилган. Лессинг хонимнинг «Олтин кундалик», «Омон қолган кишининг кундаликлари», «Намозишомдан олдинги ёз» ва «Майсалар куйламоқда» номли қатор асарлари жаҳон китобхонларига яхши танилган. Унинг асарларидан ўқувчи уни аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашувчи феминист ижодкор сифатида қабул қилади. Шунингдек, унинг асарларининг аксари таржимаи ҳол мазмунида бўлиб, уларда Африкадаги ижтимоий ва сиёсий курашлар, руҳий изтироблар, қора танлилар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Адиба Нобель мукофотига 2007 йили муносиб топилган. Ўзувчи 2013 йил 94 ёшида вафот этган.

Рус тилидан
Рустам ЖАББОРОВ таржимаси

АФСУН

То кичкинтой Тедди туғилмагунча Фаркварларнинг боласи бўлмаганди. Ота-она ферма ишчилари чақалоқни кўриш учун турфа ҳадялар – қушлар, тухум, гул ва ҳоказоларни олиб келишганида роса ҳайрон қолишган. Чақалоқнинг тилларанг сочларию мовий кўзларини кўрганларнинг оғзи очилганди. Ўшанда Фарквар хонимни худди қанақадир қаҳрамонлик кўрсатгандек қутлашган, хоним ҳам ўзини чинакам қаҳрамондек ҳис қилган, маҳаллий аҳоли вакилларига бошдан-оёқ кибр билан назар ташлаб ўтирганди.

Теддининг сочини илк бор олишганида ошпаз Гидеон олтинранг толаларни авайлаб кафтида тутаркан, гўдакни табассум билан эркалаб қўйган:

– Олтинбош!

Шундан бери ерликлар болани «Олтинбош» деб чақиришади. Тедди улғайгач Гидеон билан дўст тутинди. Ошпаз ишини битириб бўлиши билан болакайни елкасига ўтқазиб, каттакон дарахтнинг соясига олиб борар, ўша ерда у билан роса ўйнарди. У болакай учун дарахтларнинг шохлари ва баргларидан кулгили ўйинчоқлар, лойдан турли ҳайвончалар шаклини ясаб берарди.

Тедди юришни ўргана бошлаши билан Гидеон унинг қўлчаларидан ушлаб юргизган. У болакайни тиззасига ўтқазиб эркалар, айниқса, осмонга отиб,

ушлаб олганида икковиям қотиб-қотиб қуларди. Фарквар хоним ҳам боласи кекса ошпазга боғла-ниб қолгани учун Гидеонни жуда ҳурмат қиларди.

Фаркварларнинг бошқа боласи йўқ эди.

– Эҳ хоним, бу гўдакни бизга Худонинг ўзи юборган. Олтинбош – бизнинг энг катта бойлиги-миз, – дерди.

Бу гапи Фарквар хонимга ҳам ёқиб тушган. Ўшанда ой охирида ошпазга қўшимча мукофот ҳам ёздирган. Ошпаз фермада узоқ йиллар хизмат қилиб келган. Қариянинг хотини ва болалари анча узоқда, ерликлар қишлоғида яшар, лекин унинг ўзи бошқаларга ўхшаб, қишлоғига кетишга рухсат сўрамасди.

Гоҳида буталар орасидан Теддига тенгдош, қора танли болакай чиқиб келар, у болакайнинг оппоқ танаси, тилларанг сочларига қизиқсиниб қарарди. Болалар бир-бирига узоқ тикилиб туришди, кейин Тедди қизиқиш билан қора танли болакайнинг юз-лари, сочларини ушлаб кўрди.

Уларни кузатиб турган Гидеон ўйчан бош чақайди:

– Эҳ хоним, ҳадемай уларнинг бири ўсиб хўжайин бўлади, иккинчиси эса хизматкор...

– Ҳа, мен ҳам шуни ўйлаяпман, – деди хоним ҳам хўрсиниб.

– Тангримнинг иродаси шу, – минғирлади Ги-деон. У миссионерлик мактабида таҳсил олганди.

Фаркварлар жуда художўй одамлар эдилар. Ў-тиқод ҳисси хўжайин ва хизматкорни анча яқин-лаштирган эди.

Тедди олтига кирганида унга самокат совға қи-лишди. Бола тез орада ҳайдашни ўрганиб олди. Тезлик унга ёқиб қолди. У кун бўйи ферма ҳуду-дида самокатини елдириб юрар, қақағлаб юрган

товуқларни, акиллаётган итларни қувар, ошхона олдида кескин бурилиш билан тўхтарди.

– Гидеон, менга қара! – деб қичқирарди.

Гидеон ҳам кулиб уни олқишларди:

– Жуда зўрсан, Олтинбош!

Гидеоннинг чўпонлик қиладиган ўғли Теддининг самокатига ҳавас билан тикиларди. У яқинлашишга қўрқар, лекин Тедди самокатини унинг устига ҳайдаб борарди:

– Эй, қораялоқ, қоч йўлимдан!

Бир куни Тедди унинг ёнида кескин бурилиш ясаб тўхтаганида болакай қўрққанидан буталар орасига ўзини урди.

– Нега уни қўрқитдинг? – аламли овозда сўради Гидеон.

– У қора танли-ку? – кулимсираб жавоб қайтарди Тедди.

Гидеон индамай бурилиб кетди. Тедди ҳам хўмрайди. Уйига бориб, битта апельсин олди ва келиб ошпазга тутқазди:

– Ма, ол, сенга!

Ошпаз чуқур уҳ тортганча боланинг қўлидан апельсинни олди.

– Тез орада мактабга борасан, Олтинбош, катта бола бўласан! – у синиқ кулимсиради. – Ҳаётимиз шу тарзда давом этаверади.

Чамаси, у алам туйғусидан эмас, тақдирга тан беришга ҳозирлигидан ўзи ва Тедди ўртасидаги масофани ҳис қилганди.

Кичкинтой Тедди бир пайтлар Гидеоннинг бақувват қўлларида соатлаб сайр қиларди. Энди эса Гидеон оқ танли болага ҳатто қўл теккизишга ҳайиқадиган бўлиб қолди. Ошпаз худди аввалгидек болага меҳр-мурувват кўрсатса-да, унинг овозидаги аллақандай мутелик болакайнинг ғашини

келтирарди. Шунда у лабини чўччайтириб оларди. Айни пайтда бола ўзини анча улғайгандек ҳис қиларди. У Гидеонга мулойим, совуқ муомала қилар, гоҳида ошхонага кириб қолса, хизматкори олдидаги мавқеини яхши биладиган оқ танли жанобларга хос оҳангда буйруқ берарди.

Кунларнинг бирида болакай оғриқдан дод солганча, кўзларини кафти билан беркитиб, ошхонага отилиб кирган чоғида Гидеон бир қозон иссиқ шўрвани ҳам ағдариб, болакайга ташланди ва унинг қўлчасини кўзларидан ажратди.

– Илон, – деди ҳаяжон билан.

Тедди одатдагидек самокатида сайр қилиб юраркан, ўрилган пичан устида дам олиш учун ўтирганида томдан ўқилон ўрмалаб тушиб келгану болакайнинг кўзига заҳар пуркаган.

Шовқинни эшитиб, Фарквар хоним ҳам югуриб келди.

– Энди болагинам кўр бўлиб қолади, – дея зорланди она Теддини бағрига босаркан. – Гидеон, у кўр бўлиб қолади.

Боланинг кўзи муштдек шишиб чиққанди. Ярим соатдан кейин у кўр бўлиб қолиши аниқ эди. Боланинг кичкина оппоқ юзчасида қип-қизил без тобора шишиб борарди.

– Бир дақиқа шошманг, хоним, мен бориб дори опкеламан, – деди Гидеон ва буталар орасига ўзини урди.

Фарквар хоним болани уйга олиб кириб, кўзларини совунлаб ювди. У ҳатто Гидеон нима деганига ҳам эътибор бермади. Аммо дори кор қилмаслигини англаганида ўқилоннинг тупуги сабабли кўр бўлиб қолган хабашларни эслади. У доривор ўтларнинг хусусияти ҳақида ҳам эшитганди, шу сабабли хизматкорнинг қайтишини илнж билан кута

бошлади. У ҳамон чириллаб йиғлаётган боласини бағрига босиб тураркан, буталар орасидан оёғини қўлга олиб югуриб келаётган Гидеонни кўрди.

Унинг қўлида қандайдир гиёҳлар бор эди.

– Қўрқманг, хоним, – деди ҳансираб Гидеон. – Бу ўт Олтинбошнинг кўзларини даволайди.

У бир тутам гиёҳнинг баргларини юлиб, қалин, оқиш томирини қолдирди. Кейин илдишни ювиб ҳам ўтирмай оғзига солди-да, тез-тез чайнаб, болани аёлнинг қўлидан юлиб олди. Теддини тиззалари орасига қисганича бошмалдоғини унинг кўзларига қаттиқ босганида бола баттар чинқирди.

– Гидеон, бу нима қилганинг, – даҳшатдан дод солди хоним. Гидеон эса унга эътибор ҳам бермади. Кейин оғриқдан кучала бўлиб қолган боланинг қовоқларини йириб, аввал бир кўзига, кейин иккинчисига икки мартадан туфлади.. Кейин Теддини кўтариб, оҳиста онасининг қўлига берди:

– Ҳозир ўтиб кетади.

Миссис Фарквар Гидеонга ташаккур айтишни ҳам унутганча йиғлашда давом этар, у Теддининг кўзлари яна кўра олишига ишонмасди. Икки соатдан кейин Теддининг кўзидаги шиш қайтди. Тедди кўра бошлади, аммо ҳали-ҳамон кўзларидан шовуллаб ёш оқар, оғриқдан бўлса керак, бола тинимсиз ҳиқилларди.

Эр-хотин Фаркварлар ошхонага кириб келишди. Улар Гидеонга чексиз миннатдорчилик билдиришар, аммо бу яхшилиқни қандай мукофотлашни билишмасди. Фаркварлар ошпазнинг хотини ва болаларига совғалар беришди, маошини оширишди. Аммо буларнинг ҳеч бири Теддининг саломатлиги олдида бир чақага арзимаслигини улар яхши тушуниб туришарди.

– Гидеон, сени бизга Худонинг ўзи етказди, – деди миссис Фарквар.

– Ҳа, хоним, Худонинг иродаси, – деди Гидеон.

Фермада бирор бир янгилик юз берса, бу дарров ҳамма ёққа овоза бўлади. Фаркварлар бу ҳақда қўшниларга айтишди, улар эса бутун музофотга ёйишди.

Африканинг кенг чангалзорлари сир-синоатга тўла. Бу жойларда Африка саҳройилари ўсимликлар, ер жинслари, маҳаллий иқлим хусусиятлари ҳақида етарлича билимга эга эдилар.

Бутун музофот бўйлаб оқ танлилар орасида маҳаллий аҳоли вакиллари сирли хислатлари билан боғлиқ гап-сўзлар болалаганди:

«Мен ўз кўзим билан кўрдим. Илон чаққан экан. Йигитнинг кафти рапидадай шишиб кетганди. Ярим дақиқадан унинг бўлари бўлди. Ўлиши аниқ эди. Шу пайт буталар орасидан яна биттаси чиқиб келди. Қўлида бир даста ўт. У йигитнинг қўлига нимадир суртди. Эртаси куниеъ йигит ишга чиқди. Унинг қўлида иккита билинар-билинемас яра изи бор эди, холос».

Бундай ҳодисалар ҳақида бирор асабийлик билан гапиришар, чунки Африкада қимматбаҳо дарахтларнинг ўсиши, уларнинг шарбати турли касалликларга даво бўлишини ҳамма биларди. Аммо ерликлар бу ҳақда бошқаларга лом-мим дейишмасди.

Тедди билан боғлиқ ҳодиса ҳам шаҳарга тарқалди. Бу ҳақда меҳмондами, бошқа жойдами, эшитиб қолган бир шифокор ишонмади:

– Бемаънилик! – деди у. – Ошириб юборишибди. Биз бир неча марта бунақа ҳолатларни бориб текшириб кўрганмиз. Ҳаммаси шунчаки чўпчак бўлиб чиқди.

Хуллас, кунларнинг бирида ферманинг эшиги олдида битта ғалати машина келиб тўхтади. Ундан шаҳар лабораториясида ишлайдиган бир ходим кимёвий препаратлар ва пробиркалар солинган қутини кўтариб тушди.

Фаркварлар уни катта ҳурмат билан қарши олишди. Улар олимни нонуштага таклиф қилиб, эҳтимолки, юзинчи марта ҳаммаси қандай содир бўлганини айтиб беришди. Шу ерда болакайнинг тиниқ мовий кўзлари бу ҳақиқатни исбот этмоқчидек порлаб турарди.

Олим агар янги дори ишлаб чиқарилса, инсониятга қанчалик фойда келтириши мумкинлигини тўлқинланиб гапирди. Фаркварлар бундан хурсанд бўлишди. Чунки уларга бошқа наф келтиришдан қувонадиганлар тоифасидан эдилар.

Бироқ гап пул масаласига бориб тақалгач, уларнинг авзойи ўзгарди. Улар бу ҳодисага аллақандай илоҳий нуқтаи назардан ёндашишган, шу боис пул ҳақидаги гапни ҳатто тасаввурларига ҳам сиғдира олишмасди. Олим пул ҳақидаги таклифи унча ёқмаганини пайқаб, яна дастлабки мавзу – инсониятга фойда келтириш масаласига ўтди.

Нонуштадан кейин Фарквар ёнига Гидеонни чақирди. Улар олимни катта шаҳардан келган катта дўхтир, деб таништиришди. Айнан Гидеонни кўриш учун шунча йўл босиб келганини ҳам қўшиб ўтишди. Гидеон бу гапни эшитиб ҳатто бироз кўркди ҳам. У нима гуноҳ қилиб қўйганини англолмай хуноб эди. Мисси Фарквар шифокор айнан Теддининг кўзини қайси мўъжиза асраб қолгани билан қизиқаётганини маълум қилди.

Гидеон аввал бекасига, кейин хўжайинига, охири болага қаради. Кейин оҳиста гап қотди:

– Катта хўжайин мен қандай доридан фойдаланганимни билмоқчимилар?

У эски дўстлари унга ҳеч қачон хиёнат қилишмаслигини аниқ биларди. Фарквар хоним бу шифобахш дори кенг савдога чиқарилса, қанчадан-қанча одамлар, бутун Африкадаги инсонлар шифо топиши мумкинлигини тушунтиришга уринди.

Гидеон бу гапларни бошини қуйи солиб, пешонасини хиёл тириштириб эшитди. Жаноб Фарквар гапини тугатганидан кейин ҳам Гидеон бир оғиз гапирмади. Боядан бери қора танли бу кимсани диққат ва кибр билан кузатиб турган олим табасум билан қаҳвани қўлига оларкан, секин суҳбатга аралашди. У бир бошдан бу гиёҳ томиридан қандай дори тайёрлаш мумкинлиги, бу фан учун қанчалар муҳимлигини тушунтиришга уринди. Гапининг охирида у Гидеонга қимматбаҳо совға таклиф қилди.

Жимлик чўкди. Кейин Гидеон бошини кўтариб, ҳеч қандай илдизни кўрмаганини айтди. Унинг юзларида ҳатто дўстлари Фаркварларга қараган пайтида ҳам аллақачон адоват билан чақнарди. Хўжайинларни Гидеоннинг ўзини тутиши асабийлаштира бошлади ва уларни Гидеоннинг қарашлари остида қийнаётган айбдорлик ҳисси ҳам йўқолди. Назарида, у ўзини аҳмоқона тутарди. Ва шу онда улар бу қора танли хизматкор унча-мунчага енгилмаслигини тушунишди. Демак, мўъжизакор гиёҳ сири очилмасдан қолаверади. Бу сирни фақатгина увада қўйлак-иштонда юрадиган, оқларнинг хизматидан бўшамайдиган бир нечта қора танли ерликлардан бошқа ҳеч ким билмайди. Улар бу сирни авлоддан авлодга ўтказиб келишади, шу йўл билан беморларни даволашади. Бу маҳал-

лий табиблар ўзларининг даҳшатли ниқоблари, суяк тақинчоқлари, яна аллақандай лаш-лушлар ёрдамида афсун ва жодулар воситасида қандайдир илоҳий кучларни ёрдамга чақиришади..

Эҳтимол, Фаркварлар ҳам уйдан боққа чиқаётиб, экинзорлар оралаб юришганда бу гиёҳга кунда юз марталаб дуч келишар, аммо бу ҳақда билмасдан қолаверишади. Улар ошпазни аврашга қанча уринишмасин, Гидеон эслолмаслигини, бунақа гиёҳ йўқлигини, йилнинг бу даврида ўсмаслигини, Теддини гиёҳ эмас, унинг тупуги даволаганини ва бошқа шунга ўхшаш бир-бирига қовушмаган вазлаларни қалаштириб ташлади. У жуда қўпол ва қайсар эди. Фаркварлар рўпарада ўзларининг юмшоқ, муте ва мўминқобил хизматкорларини эмас, балки ўжар, ёввойи ва тушунарсиз қора танли кимсани кўриб туришар, у фартугини фижимлаганча, бир-биридан бемаъни чўпчакларни тўқиш билан овора эди.

Бирдан Гидеон таслим бўлди: бошини қўтариб, узоқларга термилди, кейин алланечук нафрат билан қаршисидаги, унинг атрофини худди ёввойи итлар галасидек ўраб олган оқ танлиларга нигоҳини қадади.

– Сизга ўша илдизни кўрсатаман, – деди у.

Ҳамма унинг ортидан эргашди. Чангалзор оралаган сўқмоқ бўйлаб тизилиб йўлга тушишди. Декабрнинг булутсиз кунларидан бири. Ҳамма ёқ қизиб турар, қуёш ҳам одамлар боши устида айланаётган мис баркашни эслатар, далалар узра дим ҳаво осилиб қолган, гармсел одамларнинг юзига иссиқ қум зарраларини сочарди. Даҳшатли кун. Бундай пайтда айвонда ётиб, коктейл симириш мумкин, холос.

Теддини илон чаққан куни Гидеон ҳалиги гиёҳни бир неча дақиқада топиб чиққанди. Энди эса... Кимдир луқма ташлади:

– Ҳали узоқми, Гидеон?

Гидеон, ўзини қўлга олиб, елкаси оша жавоб берди:

– Илдизни излаяпман, хўжайин!

У ростдан ҳам ора-сирада турфа ўтлар орасини титкилаб кўрар, қўпол ва шахдам қадамлари уни таъқиб этаётган одамларнинг асабини қўзғарди. У иссиқ дим ҳавода одамларни нақ икки соат чангалзор оралаб эргаштириб юрди. Улар тамоман ҳолсизланган, жиққа терга ботишган, бошлари ғувилларди. Ҳамма жим. Фаркварлар ғазабдан, олим сирли ўсимлик, аслида, афсона эканини исботлаётгани боис Гидеон тавозе юзасидан жим борарди.

Ниҳоят, уйдан олти мил чамаси узоқлашганда Гидеон оворагарчилик ҳадди аълосига етди, деган хулосага борди, шекилли, дуч келган мовий гулли ўсимликнинг бир тупини томири билан юлиб олди. У ҳалиги гиёҳга назар ҳам солмай, олимга тутқазди ва шахд билан ортига бурилиб, ферма томон илдамлаб кетди.

Улар уйга қайтишган онда олим Гидеонга ташаккур билдириш учун ошхонага кирди. У ўзининг кулгили қиёфасига қарамасдан, ниҳоятда мулойим кўринарди. Бироқ у ошхонада Гидеонни топа олмади. Олим ўсимлик поясини машинасининг орқа ўриндигига иргитганча ўз лабораториясига қайтиб кетди.

Гидеон тушлик тайёрлаш учун ошхонага қайтди. У ҳали ҳам шаштидан қайтмаган, миссис Фарквар билан ҳам итоатсиз хизматкордек кўрс муомалада бўлаётганди. Уларнинг орасидаги муносабатлар аввалги ҳолатга қайтгунча бир неча кун ўтди.

Фаркварлар ўз хизматкорларидан вақти-вақти билан ўша сеҳрли илдиш ҳақида сўрашар, улардан кимдир ажабланиб елка қисар, бошқа бирови эса «бунақа гиёҳ ҳақида умримизда эшитмаганмиз», деб жавоб қайтарарди.

Фақат узоқ йиллардан бери уларнинг қўлида чўпон бўлиб ишлаган, синашта бўлиб қолган қария шундай деди:

– Ошпаздан яхшилаб сўраб кўринг. У халқ табобатини яхши билади. Отаси ҳам шу музофотнинг энг машхур табиби эди. У даволай олмайдиган касалликнинг ўзи бўлмаса керак, – деди ва қўшиб қўйди. – Тўғри у оқ танли шифокорларга ўхшаб билимдон эмасдир, аммо бизни жуда яхши даволаб келган.

Орадан анча фурсат ўтиб, эски гиналар унутилгач, эр-хотин ҳазиллашиб яна ўша ҳақда оғиз очишди:

– Гидеон, бизнинг ўша машхур «илон ўти»мизни қачон кўрсатасан?

Гидеон кулиб, бош чайқади ва бироз истиҳола билан гап бошлади:

– Ахир, мен сизга бу гиёҳни кўрсатдим-ку, хоним, эсингиздан чиқдими?

Орадан яна анча вақт ўтди. Мактабга қатнай бошлаган Тедди бир куни ошхонага кириб ўдағайлаб кетди:

– Эй қари тўнка! Бизни қандай алдаганинг, чангалзор оралаб қанча сарсон қилганинг эсингдами? Узоқ йўл босиб чарчаганим учун отам мени қўлида кўтариб олганди!

Гидеон худди қизиқ гап эшитгандек кулиб юборди. Кейин қаддини ростлаб, нам кўзларини артди ва қаҳр билан гўддайиб турган Теддига қаради:

– Олтинбош! Катта бўлиб қолибсан! Тез орада янаям катта эркак бўласан! Ўз ферманг ҳам бўлади!

ГАБРИЭЛЬ ГАРСИА МАРКЕС
(1927–2014)
КОЛУМБИЯ

Колумбиялик ёзувчи Габриэл Гарсиа Маркес 1927 йилнинг 6 мартинда Колумбиянинг Магдалена дарёси бўйидаги Аракатака шахрида туғилган. Адибнинг «Тўкилган япроқлар», «Полковникка ҳеч ким ёзмайди», «Фаразли соат» повестлари реалистик руҳда ёзилган, «Гранде – она дафн маросими» тўпламига кирган ҳикоялари фантастикага бой. Унинг Колумбия тарихига бағишланган «Юз йил танҳоликда» роман эпопеяси, фольклор ва мифологиядан фойдаланиб ёзилган «Вабо ва муҳаббат» романлари ўзига хос миллий онгни тиклашга ҳаракат қилган. Ёзувчи 1982 йилда Нобель мукофоти соҳиби бўлган, 2014 йилда Мексикада вафот этган.

Рус тилидан
Рустам ЖАББОРОВ таржимаси

БАЛЬТАСАРНИНГ УНУТИЛМАС
КУНИ

Қафас битиши билан ўз одатига кўра, Бальтасар уни том бўғотига осиб қўйди. У нонушта қилишга ўтирган пайтдаёқ дунёда энг ажойиб қафас яратилгани ҳақидаги шов-шувлар чор-атрофга ёйилган эди. Уйи теграсида қафасни томоша қилишга иштиёқмандлар қуршови қалинлашиб боравергач, Бальтасар уни устахонасига киритиб қўйишга мажбур бўлди.

– Соқолингни олсанг бўламиди? – сўради Урсула ундан.

– Худди маймунга ўхшаб қолибсан.

– Нонуштадан кейин соқол олиш яхшимас, – деди Бальтасар.

Унинг юзига икки ҳафтадан бери устара тегмаган, калта ва қаттиқ сочлари патак бўлиб кетган, башараси худди нимадандир қўрқиб турган боланикига ўхшарди. Бироқ унинг қиёфасидаги бу ифодалар алдамчи эди.

Февралда Бальтасар ўттизга тўлди. Урсула билан ноқонуний ва бефарзанд никоҳда яшай бошлаганига эса тўрт йил бўляпти. Ҳаёт синовлари унга жуда эътиборли ва жасоратли бўлишни ўргатди. У айни пайтда ўзи тайёрлаган қафас кимлар учундир дунёда беқиёс бўлиб туйилишини ҳали билмасди. Ахир, қафассозлик ҳунари унга болаликдан

ёд бўлиб кетган. Фақат сўнгги ижод маҳсули аввалгиларидан бироз қийинроқ битди, холос.

– Бўлмаса, ётиб дамингни ола қол, – деди аёл. – Бунақа соқол билан одамларга кўриниш уят.

У мутелик билан осма беланчакка чўзилди. Бироқ айна пайтда ҳозироқ ўрнидан туриб, қафасни қўшниларига опчиқиб кўрсатиш нияти ҳам йўқ эмасди. Урсула қафасга энди эътибор берди. У Бальтасар икки ҳафтадан буён дурадгорлик ишларини ташлаб, фақат шу қафас устида ишлагани, кечалари алаҳсираб, тузукроқ ухлолмагани, ҳатто соқол олишга ҳам қўли тегмаганидан норози эди. Бироқ тайёр қафасни кўриши билан норизолик кайфияти ўз-ўзидан йўқолди.

Бальтасар ухлаб ётганида Урсула унинг кўйлаги ва шимини дазмоллаб, беланчак қаршисидаги курси суянчиғига осди ва қафасни хонадаги стол устига келтириб қўйди. Кейин эса жимгина унга тикилиб қолди.

– Шунга қанча пул олишинг мумкин? – сўради эри уйғониб кийина бошлаганида.

– Билмадим, – жавоб қайтарди Балтасар. – Ўттиз песо¹ сўрайман, ҳеч бўлмаса, йигирма песо беришар.

– Элликта сўрайвер, – деди Урсула. – Ахир, сен шуни деб икки ҳафта ухламадинг. Кейин унинг катталигини қара. Биласанми, умримда бунақа катта қафасни кўрмаганман.

Бальтасар соқол ола бошлади.

– Эллик песо беришади, деб ўйлайсанми?

– Дон Хосе Монтъел учун бу пул нима деган гап. Қафас ҳам шу пулга арзийди, – деди Урсула. – Олтиш сўрасанг ҳам бўлаверади.

¹ Песо – бир қатор испан тилли мамлакатлар, жумладан, Колумбия пул бирлиги.

Уй одамнинг нафасини бўғадиган даражада рутубатли, буям етмагандай, ундаги иссиққа чидаш ҳам амри маҳол эди. Бальтасар ҳавони янгилаш учун эшикни қия очиши билан хонага бир тўда бола отилиб кирди.

Янгилик ҳамма ёққа ёйилганди. Ўз ҳаётидан хурсанд, бироқ касбидан анчайин зада бўлган Октавио Хиральдо сурункали хасталикка учраган хотини билан нонушта қиларкан, Бальтасар ясаган қафас ҳақида ўйларди. Улар ёз кунлари ички ровон олдидаги стол устига анвойи гуллар билан тўла туваклар ва иккита қафасдаги канарейкани қўйиб қўйишарди. Шифокорнинг хотини ўз қушларини шу қадар яхши кўрардики, ҳатто табиатан уларга душман бўлган мушукларни кўрарга кўзи йўқ эди. Шифокор касал хотининг ёнидан чиқиб, қафасни кўриш учун тўппа-тўғри Бальтасарнинг уйига келди.

Бальтасарнинг уйи тумонат одам билан тўла, стол устида уч қаватли айлана гумбаз кўр тўкиб турарди. Қафас ичида қушлар учун махсус емак ва ётоқ бўлмалари махсус йўлаклар билан бириктирилган, улар ораси эса панжара билан тўсиб қўйилганди. У ана шу кўринишда муз фабрикасининг кичкина шаклини эслатарди.

Врач қафасни қўл теккизмасдан қизиқиб томоша қиларкан, бу санъат асари у эшитганидан кўра нафис экани ва хотинини хурсанд этиш учун олиб беришни орзу қилган қафасдан ҳам беқиёс даражада гўзал эканига ичдан амин бўлди.

– Ҳақиқий ҳаёлот маҳсули бу, – деди у нигоҳи билан издиҳом орасидан Бальтасарни излаб топаркан ва унга меҳр билан тикилиб, қўшиб қўйди: – сендан иқтидорли меъмор чиқиши мумкин эди.

Бальтасар дув қизариб кетди:

– Раҳмат, – деди ерга қараб.

– Бор гап-да, – деди врач. Унинг товуши худди лотин тилида гапираётган роҳибнинг овозини эслатарди.

– Унга ҳатто қуш солишнинг ҳам кераги йўқ. – деди у қафасни томошабинларга сотиб олишни тавсия қилаётгандай айлантириб кўрсатаркан. – Уни дарахт шохига илиб қўйсанг бас, ўзи сайраб беради.

У қафасни жойига қўяркан, биров тараддудланиб унга тикилиб турди ва деди:

– Яхши, уни олганим бўлсин.

– У аллақачон сотилган, – деди Урсула.

– Дон Хосе Монтъелнинг ўғлига, – қўшиб қўйди Бальтасар. – Ўшанинг буюртмасига кўра ясаганман.

Врач самимият билан Бальтасарга юзланди:

– У сенга қафаснинг андазасини берганмиди?

– Йўқ, у шунчаки иккита тўрғай сиғадиган, худди мана шунга ўхшаган каттакон қафас ясаб беришимни сўраганди.

Врач яна қафасга разм солди:

– Бу тўрғай учунмас-ку!

– Тўрғай учун, жаноб, – эътироз билдирди Бальтасар столга яқинлашиб. Уни болалар қуршаб олганди. – Ҳамма томони ҳисобга олинган, – деди алоҳида бўлмаларни кўрсатиб. Кейин эса у панжараларни секин чертиб қўйганида атрофни майин оҳанглар тутиб кетди.

– Яхши, лекин у сенга андазасини бермаганди-ку! Аниқ бир нима демаган. Фақат тўрғай учун катта қафас ясаб беришни илтимос қилган, холос. Тўғрими!

– Тўғри, – деди Бальтасар бош ирғаб.

– Унда ҳаммаси равшан, – деди врач. Тўрғай учун каттакон қафас – бошқа масала. Мана бу қа-

фас умуман бошқа гап. Ахир, бу ўша буюртма асо-
сида ясалган қафас эканини ким тасдиқлайди.

– Бу ўша, – ўжарлиги тутди Бальтасарнинг, –
уни ўзим ясаганман-ку!

Врач унинг ўжарлигидан ажабланиб елка қис-
ди.

– Сен яна бошқасини ҳам ясаб беришинг мум-
кин-ку, – эрига қатъиятли тикилиб турган Урсула
врачга юзланди:

– Сизга жуда зарур эмасми!

– Мен хотинимга бугун етказишни ваъда қил-
ганман, – деди врач.

– Минг афсус, жаноб, – деди Бальтасар.

– Сотилган нарсани яна сотиб бўлмайди.

Врач яна елка қисди. У бўйнидан оқаётган тер-
ни рўмолча билан артаётиб умидсизлик билан
қафасга тикилди. Кейин эса узоқда кўздан го-
йиб бўлаётган кемага қараётгандек номаълум бир
нуқтага тикилиб қолди.

– Сенга улар қанча тўлашди!

Бальтасар жавоб бермай Урсулага қаради.

– Олтмиш песо – деди у.

Врач яна анча пайт қафасга тикилиб турди.

– Жуда зўр, – хўрсинди врач, – ҳайратланарли
даражада зўр.

Кейин эса у эшик томонга йўналди. Тушунар-
сиз илжайганича рўмолчасини силкиди ва ана шу
лаҳза унинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолди.

– Монтъел жуда бой-да, – деди хонадан чиқаё-
тиб.

Аслида, Хосе Монтъел бошқалар ўйлагани дара-
жада бой эмасди, бироқ бойиш учун у ҳамма нар-
сага тайёр эди. Унинг қулоғига ғайриоддий қафас
тўғрисидаги узук-юлуқ гаплар етиб келган бўл-
са-да, бунга эътиборсизлик билан қараганди. Хосе
Монтъел ширин хуррак отаётган паллада унинг

аёли ўлим ҳақидаги мудҳиш хаёллар исканжасида эшик-деразаларни беркитиб, нимқоронғи хонада кўзлари очиқ ҳолда қимирламай ётарди. Монтъел ғайритабий шовқиндан уйғониб кетди. Эшикни очганида уйи атрофида қалин оломонни, унинг ўртасида эса қўлига қафас тутганича, юзида бойлар эшигини илинж билан қоқадиган фақирлардагина бўладиган камтарона илтифот акс этган, яқиндагина соқолини қиртишлаб, бошдан-оёқ оппоқ кийинган Бальтасарни кўрди.

– Ахир, бу муъжизанинг ўзи-ку, – қувончдан ҳайрат билан қичқириб юборди Хосе Монтъелнинг рафиқаси Бальтасарни уйга бошлаб кираркан. – Умримда бунақасини кўрмагандим.

Кейин у Бальтасарнинг ортидан ҳаш-паш демай ёпирилиб келаётган кишиларнинг ичкарига кирмаслиги учун гижиниб эшикни беркитди ва қўшиб қўйди:

– Яхшиси, ичкарига олиб кира қолинг, бўлма-са, анавилар меҳмонхонамизнинг тўс-тўполонини чиқариб юборишади.

Бальтасар илгари ҳам Хосе Монтъелнинг уйида бир неча марта бўлганди. Унинг маҳорати ва ўз ишини ғоятда пухта бажаришини билганлари боис уни бу ерга бир неча марта майда-чуйда дурадгорлик ишларига ёрдам бериш учунгина таклиф қилишганди. Бироқ у ҳамма вақт ҳам бойларнинг хизматида бўлавермасди. Баъзи пайтлардагина улар ҳақида, уларнинг жиззаки ва хунук хотинлари ҳақида, кундан кунга уларни таъқиб этаётган мудҳиш касалликлар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган жарроҳлик операциялари ҳақида ўйлар, кўпинча бу тоифага ачиниш билан қарарди. У бу хонадонга кирган чоғида оёғи ўзига бўйсунмай қолганини, ҳар бир қадам унга азобдай туйила бошлаганини пайқайди.

– Пепе уйдами, – сўради у қафасни стол устига қўяркан.

– Ҳали мактабдан қайтмади, – жавоб қайтарди Хосе Монтъелнинг хотини, – лекин ҳали замон келиб қолади. Кейин қўшиб қўйди, – Монтъел ювиняпти.

Ҳақиқатда эса Монтъелнинг ҳозир ювинишга вақти йўқ ва шу боис тезроқ нима бўлаётганини кўриш учун тез-тез камфорали спирт билан бада-нини артаётган эди. У шу қадар эҳтиёткор одам эдики, гашга тегадиган шовқини билан оромини бузмаслиги учун вентиляторни ҳам ёқмай ухларди.

– Аделаида, – қичқирди у, – нима шовқин бўляпти!

– Бу ёққа кел, қара, қанақанги ажойиб нарса, – қичқирди хотини.

– Нима бу!

– Пепе айтган қафасни олиб келдим, – жавоб қайтарди Бальтасар.

Аёл унга асабий тикилди:

– Ким дедингиз?

– Пепе, – такрорлади Бальтасар ва Хосе Монтъелга юз бурди:

– Менга Пепе буюртма берганди.

Аслида, ҳеч нарса бўлмаганди, бироқ Бальтасарнинг назарида, худди ҳаммом деворидан дарча очилгандай туйилди. Хосе Монтъел битта лунгида ётоқхонадан чиқиб келди ва газаб билан бақирди:

– Пепе!

– Ҳали қайтгани йўқ, – деди ҳайкалдек қотиб турган хотини пичирлаб. Шу аснода бўсағада Пепе пайдо бўлди. У онасиникига ўхшаган қайрилма киприкларга эга, ўн икки ёшли болакай эди. Унинг ҳам юзида сокин бир саросима акс этарди.

– Бу ёққа кел, – чақирди уни Хосе Монтъел, – манавини сен буюрганмидинг?

Болакай индамай бошини эгди. Отаси унинг сочларидан чангаллаб ўзига қаратди:

– Гапирсанг-чи?

Бола жимгина лабини тишлади.

– Монтъел... – журъатсизгина шивирлади хотини.

Хосе Монтъел чангалини бўшатиб, пешонаси тиришганча, Бальтасарга ўтирилди:

– Яхши иш бўмапти, Бальтасар, – деди у. – Ишга киришишдан илгари мен билан маслаҳатлашишинг керак эди. Келиб-келиб шу гўдакнинг гапига кирасанми?

У гапираётганида юзи бирданига жиддий ва сокин тус олди, қафасга қиё ҳам боқмай, кутариб Бальтасарга узатди:

– Буни ҳозироқ олиб кет ва истаган одамингга сотиб юбор. Сендан илтимос, мен билан бу ҳақда мутлақо тортишма. – У Бальтасарнинг елкасини қокиб тушунтира кетди: «Дўхтир айтган, менга асабийлашиш мумкин эмас».

Болакай тошдек қотиб қолган, Бальтасар эса унга талмовсираганча қараб турарди. Шу пайт бола бўғзидан итларнинг ириллаганига ўхшаш товуш чиқариб, ўкириб юборди ва ўзини полга ташлади.

Онаси уни юпатмоқчи бўлганида Хосе Монтъел унга бефаврқ қараб тураверди:

– Қўявер, – деди у. – Майли, бошини полга уриб ёрсин, кейин ярасини тузланган лимон билан артиб қўйсанг, бу хархаша янаям ширинроқ бўлади, унга.

Бола бир томчи ёшсиз ариллар, онаси эса унинг қўлидан ушлаб олганди.

– Тегма унга, – буюрди яна Монтъел.

Бальтасар болага маъносиз тикилди. Соат тўртга яқинлашиб қолганди. Бу пайтда Урсула уйда

пиёз тўғраётиб, алмисокдан қолган аллақайси қўшиқни хиргойи қилмоқда эди.

– Пепе, – деди Бальтасар ва жилмайганича унинг қўлига қафасни тутқазди. Бола бир зумда оёққа қалқди ва икки қўли билан қафасни оларкан, Бальтасарга кандай миннатдорчилик билдиришни билмай, сўзсиз тикилиб қолди. Унинг кўзларида бир томчи ҳам ёш кўринмасди.

– Бальтасар, – гап қотди Хосе Монтъел зўраки мулојимлик билан, – қафасингни олиб кет, дедим сенга.

– Ҳозироқ қайтариб бер, – буюрди аёл ҳам ўғлига.

– Ўзингда қолаверсин, – деди Бальтасар ва кетишга чоғланаркан, Хосе Монтъелга ўтирилиб қўшимча қилди, – ахир, буни мен фақат ўғлингиз учун ясаганман.

Хосе Монтъел унинг ортидан меҳмонхонагача эргашиб борди.

– Майнавозчиликни йиғиштир, Бальтасар, – дея унинг йўлини тўсиб талаб қилди уй эгаси. – Анави матоҳингни олиб кет бу ердан ва бунақа тентакликни бас қил! Барибир сенга бунинг учун сариқ чақа ҳам бермайман.

– Кераги ҳам йўқ, – деди Бальтасар. – Мен уни Пепега совға қилиш учун ясаганман. Бундан ҳеч нарсa тамагир эмасман.

Бальтасар шундай дея, ўзини эшик оғзидаги ҳангоматалаб оломон орасига урди. Хосе Монтъел меҳмонхона ўртасида турганича унинг ортидан бўғилиб қичқирар, юзи докадай оқариб, кўзлари қонга тўлганди.

– Тентак, – бақирарди у, – савилингни ҳозироқ йўқот. Сенга ўхшаганлар уйимни оёғости қилишига йўл қўймайман. Жин урсин сенларни!

Бильярдхонада Бальтасарни олқишу қийқириқлар билан кутиб олишди. У шу пайтга қадар

шунчаки илгари ясаган қафасларидан кўра яхши-роғини ясаганман, холос, дея хаёл қилар, унинг назарида, ушбу қафасни аслида ҳам Пепеннинг йиғламаслиги учун унга туҳфа қилиши лозимдек туйилар ва булар ҳаммаси арзимас нарсалар бўлиб кўринарди. Энди ўйлаб қараса, кўпчилик учун арзирли тарафларини ҳисобга олмаган экан.

– Демак, эллик песо беришди, дегин?

– Олтмиш песо, – деди Бальтасар.

– Ўҳу, унда дўппингни осмонга отсанг бўларкан, – деди кимдир. – Сендан бошқа ҳеч ким Дон Хосе Монтъелдан бунча пул ундиролмаган бўлса керак. Бунақа ютуқни бир ювмасанг бўлмайди.

Унга бир бокал пиво келтиришди, у эса шу ердагиларнинг ҳаммаси учун пиво буюрди. У умрида маст бўлмаган, ўша оқшом илк бор қўлига қадаҳ олиши эди. Кечга бориб унинг кайфи тамоман ошди ва аллатовур режалари ҳақида алжирай бошлади: ҳар бири олтмиш песодан мингта, кейин яна миллионга қафас ясаса, нақ олтмиш миллион песо бўларкан. «Иложи борица кўпроқ қафас ясашим ва бойлар қирилиб битмай туриб уларга пуллаб олишим керак, – дерди у ҳеч нарсанинг фарқига бормай.

– Уларнинг бари касал ва ҳадемай ўлиб кетишади. Уларнинг ҳаёти шу қадар аянчлики, ҳатто ўйлашга ҳам арзимади».

Муסיқа қурилмаси қарийб икки соат тинмасдан унинг ҳисобидан «сайради». Ҳамма Бальтасарнинг соғлиғи, унинг бахти ва омади, бойларнинг эса тезроқ ўлиб кетиши учун ичди. Ярим кечаси, соат бирга бориб у бильярдхонада бир ўзи қолиб кетди. Урсула устига пиёз сепилган гўштли қовурдоқ билан уни кечки соат саккизгача кутди. Кимдир унга Бальтасарнинг бильярдхонада хурсандчи-

ликдан ичиб маст бўлиб қолгани ва ҳаммани пиво билан сийлаётганини айтганида ишонмади, зеро, Бальтасар умрида бир марта ҳам ичкиликни оғзига олмаган эди. У ухлагани ётганида тун ярмидан оққан, бу пайтда Бальтасар ҳамон сутдек ойдин дўкон ёнида, очиқ осмон тагида, тартиб билан стол ва стуллар териб қўйилган майдончада ўтирар, икки юзи лаб бўёғининг излари билан тўлиб тошган, ўрнидан қўзғалолмайдиган аҳволда туриб, юмшоққина тўшақда ётиб ухлаш ҳақида хаёл суларди.

У бугун шунчалик кўп пул сарфладик, қарзини бошқа куни тўлаш шарти билан соатини гаровга қўйишга мажбур бўлди. У кўп ўтмай, кўчанинг ўртасида судралиб кета бошлаганда кимдир оёғидаги туфлисини ечиб олаётганини пайқади, бироқ арзимаган нарсани деб, ҳаётидаги энг гўзал тушни йўқотиб қўймаслик учун бунга парво ҳам қилмади.

Эрталабки ибодатга ошиқаётган хотинлар уни кўриб, ўлик деб гумон қилишди ва ўтакалари ёрилди.



ОҒРИҚ ТИШ

Душанба тонги илиқ ва булутли бошланди. Ҳеч қандай унвонга эга бўлмаган тиш шифокори Аврелио Эсковар барвақт турди, ишхонасининг эшикларини соат олтидаёқ очди. У сохта тиш қопламасини шиша идишдан олиб, бир уюм асбоблари орасига қуринарлироқ қилиб жойлаб қўйди. Шифокор ёқасиз йўл-йўл қўйлак кийиб, бўйнига тилларанг фартук таққан, шимини эса боғич билан бойлаб олганди. Унинг қадди тик ва қотмадан келган, нигоҳлари эса ҳар бир масалага қулоғи оғир кишилар каби тийрақлик билан боқарди. У стол устини саранжомлаб, стулга ўтирди ва қоплама тишни ялтиратишга киришди. Бепарволик билан тозалашга киришган, бироқ бир маромда ишлар, оёқларини керак бўлмаса ҳам ликиллашиб ўтирарди.

Соат саккизларда у ишини тўхтатиб, дераза оша осмонга тикилди. Сўнг қўшнисининг уйидаги ариқ лабида икки қўшнинг сувга пишилиб, офтобда товланиб ўтирганига гувоҳ бўлди. У стулига қайтар экан, «тушликкача ёмғир ёғса керак», деб ўйлади. Шу пайт эшик ортидан 12 яшар ўғлининг баланд овози эшитилди:

– Дада!

– Ҳа, нима гап?

– Майор келди, тишимни олиб қўядими, деб сўраяпти.

– Унга дадам уйда йўқ, деб айт.

Бу пайт шифокор тилла тишни тозалаш билан банд эди. Уни авайлаб бармоқлари орасига жойлаштириб, бир кўзини ярим қисганча ишига шўнғиганди. Ўғли бироздан сўнг отасининг кичкина кутиш залида ҳозир бўлди:

– Дада, у киши сизнинг уйдалигингизни биларкан, овозингизни эшитибди.

У ишини тўхтатди. Тишни авайлаб жойига қўйгач, жавоб берди:

– Унда, жуда соз.

У яна ишига киришди. Чала битган қопламаларни солиб қўядиган картон қутисига қўл чўзиб, улардан биттасини олди.

– Дада?!

– Нима дейсан? – деди у ишидан бош кўтармай.

– Агар унинг тишини олиб ташламасангиз, пешонангиздан отар экан.

Шифокор шошмасдан тозалайдиган аппарати-ни четга сурди, стулдан туриб, тортмасига назар ташлади. Бу ерда тўппонча бор эди.

– Яхши, унга айт, келиб бемалол ўқ узаверсин.

У стулини ғилдиратиб, тортма ёнига олиб келди. Эшик очилиб, майорнинг гавдаси кўринди. У чап лунжини ушлаб олган, ўнг юзи эса беш кунлик соқол туфайли тиканак бўлиб кетганди. Шифокор тортмани бармоқлари билан ёпар экан, хотиржам гап бошлади:

– Ўтиринг.

– Хайрли тонг, – деди майор.

– Хайрли...

У асбобларини бир қайнатиб олгунича майор чакагини столнинг бурчагига қаттиқ тираб, бироз оғриқдан халос бўлгандек сизди. У жуда совуқ нафас чиқараётганди. Сўнг атрофга назар ташлади: хона жуда одми, битта ёғочли стол-стул, дириллатадиган аппарат, керамика тўлдирилган шиша

идишдан иборат эди. Стулнинг қаршисига эса дарпардаси елкадан баланд бўлган дераза ўрнатилганди. Шифокор ўзи томон келаётганини кўрган майор оёғини у томон суриб, оғзини очди.

Аврелио Эсковар мижозининг юзига чироқ тутди. Зарарланган тишни кўздан кечиргач, майорнинг жағини кучсиз зарб билан ёпди.

– Анестезиядан эмас, – деди сўнг.

– Нима бўлган экан-а? – сўради майор.

– Жағингиз йиринг бойлаган.

Майор унга кўзларини тикди ва «тушунарли», деб жилмайишга уринди. Бироқ шифокор бу илтифотни жавобсиз қолдирди. У тозаланган асбобларни орасидан кичкина тосни олиб, иш столига қўйди ва шошмасдан унинг ичидан бир жуфт муздек пинцетни чиқарди. Тупукдонни беморнинг оёқлари остига қўйиб, қўлини чайиш учун ўрнидан турди. У барча ишини гўё бу ерда ҳеч ким йўқдек бажарарди, майор эса ундан кўзларини узмасди.

Майорга азоб бераётган аъзоси – пастки жағдаги ақл тиши эди. Шифокор оёқларини мустаҳкам жойлаштириб олгач, иссиқ қисқич билан оғриқ тишни суғуришга киришди. Майор қўллари билан стулга маҳкам ёпишиб, оёқларини бор кучи билан жуфтлаб олган, буйрагида эса қандайдир муздек бўшлиқни ҳис қилаётганди. Бироқ миқ этиб овоз чиқармасди. Шифокор эса фақат билакларини қимирлатарди. Сўнг ҳеч қандай ғаразсиз, бежаҳд, қайтанга бироз майинлик билан деди:

– Мана, ҳозир ҳалок бўлган йигирмата йигитимизнинг хунини тўлайсиз...

Майор жағ суягининг фарч этганини эшитди, азобдан кўзлари шашқатор ёшга тўлди. Тишни оғзидан ташқарига чиқармагунча нафас олмай қотиб турди. Ниҳоят, кўз ёшлари орасидан оғриқ

тишини кўрди. У дардига бегонадек, беш кеча ис-
канжага олганини тан олмагандек турарди. Майор
тез-тез нафас олганча тупукдонга туфлаб, ките-
лининг белбоғини бушатди. Бўйнидаги рўмолини
ечиб, шимининг чўнтагига солди. Шифокор унга
тоза сочиқ узатди:

– Кўз ёшларингизни артиб олинг.

Майор артинди, унинг аъзойи бадани дағ-дағ
титрарди. Шифокор қўлини чаяётганда бемори-
нинг кўзи увадаланиб кетган шифтда тўр ясаган
ўргимчак ва унинг ўлжасига тушди. Шифокор қў-
лини артаркан, унга деди:

– Уйга бориб ётинг. Тузли сувда фарғара қилиш-
ни ҳам унутманг.

Майор ўрнидан турди, шифокорга ҳарбийларча
честь бериб хайрлашди.

– Тўлов қоғозини юборишни унутманг, – деди
майор эшикдан чиқар экан.

– Сизгами ёки шаҳар аҳлига?

Майор унга қарамай, эшик ортидан пичирлади:

– Минг лаънат бўлсин...



НАЖИБ МАҲФУЗ
(1911–2006)
МИСР

Мисрлик ёзувчи, драматург, сценарист Нажиб Маҳфуз 1911 йил дунёга келган. Адибнинг «Бемаъни шивир-шивир», «Илоҳий дунё», «Бадном хонадон», «Қора мушук қовоқхонаси», «Шийпон остида» номли новеллалар тўплами, «Тақдир ўйини», «Родопис», «Хон ал-Халилий», «Нил устидаги сафсата», «Ёмғир остидаги севги», «Ўғри ва ит», «Раққоса Радопис» каби тарихий ва романтик асарлари кенг китобхонлар меҳрини қозонган. «Янги Қоҳира», «Мидак тор кўчаси», «Аввали ва ниҳояси» романларида 1919 йилдаги инглизларга қарши қўзғолондан Иккинчи Жаҳон уруши тугагунча бўлган даврдаги Миср жамияти турли табақаларининг ҳаёти тасвирланган. Ёзувчи 1988 йилда Нобель мукофоти соҳиби бўлган. У 2006 йилда вафот этган.

БАХТ ҚИЙМАТИ

Хизматкор Анисни хонага бошлаб кирди. У ерда кичкина ўқувчиси Тото ҳар доимгидек ўзини кутиб ўтирган бўлиши керак. Бироқ хонага кирганида ҳеч ким йўқлигини кўрган Анис юмшоқ ўриндиққа жойлашди ва деворга илинган суратларни кўздан кечира бошлади. Мана, ўн кундирки бу хонадонга Тотога сабоқ ўргатгани келади, у эса биринчи бор дарсга кеч қоляпти. Ўқитувчи хизматкорни чақиришга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, эшик орқасидан енгил қадам товушлари эшитилиб, қўлтиғига китоб ва дафтарларини қистирган бола кириб келди. Анис аччиқланган қиёфада унга таънали қараган эди, баногоҳ ўқувчисининг кўзлари йиғидан қизаргани ва ёшга тўлиб турганини пайқади. Изтиробдан боланинг ҳатто ияклари ҳам титраб турарди.

– Сенга нима бўлди? – сўради у раҳми келиб.

Бу савол ўпкаси тўлиб турган Тотонинг сабр тўғонини бузиб юборди. Кўз ёшлари ёноғига дув тўкилди.

– Тиза... урди! – деди у йиғи аралаш ҳиқиллаганича. – У отамни менга қарши қилиб қўйди. Иккаласи ҳалиям жанжаллашишяпти.

Бошқа саволга ҳожат қолмаган эди, шу гапларнинг ўзи ҳам Анисга жуда кўп нарсаларни ойдин-

лаштириб турарди. Аммо бола устозига қисқагина қилиб ўзининг қайғули ўтмишини гапириб берди. Айтишича, унинг онаси саккиз йил олдин туғруқ вақтида дунёдан ўтган, Тото оилада охирги фарзанд экан. Отаси бўлса рафиқасининг вафотидан тахминан бир ё икки йиллардан сўнг Тиза исмли аёлга уйланибди. Бу орада Тотонинг тўртала опаси ҳам турмушга чиқиб кетишибди. У бўлса бутунлай ўгай онанинг қарамоғида қолибди. Тиза ва отаси ҳар куни гоҳ уни, гоҳ буни баҳоналаб жанжаллашишар, низоларнинг охири кўринмайдиганга ўхшар экан. Бола, аслида, бу нотинчликка отаси сабабчи эмаслигини ҳам қистириб ўтди. Отаси ҳеч қачон биринчи бўлиб жанжал бошламас, агар жавоб қайтариш лозим бўлса ҳам бу машмашаларга тезроқ барҳам беришга уринаркан. Тиза бўлса уйни бошига кўтариб койинишдан сира чарчамасмиш, тинимсиз тақдирини койир экан.

Ўқитувчи боланинг гапларига қизиқишини билдирмаган ҳолда бефарқ тинглади, унинг қисиниб-қимтиниб айтганларини, руҳий қийноқларини сал-пал англагандай бўлди ва совуққонлик билан дафтарини олиб, дарсни бошлади. Улар бу оилавий масала мавзусига шу куни ҳам, ундан кейин ҳам бошқа қайтмадилар.

Кунларнинг бирида дарс пайтида, кутилмаганда эшик очилиб, ёш ва гўзал бир аёл бостириб кириб келди, у ҳатто кириш учун рухсат сўрагани ҳам йўқ. Ўқитувчи китобни бир четга суриб қўйди ва ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб, ташриф буюргувчига хижолатли назар ташлади. Шунда уятдан юзи қизариб кетди: чақирилмаган меҳмоннинг бамайлихотирлиги, ўзини эркин тутиши ва умуман тортиниш деган фазилатдан мосуволигидан ҳайрон эди. У бундай ҳолни одоб доира-

сидан ташқарида деб ҳисобларди. Ҳатто аёлнинг навниҳол ва соҳибжамол эканлигига аҳамият ҳам бермади. Ҳаммасидан ҳам ёмони аёл эғнига этаги тиззасини ёпар-ёпмас тушиб турган юпқа ипакдан тикилган ҳарир кўйлак кийиб олгани эди. Кўйлакнинг тирсак ва кўкрак қисми сезиларли ва кўзга ташланадиган даражада очиқ қолдириб тикилган бўлиб, Анис унинг бу кўринишидан бутунлай шошиб қолди. Ишончи комил, бегона эркакка бу аҳволда кўриниш аёллар учун муносиб иш эмас, бундай қилиш ярамайди, ярашмайди... У рўпарасидаги аёлни ўқувчисининг турмушга чиққан опаларидан бири бўлса керак, деган тўхтамга келди. Аёл Тотонинг иягидан енгил чимдиб қўйганини кўриб, тахмини тўғрилигига амин бўлди.

– Ўтиринг, марҳамат, – деди ёш жувон ўқитувчига қараб, ўзи эса қаршисига ўтирди. – Боланинг ўзлаштириши қониқарлими?

– У анчайин тиришқоқ, – жавоб берди Анис. – Охирги икки ҳафтада грамматика ва ўқишни ўзлаштириши сезиларли даражада жадаллашди. Фақат нотаниш сўзларни ёдлашда қатъиятлилиқ қилмаяпти.

Жувон мулойимлик билан жилмайганича ўқитувчидан дарсни давом эттиришини сўради. Ёш ўқитувчи унинг машғулотда қатнашмоқчилигини тушунди. Қаршисидаги «манзара»дан қочишнинг иложи йўқ, ички ғазабдан тили калимага келмай, тутилганича Тотога навбатдаги дарсни тушунтиришга чоғланди. Кўз остидан секингина «меҳмон»га назар ташлаб, ўзига тикилиб қараб ўтирганини кўрди. Шунда унинг хаёлига нутқимни кузатмоқчимикин, деган фикр келди. Шу боис диққатини жамлаб, маърузасида аниқ сўзлар билан ифода-ланган чиройли жумлаларни ишлатишга ҳаракат

қилди. Аммо негадир онгига бўйсунмаётган нигоҳи қайта-қайта ҳарир қўйлакнинг чуқур ўйилган ёқасига тушаверарди. Саросимага тушиб, кўзини олиб қочса-да, ҳаяжони илгаригидан ҳам кўпаярди.

Навниҳол аёл бу ерда унчалик кўп ўтирмади. Бироз вақт ўтгач, чиқиб кетди. Анис «меҳмон»ни ажабсинган нигоҳи билан кузатиб қўйганидан сўнг Тотодан сўради:

– Бу сенинг опангми?

Бола «йўқ» деган маънода бошини чайқади ва қуруққина қилиб:

– Тиза, – деди.

– Тиза? – деб такрорлади ҳайрон бўлган ўқитувчи.

– Ҳа, – деб жавоб берди Тото ва қиёфасида норозилик акс этди.

Анис ўқувчисига бошқа бир сўз демади, бироз ўзига келганидан сўнг меҳмоннинг ташрифи ҳақида ўйлашда давом этди. Машғулот тугаганидан сўнг Гизага¹ – уйига қайтар экан, бу хонадонга биринчи бор келганида Тотонинг отасини кўргангани эслади.

Ўша куни у кексалик томон қадам ташлаган, катта қоринли, семиз, кичкина юмалоқ калласи тақирбош, соқолига оқ оралаган, кўзойнак таққан, йўғон бурни чечак изидан чўтир бўлган, титраб турган киши билан танишганди.

«Ҳаммаси тушунарли, – ўйлади Анис. – Ризвонбек – истеъфодаги полиция офицери, алақачон олтишшни қоралаб қолган одам, хотини бўлса ҳали йигирма тўртга ҳам кирмаган бўлса керак. Мана шу сабабдан ҳам бечора Тото келишмовчиликларнинг марказида қолиб кетган. Бу жанжаллар очиқчасига ёки яширин кўринишда давом этиб, оила ҳаётини заҳарлаб боряпти экан-да...»

¹ Гиза – Мисрнинг Қоҳира билан туташ қадимий шаҳри.

Гарчи Анис ҳеч бўлмаганда Тото учун ўқитувчи мақомида бўлса ҳам унинг ўзи ҳали талаба эди. Ҳаётий тажрибаси йўқ ва одамларнинг турфа феълани яхши билмайдиган бир йигит. Ризвонбекнинг хотини ўзининг зеболиги, ёшлигию эркинлиги билан унга кучли таъсир ўтказганди.

Келгуси дарсга Анис ўқувчисидан салгина олдин келди: Тиза худди ўша жойда худди ўшандагидай ўтирар эди. Ва бу гал ҳам у ўша-ўша жозибали эди. Бунинг устига, кишини йўлдан оздирадиган даражада бетартиб кийиниб олганди. Аммо аёл кўп ўтирмади, қандайдир иши бор киши кўринишида чиқиб кетди. Бир муддатдан сўнг эса яна келди... Ва бундай ҳол бир неча бор давом этди. У дарснинг қайсидир лаҳзаларида тўсатдан кириб қолар, гўё ўқитувчи билан тасодифан ёнма-ён ўтириб қолгандек ёнига жойлашиб оларди. Баъзан Аниснинг оёғи аёлнинг ярим очиқ тиззаларига тегиб кетарди – шунда унга жуда яқин келиб қолганидан ноқулай аҳволга тушарди. Анис кетаётганида жувон у билан қўл бериб хайрлашди. Ўқитувчининг қафтларидан анча вақтгача ёқимли ифор анқиб турди. У уйига қайтар экан, шунчалар алғов-далғов ҳисларга чўмган эдики, тўлқинланиб кетаётганидан эътиборини бир жойга тўпловмай қийналаётганди. Ҳатто маъруза ёзаётганда ҳам хаёли чалғиб кетарди. Алалоқибат у муштини ёзув столига урди ва: «Ё ҳушимдан айрилдим, ё мени жодуладилар! Бунга шубҳам йўқ», – деб жаҳл билан бақирди.

Кейинги кунларда Анис Ризвонбекнинг уйига бошқача бир иштиёқ билан отланарди. У энди гўзал уй бекасининг дарсда иштирок этишини ҳаёт ўзига ҳадя этган чинакам бахт деб ҳисобларди. У Тизага ҳамма яхши фазилатларини намоён этар, бутунлай эс-ҳушидан айрилганди. Ризвонбекнинг

жозибали рафиқаси ҳам, ўз навбатида, унга очиқ-часига майлини билдирар, қиёси йўқ чиройини ошиқона нигоҳ қаршисида Ризвонбек намоёиш этарди. Унинг мафтункор кўзлари оний лаҳзаларда ярқираб ўтувчи чақмоқ мисол куйдирарди. Ёш ўқитувчи йигит дунёни унутди...

Бир гал у машғулотга келганида дарсхонада ёлғиз уй бекасининг ўзи ўтирганини кўрди. Анис ўз жойини эгаллаб, ички бир безовталиқ билан ўқувчисини сўради.

– Тото отаси билан Замалекдаги¹ аммасиникига кетди. У касал бўлиб қолибди, – изоҳ берди унга Тиза.

Ўқитувчининг кўнглида бу уйни тезроқ тарк этиш лозимлиги ҳақида ғалаён уйғонди. Ўрнидан туриб, кетишга чоғланди.

– Қаерга кетяпсиз? – деб сўради Тиза.

Анис эшикни кўрсатиб деди:

– Қаердан келган бўлсам, ўша ерга.

– Йўқ! – деди у бошини «бўлмайди» деган маънода чайқаб. Нигоҳларида ғазаб ўти ёниб, шитоб билан олға интилиб унинг йўлини тўсди.

Унинг бу ҳаракатидан Аниснинг юраги қинидан отилиб чиққудай бўлиб шиддат билан урар, нафаси тўхтаб қолгандек эди. Эсанкираган ва гангиган кўйи жойида қотиб қолди. Кейин ҳеч бир сўзсиз, ҳеч нима демасдан ва ҳеч нимага қарамасдан аёлнинг изидан эргашди...

Ўша кундан бошлаб хонадон бекаси унинг дарсларига кириб ўтирмайдиган бўлди. У фақат холи учрашиб қолганларида қачон уйда ёлғиз бўлишини айтиб, ўша пайтда келишини тайинларди. У айтган вақт, асосан, кундузига тўғри келарди. Анис телбаларча эҳтироси туфайли шиддат билан

¹ Замалек – Қоҳира шаҳрининг мавзеларидан бири.

қўйилиб оқаётган шалоллага дуч келгандек эди. Шалоланинг овози қулоқларини қоматга келтириб, кар-соқовга айлантирган, кўзни қамаштирувчи жилоси туфайли ақлини йўқотганди. Содир этилаётганларга қаршилиқ қилишга лаёқатсиз эди.

Аммо кунларнинг бирида навбатдаги дийдорлашувдан кейин уйдан чиқиб келаётган йигит ногаҳон кимнидир кўриб қолди. Қўрқувдан томирларидаги қон ҳам қотиб қолгандек эди. У қоқилиб кетиб, ерга йиқилишдан ўзини базўр ўнглаб қолди. Аниснинг юраги увушиб, шошганича бир нечта қадам ташлади, кўча дарвозасига яқинлашганида эса қайтадан ортига қаради. У кўзларим мени алдаяпти, деган илинжда эди. Афсуски, йўқ. Ўзи ҳозир чиқиб келган уй болохонасига назар ташлар экан, у ерда Ризвонбекнинг юм-юмалоқ ялтирбош калласини кўрди. Хўжайин ўзининг кенг галабеясини¹ кийиб олган, оромкурсида хотиржам газета ўқиб ўтирарди.

Шу пайт пашшаургич билан юзига қўнган ҳашаротни ҳайдади... Унинг кўринишига эътибор қилди. Э Худо, бу одам уй кийимида-ку!.. Бундан чиқди, Анис унинг хотини ёнидалигида уйга қайтганми? Қандай қилиб бу иккаласини пайқамаган?.. Нега у кийим алмаштириш учун тўғри ётоқхонага кирмади?.. Ёки Анис Тизанинг ёнига келган пайтида ҳам уйда эдими? Ахир, Тиза бугун жуда хотиржам кўринарди-ку?.. Қандай қилиб уйда бўлган хўжайин Анисни сезмади экан?.. Йўқ, Анис уйдан чиққанини кўрмаган бўлиши мумкин эмас. Ахир, ҳеч бир бекинмасдан, хавфдан холилигига ишонган ҳолда чиқиб келди-ку?.. Оллоҳим, ғоят оғир шармандалик – бу!..

¹ Галабея – кенг ва узун устки кўйлак, оммалашган миллий кийим.

Уни шундай ҳиссиётлар қамраб олган эди. Тасаввурида худди тубида қўрқинчли шарпалар кезиб юрган чуқур жарликка қулаб кетаётгандек эди. Ўзи йўл қўйган жинояти уни суд ва қамоқ томон етаклаётгандек эди.

Ногаҳон уйғониб кетгандек бўлди. Бундан кейин бошни айлантирувчи баландликка кўтарувчи муъжизакор муҳаббатидан ҳайратланишни бас қилишга, ўзини четга олишга қатъий аҳд қилди. Гуноҳга етакловчи бундайин муносабатларни тўхтатишга қарор қилди. У Ризвонбекнинг уйига То-тога сабоқ бериш учун келишда давом этди. Аммо бу ерга келишдан кўпдан-кўп азият чекар, юрагини дард кемириб, қалби азобланарди.

Аммо Тиза ташлаб кетилган за унутилган аёл мақомига кўнмаётган эди. Икки кундан сўнг у тагин ўқув хонасига бостириб кирди. Бутун дарс давомида у Анисга таънали нигоҳини қадаб ўтирди. Назарида, аёл ғуссага ботгандек эди. Кўзларида қайғу ва тилга кўчмаган гина акс этарди. Машғулот тугаганидан сўнг Тиза уни эшикка қадар кузатиб қўйди ва тўғридан-тўғри сўради:

– Нега келмай қўйдинг?

Анис ўтган гал кўрганлари ҳақида пичирлаб айтиб берди, сўнг сўзлари унга қанчалик таъсир қилганини синовдан ўтказиш учун юзига кўз ташлади. Ажаб, шунча гапга қарамасдан Тизанинг юзида ўзи кутган безовталиқ акс этмади, бу эса Анисни янада кўпроқ ташвишлантирди.

– Сени таниёлмаяпман! – жаҳли чиққанини намоён қилди Тиза.

Аёл йигитнинг ҳамма айтганлари баҳона эканлигини таъкидлашдан чарчамасди, Анис эса ундай эмаслигига ишонтирмоқчи бўларди.

– Шунчаки сенинг тасаввур оламинг бой эди! – тугатди Тиза буткул ўзини йўқотиб. – Мен барибир

келишингни кутавераман! Бу ёғига нима қилишни эса кейинроқ ўйлаб кўрамиз.

Анис унга ён бергандек бўлди: қатъиятидан кечишга ва келиб туришга ваъда берди, аммо ичида энди ҳеч қачон бу хонадоннинг остонасини ҳатла-масликка қарор қилди.

Шу тарзда бир ҳафта ўтди. Жума куни кечки пайт бир нечта дўстлари билан ижарага олган уйида ёлғиз эканида эшик тақиллади. Эшикни очар экан, рўпарасида Ризвонбекнинг тўладан келган гавдасини кўрди, у фил суягидан ишланган ҳас-сасини ушлаб турарди. Аниснинг танасига совуқ қалтироқ югурди, вужуди титрар, миясига тез суръатда турли-туман ўй-хаёллар урилар, шубҳалар гирдобида қолганди: «Тиза ундан аламини олиш мақсадида таъзирини бериб қўйиш учун ҳаммасини эрига гапириб берган бўлса керак. Мана энди у орани очиқ қилиш учун келиб турибди». Уни тушқунлик ва умидсизлик ҳисси қамраб олди. Чўчиб меҳмоннинг юзига қаради, кўзига синовчан тикилиб бу ташрифдан мақсад нималигини ўқимоқчи бўлди. Ризвонбек уришишга эмас, ярашишга келган киши сингари очиқ чехра билан табассум қилиб, сўрашиш учун қўл узатди. Ёш ўқитувчи ҳайронлигидан ҳали ўзига келмаган, беихтиёр эшик олдидан бери сурилиб, ютиниб қўйди. Сўнг минғиллаб деди:

– Кираверинг, марҳамат, хожам!

Бек кирди, ўтириш учун бўлган таклифни рад қилди. У шошиб турганини, Анисдан ҳол сўраб кетай деб, кирганини, саломатлиги қандайлиги ва нега ўғлига дарс беришни тўхтатиб қўйганини суриштирди. Ёш йигит узр сўрамоққа чоғланди. Имтиҳонларга жуда оз фурсат қолганини айтиб, уларга тайёрланиш учун ҳар бир дақиқа ғани-

матлиги билан ўзини оқламоқчи бўлди. Аммо бек унинг баҳоналаридан қониқмади, шунингдек, узрини ҳам қабул қилмади. У мулойимлик билан Тотога дарс беришни тўхтатиб қўймасликни сўради. Ёш йигит яна бирталай важлар келтирди, аммо бек қайтадан уларни рад қилди. Кейин Анис томон қадам ташлаб, қатъий равишда қайтарди:

– Сиз боришингиз лозим. Бу Тото учун керак. Ўзингизга қулай бўлган ҳар қандай пайтда ташриф буюринг... Боришингиз зарур... ғоят зарур.

Охирги сўзларни айтаётганида у нигоҳини йигитнинг юзидан олиб қочди. Бекнинг қараши ва гапириш оҳанги Анисга ҳайратомуз таъсир қилиб, қизиқувчанлигини оширди. Қария бир дақиқача каловланиб турганидан сўнг қўшиб қўйди:

– Бу Тото учун керак, мен ва уйимизнинг осудалиги учун ҳам... Менга қулоқ солинг. Сиз келишингиз керак бўлади...

Ризвонбек қизариб кетди, пастки лаби ва ияги худди йиғлашга тайёр турган боланикидек титраб турарди. У бурилиб, Аниснинг жавобини кутмасдан чиқиб кетди. Йигит эса юракни изтиробга солувчи қарама-қарши туйғулар оғушида гангиган қўйи туриб қолди.

Бу ташриф Аниснинг барча ҳисларини алғовдалғов қилиб юборди, кейинги ҳафтада у кучли қалб бухронини бошдан кечирди. Юраги кураш саҳнасига айланганди: бир томондан аёл кишига бўлган жўшқин эҳтирос, иккинчи томондан тинч, хотиржам ҳаёт кечириш. У кучли ирода ва мулоҳаза эгаси бўлса-да, йўлдан оздирувчи ташна ҳиссиётларига базўр қарши чиқа олди. Тинчлик ва беҳавотир яшашга бўлган эҳтиёж устун келиб, бир ҳафтача вақт ўтганидан сўнг ўзини енгил сезди – қалбидаги қарама-қарши ғалаёнларни сабот билан

енгди. У секин-аста Ризвонбекнинг бадбахтлик ин қурган уйи, баджаҳл ва ўжар табиатли гўзал хотинини унута бошлади. Уларнинг тимсоли эски хотиралар сифатида узоқлашиб, қалбининг пана-пана жойларига бекиниб бораётган эди.

Май ойи келди. Бир куни Анис имтиҳон натижаларини билиш учун факультетга йўл олди. Кимдир ҳазиллашиб ҳассаси билан йўлини тўсди. Бошини кўтариб қараган эди, қаршисида Ризвонбекни кўрди. У, чамаси, қаҳвахонадан чиқиб, машинаси томон кетаётган эди. Йигит хижолатли сўрашди. Бек табассум билан ишлари қандайлигини сўради. Улар ўтмишга алоқаси бўлган бир нечта жумлаларни четлаб ўтиб, ундан-бундан гаплашган бўлишди. Фақат хайрлашаётганларида қариянинг овоз оҳанги ўзгарди, у мумкин қадар ювошлик ва ички бир оғриқ билан деди:

– Эҳ, сиз ёшлар, ҳеч қачон одамлар ва уларнинг бахтсизлиги устидан кулманглар. Чунки тақдир ўзингизга эртага нима тайёрлаб қўяётганини билмайсизлар. Ёдда тутинг, бир қарашда қўрқинчлидек кўринган одамнинг ҳаракатларини ҳам баъзида оқласа бўлади. Одамларни айблашга шошмаслик керак, аксинча уларнинг ҳаракатларидан сабоқ чиқариш лозим. Балки қачондир сизга ҳам кўз ёши тўкиш фурсати келар... Ҳа, истагим шуки, Оллоҳ сизга бахтли тақдир инъом этсин...

Ризвонбек хайрлашиш маъносидида қўл силкиди ва қадини ростлаб, ҳамма ҳарбий кишилар сингари бор бўйи билан намоён бўлиб, қадам ташлаб юриб кетди.

ОРХАН ПАМУК
(1952)
ТУРКИЯ

Орхан Памук 1952 йил 7 июнда Истанбул шаҳрининг Нишонтоши туманида дунёга келган. Унинг «Қор», «Жавдат Бей ва ўғиллари», «Сассиз уй», «Оқ қалъа» номли бир қанча турли жанрлардаги асарлари халқаро мукофотларга муносиб топилган. Ёзувчининг, айниқса, «Менинг отим қирмизи», «Бошқача ранглар», «Ниқобли юз» номли роман ва киноқиссалар уни том маънода дунёга танитди.

Орхан Памук айти пайтда 10 та китоб муаллифи бўлса, 11 марта мукофотга сазовор бўлган ҳамда китоблари 30 тилга таржима қилинган адибдир. Ёзувчи нуфузли Нобель мукофоти совриндори.

*Русчадан Назира ЖўРАЕВА,
Ойгул СУҲОНДИҚОВА таржимаси*

ДЕРАЗА ОРТИ МАНЗАРАЛАРИ

I

Ҳеч нарсани кўриб ҳам, тинглаб ҳам бўлмаса, бу ҳаёт эмас, ғирт жаҳаннамнинг ўзи. Болалигимдан зерикиш билан қандай курашиб келинганининг гувоҳи бўлганман – радио тинглашган, дераза ортидан кўчани кузатишган, у ёқдан бу ёққа ўтаётган йўловчиларни, дераза қаршисидаги уйларни томоша қилишган. 1958 йилларда ҳали Туркияда телевизор оммалашмаган эди. Бутунлай бўлмаган эди, деб бўлмайди. «Бўлмаган» сўзи кўпроқ Истанбул кинотеатрларида «ҳали прокатга олиб келинмади» деган сўзларга оҳангдош эди, холос. Аслида, ўша турли Голливуд мелодрамалари тўрт-беш йил олдин суратга олинган бўлиб чиқарди.

Дераза ортидан кузатиш шу қадар одат тусига киргандики, телевизорлар пайдо бўлганидан сўнг ҳам одамлар деразадан туриб, ташқарини кузатишни тарк этмаганлар. Отам, бувам ва бувим телевизордан кўз узмай суҳбатлашишар ва ора-сира жанжаллашиб ҳам олишарди. Бир-бирларига қарамай, гўё деразадан ташқарини кузатиб ўтиришгандай, нимани кўришаётганини бир-бирларига айтиб туришарди.

– Бу қиш қор узоқ туриб қолади, – дерди холам эрталабдан буён оҳиста ёғаётган қорни кузатиб.

– Буниси – ҳолва. Сотувчи яна Нишонтоши бурчагида туриб олибди, – дердим мен бошқа деразадан трамвай йўлларини кузатарканман.

Бозор кунлари амаким, холам ва бизнинг оила бувимникида тушлик қилардик. Ҳаммамиз битта уйда, фақат биз бир неча қават пастда яшардик. Дастурхон тузатишларини кутганча дераза ортидан кўчани кузатиб турар эканман, мен ўзимни туғишганларим, қариндош-уруғларим орасида шундай бахтли сезардимки, ҳатто катта столни ғира-шира ёритиб турган хира биллур қандиллар ҳам кўзимга ярқираб кўринарди. Бувимнинг ошхонаси ҳамиша ним ёруғ, бошқа хоналари ҳам худди шундай, балки бундан-да қоронғироқ бўларди. Бу балким ҳеч очилмайдиган айвон эшикларига осиб ташланган оғир дарпардалардан тўкилаётган, сирғалиб тушаётган соялардандир, балки дим хоналарда ўтириб қолган ҳидлардандир. Бу хоналар садаф қадамали кўчма дарпардалар, эски сандиқлар, катта-кичик столлар, улкан думсимон роял, унинг устидаги рамкага солинган фотосуратлар ва бир уюм бошқа нарсаларга тўла. Тушликдан сўнг бувам ошхонага ёндош хоналардан бирида тамаки тутатарди.

– Менда футбол ўйинига чипта бор, лекин ўзим боролмайман, – деди у дабдурустан. – Сизларни ўйинга отангиз олиб бора қолсин.

– Дада, бизни футболга олиб боринг, – илтимос қилди акам.

– Болалар бир ҳаво олиб келишсин, – деди онам меҳмонхонадан туриб.

– Ўзинг олиб бор уларни, – деди отам онамга.

– Мен онамникига кетяпман, – эътироз билдирди онам.

– Бувимникига бормайман, – деди акам.

– Ана, машинам, ўшанда бора қол, – деди шартта бувам.

– Ота, олиб бора қолинг, илтимос, – туриб олди акам.

Узоқ вақт орага ғалати жимлик чўкди. Меҳмонхонада ўтирганларнинг бари отамнинг оғзидан нима сўз чиқаркин деб, қараб туришарди. Отам эса буни сезиб:

– Машинамни бераман, деяпсизми? – деб сўради бувамдан.

Онам бизга катак-катак иссиқ пайпоқ ва свитер кийгизаётган пайтда отам узун даҳлизда сигарет чекканча у ёқдан бу ёққа бориб келарди. Бувамнинг оч яшил рангидаги машинаси Ташвиқия масжиди ёнида турарди. Отам иккимизни машинага ўтқазгач, моторни бир ёқишдаёқ ўт олдирди.

Стадионда одам сийрак эди.

– Манови чипта икковига, – деди отам чиптачига. – Бири саккиз, иккинчиси ўн бир ёшда.

Чиптачининг ўткир нигоҳларидан қочиб, ичкарига кирдик. Кўп ўриндиқлар бўш экан, дарҳол жой топиб, ўтириб олдик.

Жамоалар нам майдонга тушиб келишди. Менга оппоқ калта иштондаги футболчиларнинг совқотмаслик учун майдонда сакрашлари ёқди, уларни мароқ билан кузатардим.

– Қара, Кичик Меҳметни кўряпсанми? – Улардан бирини бармоғи билан кўрсатди акам. – Уни ёшлар жамоасидан олишибди.

– Ўзим ҳам биламан, – дедим.

Ўйин бошланди, нафасимизни ичимизга ютиб, ўйинни томоша қила бошладик. Орадан бир неча

дақиқа ўтгач, менинг кўзим ўйинда-ю, хаёлим бошқа томонларга кетиб қолди. Нега футболчиларнинг кийимлари бир хилда-ю, исмлари турлича? Назаримда, стадионда ўйинчилар эмас, уларнинг исмлари югуриб юргандек эди. Ўйинчиларнинг уст-бошлари борган сари кирланиб борарди. Менинг эътиборимни аста-секин сузиб келаётган пароходнинг трубаси тортди. Пароход Босфор қўлтиғидан сузиб ўтаркан, ўйингоҳ минбарининг очиқ жойидан яққол кўриниб турарди. Биринчи тайм якунлангунча ҳам дарвозага тўп ура олишмади, танаффус пайтида нон билан нўхат сотиб олдик.

– Ота, мен ҳаммасини ея олмайман, – дедим.

– Қолганини кейин ерсан, – деди у.

Танаффусда биз ҳам худди бошқалардек иси-нишга уриндик, оёғимизни оёғимизга ура бошладик. Учаламиз ҳам қўлимизни шимимизнинг чўнтагига солиб, футбол майдонига орқа ўтирганча бошқа томошабинларни кузата бошладик. Тўсатдан оломон орасида кимдир отамни чақириб қолди. Отам эса қўлларини қулоғига тутиб, унинг гапларини эшитолмаётганига ишора қилди.

– Боролмайман, – деди у бизга ишора қилиб, – болаларим билан биргаман.

Сиёҳранг шарфдаги одам атрофдагиларни нари-бери итариб биз томонга ошиқди.

– Булар сенинг болаларингми? – деди у отам билан қучоқлашиб кўришар экан. – Ишонгим келмаяпти, катта бўлиб қолишибди-ку!

Отам мийиғида кулиб турарди.

– Қачон катта қилиб улгурдинг? – тинмай жаврарди отамнинг таниши бизга ҳайратланиб тикиларкан. – Мактабни битирибоқ уйланибсан-а?

– Ҳа, – деди отам танишининг юзига қарамай.

Улар гаплаша бошлашди. Сиёҳранг шарфли киши бизнинг кафтимизга биттадан Америка пис-тасидан тутқазди. У кетгач, отам ўриндиққа ўти-риб, узоқ сукутга чўмди. Футбол жамоалари май-донга тоза кийимда югуриб чиқиб келишаётганда отам:

– Уйга кета қолайлик. Совуқ тушиб қолди, – деди.

– Мен совқотмаяпман, – деди акам.

– Йўқ, совуқ-ку. Али ҳам совқотиб қолади. Қани, тура қолинглар.

Ўтирганларнинг тиззаларига урила-урила, оёқ-ларини боса-боса ўйингоҳдан чиқиб кета бош-ладик. Кўчага чиқишимиз ҳамон ҳакамнинг ҳуш-таги эшитилди. Иккинчи тайм бошланган эди.

– Совқотдингми? – сўради акам мендан. – Нега отамга совқотмадим, деб айтмадинг?

Акамнинг гапига жавоб қайтармадим.

– Аҳмоқ, – деди у.

– Иккинчи таймни уйда радиодан эшитасизлар, – деди отам.

– Бу ўйинни радиода беришмайди, – жавоб қай-тарди акам.

– Бўлди, – деди отам. – Уйга Тақсим орқали қай-тамыз.

Биз индамай йўлда давом этдик. Отам маши-нани Тақсим орқали ҳайдади. Тақсимдан ўтгач, от пойгасига кўзимиз тушди. Пул тиккани отам ма-шинани бир четда тўхтатди.

– Эшикни ҳеч кимга очманглар. Мен тезда қай-таман.

У машинадан тушди. Машина эшигини калит билан қулфлагунча бўлмай, биз уни ичкаридан қулфлаб олдик. Лекин отам чиптачининг олдига эмас, бошқа тарафга қараб йўл олди. Илдам одим-

лаб, хиёбонни кесиб ўтди-да, аллақандай дўконга кириб кетди. Дўкон деразасидан осиб қўйилган самолётлар, кемалар, гузал манзарали катта-катта плакатлар кўриниб турарди.

– Отам қаерга кетяптилар?

– Уйга борганимиздан кейин «Тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнаймиз, – деди акам саволимга жавобан.

Отам қайтиб келгач, акам тезлик билан узатиш дастасини жойига суриб қўйди.

Биз Нишонтоши майдонига етиб келдик. Отам машинани мачит ёнига қўйди ва Оловуддин дўконини ёнидан ўтиб кетаётганимизда:

– Сизларга бирон нарса олиб бермоқчиман, фақат анови «Машҳур» деган сақичдан олиб беринг, деб тиқилинч қилманглар, – деди у.

– Отажон, олиб беринг, – ялиндик биз.

Отам Оловуддин дўконига кириб, биз хуш кўрадиган сақичдан ҳар биримизга ўн дондан олиб чиқди. Биз уйимиз йўлагига киргач, мен бесаранжом бўла бошладим. Лифт ичида ҳожатга чиққим келиб қолса бўладими? Уйимизнинг ичи иссиққина эди. Ойим ҳали бувимникидан қайтиб келмаган экан. Биз отам олиб берган сақичларни шоша-пиша очиб, қоғозларини ерга ташлай бошладик. Сақичимнинг ўраמידан Февзи Чакмак Пошо сурати, бошқасидан Чарли Чаплин ва жангчи Хамит Капланнинг сурати чиқди. Ганди, Моцарт ва Шарль де Голл, иккинчисидан Отатуркнинг тасвири, яна биттасидан Грета Гарбонинг расми чиқди, бундай қистирмалар акамда йўқ эди. Қўлимда роппа-роса 173 та қистирмам бор, бироқ ҳамма туркумларни тўплаш учун менга яна 27 та турли қистирмалар керак эди. Акамнинг қўлига маршал Февзи Чакмак Пошо акс эттирилган тўртта қистирма, Отатуркнинг сурати бор бешта

қистирма, Эдисон суратли битта қистирма тушиб қолди. Биз оғзимизга биттадан сақич солдик-да, қистирманинг орқа томонига ёзилган сўзларни ўқий бошладик:

«Маршал Февзи Чакмак (1876–1950), Озодлик уруши бош қўмондони. «Машҳурлар» туркумидан 1000 та турли қистирмали тўплам йиғинг ва теридан ясалган футбол тўпини Мамбо Шикер Чаклет Санайи фабрикаси томонидан туҳфа сифатида қабул қилинг».

Акам аввалдан йиғиб келаётган қоғозли сақичдан чиққан жами 165 расмни қўлида ғижимлаб:

– «Тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнаймизми? – сўради у.

– Йўқ, – дедим.

– Менинг ўн иккита Февзи Чакмакимга битта Грета Гарбони алмашасанми? Шунда сенда роп-п-роса 184 та бўлади.

– Йўқ, алмашмайман, – жавоб қайтардим мен.

– Сенда Грета Гарбодан иккита-ку.

Мен индамай туравердим.

– Эртага эмлаётган пайтда яна юрагим тарс ёрилади, деб ёнимга югуриб келмагин, хўпми?

– Келмайман ҳам.

Кечки овқатни жимгина тановул қилдик. Ҳаммамиз «Спорт дунёси» кўрсатувини кўриб, ўйин 2:2 билан якунланганини эшитдик. Онам бизни уйқуга ётқизиш учун хонамизга кириб келди. Акам папкасини саранжомлаётганди, мен меҳмонхонага югуриб чиқиб кетдим. Отам дераза ёнида кўчага қараб турарди.

– Ота, эртага мактабга боргим келмаяпти.

– Нималар деяпсан, ўғлим?

– Эртага бизни эмлашмоқчи, – дедим мен. – Хат ёзиб беринг. Иссиғим чиқиб, нафасим сиқилиб қолади. Ойим биладилар.

Отам менга индамай қараб турарди. Мен қоғоз-қалам олиб келиш учун югуриб чиқиб кетдим.

– Ойингнинг бундан хабари борми? – сўради отам ўқиб ниҳоясига етказа олмаётган Кьеркегорнинг¹ китоби устига мук тушиб. – Мактабингга, албатта, борасан. Мен сени эмламанглар, деб ёзиб бераман.

Отам хат ёзиб берди. Хат сиёҳини пуф-пуфлаб қуритдим-да, буклаб чўнтагимга тикдим. Сўнг хонамга кириб, хатни сумкамга солиб қўйгач, каравотда сакрай бошладим.

– Жиннилик қилма, – деди онам. – Қани, ётиб ухла.

II

Мактабда танаффус пайти жуфт-жуфт бўлиб сафланганча бутун синф эмланиш учун ошхонага тушдик. Биров йиғлар, кимдир қўрқув билан ўз навбатини кутарди. Йод ҳидидан юрагим ғалати бўлиб кетди. Мен сафдан чиқиб, зинапоя ёнида турган ўқитувчининг ёнига келдим.

– Нима бўлди? – сўради ўқитувчим.

Мен чўнтагимдан отам ёзиб берган хатни чиқариб, ўқитувчимнинг қўлига тутқаздим. У афтини бужмайтириб, хатни ўқиди.

– Сенинг отанг шифокор эмас-ку, – деди у. Сўнг бирпас ўйланиб турди. – Бўпти, тепага чиқиб, 2-«а»да кутиб тур.

2-«а» синфида менга ўхшаш олти-еттита «сабабли» болалар бор эди. Улардан бирининг бутун диққат-эътибори деразада эди. Йўлакдан қичқи-

¹ Сёрен Кьеркегор – машҳур даниялик файласуф, психолог ва ёзувчи (1813–1855).

риқ ва йиғи овозлари эшитилар, семиз, кўзойнак таққан навбатчи писта чаққанча Киновнинг китобини мутолаа қиларди. Эшик очилиб, директорнинг найнов ёрдамчиси Сайфибей кириб келди.

– Сизлардан бирингиз ростдан ҳам касал бўлишингиз мумкин, – дея гап бошлади у. – Агар кимнингдир ҳақиқатан ҳам сабаби узрли бўлса, унда эмламасликка мажбурмиз. Тез орада ўсиб, улғаясиз. Она Ватан учун хизмат қиласиз. Мустақил ҳаётга йўл оласиз. Бугун кимда-ким эмлашдан қочса, келгусида Ватанига муносиб фарзанд бўлиб етишолмайди. Ўғил болалар учун бу – уят!

Орага узоқ жимлик чўкди. Мен Отатурк портретига тикилиб туриб, кўзимга ёш қалқди. Сўнг ҳеч нарса бўлмагандек синф томон қараб кета бошладик. Эмланган болалардан қай бирлари қўлларини авайлаганча, қай бирлари кўзларида ёш, афтлари оғриқдан буришиб, синфхонага кириб кела бошладилар.

– Уйи яқинларга рухсат, кетаверинглар, – деди ўқитувчимиз. – Уйидан одам келувчилар охирги кўнғироқчача ўтирадилар. Бир-бирингиз билан уришманглар, қўлларингизни эҳтиёт қилинглар. Эртага мактабга келманглар. Ўқиш бўлмайди.

Ҳамма севинганидан қичқириб юборди. Эшик тагида «эмланганлар» енгларини шимариб, эшикбон Ҳилмий афандига қўлларидаги йод доғини кўрсатарди.

Мен қўлимга сумкамни олдим-да, кўчага отидим.

Қорабата гўшт дўконининг олдида от арава йўлимни тўсиб турарди. Мен арава ёнидан сирғалиб ўтдим-да, кўча ошиб, йўлкачамга тушиб олдим. Тайёр кийимлар сотувчиси Хайрининг, гулфуруш

Солиҳнинг ёнидан ўқдай учиб ўтдим. Эшикни уйимизнинг эшикбони Нозим афанди очди.

– Нега мактабдан барвақт келдинг? – деб сўради у.

– Бизни мактабда эмлашган эди, шунинг учун барвақт қўйиб юборишди, – жавоб бердим мен.

– Аканг қани? Бир ўзинг қайтиб келдингми?

– Ҳа, трамвай йўлидан ўзим ўтдим. Эртага ўқишга бормас эканмиз.

– Ойинг уйда эмас, шекилли, – деди у. – Бувингнинг ёнига чиқа қол.

– Уйимга бораман, – дедим мен. – Мазам йўқроқ. Илтимос, эшикни очиб берсангиз. У девордан калитни олди ва биз лифтга чиқдик. Лифтнинг ичи тутунга тўлиб кетибди, кўзим ёшланди. Нозим афанди эшигимизни очиб берди.

– Эҳтиёт бўл, электр анжомларини ўйнама, тагин, – эшикни бекитди-ю, сўнг эшикбон ташқарига чиқиб кетди.

Уйда ҳеч ким йўқлигини билиб турсам-да, бор овозим билан:

– Уйда ким бор? – деб қичқирдим.

Мен сумкамни қўйиб, акамнинг жавонини очдим-да, кино чипталари йиғиндисини томоша қила бошладим. Буларни у менга кўрсатмасди-да. Футбол ўйинлари босилган газеталардан қирқиб олиб, дафтарига ёпиштирган суратларни томоша қилишга берилиб кетганимдан эшикка калит солиб очаётганларини пайқамабман ҳам. Кўрққанимдан қотиб қолдим. Уйга кириб келаётган кимсанинг қадам товушидан онам эмас, отам эканлигини пайқадим. Мен эҳтиётлик билан чипта ва дафтарни акамнинг жавонига солиб қўйдим. Отам ётоқхонага кириб, шкаф эшигини очиб, уни кўздан кечирди.

– Шу ердамисан? – деди у.

– Йўқ, Париждаман, – дедим мен мактабда болалар берадиган жавобларга тақлид қилиб. – Бугун синфимиздагиларни эмлашди.

– Аканг кўринмайдими? – сўради у. – Яхшиси, хонангга бор-да, тўполон қилмай ўтир.

Мен хонамга кириб, пешонамни дераза ойнасига тираганча ташқарини кузата бошладим. Тарақлаган овоздан отам шкафдан жомадонни олаётганини сездим. Бироз вақт ўтиб, у шкафдаги шим, свитер, ички кийимлари, кўйлак, пайпоқларини олаётганини пайқадим. Уларни жомадонга солаётган эди. Ювиниш хонасига кириб чиқди-да, сўнг жомадонни шиқирлатиб қулфлади.

– Бу ерда нима қиляпсан?

– Деразадан ташқарига қараяпман.

– Қани, ёнимга кел-чи.

Отам елкамдан қучди, шу кўйи узоқ вақт деразадан ташқарига қараб турдик. Қаршимиздаги уй ўртасида баланд бўйли сарв дарахти бўлиб, учлари шамолда оғир чайқаларди. Мен отамнинг қадрдон ва азиз ҳидини туйдим.

– Мен узоққа кетяпман, – деди у мени ўпиб қўяркан. – Онангга ҳеч нарса дема. Кейин ўзим айтаман.

– Самолётда учиб кетасизми?

– Ҳа, – деб жавоб берди у. – Парижга учаман. Ҳеч кимга ҳеч нарса дема.

Отам чўнтагидан катта танга пул олди-да, менга берди.

– Ҳеч кимга ҳеч нарса дема, – деди у яна бетимдан ўпиб қўяркан. Мени бу ерда кўрганингни ҳеч кимга айтма.

Пулни дарҳол чўнтагимга солиб қўйдим. Отам мени қучоғидан чиқариб, жомадонини кўтариб олди.

– Отажон, кетманг, – ялиндим мен. У яна мени қучиб ўпди-да, чиқиб кетди.

Мен дераза ёнига бориб, унинг ортидан қараб қолдим. Отам Оловуддин дўкони томон йўл олди, йўлда келаётган таксини тўхтатди. Таксига ўтиришдан аввал уйимиз томон ўгирилиб қаради-да, менга қўлини силкиди. Мен ҳам қўл силкитиб қўйдим. Отам машинага ўтирди-да, кетди.

Мен бўм-бўш кўчага узоқ қараб қолдим. Бу орада бир трамвай, сўнг от қўшилган сув араваси ўтди.

Нозим афандини чақирдим.

Уйга кириб келаркан:

– Сен қўнғироқ қилдингми? Қўнғироқни ўйнама дегандим-ку, – деди у.

– Манави икки лирага, – дедим унга. – Оловуддин дўконига бориб, менга «Машҳурлар» сақичидан олиб келиб беринг. Қайтимини қайтариб берарсиз.

– Пулни отанг бердими? – сўради у. – Қара, яна онанг хафа бўлиб юрмасин.

Мен унга лом-мим демадим, у кетди. Мен унинг ортидан кузатиб, Оловуддин дўконига киришини томоша қилиб турдим. Орадан бироз вақт ўтгач, у дўкондан чиқиб келди. Қаршимиздаги уйдан чиқиб келган ўша уйнинг эшикбонига дуч келиб қолди-ю, иккаласи гаплаша кетди.

Ёнимга келиб, айтган нарсам билан қайтимни қўлимга тутқазди. Мен шошилмасдан сақичнинг ўрамини оча бошладим. Яна маршал Февзи Чакмакдан учта қистирма, битта Отатурк, Линдберг, Леонардо да Винчи, Қонуний Султон Сулаймон, Черчилл, генерал Франкодан биттадан – бунақаси менда йўқ эди. Акамда бўлмаган 21-рақамли – Грета Гарбо тасвири туширилган битта қистир-

ма. Шундай қилиб, мендан 183 та қистирма бор, футбол тўпига эга бўлишим учун яна 27 та турли қистирма зарур.

Мен биринчи бўлиб самолётда Атлантика узра учиб ўтган Линдберг тасвири туширилган қистирмани томоша қилиб ўтирганимда калит товуши эшитилди ва эшик очилди. Онам! Мен тезда полда сочилиб ётган нарсаларимни йиғдим-да, уларни ахлат қутисига ташлаб юбордим.

– Эмлашган эди, шунинг учун уйга барвақт келдим, – дедим онамга. – Ҳар хил касалликларга ча-линмаслигим учун эмлашди.

– Аканг қаерда?

– Уларнинг синфини ҳали эмлашмади, – жавоб бердим онамга.

– Бизнинг синфимиздагиларга жавоб бериб юборишди. Йўлдан ўзим ўтиб келдим.

– Ҳеч қаеринг оғримаяптими?

Индамадим. Орадан ҳаял ўтмай, акам кириб келди. Унинг қўли оғриётган эди. У каравотга ётди, ўнг қўлини авайлаб, уйқуга кетди. Акам уйғонганда атрофга қоронғилик ўз чодирини ёпган эди.

– Ойи, жудаям оғрияпти, – деди у.

– Кечга бориб, иссиғинг ҳам чиқиши мумкин, – деди онам бошқа хонада оқликларни дазмолларкан. – Али, сенинг ҳам қўлинг оғрияптими? Қимирламай, жим ётсаларинг, оғримайди.

Биз онамнинг айтганини қилиб жим ётдик. Акам бироз мизғиб олгач, спорт ҳақидаги газетани ўқий бошлади. Сўнг иккинчи таймда қолмай, тўртта гол урилганини кўролмай қолганимизга мен айбдор эканлигимни айтди.

– Нима, майдондан биз кетмаганимизда бу голлар дарвозага урилмаган бўлармиди? – бўш келмадим мен.

– Нима?! – ўшқирди акам.

Акам яна ухлаб қолди. Уйқудан уйғониб, олти-та Февзи Чакмак суратига тўртта Отатурк ва учта Грета Гарбо тасвирини алмаштириб беришимни сўради. Мен рози бўлмадим.

– «Тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнаймизми? – деди акам.

– Ўйнасак, ўйнайверамиз!

Бу ўйинда кафтларингга «Машҳурлар» туркумидаги қистирмаларни териб қўясан. Устими-ости, деб сўрайсан. У ости деса, сен пастдаги қистирмани суғурасан. Унга қарайсан, рақамини кўрасан. Масалан, 178-рақамли Рита Ҳайворт. Устидаги қистирма эса 8-рақамли Данте. Шунда пастдаги қистирмалар қўлингдан чиқиб кетади, сен ўзингда кўп бўлган қистирмалардан бирини шеригингга берасан. Кечгача Февзи Чакмак қистирмаси мен билан акам ўртасида роса югурди.

Кечки овқат пайтида онам:

– Биттангиз юқоридан хабар олинг-чи, отангиз келдими-йўқми? – деди.

Ака-ука юқорига кўтарилдик. Бувим билан бувам ҳордиқ чиқаришмоқда эди, отам кўринмасди. Биз радиодан янгиликларни эшитиб, газетада ёритилган спорт саҳифасини ўқиб чиқдик. Бувим билан бувам овқатлангани ўтиришганда биз пастга тушдик.

– Қаёққа йўқолдиларинг? – сўради онам. – Ҳар қалай, у ерда овқатланмагандирсизлар? Ҳозир шўрва сузиб бераман. Отангиз қайтгунча бемалол овқатланиб олинглар.

– Иссиқ нон борми? – деб сўради акам.

Онам бизнинг жимгина овқат ейишимизга қараб турарди. Бошини тутиб, қулоғини динг қилиши, бизларга маъюс боқишидан лифт юрма-

ётганмикан, деган маъно сезилиб турарди. Биз овқатланиб бўлгач, онам: «Яна сузиб берайми?» – деб овқатли идиш ичига қараб қўйди.

– Овқат совимасдан ичиб олсаммикан, – деди у ўйланқираб. Ўрнидан турди-да, Нишонтоши майдонига қараётгандек деразадан ташқарига узоқ тикилди. Анча пайтгача индамай пастга қараб турди. Ортга ўгирилиб, ўзига ҳам шўрвадан сузиб ичди. Биз ака-ука кечаги футбол ўйинини муҳокама қила кетдик.

– Секин, – деди онам. – Лифтнинг овозими эшитилаётган?

Биз баҳсдан тўхтаб, диққат билан қулоқ тутдик. Бу лифтнинг овози эмас эди. Жимликни трамвайнинг шовқини бузди, стол ва унинг устидаги сув тўла графин ҳам зириллар эди. Биз пўртахолни еб бўлган ҳам эдикки, лифт овози эшитилди. Овоз тобора яқинлашиб келарди. Лифт бизнинг қаватда тўхтамай, бувимлар томон юқорилаб кетди.

– Юқорига чиқиб кетди, – деди онам.

Овқатдан сўнг онам:

– Ликобларингизни ошхонага олиб бориб қўйинглар. Отангизники жойида қолсин, – деди.

Биз стол устини йиғиштириб олдик. Отамиз учун қўйилган ликоб узоқ вақт стол устида қолиб кетди.

Онам полиция идораси кўриниб турадиган дераза ёнида анчагача туриб қолди. Сўнг қандайдир фикр бошига келиб урилгандек отамга қўйилган ликоб, қошиқ ва санчқиларни олиб, ошхона томон йўл олди. Идишларни ювмасдан ҳам:

– Бувимизнинг олдига чиқаман, – деди у. – Уришмай ўтиринглар.

Мен билан акам «тоқ ва жуфт» ўйинини ўйнай бошладик.

– Жуфт, – дедим мен.

Акам кафтидаги қистирмалардан бирини чиқарди-да, менга кўрсатди:

– Дунёдаги энг машҳур курашчи – Улкан Юсуф. 34-рақамли пастдагисига қаради. – Отатурк, 50-рақамли. Сен ютқаздинг, – деди у. – Менга яна битта қистирма бер.

Узоқ давом этган ўйинда фақат акам ютди.

– Мен бошқа ўйнамайман, – дедим жаҳлим чиқиб. – Онамнинг ёнига чиқаман.

– Онамнинг жаҳли чиқади.

– Уйда бир ўзинг қолишга қўрқяпсанми, қуён-юрак?

Бувимнинг уйи ҳар доимгидек очиқ экан. Улар овқатланиб бўлишган, Бакир ошпаз идиш-товоқларни ювмоқда эди. Бувим билан бувам бир-бирларига рўбарў ўтиришарди. Онам эса Нишонтоши майдони кўриниб турадиган дераза ёнида турарди.

– Бу ёққа кел, – деди онам ойнадан кўзини олмай. Мен шу ондаёқ худди мен учун тайёрлаб қўйилгандек ойна билан онам ўртасидаги бўшлиққа суқилдим ва онамга орқам билан ёпишиб туриб олиб, икковлон Нишонтоши майдонига диққат билан қарай бошладик. Онам қўлини бошимга қўйиб, узоқ вақт сочларимдан силади. – Отанг чошгоҳда уйга келибди, сен уни кўрибсан, – шивирлади у.

– Ҳа, – дедим мен.

– У келиб, жомадонини олиб кетибди. Нозим афанди айтди.

– Ҳа.

– Қаерга кетаётганини сенга айтдимиз?

– Йўқ, – жавоб бердим мен. – Улар менга икки ярим лира бердилар.

Тунги қоронғилик ичидан дўконлар қорайиб кўринар, у ёқдан бу ёққа юраётган машиналарнинг чироқлари милт-милт қиларди. Чор-атрофда маъюслик ҳукмрон эди: кўча ўртасидаги йўл но-зирининг жойи бўм-бўш, хиёбондаги тошлар, рек-лама тахталаридаги ҳарфлар ёмғирдан ҳўл бўлган. Яна ёмғир ёға бошлади. Онам ҳамон сочимни си-ларди.

Бувим билан бувам ўртасидаги доимо шанғил-лаб турадиган радио ҳозир миқ этмай турарди, мен кўрқиб кетдим.

– Қизим, у ерда турма, – деди бувим онамга. – Келинглар, бу ёққа ўтиринглар.

Шу тобда акам ҳам бизнинг ёнимизга чиқиб келди.

– Ошхонага киринглар, – деди бувим бизга. – Бакир, – чақирди у ошпазни. – Уларга копток ясаб бер, даҳлизда ўйнашади.

Бакир идиш-товоқларни ювиб бўлган эди.

– Бу ёққа келинглар, – деб чақирди у бизларни ва бувимнинг ойнаванд гулхонага айланган айво-нидан газета ўрамларини олиб келиб, бизга қоғоз-дан копток ясай бошлади. Копток унинг муштуми-дек бўлгач, Бакир:

– Бўлдими? – деб сўради биздан.

– Сал каттароқ қилинг, – илтимос қилди акам.

Бакир газета ўрамларидан копток ясагунига қадар қия очиқ эшик оралиғидан бувим билан бу-вамнинг қаршисида ўтирган онамни кузатдим. Бакир қутидан боғич олиб, газетадан ясалган коп-токни чандиб, ўради. Букланмай қолган ерларини текислаш учун копток атрофини латта билан ҳўл-лади-да, қўли билан яна бир эзғилаб қўйди. Акам-нинг сабри чидамай, коптокка қўлини теккизиб кўрарди.

– Буни қаранглар-а, – деди у, – тошдек бўпти-ку.
– Босиб кўр-чи, – деди Бакир.

Акам авайлабгина бармоғи билан кўрсатилган жойни босиб кўрди. Бакир чилвир билан коптокни яна бир карра чандиб, сўнг бизга берди. Биз коптокни уриб, осмонга ота бошладик.

– Даҳлизга чиқиб ўйнанглар, – деди Бакир. – Бу ерда у-бу нарсани синдириб қўясизлар.

Мен ўзимни «Фонарбоғча»даги Лефтердек тасаввур қилдим ва ўйинга берилиб кетдим. Эшикка гол ураман деб, бир неча марта акамнинг оғриб турган қўлига зарба бериб юбордим. У ҳам мени тепиб ўтди, аммо буни мен сезмадим. Биз қора терга ботдик, тўп титилиб кетди. Мен 5:3 ҳисобида ютаётган эдим. Тўп билан яна акамнинг оғриётган қўлига уриб юбордим. У полга ётиб олди-да, йиғлай бошлади.

– Оғриғим ўтсин, сени ўлдираман, – деди у менга пўписа қилиб.

У ютқазиб қўйганидан аламзада эди. Мен даҳлиздан меҳмонхонага ўтдим. Бувим, онам ва бувам кабинетга ўтишган эди. Бувим телефон рақамларини айлантириб:

– Алло, алло, – деди у оналарга хос эркаловчи оҳангда. – Алло, бу «Яшилқўл» аэропортими? Азим, биз самолётда Европага учиб кетган бир йўловчи ҳақида сўрамоқчи эдик. – У отамнинг исми шарифини айтди. Қўли билан телефон шнурини айлантирганча бирпас кутиб турди. – Менга сигарета олиб кел, – деди у бувамга. Бувам чиқиб кетгандан сўнг гўшакни қулоғидан олди. – Қизгинам, айт-чи, – дея у онамга ўтирилди. – У бошқа бир аёлга илакишиб қолмаганми? Бирон нарса биласанми?

Онам нима деб жавоб берганини илғаёлмадим. Бувим унга шундай тикилдики, гуё онам ҳеч нар-

са демади, бувим ҳеч нарсани эшитмади. Кейин телефонда нимадир дейишди. Бувимнинг жаҳди чиқди.

– Бундай маълумотни беришмас экан, – деди у қўлида сигарета ва кулдон билан бувимга яқинлашаётган бувамга.

Шу ерда бувам мен ҳам борлигимни кўриб қолди, онам унинг қарашилини тушуниб, қўлимдан ушлаганча мени даҳлизга етаклаб чиқди. Қўлини ёқам ичига тиқиб, менинг терлаб кетганимни билди, аммо аччиғи чиқмади.

– Ойи, қўлим оғрияпти, – деди акам.

– Ҳозир пастга тушамиз, сизларни ухлатаман.

Пастда, биз яшаётган қаватда учаламиз узоқ вақт сукут сақлаб ўтирдик. Ўринга ётишдан олдин мен тунги кийимда ошхонага кириб, стаканда сув олиб, меҳмонхона бўлмасига ўтдим. Онам дераза ёнида сигарета чекиб турарди.

– Ялангоёқ юрма, совқотасан, – деди онам мени кўриб. – Аканг ётдими?

– Ухлади. Ойи, менинг сизга айтадиган гапим бор.

Онам билан дераза оралиғига суқулиб олиш учун бирпас кутиб турдим. Онам озгина сурилди ва мен ўша илиқ жойни эгалладим.

– Отам Парижга кетдилар, – дедим мен. – Биласизми, улар қайси жомадонни олдилар?

Онам ҳеч нима деб жавоб бермади. Биз тунги сукунат ичида ёмғирли кўчани узоқ кузатдик.

III

Бувимнинг уйи Шишлидаги мачитнинг рўпарасида жойлашганди. Бу – трамвай депосининг олдидаги сўнгги бекат. Ҳозир бу ердаги майдонни автобус бекатлари, катта-катта реклама тах-

таларига тўлиб-тошган йирик дўконлар босиб кетган. Унинг атрофида баҳайбат офис бинолари қад кўтариб келмоқда, уларда жуда кўплаб одамлар ишлайди. Ҳар куни тушлик пайтида улар йўлакларга тўпланадилар-да, чумолиллардай у ёқдан бу ёққа югуришади. Бу – Истанбулнинг ғарбий қисмида жойлашган чекка жойлардан бири эди. Биз ҳар гал сарв ва тут дарахтлари остидан юриб, онамизнинг қўлидан ушлаб, уйимиздан ўн беш дақиқалик масофада жойлашган кенг, сокин, тош терилган майдони томон ўтиб борар эканмиз, ўзимизни худди шаҳар чеккасига келиб қолгандай ҳис этардик.

Бувим уйнинг тўртинчи қаватида яшарди. Уй бетон ва тошдан қурилган, у тик қилиб қўйилган гугурт қутисини эслатарди. Уйнинг бир томони ғарбий, яъни шаҳар томонга, иккинчиси – шарқий, яъни қирларга, тутзорларга қараган. Бувим эри ўлиб, қизларини турмушга бергандан сўнг бу уйнинг бир хонасидагина яшай бошлаган. Хона шкафлар, столлар, стуллар ва пианино билан тўлдириб ташланган эди. Унга овқатни катта қизи пишириб берар, ўзи олиб келар ёки ҳайдовчидан бериб юборар эди. Бувим ўзига овқат пишириш учун уйдан икки қават пастдаги ошхонага тушиб ўтирмасди, бошқа хоналарга кирмас, улардаги ипаксимон пўпанаклару икки энли қалинликдаги чангни тозаламасди, худди онаси сингари йиллар давомида ҳайҳотдай ёғоч уйда истиқомат қилиб келарди. Онасидан унга «ёлғизлик» деб аталувчи сирли касаллик юққан – на хизматкор, на ходима ёллаш унинг фикри ўйига келмасди.

Биз бувимни кўргани келганимизда онам узоқ вақт қўнғироқни босар, муштлири билан уриб темир эшикни дўпиллатарди. Охири бувим Шишли

мачитига қараган иккинчи қаватдаги деразанинг темир табақасини очар, баланддан пастга қараб, биздан овоз чиқариб чақиришимизни сўрарди. Кексаликдан хиралашган кўзларига ишонмасди, шекилли-да.

– Эшик олдидан нари туринглар, бувиларинг сизларни кўрсин, – дерди ойм. Биз йўлакнинг ўртасига бориб турардик. Онам унга қўлини силки-тарди ва қичқирарди:

– Ойижон, мен болаларим билан келдим, эшит-япсизми?

Шунда бувиминг юзида табассум пайдо бўларди. У бизни кўрганини, билганини тушунардик. Бувим тезлик билан дераза ёнидан ўзини ичкарига урарди, ёстиғининг тагидан катта калитни оларди, уни газетанинг бир бўлагига ўрарди-да, йўлакка ташларди. Биз акам билан ким ўзарга чопиб, калитга ташланардик.

Ҳозир акам оғриган қўли билан калитга қараб югуролмасди, мен калитни ердан олдим-да, онамга бердим. Онам калитни базўр айлантирди. Охири темир эшик ғийқиллаб очилди. Қоронғиликда ди-моғимизга ислар, пўпанаклар, диққинафаслик, фақирлик, кексаликнинг оғир нафаси урилди. Мен бундай ҳидни бошқа ҳеч жойда учратмаган-ман. Эшик ёнидаги кийимилгичда бобомнинг мўйна-ли пальтоси, бош кийими осилиб турар, пастда ҳамиша мени қўрқитиб турадиган этиклари кўри-нарди. Бувим буларнинг ҳаммасини уйга ўғрилар кириб келса, уйда эркак киши бор, деб ўйласин учун қўйиб қўйган эди.

Биз ёғоч зинанинг тепасида турган бувимизни кўрдик. У қоронғиликда худди шарпадай қимир-ламай турар, қўлида ҳасса, қиров босган дераза-дан тушиб турган хира нур уни ғира-шира ёритиб

турарди. Зинапояларни ғичирлатиб битта-битта босганча тепага кўтариларканмиз, онам бувим билан гаплашмаётганди, одатда онам доим у билан:

– Нечуксиз, ойижон? Сизни соғиндим. Ташқари жуда совуқ, ойижон, – деб сўрашарди.

Зинапоянинг юқорисига чиққач, онам бувимни чўпиллатиб ўпди, юзи ва қўлидаги катта-катта холларига эътибор бергани йўқ. Биз унинг битта тишли оғзига, осилган жағига ва узун тукли холига қўрқиб қарадик. Хонага кириб, онамнинг икки томонидан унга маҳкам ёпишиб ўтириб олдик. Бувим узун тунги кўйлак ва узун жун нимчада эди. У шу кийимда бутун кунни ўтказарди, чунки доим тўшакда ётар эди-да. Бувим бизга жилмайиб қаради ва кўзларида айёрона кулги ўйнади: «Қандай мени хурсанд қилдинглар-а!» – дегандай.

– Печкангиз ёмон иситаркан, – деди онам. У қўлига оташкуракни олиб, печка ичидаги ўтинларни кавлади.

Бувим бирпас кутиб турди.

– Қўй, шу печкани. Яхшиси, мен билан гаплашиб ўтир. Оламда нима гаплар?

– Ҳеч гап йўқ, – деди онам ёнимизга ўрнашиб ўтираркан.

– Ҳеч гап йўқми?

– Мутлақо, ойижон.

Қисқа сукутдан сўнг бувим сўради.

– Ҳеч кимни кўрмадингми, ҳеч ким билан гаплашмадинг ҳамми?

– Буларни биласиз, ойижон, – деди онам.

– Э, Худойим-ей, наҳотки биронта ҳам янги гап бўлмаса?

Ўртага жимлик чўкди.

– Бувижон, бизларни эмлашди, – дедим мен.

– Шунақами?! – ҳайрат билан деди бувим мовий кўзларини катта-катта очиб. – Оғримадими?

– Менинг қўлим оғрияпти, – деди акам.

– Ўҳ-ўҳ-ўҳ, – ҳамдардлик билдирди бувим.

Яна ўртага узоқ сукунат чўмди. Биз акам билан дераза олдига келдик ва олис-олислардаги қирларга, тутларга қарадик, томорқалар ортидаги бўм-бўш эски товукхоналарни кузатдик.

– Шундай қилиб, олам сув қуйгандай жим де, – деди бувим онамга ялингансимон оҳангда. – Қай-нонангникига чиқиб турарсан. Уникига ҳам ҳеч ким келмаётган эканми?

– Кеча пешинда Дилрабо хоним келди, – деди онам. – Улар анча вақтгача қарта ўйнаб ўтиришди.

Худди кутганимиздек, бувим ҳаяжонланиб, қийқириб юборди:

– У саройда яшаган, ахир!

Албатта, бувим безаклари, ранглари ўчиб кетган, биз газета ва журналларда кўп ўқиган Боту қасрини эмас, балки Дўлмабоғча саройини назарда тутаётганди. Бувимнинг Дилрабо хонимга гаши келаётгани йўқ эди. Бу хоним ёш пайтида сўнгги подшоҳ ҳарамида канизак бўлган, кейинроқ бир савдогарга турмушга чиққан, гап бунда эмас. Ҳамма гап – бувим уни дўстлашишга, билишга арзимайдиган одам деб ҳисобларди, холос. Унинг гашига теккан мана шу нарса эди. Мен буни кўп йиллар ўтиб тушундим. Улар гапни бошқа томонга буришди, бу мавзуда ҳам онам бувим билан тинмай баҳслашарди: бувим ҳафтада бир марта энг қиммат ва машҳур Абдухолиқ афандининг ресторанига борар, у ерда бир ўзи овқатланар, кейин анчагача таомларнинг яхши эмаслигидан нолиб ўтирарди. Учинчи ўзгармас мавзу тўсатдан берилган саволдан очиларди:

– Болалар, бувингиз сизларга кўкат-пўкат берадими?

Биз онам ўргатгандай бир овоздан:

– Йўқ, бермайдилар, – дердик.

Одатдагидек, бир кун кимнингдир томорқасида кўм-кўк кўкатлар устига «ўтириб қўйган» мушукни кўриб қолганини ҳикоя қила бошларди. Энди бу кўкатни кимдир олади, қайсидир ресторанда таомга қўшилади, қайсидир одам уни тановул қилади-ку, деб яна эски ашуласини айтарди.

– Ойижон, – деди онам, – болалар зерикишди, улар бошқа хоналарни ҳам кўришмоқчи. Мен рўпарадаги хона эшигини очиб бераман.

Дераза оша биронта хонага кирган ўғри бошқасига киролмасин, деб бувим ҳар бир хона эшигини қулфлаб қўярди. Онам бизга катта ва совуқ хонани очиб берди. Деразаси трамвай йўлига қараган бу хонада онам ҳам бир муддат биз билан қолиб, ундаги оппоқ мато қопламали оромкурси ва диванларга, занглай бошлаган ва чанг босган чироқларга, стол ва сандиқларга, газеталар ўрамига, деворга тираб қўйилган аёллар велосипедининг эгма рулига қаради. Бироқ у ҳар доимгидай сандиқнинг олдига югуриб бормади, у ердан кийимларни олиб, чиқариб:

«Болалар, қаранглар, ойингиз болаликда кийган кийимлар! Холангизнинг мактаб фартугини кўрасизми? Онангизнинг болаликдаги папкасини-чи?» – дея бизга ҳаяжонланиб кўрсатиб ўтирмади.

– Совқотсангиз, кирарсизлар, – деди онам ва ўзи чиқиб кетди.

Биз акам билан дераза ёнига югуриб бордик ва уй рўпарасидаги мачит, майдондаги трамвай бекатини кузатдик. Кейин газеталарни титкилаб, бўлиб ўтган футбол ўйинлари ҳақидаги хабарларни ўқидик.

– Зерикиб кетдим, – дедим мен. – «Жуфт ва тоқ» уйнаймизми?

– Йиқилган курашга тўймас, – деди акам газетадан бош кўтармай. – Мен ҳозир бандман.

Кеча кечқурун ва тушликда ҳам ўйнаган эдик, омад фақат акамга кулиб боққан.

– Бир қўлгина ўйнайлик!

– Битта шартим бор. Агар яна ютсам, менга иккита қистирма берасан, агар сен ютсанг, битта оласан.

– Йўқ.

– Унда ўйнамайман, кўряпсан-ку, газета ўқияпман.

У газетани бирпас биз яқиндагина «Мелек» кинотеатрида кўрган инглиз фильмидаги изқуварга тақлид қилиб, ўқиётгандай ушлаб турди. Мен деразадан ташқарини бироз томоша қилдим-да, акамнинг шартини қабул қилдим. Чўнтагимдан бир сиқим «Машҳурлар» қистирмасини чиқардим. Ўйин бошланди. Аввалига мен ютдим. Кейин бирваракайига ўн еттита қистирмани ютқазиб қўйдим.

– Мен фақат ютқазяпман, – дедим мен. – Агар биз эски қоидалар билан ўинамасак, мен бошқа ўинамайман.

– Яхши, – деди акам ҳамон ўша фильмдаги изқуварга тақлидона. – Унда мен газетамни ўқийман.

Мен деразадан ташқарини яна бироз томоша қилдим. Диққат билан қўлимда қолган қистирмаларни санадим – 121 та. Кечагина, дадам кетаётганда улар 183 та эди! Мен кайфиятимни бузгим келмади ва акамнинг шартини қабул қилдим.

Бошида мен ютдим, кейин акам юта бошлади. Акам ютиб олган қистирмаларини ўзиникига қўшиб қўйди. У менинг аччиғимни келтирмаслик учун бошқа кулмади.

– Агар истасанг, бошқача йўллар билан ҳам ўйнаб кўрамиз, – деди у. – Ким ютса, битта қистирма олади. Мен ютсам, сендаги қистирмаларни танлаб оламан. Менда баъзи қистирмалар йўқ, сен уларни менга ҳечам бермайсан.

Мен рози бўлдим. Кетма-кет уч марта ютқаздим, то ўзимга келгунимча иккита Грета Гарбо, 21-рақам ва қирол Фаррухлардан биттаси, 78-рақам акамнинг қўлига ўтди, аммо булар унда бусиз ҳам бор эди.

Мен шуларнинг барисини бир қўлдаёқ ютиб олишга қарор қилдим. Ўйин қизиб борарди, натижада қўлимдан Эйнштейн, 63-рақам Мавлоно, 3-рақам Саркис Назарян, 1-0-рақамли «Мамбо» қандолат корхонасининг асосчиси, Клеопатра, 53-рақамлар қўлдан кетди. Бу қистирмалардан менда бир нусхадан бор эди, акамда эса мутлақо йўқ эди.

Бўғзимга ёш тиқилди. Йиғлаб юборишдан кўрқиб, дераза ёнига чошиб бордим-да, кўчани томоша қила бошладим. Беш дақиқа олдин ҳаммаси ажойиб эди: бекатга яқинлашиб келаётган трамвай, хазонрезги дарахтлар ортидан кўриниб турган уйлар, кўчанинг бир четида ётиб олиб, қашинаётган ит – завқли кўринаётган эди! Агар вақт тўхтаб, от пойгаларидаги каби биз беш квадрат ортга сурилганимизда эди! Мен ўшанда ҳечам акам билан тоқ-жуфт ўйнамаган бўлар эдим!

– Яна ўйнаймизми? – сўрадим акамдан пешонамни ойнага тираганча.

– Йўқ, мен бошқа ўйнамайман, сен йиғлаб юборасан.

– Йиғламайман, Жеват, қасам ичаман, – дедим қаттиқ товушда унга яқинлашар эканман. – Фақат бошидаги қоидалар билан, ўша шартлар бўйича ўйнайман.

– Мен газета ўқимоқчиман.

– Яхши, – дедим мен. Кетаётиб, камайиб қолган қистирмаларни чийлаштириб ташладим. – Фақат менинг қоидаларим бўйича. Айт-чи, тоқми-жуфт?

– Фақат, йиғлама. Яхши, жуфт.

Мен ютдим, у менга Февзи Чакмак туширилган қистирмани тутқазди. Мен олмадим.

– Илтимос, менга қирол Фаррух, 78-рақамни қайтариб бер.

– Йўқ, деди у. – Биз бунга келишмаганмиз.

Биз яна икки қўл ўйнадик, яна ютқаздим. Учинчи қўлни ўйнамасам, яхши бўларкан! Наполеон, 49-рақамни бериб қўйдим.

– Мен бошқа ўйнамайман, – деди акам.

Мен ўтиниб сўрадим. Яна икки қўлни ютқаздим. У мендан қистирмаларни сўраган эди, қўлимда борини бердим. Мэн Уист, 28-рақамли Жюль Верн, 82-рақамли Фотих Султон Мехмет, 7-рақамли қиролича Элизабетта, 70-рақамли журналистлар – Желяли Солиҳлар, 41-рақамли Вольтерлар, 42-рақам – мен буларнинг ҳаммасини икки ярим ой ичида тўплагандим. Уларнинг ҳар бири ҳақида ҳар кун и ўйлардим, уларни шунақанги авайлаб-асрардимки, қўяверинг. Улар ҳозир ҳавода учиб юрар, хонада битта бўлиб сочилиб ётарди.

Бутунлай бошқа жойда, бутунлай бошқача ҳаётда яшаётган бўлганимда эди! Бувимнинг хонасига кирмай, фирчиллаган зинапоядан бир-бир пастга туша бошладим. Шу пайт негадир жонига қасд қилган суғуртачи қариндошимиз хаёлимга келди. Энг пастки зинага тушиб, бутунлай қоронғиликда қолдим. Орқага қайтиб, юқорига кўтарилдим ва бувимнинг эшиги ёнидаги зинага келиб ўтирдим.

– Қайнонангнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, – деди бувим. – Болаларни улғайтириб, кутасан энди.

– Яна бир марта илтимос қилиб сўрайман, ойи, мен болаларим билан шу ерга қайтмоқчиман.

– Сен бу чанг босган, арвоҳлару ўғрихонада иккита боланг билан тура олмайсан, – деди бувим.

– Ойижон, опаларим турмушга чиқиб, бу ердан кўчиб кетишгандан сўнг отамнинг охирги йиллари учаламиз қандай яхши тургандик!

– Ғузалим Мебрура, сен ўшанда кун бўйи отангнинг эски «Иллюстрасьон»ига тикилиб ўтирардинг.

– Мен пастдаги катта печкани ёқаман. Уй икки кунда исиб кетади.

– Ўшанга турмушга чиқма, дегандим-а сенга, – деди бувим.

– Яна битта аёл бўлса, биз икки куннинг ичида ҳамма ёқни чиннидай қилиб юборардик, – деди ойим.

– Бу уйга ўғри хизматкорни киритмайман, – қайириб ташлади бувим, – сен бу уйдаги чангларни артиб, тозалайман дегунингча ярим йил ўтади. Бу вақт ичида сенинг бетайин эринг ҳам қайтиб келади.

– Шу гапингиз гапми, она? – сўради ойим.

– Мебрура, бебаҳо қизгинам, иккита боланг билан бу ерга кўчиб келсанг, нима билан тирикчилик қиламиз?

– Ойижон, Бебекдаги уйимиз, ҳовлимизни со-тайлик, бўлмаса, мусодарага тушиб қолади, деб неча марта айтдим сизга.

– Мен бундай қоғозларга имзо ҳам чекмайман, кадастр идорасидаги ифлос ўғрилар билан юз-ма-юз бўлмайман, ер ютсин ҳаммасини!

– Ойижон, ундай деманг. Биз опам билан нота-риусни эшигингиз олдига олиб келдик-ку, – деди ойим овозини кўтариб.

– Мен бу нотариусга ўлсам ҳам ишонмайман, – деди бувим. – Унинг юзидан фирибгарлиги шундоқ кўриниб турибди. У нотариус ҳам эмасдир ҳали. Мен билан бундай оҳангда гаплашма!

– Яхши, ойи. Бошқа бундай қилмайман, – деди ойим. Кейин бизни чақирди:

– Болалар, болалар! Бўлинглар, кетамиз.

– Тўхта! Қаёққа?! – сўради бувим. – Биз яхшилаб гаплашиб ҳам олмадик.

– Сиз бизнинг келишимизни истамайсиз, ойи, – деди онам шивирлаганча.

– Буни ол. Болаларингга ҳўрозқанд.

– Улар тушликкача ширинлик ейишмайди, – деди онам ва акам иккаламизга очиб берган хонага кирди. – Бу қистирмаларни ким сочиб юборди? Тезда териб олинглар-чи. Сен ҳам қараб турма, – деди онам акамга.

Биз индамай қистирмаларни териб олдик. Онам эски қутиларни очди, болалар кийими, шойи парда, қоғоз қутичаларга қаради. Тикув машинасининг остидан кўтарилган чанг томоғимга тикилди, кўзимга ёш тўлди, бурним қичишди.

– Мебрура, қизгинам, мана бу чойнакни ол, уни яхши кўрасан, ахир. У – сеники. Бобом уни онам учун Шишли губернатори бўлган пайтда Хитойдан келтирган! Ола қол, илтимос.

– Мен бошқа сиздан ҳеч нарса олишни истамайман. Чойнакни эса шкафга солиб қўйинг, синдириб қўясиз, ахир. Болалар, бувингизнинг қўлидан ўпинглар.

– Мебрура, қизгинам, бечора онангдан аччиқланма, – деди бувим бизга қўлини узатаркан. – Нима бўлганда ҳам мени ташлаб қўйма, келиб тур.

Биз зинапоядан тез тушдик, темир эшикни ёп-дик, ташқарига чикдик ва қуёшнинг илиқ нурларига кўмилдик, тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан симирдик.

– Эшикни яхшилаб ёпинг! – баланддан туриб қичқирди бувим. – Мебрура, келгуси ҳафтада ҳам кел, майлими?

Онам қўлимиздан ушлади ва биз йўлга тушдик. Биз йўтала-йўтала бекатда одамлар билан бирга трамвайни кутдик. Трамвай келиб тўхтаган заҳоти акам билан келишганимиздай ҳайдовчи кўри-ниб турадиган олдинги ўриндиққа ўтириб олдик ва «жуфт-тоқ» ўйинини бошлаб юбордик. Мен қувонганимдан кетма-кет ютдим-у, шу ернинг ўзида яна ютқазиб қўйдим. «Усмонбей» бекатида акам таклиф қилди:

– Ўн бешта қистирмангни истагингга кўра ал-маштираман.

Мен яна ўйнай бошладим. Мен ўзимда яши-риб қўйган иккита қистирмамдан бошқа ҳамма-сини ютқаздим. Онамнинг олдига келиб ўтирдим. Йиғламадим. Онам каби деразадан липиллаб ўта-ётган ғаройиб, ҳеч вақоси қолмаган дўконлар, нон-войхона, гуруч унидан кисел тайёрлайдиган со-тувчилар чодирлари, биз тез-тез тушиб турадиган «Тан» кинотеатри, деворга суяниб турган болалар ва арзон-гаровга сотадиган китобфурушлар, мен доим қўрқиб қарайдиган қайчили сартарошлар, шу сартарошлар ёнида изғиб юрувчи маҳалла де-воналари (бундайлар ҳар бир маҳаллада учрайди) – ҳаммасини томоша қилиб борардим. «Ҳарбийлар» бекатида трамвайдан тушдик. Акам жуда хурсанд эди ва бу мени ақлдан оздираётганди. Чўнтагим-дан Линдберг тасвири туширилган қистирмалар-ни чиқардим. У бундай қистирмани биринчи мар-та кўриб турарди.

– 91-рақамли Линдберг, – ҳайратланиб ўқиди акам. – Самолётда Атлантикадан учиб ўтган. Қардан олдинг?

– Кеча мени эмлашмади, – дедим мен. – Мен уйга эрта қайтдим ва отам кетиши олдидан кўриб қолдим. Отам олиб бердилар менга.

– Унда ярми менга, – деди акам. – Шунга келишганмиз. Охирги ўйиндаги қистирмаларнинг ҳаммаси меники.

У қўлимдан қистирмаларни олишга уринди, аммо ололмади. Шунда у билагимдан ушлаб олди-да, маҳкам қисди, аммо мен унинг оёғига тепиб юбордим. Биз олиша бошладик.

– Бас қилинглар! – қичқирди ойим. – Бас қилинглар! Кўчанинг ўртасида-я!

Биз олишувни тўхтатдик. Ёнимиздан галстукли эркак ва қалпоқли аёл ўтиб борарди. Кўчада ёқалашаётганимиздан мен ерга киргудек бўлмоқда эдим.

Акам икки қадам юрди-да, ерга ўтириб қолди.

– Вой-вой-вой, – деди у оёғини ушлаб.

– Тур ўрнингдан, – шивирлади онам. – Тезроқ тур. Ҳамма бизга қараяпти.

Акам турди ва бутун оғирлигини битта оёғига солиб, фильм қаҳрамонларидай юра бошлади. Мен бир томондан, унинг оёғи қаттиқ оғриётганига ачинсам-да, иккинчи томондан, унинг қийналаётганини кўриб, завқланардим. Биз бир муддат индамай кетдик, сўнг акам менга деди:

– Мен сенга уйда кўрсатаман, – кейин онамга: – Ойи, Алини эмлашмабди! – деди.

– Йўқ, мени эмлашди, ойи!

– Жим! – аста қичқириб онам.

Биз уйга яқинлашдик, фақат йўлни кесиб ўтиш қолди, холос. Биз Мачкадан келаётган трамвай

ўтиб кетишини кутиб турдик. Унинг орқасидан юк машинаси, кейин тутун бурқситиб, Бешиктошдан келадиган автобус ўтди. Бошқа томондан эса гиацинт рангидаги «Десото» кўчани кесиб ўтди ва кўздан йўқолди. Мен шунда деразадан қараб турган бувамни кўрдим. У бизни кўрмасди, илғамасди ҳам, ўтиб кетаётган машиналарни кузатарди, холос. Мен унга узоқ тикилиб қолдим.

Йўл аллақачон бўшаган эди. Мен онамга қайрилиб қарадим, нима учун бизни кўчанинг нариги томонига олиб ўтмаётганига тушунмасдим. Онам овоз чиқармай йиғларди...



ЭЛИС МАНРО
КАНАДА
(1931)

Элис Манро 1931 йилнинг 10 июлида Канаданинг Онтарио вилоятидаги Уингем шаҳарчасида таваллуд топган. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами 1968 йилда китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган.

Элис Манро 2013 йили адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Манронинг «Сизга бир гап айтмоқчиман», «Ошкора сирлар», «Нафрат, дўстлик, мулозамат, муҳаббат ва никоҳ», «Қочқин» каби инсонлардаги турфа муносабатлар, характеру кайфиятлар, айниқса, аёл руҳиятидаги мураккаб кечинмалар чуқур бадий таҳлил қилинган тўпламлари унинг «канадаликларнинг Чехови» деб номланишига сабаб бўлди.

Шунингдек, у адабиёт соҳасидаги эътиборли совринлардан бири – Букер мукофоти, уч марта О.Генри мукофоти ва уч карра Канаданинг адабиёт соҳасидаги бош мукофоти билан тақдирланган.

ЮЗ

Оилада фарзанд дунёга келиши бу катта қувонч ва чексиз бахтдир. Бўлажак отанинг туғруқхона эшиги олдида хушхабар кутаётган пайтдаги ҳаяжонлари эса бу бахтнинг қадрини яна бир қара ошириши айна ҳақиқат...

Билишимча, отам мени туғилганимда атиги бир марта кўрган. Ўша пайтларда эркакларни туғруқхона эшигига яқинлаштиришмас экан. Аёлларнинг бақириқлари ва эндигина туғилган чақалоқларнинг йиғисига тўлган касалхонада оталар фарзандларини фақат алоҳида хонага олингандан сўнггина кўришлари мумкин бўлган. Мен ва ойимни ҳам алоҳида хонага жойлаштиришгач, отам юрагида қанчалар ҳаяжон билан мени кўришга ошиққан бўлса, унинг эшик томон яқинлашаётган оёқ товушларини эшитган онамнинг қўрқуви шунчалар ошганини тасаввур этиш мушкул эмас. Барча эркаклар орзу қилган каби у эрига ўғил туғиб берди. Аммо раҳмат ва миннатдорлик ўрнига умр йўлдошидан:

– Бир парча гўштнинг ўзгинаси... Аекин бунинг олиб бориш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирма! – деган гапларни эшитганида бечора онаизорим ўзини хўрлик ва таҳқир ботқоғига ботгандек ҳис этганини қалбан сезиб тураман. Ўз зурриётига жирка-

ниш нигоҳи билан қараётган отани кўришга унинг бардоши қандай етди экан-а?

Юзимнинг бир томони барча болаларники каби. Бўйим ҳам, оғирлигим ҳам соғлом чақалоқлигимни исбот этиб турган. Хуллас, оқ-сарикдан келган, дундиққина гудак бўлганман.

Болалик инсон умрининг тоғ чўққисидаги қорлар каби беғубор, гул япроғи устидаги шабнамдай тоза дамлари бўлиб, уни ҳаёт йўлингизнинг ҳар бир бека-тида қўмсайсиз... соғинасиз... яна бир лаҳзага бўл-са-да, унга қайтгингиз келади. Аммо менинг бу ёруғ кунларим ҳасратнинг қора калхатларига ўлжа бўл-гани учун, баҳорни кўрмай кузнинг совуқ елларида учиб кетган болалик орзуларим учун тақдиримдан хафаман... норозиман... шу туфайли баъзан дунёи дунга ўт қўйгим келади. Буларнинг барига: отам-нинг нафратига, ҳаётдан совишимга сабаб бўлган чап юзимдаги туғма доғни кўрмаслик учун ҳатто ойнага яқинлашмаган кунларимнинг адоғи йўқ. Кўрган кишининг кўзларига ҳайратни ошно қилув-чи бу доғ юзимга атайлабдан сепилган узум шар-батини эслатади. Гуё кимдир бир пиёла шарбатни чап юзимга сепган-у, унинг томчилари то бўйнимга қадар сизиб тушгандек эди. Бурнимнинг атрофи ва кўзимнинг остигача ёйилган бу чандиқ ҳаётимни аламга тўлдиргани ҳар кўзгуга боққанимда ёдимга тушиб, юрагимни бир четдан кемирарди. Ўз-ўзим-дан нафратланишимни истамаган онам эса кўнг-лимни кўтариш билан овора эди.

– Бу кўзингни яна ҳам маънодор қилиб кўрса-тади, – дея мени тинчлантирар, менинг бола кўнг-лим эса бунга ишонар ва шу илиқ сўзлар тафтида исинарди. Отам эса мени тан олмас, ҳатто унинг зурриёти эканимдан ҳам тонишга тайёр эди. Аммо мени ранжитадиган нарсаси, аслида, бу эмасди.

Менинг туғилишим, борлигим ота-онам ўртасида бузилмас девор бўлганига чидолмасдим, ўзимни кечиролмасдим. Уларнинг туганмас тушунмовчиликлари, адоқсиз дилхираликларининг сабабчиси бўлганимга ишонмасдим, ишона олмасдим.

Отам кўн заводининг эгаси бўлган тадбиркор кишининг фарзанди эди. Бувам қурган катта ҳовли ва боғ ҳозир ҳам мавжуд. Бу оиламизнинг мулки ҳисобланади. Отам коллежни тугатиб, суғурта бизнеси билан шуғулланган. Шаҳарда унинг ўзига яраша обрўи бор эди. Ақлимни таниганимдан буён отамнинг юзида нафрат ва ҳазардан бошқа ифодани кўрмаганман. Бу икки сўз отам билан доимо бирга, худди унинг луғатида шундан бошқа сўз йўқдек. У ҳатто онам тайёрлаган овқатдан, мусиқадан, радиоэшиттиришлардан, телесериаллардан, ҳатто ўтаётган ҳар бир кунидан нафратланиб яшаётгандек туйиларди менга. Отам ёлғиз ўзи нонушта қилар, тушликда уйга келмасди. Онам ҳар доим мен билан овқатланар, кечки овқатда отамни кутарди. Кечки овқат ҳам жанжалсиз ўтмасди. Мен эса бахтли турмушга сабаб бўлолмаган норасида бўлиб икки ўртада қолиб кетардим. Аммо ҳанузгача уларнинг қандай қилиб бирга яшашганига ақлим етмайди.

Онам коллежда ўқимаган, ўқитувчилар тайёрлайдиган курсларга бировлардан қарз кўтариб қатнаган. Атрофдагиларнинг айтишича, онам отамни ҳайратлантирадиган аёл бўлмаганмиш. Чиндан-да, унинг лаблари лаб бўёғи кўрмаган, юзи упа-эликдан йироқ, кенг пешонасига бир толаси ҳам туширилмай орқага таралган сочлари нурсиз эди. Унинг кийимларига мода деган тушунча мутлақо ёт, ваҳоланки, унинг тенгқурлари мода, деса ўзини томдан ташлашга-да тайёр эди.

Отамнинг ҳаддан ташқари кўп ичиши ва чекиши охир-оқибат ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, уни тўшакка михлади. Эллик ёшида отам ўлим билан юзлашди. У бир неча ой касалга чалиниб ётди. Онам эса унинг атрофида гирдикапалак бўлиб парвариш қилди. Волидамнинг шунчалар дарё кўнгли бор эдики, эрининг хўрлашларига, ҳолдан тойгунча ҳақорат қилишларига қарамай унга ғамхўрлик қилди, бунининг вазифаси, деб билди. Таъзия куни бир мўйсафид аёлнинг менга айтган сўзлари ҳамон эсимда:

– Сенинг онанг авлиё.

Аммо бу аёл менга ёқмаганди. Ўшанда коллежнинг иккинчи босқичида ўқисам ҳам отамнинг жамоасига қўшилмадим, биров таклиф ҳам қилгани йўқ. Хуллас, унинг ишини давом эттиришни хоҳламасдим. Дўстларимнинг бири актёр, бири ёзувчи, бири яна кимдир бўлишни орзу қилиб юрарди. Онам мени ҳеч нарсага, ҳатто касал отамнинг олди-га кириб мурсою мадора қилишга ҳам мажбурламасди. У бутун борлигини менга бағишлаганди. Аввал бошда уйда саводимни чиқариб, сўнг мактабга жўнатди. Бўйим баланд ва бақувват бола бўлганим учун ўзимни эплашимга ишонарди. Аммо катта бошим ва мурғак қалбим билан уйимиздаги ёвузлик ва нафратнинг сабабчиси отам эканини, у туфайли уйимизда бахтсизлик ҳукмронлигини англай олардим. Беғубор нигоҳларимга отам йиртқич махлуқ, онам эса халоскор ва ҳимоячи бўлиб кўринарди. Аммо ҳикоямнинг ягона сабабчилари булар эмас. Ҳаётимдаги катта драманинг сабаби бошқа. Ана шу сабаб мени ёзишга ундади.

Мен актёр бўлдим. Қизиқ-а? Коллежда театр-га яқин кишилар орасида ўралашиб юрардим ва охирги курсда ўқиётганимда бир пьесани сахна-

лаштирдим. Ўша пайтларда радио орқали турли сериаллар бериб бориладди, улар орасида энг машҳури ҳар якшанба куни узлуксиз узатиладиган Шекспир асарлари эди. Овозим ниҳоятда мослашувчан бўлиб, бир неча машқдан кейин қолипга тушиб кетарди. Аста-секин радиода ҳам ўз тингловчиларимга эга бўлдим. Иш фаолиятимнинг охирги йигирма йилини бир мусиқали шоунинг бошловчилигига бағишладим. Дастур катта муваффақият қозонди, мактубларнинг кети узилмасди. Қариялар уйидан, кўзи ожизлардан, уйларида тозалаш, дазмоллаш, пишир-қуйдир билан банд бўлган уй бекалари, кун бўйи рудда юрадиган ҳайдовчилардан, хуллас, барчадан мақтов эшитардик. Аммо менинг истеъфога чиқишим мухлис-ларга бироз бошқача таъсир қилди. Уларнинг айтишича, яқин дўстларидан ёки оила аъзоларидан айрилиб қолгандек ҳис этишибди ўзларини. Онамнинг вафотидан сўнг қалбимда яна тушқунлик пайдо бўлди. Бизга мерос қолган уйда яшамаганим учун уни ижарага бергандим, кейин уни сотмоқчи бўлдим. Ўзимни анчагача ёлғиз ҳис этган бўлсам ҳам, танишларим ва дўстларимнинг даврасида бу билинмай кетарди. Бир нечта аёл танишларим ҳам бўлиб, улар орасида мен ўзимга яқин оладиганим котиба бўлиб ишларди. Мен учун жуда ажойиб ва меҳрибон бўлган бу аёл тўрт боласи билан ёлғиз қолган эди. Мен истеъфога чиқиб, эски уйимга қайтганимдан кейин у билан телефонда кўп суҳбатлашардим. Уни уйимга таклиф қилишни режалаштириб юрганимда унинг турмушга чиқаётганидан ва тўйдан кейин Ирландияда яшашидан хабар топдим...

Эски уйимнинг атрофидаги бобом қурган боғ ниҳоятда катта бўлиб, у ерда кўп йиллик дарахт-

лар, буталар ўсиб ётарди. Болалигимда Пит исмли бир боғбон бўларди ва у боғда кун бўйи ишларди. Сабабини билмадим-у, негадир у бир оёғини судраб босарди. Гарчанд Пит онамнинг гулзор жўякларини тўғрилаш ҳақидаги таклифларига қулоқ тутмаса-да, онам унга мулойимлик билан муносабатда бўларди. Пит мени ёқтирмасди, чунки унга ҳалал бериб, жиғига тегардим ва масхара қилиб қочардим. Аммо иккимиз ҳам бахтсиз тақдирнинг қурбонлари эдик. Аввал бувамнинг хизматкорлари яшаган хоналарнинг бирида Пит яшарди. Болалигимда бу ерда Шерон Сатлис деган аёл Нэнси исмли қизи билан турарди. Унинг эри шифокор бўлиб, бир неча йил олдин оламдан ўтганди. Ўшанда у пулсиз ва бошпанасиз қолганди. Кейин отамнинг суғурта офисига ишга кириб уйимизда яшашган. Биринчи марта Нэнсини кўрганимда у уч ёки тўрт ёшли қизалоқ эди. Мен унинг онасини миссис Сатлис деб чақирардим, чунки унинг исми ўша пайтларда жуда камёб эди. У кўпинча Нэнсини биз билан соҳил бўйига олиб борарди ва бизга сузишни ўргатарди. Мен Нэнси билан кўп тортишардим, онам эса:

– Нэнси ҳали кичкина, сен унга акалик қилишинг керак, – дерди.

Кейинчалик биз яхши чиқишадиган бўлдик. Дарахтдан дарахтга сакраб ўйнаб юрардик. Қишда эса қордан коптокчалар ясаб, кўчадан ўтганларни савалардик. Ҳовли ўртасида катта қорбобо ясаб, сўнг уни бузиб ташлашдан иккимиз ҳам роҳатланардик. Ҳозир унинг юзини аниқ эслай олмайман. Фақатгина чиройли сочлари, рангли қалам билан бўяб қўйилгандек қип-қизил яноқлари ҳамон кўз олдимда. Биз у билан расм чизишни яхши кўрардик. Омборхона олдида расм чизиб, бир-биримиз-

га кўрсатардик. Кунларнинг бирида мен чизган расмимни унга кўрсатмоқчи бўлдим, у эса:

– Мен бандман. Бироз кутиб тур, – деди менга орқасини ўгирганча ва бироздан сўнг:

– Сенга ўхшадимми? – дея менга юзланди. У худди қойилмақом иш қилгандек завқланарди. Мен эса унинг юзига қилт этмай қараб турардим. Уйда онамнинг иложи борица мени кўзгуга яқинлаштирмаслигининг, барча кўзгулар менинг бўйим етмайдиган жойга илиб қўйилганининг сабаби шу эканига ишона олмасдим. Нэнсини кучим борица қаттиқ итариб ташладим-да, югуриб кетдим. Чопиб кетарканман, бунинг қўпол ҳазил эканини исботловчи бирор ойнани ёки кишини топишни хоҳлардим. Жаҳлим чиққанидан тишимни тишимга қўйиб, фақат Нэнсидан ўч олиш ҳақида ўйлардим. Ҳовлимиз томон шахд билан югуриб бориб, ҳовли ўртасида ойимга кўзим тушди-да, таққа тўхтадим. Кўнглим тўлиб кетганидан ҳиқиллаб йиғлай бошладим ва ойимга айта олган ягона гапим «Йў-ў-қ, менинг юзим қизил эмас, йў...ў..қ!» бўлди. Менга кўзи тушган ойим қандай қилиб олдимга келганини на мен, на ўзи англай олган бўлса керак. Унинг юзидаги ҳайрат ва тушунмовчилик ортимдан чопиб келган Нэнсини кўриши билан ғазабга айланди. Лаблари титраб кетди-ю:

– Се..е..ен ёмон қиз э..экансан, – дея йиғлаб юборди. – Бизга яқинлаша кўрма, асло... Ёмон қиз экансан! Сенга инсоний шафқатни ўргатишмаган экан!

Бақир-чақирни эшитган Нэнсининг онаси югуриб келди:

– Ҳа, нима гап, нега бақиряпсиз? – деди ойимга тикилиб.

Ойим чуқур нафас олди ва:

– Мен ҳали бақирганим йўқ. Қизингизга... шу шафқатсиз болангизга уйимизга қайта қадам босмаслигини айтяпман. Бировнинг нуқсони устидан кулмаслик кераклиги ўргатилмаган тарбиясиз болани ортиқ кўришни хоҳламайман, унинг тарбиясизлигига сиз айбдорсиз, – деди гўё ичидаги бутун нафратини тўкиб-солаётгандек. Мен эса унинг этагига осилганча дедим:

– Бўлди, ойижон, бўлди!

Аммо унинг аҳволи ёмонлашиб кўзларида ёш қалқир, тинмай титрарди. Нэнсининг онаси эса:

– Эрингизнинг сизга ва болангизга бўлган нафратига биз айбдор эмасмиз. Аламингизни бор гапни айтган боладан олманг. Хоҳласангиз ёрдан беришим мумкин...

– Ба...а...ас! Бўлди қилинг! – дея бошини чангаллади ойим. Шу маҳал кўшни аёл Нэнсининг онасини чақириб қолди. – Кетинг, кўзимдан йўқолинг, – деб бақирарди онам.

Ҳаётимда кескин бурилиш ясаган кўнгилсизликларнинг бари шанба куни бўлиб ўтганди. Душанба куни улар уйимизни бўшатишди. Аммо ўша куни Нэнсининг онасида ҳеч қандай афсусни ҳам, ачиниш ва асабийлашишни ҳам сезиш қийин эди. Шундан сўнг мен Нэнсини анчагача кўрмадим. Тўғрироғи, ундан шунчалар хафа эдимки, ҳатто уни эслашни ҳам истамасдим. Онам баъзан у ҳақдаги саволларимга нари-бери, мужмал жавоб бериб қўя қолар, ўзининг ҳам, менинг ҳам ҳали битмаган ярамизни қайта жароҳатлашни хоҳламасди. Унинг бор фикри-хаёли мени қайсидир мактабга жойлаштириш билан банд бўлиб қолди.

Отамнинг дафн маросимидан бир кун ўтгач, мен ойимдан ресторанга боришни сўрадим. Менинг бу гапим уни роса ҳайратлантирди:

– Мен шу лаънат теккан уйда бир умрга михла-
ниб қўйилганман, деб ўйлардим.

Ўшанда онам биринчи марта мен билан вино
ичди, ўзига бутунлай ёт муҳитда унинг руҳи бироз
енгил тортганини сезардим. Аммо ўша куни айт-
ган бир гапим онамнинг юрагида бир умрлик дард
бўлиб қолганини асло унута олмайман:

– Отам менинг ҳақиқий отам эмасди! Шундай-
масми?

– Эсингни йиғ! Гапингни ўйлаб гапир! – деди
онам кўз остидаги асаб толаларининг титрагани-
ни кўрсатиб.

Мен ойимга юзимдаги ва овозимдаги мунгни
кўрсатмаган бўлсам-да, юрагимни эзаётган гап-
ларнинг кўпини тўкиб солгандим. Онам ҳам мен-
га Нэнси ҳақидаги бир гапни айтди. Айтишича,
Нэнси онаси билан бизнинг уйдан кетиб алоҳида
яшашганида бир нохуш воқеа содир бўлган экан.
Куз тонгларининг бирида онаси уни ювиниш хо-
насидан қонга беланган ҳолда топиб олади. Кич-
кина қизалоқ бўлган Нэнси ёшлик қилиб устара
билан юзининг терисини шилиб олган экан. Ўша
пайтларда биз томонларга тез ёрдам машинаси
келмасди, ҳисоб. Онаси бир амаллаб уни касалхо-
нага олиб борган.

– Энди унинг яноқларида ҳам сеникидек чан-
диқ бор, – деди ойим чуқур хўрсиниш билан. Мен
эса унинг сўзларини гўё нафас олмай эшитардим.

– Ўғил бола бўлганда ҳам майли эди. Лекин қиз
болага бундай чандиқ билан юриш азоб, – қўшиб
қўйди онам.

– Ҳозир пластик операциялар ривожланиб кет-
ган. Бир иложини қилишгандир, – дедим ўзимни
бепарво тутиб.

Онам то ўша пайтгача менга бу ҳақда айтишдан
ёки ўзим бирор нарса сўраб олишимдан қўрқиб

юрганини ҳам айтди. Суҳбатимиз охирида Нэнсига уйланишимни исташини эшитиб бироз ажаблангандим...

Бир неча кун олдин боғимиздаги бир эски олма дарахтининг атрофларини тозалаётганимда кўзимга нимадир кириб кетганини сездим. Кўзим шунчалик ачишиб қичишдики, чидай олмадим. Қандай қилиб касалхонага борганим ҳозир ёдимда йўқ. Ўзимга келганимда эса кўзларим боғланган ва шифокорлар бир кун касалхонада қолишим кераклигини айтишди. Кўз тўқималарим жароҳатлангани сабаб икки кўзимга ҳам дори боғлашди. Касалхонадаги бир кеча ниҳоятда нотинч ўтди. Кўзларим боғлангани сабабми, билмадим, худди бутун вужудим қулоққа айлангандек ва энг паст товушни ҳам эшитаётгандек эдим. Айниқса, хонам томон яқинлашаётган оёқ товушини. Бу аёл кишининг қадам босиши, лекин ичимда нимадир бу ҳамшира эмаслигини бот-бот такрорларди.

– Нимагадир ухлай олмаяпсизми? – деган саволдан овоз келаётган томонга ўтирилдим. – Мен сизга суҳбатдош бўлишим мумкин, – давом этди у, мен эса унинг қаердалигини билиш учун қўлларимни ҳавода ҳаракатлантирардим.

– Мен шунчаки, сиз билан гаплашиб ўтирмоқчиман, – деди ёқимли овоз соҳибаси. – Агар сиз хоҳласангиз, албатта. Бу ердаги кўп одамлар кўзлари боғланган ҳолда ётишдан зерикашади.

– Суҳбат мавзусини ўзлари танлашадими ёки сиз? – сўрадим мен.

– Албатта, ўзингиз танлайсиз.

– Мен шеърятни севаман.

– Мен унчалик ҳам маҳорат билан ўқий олмайман.

Буни мен аллақачон пайқагандим, чунки бу бо-
рада радиода орттирган тажрибам бор.

– Биз бир ўйинни ҳам ўйнасак бўлади, – деди у ҳамон кўтаринки овозда.

Мен шеърнинг бир ёки икки қаторини ўқийман, сиз эса қолганини топишга уриниб кўрасиз. Келишдикми?! Маъқулми сизга?

– Яхши.

– Қирол турар савлат тўкиб... – дея шеърнинг биринчи қаторини ўқиди ва менинг жавобимни кутарди.

– Қўлда қадаҳ, вино ичиб... – ҳозиржавоблигим уни руҳлантириб юборди ва шеърнинг давомини ўқишга тутинди. Унинг қувноқ кайфияти менга ҳам таъсир қилди ва шу тариқа анчагача мушоира қилдик.

– Жуда ажойиб! Худди радиодагидек. Мен сизни радио орқали тинимсиз эшитиб борардим.

– Наҳотки! Ростданми? – ҳаяжонланиб кетдим тўсатдан.

– Албатта. Бир мен эмас, кўпчилик шундай қиларди.

У шеър ўқишни тўхтатди ва мен томонга яқинлашди:

– Жуда қисқа нафас оляпсиз, – деди у ва юмшоқ қўлларини лабларим устида секин ҳаракатлантирди... Юзимга урилаётган иссиқ нафасидан унинг менга қанчалар яқин турганини ҳис этдим.

– Энди мен боришим керак. Аммо бир мисрани айтмоқчиман. «Ҳеч ким йиғламайди сенинг-чун узоқ, Сени соғинаман, қиламан дуо. Ёдинг қолар қалбимда шундоқ...»

– Мен бунини олдин эшитмаган эканман, – дедим шеърнинг таъсирида ҳисларимга кўмилганча.

– Ростданми? – деди у. Гарчи унинг юзини кўрмаётган бўлсам-да, унинг кўзларидаги маънони уққандек бўлдим.

– Ростдан. Сиз голибсиз...

Бу бизнинг биринчи ва охирги суҳбатимиз бўлди. Мен унинг юзини кўрмаган бўлсам-да, ҳамон қўнғироқдек овози қулоғим остида жаранглаб турди.

Кеч куз эди... Уйдаги эски китобларнинг бир қанчасини хайр-эҳсон ташкилотига бериш учун саралаётган эдим. Тўсатдан китоблардан бирининг ичидан сарғайиб кетган қоғозни топиб олдим. Унда қалам билан ёзилган бир шеър бор эди. Буни онам ёзмаганини аниқ биламан, бироқ отам ёзганига ҳам шубҳам бор. Унда ким? Билмадим! Шеърнинг ҳатто сарлавҳаси ҳам йўқ эди. Фақат қоғознинг охирида муаллифнинг номи «Вольтер де ла Мар» дея қайд қилинганди. Шеърга кўз югуртирарканман, унда шундай сатрлар бор эди.

*Йўқдир ҳеч қандай алам,
Руҳингга бўлай малҳам....
Қара, қуёш чарақлар,
Гуллар юзида ханда...*

Аммо шеърнинг охирги сатрларини ўқиганимда бошимдан совуқ тер қуйилгандек, қалбимнинг бир четини кемириб ётган аллақандай номсиз туйғулар ғалаён кўтаргандек бўлди.

*Ҳеч ким йиғламайди сенинг-чун узоқ,
Сени соғинаман, қиламан дуо.
Ёдинг қолар қалбимда шундоқ,
Гарчи сен бўласан мендан кўп йироқ.*

Ҳа, бу ўша мен охирини тополмаган тўртлик...
Ҳа, ўша... Бу шеърни ўқиганимдан сўнг қаттиқ ту-

риб олган қароримни ўзгартиришни ўйлаб қолдим. Уйни сотмайман, деб таъкидладим ўз-ўзимга...

Ишончим комилки, агар мен Ненсини бирор ерда учратиб қолсам, кўчадами, бекатдами, умуман қаерда бўлсада, иккаламиз ҳам юзимиздаги доғдан уялиб, бир-биримизнинг кўзимизга қарай олмаган бўлардик. Наридан бери сўрашиб, ўзимизни шошаётгандек кўрсатиб хайрлашган бўлардик. Балки бошқача ҳам бўлиши мумкиндир!

Биласизми, инсон ҳаётида шундай воқеалар бўладики, у бутун ҳаётингизни ўзгартириб юборди. Бу шунчаки воқеа эмас, унинг аҳамиятини сиз бир умр яшаб ҳам билмаслигингиз мумкин...



МУНДАРИЖА

Юксак эътирофга молик асарлар.....	3
<i>Генрих Сенкевич</i>	
Фаришта.....	9
<i>Редъярд Клиплинг</i>	
Тоғ қизи.....	22
<i>Рабиндранат Тагор</i>	
Ака ва ука.....	30
<i>Кнут Хамсун</i>	
Закгей.....	40
<i>Томас Манн</i>	
Қўнгил қолса, ёмон бўларкан.....	56
<i>Иван Бунин</i>	
Мадрид.....	66
<i>Луижи Пиранделло</i>	
Икки ўртоқ.....	75
<i>Ҳерманн Ҳессе</i>	
Флейта Орзуси.....	85
<i>Уильям Фолкнер</i>	
Қоронғи тушганда.....	95
<i>Эрнест Хемингуэй</i>	
Кўприк бўйидаги чол.....	123
<i>Жан-Поль Сартр</i>	
Маҳбус.....	129
<i>Михаил Шолохов</i>	
Хол.....	154
<i>Ясунари Кавабата</i>	
Аёл тушлари.....	169
<i>Дорис Лессинг</i>	
Афсун.....	185
<i>Габриэль Гарсиа Маркес</i>	
Бальтасарнинг унутилмас куни.....	197
Оғриқ тиш.....	208
<i>Нажиб Маҳфуз</i>	
Бахт қиймати.....	213
<i>Орхан Памук</i>	
Дераза орти манзаралари.....	225
<i>Элис Манро</i>	
Юз.....	258

Адабий-бадий нашр

АФСУН
Нобель мукофотига сазовор бўлган
ёзувчиларнинг ҳикоялари

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадий муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖҲРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Иброҳим ИНҚИЛОБОВ

Лицензия рақами: АИ № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 21.04.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғози.

Босма табағи 8,25. Шартли босма табағи 13,86.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 88.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlodi@mail.ru



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-789-9



9 789943 207899